

АНОР

БЕШ ҚАВАТЛИ  
УЙНИНГ ОЛТИНЧИ  
ҚАВАТИ

*Роман*

Озарбайжончадан **Усмон Қўчқор** таржимаси

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2004

Таниқли озарбайжон ёзувчиси Анор ўзбек китобхонларига яхши таниш. Унинг кўплаб қисса ва ҳикоялари ўзбек тилида чоп этилган. Муаллиф «Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати» номли ушбу романида ҳам, бошқа асарлари каби қаҳрамонларнинг руҳий-психологик ҳолатларини теран тасвирлайди, инсонлар ўртасидаги муносабатлар нақадар нозик ва чигал, тақдирларнинг нечоғли мураккаб эканлигини жуда ёрқин ва ранг-баранг образлар орқали очиб беради.

А 67

### **Анор**

Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати: Роман  
(Озарбайжончадан У. Кўчқор таржимаси. – Т.:  
«Маънавият», 2004. – 224 б.

ББК 84(5АЗе) 6-44

A 4702620204 – 9  
M25(04) – 04 29-03

© «Маънавият», 2004

## БИРИНЧИ БОБ

*Бу висола юху<sup>1</sup> аҳволи демак мумкин эди,  
Юху ўлсайди агар дийдайи гирёнимиза<sup>2</sup>.*

...аммо қўққисдан сукунат чўқди. Чала уйқуда ётган Заур ҳатто бир оз таажжубга тушди. Ахир не ҳодиса рўй бердики, каттакон меҳмонхонанинг шовқин-сурони, бегона, хорижий тилдаги суҳбатлар, кулгилар, қаердан-дир жуда олисдан эшитилаётган мусиқий садолар (саксафон, рояль, бошқа чолғу асбоблари чалинаётган эди), лифтнинг ғичирлаши, бошқа овозлар қўққисдан ғойиб бўлди ва бу таниш овозлар қатори океаннинг гувиллаши ҳам тинди...

Тун яримдан ўтган эди. Вақт жадвали, одамларнинг ётиб-туриш тартиботлари бутун дунёда тахминан бир хилдир ва эндилиқда бу жадвалнинг ҳукми инсонларнинг, улар ижод этган машиналар, механизмлар, асбобларнинг овозлари билан биргаликда гўё табиатнинг муҳташам хилқати бўлмиш океан товушини ҳам кесиб қўйгандек эди.

Уйқунинг ёпишқоқ қуюқ бўтқасида (бу ерларнинг ҳавосига ўхшарди бу бўтқа) ботиб қолган, жаҳд билан бедорлик оламига чиқишига уринаётган Заур: Фарангиз деразаларни бекитган бўлиши керак, холос, дея ўйларди; товушни ўтказмайдиган деразалар ташқаридаги бутун садоларни, куйларни, ўйин-кулги овозларини қесиб қўйди, улар Заурнинг нимхоб-нимбедор шууридан ташқарида қолди.

Кулоқни тешиб юборгудек жаранглаётган сукунатдан сўнг хона қоронгилик оғушига гарқ бўлди; Фарангиз деразани ёпгач, чироқни ҳам ўчирди. Заур юмилган қабоқлари орасидан туси ўзгариб бораётган қоронгиликни ҳис қилиб ётарди – аввал хона олатўрон тусга кирди – ваннанинг

<sup>1</sup> Юху – уйқу.

<sup>2</sup> Эпиграфлар Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достони ва «Девон»идан олинган.

очиқ эшигидан полга тўрткунж шуъла тушиб турарди. Эшик бекитилгач, хонага хобчироқнинг нимтатир атири хиди каби заиф шуъласи ёйилди. Фарангиз бу чироқни ҳам ўчирди ва шу заҳоти хонага қуюқ зулмат чўқди.

Заур зил-замбил қабоқларини очди, хонанинг қатрон каби қуюқ бу зулматида бир лаҳза ўзини муаллақ қолган-дек ҳис этди – қаер бу ер, ўзи қаерда ётибди – билмасди. Аммо бу оний ҳол эди, холос. Бир лаҳзадан сўнг гарчи кўзлари бу қора зулматда ҳеч нарсани фарқлай олмаётган бўлса-да, қаерда ётганини аниқ идрок эта бошлади – меҳмонхонанинг бир хонаси эди бу ер, тун чўккан эди, олис масофалардан, учишлардан, югуриб-елишлардан ва бошқа ташвишлардан толиқкан кун ўтиб бўлган, умрининг тағин бир куни ўз интиҳосига етган эди. Бу интиҳо дақиқалари Заурнинг кўзларидаги губорни аритиш учун мудрай бошлаган эди. Мана, кеча яримдан ўтган, янги кун, янги сана бошланган эди. Аммо бу қандай кун, қандай сана? Москвадан Африкага ўн бир соатлик парвоз мобайнида улар Овруподан, Ўрта Ер дengизидан, Саҳройи Кабирнинг устидан учиб ўтган эдилар. Бунда вақт-замон тушунчалари қоришиб кетган, Заурларнинг умрига уч соат кўшилган эди. Боку билан Москва ўртасидаги бир соатлик фарқ ҳам бунинг устига қўшилса, улар ўз умрларига тўрт соатлик ҳадя олган эдилар. Тўғри, бу ҳадяни қайта-ришга тўғри келарди – уч соатини бу ердан Москвага учганда, бир соатини эса Москвадан Бокуга қайтганда...

Ер куррамиз вақт минтақаларига бўлинган, Фарбдан Шарққа кетган сари бир соат илгари юрасан. Москвада соат ўн бир бўлганда, Бокуда ўн икки бўлади... Фарбга қараб шундай бир суръат билан илгари кетсангки, доимо бир соат ичиди бир вақт минтақасидан иккинчисига ўтсанг – ҳаммасида вақт бир хил, масалан, соат ўн бир бўлса? Вақтни шу тарзда алдаш мумкинми?

Одамнинг хаёлига қандай фикрлар келмайди дейсиз. Тахайюл! Ҳолбуки, энг буюк тахайюл ҳам аниқ воқелик-дир, масалан, уларнинг бугунги кунини олайлик, ҳазилий ўйқ, дунёнинг нариги чеккасидан чиқиб қолган эдилар. Африканинг Дакар шаҳрида, 17 қаватли «Энгор» меҳмонхонасида туришибди; бу меҳмонхона Атлантика океанинг шундоқ бўйида, океандан эллик қадамча берида жойлашган...

Бу кейинги уч куннинг таассуротлари, масофа ўлчовла-ри, маконнинг ўзгариши қандайдир тасаввурга сифмайдиган бир воқелик эди... Албатта, ҳамма нарсани шуур билан аниқ изоҳлаш мумкин, аммо бундан атиги ўн беш соат олдин Москвада эканликларини ўйлашнинг ўзи идрокни зўриқтиради. Москвада қор ёғар, уларни Свердлов майдонидан Шереметьево аэропортига олиб борган автобус деразалари муз боғлаган эди. Ўн бир соатлик парвоздан сўнг самолёт Дакарга келиб қўнди ва улар трапга чиққанларида юзларига ўтли нафас – Африка нафаси урилди. Бу ғалати бир нафас бўлиб, у гўё Африка тупроғидаги ҳар бир нарсага – ҳавога ҳам, озиқ-овқатга ҳам сингиб кетган эди. Ҳам атирли, ҳам бадбўй ҳид, ҳам таъм ҳиди эди бу... Муайян зироатлар – маниока, ерёнгоқлар билан боғлиқ эдими бу ҳид, бу таъм ёки океан мавжудотлари – балиқлар, йўсинлар биланми, ким билсин... Аммо бу ҳаддан жафо даҳшатли иссиқ – гўё баданни эритиб кўйлакка ёпишираётган бу иссиқ ҳам, ёқимли ҳид, хуш таъм ҳам, аэропортда илк дуч келгандари – юзлари ўта қораликдан кўкимтирашиб кетган одамлар ҳам Африка эди...

Табиат манзаралари кишини лол қилиб қўяди. Баъзан, хусусан, оқшом чоғлари гира-ширалиқ оғушидаги сокин гўшалар, дараҳтлар, майсалар, йўллар Абшерон манзараларини ёдга соларди. Олислардан тўлқинларнинг шовуллаши, чигирткаларнинг чириллаши эштириларди; хаёлларга чўмиб борар экансан, қўққисдан сесканиб кетардинг; бундай таниш «Абшерон йўллари»дан узун африкача кўйлак кийиб олган жингалаксоч занжи аёллари ўтиб қолишарди. Жингалак соchlари қисқа-қисқа ўрилган бўлиб, бошларига салласимон мато ўраб олишган. Бу қадар таниш манзара, таниш овозлар оғушида бутунлай бошқа бир халқ, бошқа ирқ, бошқа дунёning одамларини учратиш тасаввурни толиқтиради...

Меҳмонхона ёнгинасидаги океан соҳили ҳам ғалати таъсир қиларди: бутун чўмилгоҳ бўйлаб бир хил масофа да устунлар кўмилган бўлиб, узоқдан бу ер худди қабристонга, бўйи-энига бир хил аскарлар мозорига ўхшарди... Кимлар кўмилган экан бу чўмилгоҳда, чўкиб ўлганларми? Йўқ, бу устунлар чегара устунлари эди – чўмилгоҳнинг бўлиб ташланган жойлари «Энгор» меҳмонхонасининг алоҳи-

да-алоҳида хоналарига, бу хоналарда яшовчи мәҳмонарларга мансуб эди... Соҳил қадам-бақадам бўлинган, парчаланган, тақсимланган, океан эса чегарасиз, озод эди...

Улар Дакарда уч кун бўлдилар, Атлантика океанида чўмилдилар, шаҳарга тушиб баланд, оппоқ биноларни, қамиш ва сомондан қурилган қасабаларни кўрдилар, Кермел бозорини ва неча асрлаб кўллари боғланган қулларнинг зиндани бўлган Горе оролини кездилар...

Эртага эса ортга, ватанга қайтишлари лозим эди. «Онамга минг раҳмат, – деб ўйларди Заур, – ахир бу саёҳатимиз ҳақидаги фикр ойимдан чиқди. «Кейин болачақ билан бўлиб кетиб, бунақангি саёҳатларга имкон тополмай қоласизлар, ҳозир ёшсиз, кўл-оёғингиз ипсиз боғланиб қолгани йўқ, боринг, дунёни кўринг...» Онаси тўғри айтади, бундай саёҳат инсоннинг умрида бир марта насиб бўлса бўлади, бўлмаса – йўқ... Онаси ҳолжонига қўймади.

Заур ҳам эътиroz билдиrmади, аммо, ростини айтганда, бу саёҳатга у қадар майли ҳам йўқ эди. Охирги пайтлар бошқа нарсаларга нечоғли лоқайдлик билан қараса, бу саёҳатга ҳам ана шундай бегоналиқ, лоқайдлик билан қарар эди... «Нима бўпти, борсак борамиз, бормасак – йўқ...» Бир пайтлар саёҳатлар, сафоли қунлар ва ҳаётнинг бошқа лаззатлари учун жонини бермасмиди Заур? Нега энди бу ҳақда, умуман ҳеч нарса ҳақида ўйлашни ҳам истамай қолди у?

Қоронгиликда шивирлаб хотинидан сўради: – Ухляпсанми? Жавоб бўлмади. Жавоб бермаслигини биларди. Фарангизнинг ухлаб қолишини сокин, текис нафас олишидан сезарди. «Фарангиз сира хуррак тортмайди». Бу никоҳларининг дастлабки ойида қилган энг катта ва ёқимли кашфларидан бири эди. Ростдан ҳам Фарангизнинг хуррак тортишини тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Заур хаёлан Фарангизни жилоланиб турган шаффофф билур кулдонга ўхшатарди. Бундай кулдоннинг хуррак тортиши, қичқиришини ақлга сифдиролмас, фақат бу кулдонга қўққисдан, эҳтиётсизлик билан тегиб кетиш ва уни синдириб қўйиш мумкин деган тасаввур бор эди Заурда... Ўзидан олти ёш кичик бўлган бу қизга, ўз хотини бўлмиш Фарангизга муносабатида айқаш-уйқаш

туйгулар қоришиб кетган – унга нисбатан ҳам навозиш, ҳам раҳм-шафқат, ҳам кучли ҳаё бор эди... Фарангиз ўта уятчан бўлиб, бирор у ҳақида гапирганида қизариб кетар, ёнокларига реза-реза ҳаё тери тепчирди. Бу ҳол баъзан Заурни асабийлаштирас, негадир унинг кўзлари олдида дарҳол Фарангиз ўсган оила – отаси Муртуз, онаси Олия ва акаси Спартак намоён бўлар, Муртузнинг калондимоғлиги, манманлиги, Олиянинг каттазанглиги, Спартакнинг доғулилиги сингари Фарангизнинг исмати, маъсумлиги ҳам Заурга гўё бир ниқоб, бошқаларга кўз-кўз этиш учун қилинадиган зоҳирий соҳтакорлик бўлиб туюларди. Аммо Фарангиз билан ёлғиз қолганда Заур унга жуда меҳрибон бўлиб қолар, унинг чиндан ҳам ўта тавозекор, уятчан эканлигига ишонар, покизалигига, боладек мусаффолигига, соддалигига ҳатто ҳасад қилас, афсуски, менинг ўзим ҳеч қачон бу қадар соф, сокин ва бамайлихотир бўла олмайман, деб ўйларди...

Эҳтимол, Заурнинг бутун умиди ана шу – ўзи учун эмас, бошқалар учун, Фарангиз учун, келажак авлодлар учун яшашда эди... У шундай бир ҳаёт қуриши лозимки, бу ҳаёт зоҳиран қараганда ҳаммасига, шу жумладан, Фарангизга ва келажак авлодларига ҳам баҳтли бир ҳаёт тимсолида намоён бўлсин... Балки ана ўшанда, Фарангизнинг ва келажак авлодларнинг кўзларида ана шу баҳтиёрлик, сокинлик, шодмонликни кўраркан, Заурнинг ўзи ҳам эҳтимол бу саодатдан мутаассир бўлар, унинг юрагида оила севинчининг акс садолари янграр...

Заур келажак ҳаётини, уй-жойини, осойишталигини тасаввур қилишга уринди, аммо шу заҳоти бир орзиқишидан юраги сиқилаётганини ҳис қилди. Бошқа нарса ҳақида ўйлашга уринди, аммо нима ҳақда ўйлашни билмасди, дарвоҷе, бирор нарса ҳақида ўйлаш шартми... Балки шарт эмасдир, аммо унда ўзи тўсатдан уйғониб кетадиган бу кечаларни, на ухлай оладиган, на тура оладиган бу номуайян вақт бўшлигини нима билан тўлдирсинг... Ташқарида меҳмонхона олдидаги айвонда неча дона соябон бор экан? Камида йигирма-үттизта бордир. Уларнинг ранглари қанақа? Қизил, сариқ, яшил, кўк, зангори, жигарранг... Чиндан ҳам уни аста-секин уйқу ўз оғушига олди...

Бу бўйни у уйқусида туйди, ҳали ухлаб ётганини, уйғонмаганини уйқуда ҳам идрок этиб ётарди. Аммо

уйқуда ҳам таниди бу бўйни. Бу ҳид ер юзида худди Африканинг ҳиди каби фақат битта, бетакрор бўй эди. Аммо Африканинг бўйи эмасди бу. Заур ҳамон уйқуда ётар, уйқу оғушида зўр бериб ўйларди: бу ерга қайдан етиб келди бу бўй, қандай етиб келди. Дакарга, меҳмон-хонанинг 17-қаватига? Гёй уйқуда унинг шуури увишиб қолган, мажол топиб уйғона олмас, бундан эса у баттарроқ ийманарди. Бу бўйнинг қандай бўйлигини, кимнинг ҳиди эканлигини биларди. Ахир у... ҳамон ухлаб ётар, аммо бу бўйдан бошқа – Таҳминанинг бўйидан бошқа – турли-туман фарангги атиrlарнинг қўшилишидан пайдо бўлган бу бетакрор ҳиддан бошқа ҳеч нарсани туймасди. Бу атиrlарни қўшиш сирини фақат Таҳмина билар ва бу сирни у ҳаммадан пинҳон тутарди. «Ҳар қандай атирни, ҳатто энг нодир атиrlарни ҳам ҳар қандай аёл топа олади, – дерди Таҳмина. – Демак, бу атирни ҳар қандай аёл сепиб юриши мумкин. Аммо ҳар бир аёлнинг ўз бетакрор бўйи бўлиши керак. Шунинг учун ўша атиrlарни бир-бирига қўшиш керак. Аммо қайсинасидан қанча қўшиш керак? Бу сир, бу сирни фақат мен била-ман».

Рўёли уйқу оғушида, сўнган экран қаршисида турган каби, Заур ниманидир интизорлик билан кутарди. Мана, ҳозир экран ёришади, уйқу рангларга беланиб, товушларга тўлиб кетади ва унда Таҳмина намоён бўлади, ахир унга масофалар, қитъалар, океанлар, четараларни босиб ўтиш нима иш бўпти. Модомики, унинг дунёning нариги бошидан таралаётган зариф ва заиф ҳиди Заурнинг димофига урилаётган экан, рўйи жамолининг, овозининг, нафасининг, кулгуларининг бу ерга етиб келиши шу қадар қийинми? Уйқунинг оғир, босринқи мантиғидан келиб чиқиб ўйларди: ахир, Таҳмина қайси рейс билан учиб келди экан бу ерга, Москвадан бу ёқقا самолёт ҳафтада фақат бир марта учади-ку. У уйқуда ҳам буни унутмаган, уйқуда ҳам, ахир бу уйқу-ку, мен уйғонишм керак, дарҳол уйғонишм лозим, қўлларимни узатиб хобчироқни ёқишим керак, деб ўйларди. Қўлини узатиб, хобчироқни ёқар, аммо чироқ ёнмасди ва Заур ҳамон уйқуда ётганини, чироққа ҳам тушида қўл чўзганини, аслида ҳеч қандай қўл чўзмаганини, чироқни ҳам

тушида ёққанини, аслида ҳеч қандай чироқ ёнмаганини, уйқудан ҳам тушида уйғонганини, аслида эса уйғонолмай ётганини анларди...

Уйғонмаган бўлса, демак, уни яна кўради... Ҳа, ўша кундан бери яна бир бор кўради Таҳминани. Неча ой ўтди экан ўша кундан бери? Йўқ, ўргада яна бир бор кўрди уни. Тушида эмас, ўнгиде ҳам эмас – телевизорда кўрди. Фақат бир мартагина, холос. Энди эса... бу ерда, Farbий Африкала, мустақил Сенегал республикасининг пойтахти Дакар шаҳрида тағин Заурнинг кўз ўнгиде турибди у... Ҳужжатларни – тиббий йўлланма, анкета, уч имзо қўйилган тавсифнома, рухсатномаларни нақадар тез тўплаб топширган у. Йўлини қилиб, ҳаммасини жуда тез, шошилинч тўғрилаган. Нима бўлса ҳам, тезроқ учиб кетсин. Дунёнинг нариги чеккасига, Заурнинг ёнига етиб борсин ва ҳамма нарсани ортига қайтарсин. Бутун ўтган-кечганлар янгидан бошлансин, ҳаммаси тағин қайтадан... Бўлгани бўлди, бўёғи сингди, уларнинг ҳаммаси энди ортга қайтмайдиган абадийликка сингиб кетган эди. Хўш, унда бу-чи... Ахир, бу туш-ку, – дея ўйларди... – Тушнинг нимасидан кўрқасан. Уйқунинг нимаси кўрқинчли? Ҳозир уйғонаман, ҳаммаси ўтиб кетади, – деб ўйларди у ва айни пайтда шуни ҳам яхши тушунардики, уйқусидами, бедорлигидами, бу дунёда унинг учун Таҳминанинг навозишларидан ҳам кўрқинчлироқ ҳеч нарса йўқ эди. Таҳминанинг навозишлари, эркалашлари, шивирлашлари, айтилмаган гиналари. Ҳусусан қол-қора, узун, қуюқ киприклари; у шунаقا киприк қоқардики, гўё қадимий бир китобнинг оғир саҳифасини очаётганга ўхшар, бу киприклар Таҳмина юзларининг тенг ярмига соя солиб турарди... Бир сафар Заур ширақайф чоғида унга, сен киприкларингни очганингда гўё башарият тарихида янги саҳифа очилади, деган эди...

... Уйқуда иродаси заифлашиб, идроки, мантиқ иплари салқи тортганда Заур Таҳминанинг нимқоронғи истакларига тамоман тобе бўларди. Ахир бу истак унинг, Заурнинг ҳам истаклари эди-да. Бир кун келиб Заур иродасини тўплаб бутун ҳис-ҳаяжонларини ўз юрагидан бутунлай кўпориб ташларди. Бироқ уйқунинг ўз қонунлари бор, тўғрироғи, уйқу бутун қонунлардан озоддир.

Заур эса ҳозир ҳеч қандай озодликка тайёр эмас, ҳеч қандай озодлик-поздоликни истамасди. Фақат бир нарсани – уйқудан уйғонишни истарди. Энг қийини – қабоқларини күтариш, күзларини очиш эди... Бир жаҳд билан зўрга күзларини очди, аммо бу ҳам уйқу эди, тушида жаҳд қилган, тушида күзларини очган эди. Буни англаган ҳолда яна бир жаҳд қилган эди, бу сафар чиндан ҳам күзлари очилди... Уйғонгандан сўнг бир лаҳза, фақат бир дақиқа бу хонада – Африка ҳидига тўлган бу хонада тагин бир бошқа ҳид – Таҳминанинг ҳиди ҳам таралаётгандек туюлди. Заур ҳозиргина ўз жонини зўрга олиб чиқсан уйқу гирдобининг сеҳри унинг бутун вужудини қамраб олган, ҳамон ундан халос бўйлмаган эди. Аммо бу ҳислардан бутунлай халос бўлиш мумкин эмаслигини биларди у, тинч, фароғатда яشاши учун уларнинг ҳаммасини бирваракайига юрагидан сидириб ташлаши керак, ҳатто мана шу кечани ҳам сокин ўтказишни истаса, туриб кийиниши, хонадан чиқиб пастга тушиши, фикрларини жамлаб, тасаввурларини тинклиштириб, сўнг келиб ётиши керак. Ана шундагина тинч ухлаши мумкин.

Қоронғиликда оёқ кийимларини ахтарар экан, Фарангиз уйғониб кетди. Гарчи у ҳеч нарса демаса-да, нафас олиш маромидан Заур хотинининг уйғониб кетганини билди.

– Негадир ухлай олмаяпман, – деди Заур, – чиқиб соҳилни бир оз айланиб келаман.

Фарангиздан на «ҳа», на «йўқ» деган садо чиқди. «Ҳозир бориб ўзимни денгизга отаман, десам ҳам Фарангиз эътиroz билдирумайди», дея ўйлади Заур...

«Фарангиз гунг бўлса керак», – деган хаёлларга борарди баъзан у. Айрим таниш-билишлар, ҳалигача Фарангизнинг овозини эшитганимиз йўқ, деганларида, менинг ўзим қачон эшитибман хотинимнинг овозини деб ўйларди Заур. Негадир унинг гапирганини эслай олмасди. Фақат айрим-айрим сўзлари... – ҳа, йўқ. – Кетамизми – ҳа. Қоламизми – йўқ. Ётамизми – ҳа, турамизми – йўқ... ёки аксинча йўқ, ҳа, вассалом...

Заур туфлисини, кийим-бошини кийиб хонадан чиқди... Тутмачани босган эди, лифт келди. Лифтни бошқа-

рувчи йигит – меҳмонхона жомакорини кийган кичкина занжи Заурни кўриб кулимсиради, французчалаб нимадир деди. Заур ҳам бошини ликиллатиб кулимсиради, аммо йигитнинг нима деганини тушунмади: балки пул сўрагандир, балки унга хайрли тун тилагандир, эҳтимол соат неча бўлганини билмоқчидир, балки лифтнинг секин юришидан шикоят қилгандир. Ким билсин?

Туннинг бу маҳалида океан соҳили бўм-бўш эди... Аслида океангага ҳам, денгизга ҳам тикилганда унинг чекчегарасини кўриб бўлмайди, аммо буни тасаввур қилмоқчи бўлган одамга океаннинг худудсизлиги янада мудҳиш, янада афсонавий туюлади...

Соҳилга яқин жойлари, қирғоқча мажолсиз урилаётган тўлқинлари, меҳмонхона чўмилгоҳларининг чироқларида ёришиб турган океан ичкариси аста-секин қуюқ ва даҳшатли қоронғиликка фарқ бўла борар, бора-бора зулматли уфқлар билан туташиб кетарди, аммо у интиҳосиз пучмоқларда, тобора узоқлашиб борувчи уфқнинг нариги томонида океаннинг бошқа соҳили ҳам бор эди – Америка соҳили...

«Насиб бўлса, Америкага ҳам бир бориш керак. Франгиз билан бирга», – деб ўйлади ичиди Заур ва дарҳол бу фикрининг пуч, бемаънилигини англади. Нақадар маъносиз эди буларнинг ҳаммаси. Америкага сафар қилиш истаги, бу ерга, Африкага келишлари, бу жойлардан, ёт океаннинг бегона соҳилларидан осойиш-ором излаши, ҳамма нарсани унтиш истаги... Нақадар бемаъни. Ахир ҳеч қандай самолёт, ҳеч қандай кема, ҳеч қандай нақлиёт воситаси инсоннинг ўзини ўзидан узоқлаштира олмайди, ўтмишдан ажратади билмайди: «саодат излаш» дегани саодат ахтариб жумлай жаҳонни кезиб чиқиш дегани эмас-ку... Бахтиёрлик ёки бахтсизлик инсоннинг ўз ичидадир, уларни худди юк каби ташиб юрасан, қаерга борсанг-боравер, хоҳласанг дунёнинг нариги чеккасига, лекин уларни ҳам олиб борасан: бу жуда нуфузли юк – қаерга борсанг-боравер, у наёнади, на чўқади, на камаяди, на кўпаяди...

Заур эгилди, бармоқлари билан соҳилнинг совиб қолган майин қумларини, тўлқинлар ялаган катта-кичик силлүқ тошларни силади ва атай ўша туйғуни янгидан уйғотишга уринди – бу туйғу аста-секин бармоқларидан

кафтларига, кафтларидан билакларига, билакларидан ел-  
каларига, кўксига ўтди, вужудининг жамийки ҳужайра-  
ларига ёйилди. Бутун борлигига қон каби ёйилди бу  
туйғу... бу баҳтиёр хотира... Кейинчалик ёлғонлиги аён  
бўлган бўлса-да, аслида умрининг энг баҳтиёр дамлари  
бўлиб туюлган у олис лаҳзаларнинг хотираси, Заур мана  
шундай соҳилда, майнин қумлар, балиққулоқлар, йўсин-  
лар, тўлқинларнинг гувиллаши, эпкинларнинг эркалаши  
билан, чўнг қоялар билан, юлдузли осмон билан бирга  
яшаган дамларнинг хотираси... Қумлари ҳам, эпкини  
ҳам, гувиллаши ҳам, осмонининг юлдуzlари ҳам мана шу  
соҳилга ўхшаган бошқа бир соҳилда... Океаннинг эмас,  
денгизнинг соҳилида... Бу ерлардан жуда-жуда олис бир  
денгизнинг...

## ИККИНЧИ БОБ

*Оҳ, хуш ул кунларки ман ҳамроz эдим жонон ила,  
Невъмати васлин кўруб, нозин чекардим жон ила.*

Бу энсиз соҳил узайганидан узаяр эди... Соҳил бўйи-  
нинг сувлоқ қисми баъзи ерлари тўлқинларга кўкрак  
тутган қоялар қадар чиққан, баъзи ерлари равон ва теп-  
текис чўмилгоҳларга қадар чекинган эди. Денгиз аста-  
секин кичик кўрфазлар билан соҳил ичига кириб борар,  
учли кичик қумлоқ бурунларни босиб кетар, гоҳ кўтари-  
либ соҳилни, қояларни ўз оғушига олар, қумлоқ оролча-  
ларни чўқтириб юборар, гоҳида эса чекиниб, қалқиб чиқ-  
қан бурунларни, оролчаларни майнин тўлқинлари билан  
юварди. Соҳилнинг донадор қизил қумларини майнин-  
майнин силар, эркалар, мушук ўз боласини ялагани каби  
яларди. Ушоқ тошларни, шағалларни, балиққулоқларни  
тасбеҳ каби бир-бир чевирав, сўнг қўққисдан денгизнинг  
авзори ўзгариб, тўлқинлар телба шамоллар қамчилагандек  
юксакка сапчир, бояги навозишдан, эркалашлардан асар-  
аломат ҳам қолмасди. Шамол қумларни ҳавога совурадар,  
денгиз гўё қон-тер ичидаги жаҳд билан қояларга етишни,  
қояларнинг силлиқ тўшига урилиб парча-парча бўлишни  
истарди.

Бу соҳил – Пиршоги тарафдаги маёқдан Мардаконнинг нарёғида юксалиб турган ГРЭС тўғонига қадар чўзилган бу соҳил, қирғоқ бўйидаги қасабалари-ла, Бузовна билан Зугулба, Билгаҳ билан Хазар орасида қолган бу соҳил фарбда Нордарон, Сарой ва Жўротнинг ёнидан ўтиб Сумгайитга етар ва ундан ҳам юқорига – шимолга томон чўзилиб кетарди. Денгизнинг олис уфқида нурлари сўнаётган қуёш бутун соҳил устидан коптот каби думалаб ўтар ва кечга бориб Зугулба тепаликларининг ортига ботиб кетарди. Аммо қуёш тепалар ортида кўздан гойиб бўлгач, унинг мафтункор шуълалари – прожектор нурлари каби самога санчилар, бу шуълаларнинг алвон акси денгиз узра олтиндек товланиб ёнарди. Шуълалар оҳиста қисқарар, атроф аста-секин қораяр, денгиз юзаси тепалар, булутлар, қояларнинг гаройиб кўланкаларига тўлиб кетарди. Соҳил бўйидаги уйларнинг ёқут рангта белангандеразалари атрофга гариб бир ҳазинлик таратар эди. Оқшомнинг бу пайтида денгизда ҳазин бир сукунат ҳукмронлик қиласар, бу манзара денгизнинг тунги ҳаёти бошланишидан жиндай олдин пайдо бўлар – у ер-бу ерда одамлар ҳамон чўмилар, денгиздан чиққанлар олисдан соҳилнинг доғига ўхшаб кўринарди. Соҳилда бир-икки машина қолган эди, холос... Фира-ширалик ичиде ялангоҷ бир киши бирор кўриб қолмасин дея атрофга ҳадиксираб қараганича артинар, кийинар, сочини тарап эди... Қолган машиналар ҳам чўмилгоҳ бўйлаб сассиз-садосиз юриб бораарди. Чўмилишдан қайтаётган охирги кишиларнинг қаҳҳаҳлари, кулгилари янграб, энди бутунлай қорайиб бўлган муҳитда сўниб кетарди... Чўмилгоҳдан чиқиб узоқлашган машиналарнинг орқа чироқлари машина ортидан ҳилвираб бораётган икки алвон лентага ўхшарди...

Бу соҳил Заур учун дунёнинг энг жозибадор гўшаси эди. Таърифи кетган ҳеч бир табиат манзараси – на салобатли тоғлар, на серсоя ўрмонлар, шўх шалолалар, жўшқин сойлар, яшил водийлар, на чукур даралар, на елевгай тепалар – ҳеч нарса, ҳеч жой қуёш жазираси ёқиб-ёндирган бу яйдоқ, дарахтсиз-гиёҳсиз соҳилнинг гўзалигига тенг кела олмасди...

Таҳмина:

– Кунлар ҳам совиб қолди, – деди...

Заур эчки жунидан қилинган узун мовут сариқ гатфа<sup>1</sup>-ни машинадан олиб унга узатди. Таҳмина артинар эди. У денгиздан эндигина чиқиб, машинаға қадар сув томчила-ридан занжирсимон из қолдириб келган, оёғига ёпишган қумлар машинанинг ичига тўкилган эди.

– Энди чўмилиб бўлмайди... Бу энг охиргиси...

Заур:

– Ҳа, – деди ва сигарет тортди, – бу ёғи энди куз...

– Уч ой бунча тез ўтди-я, Заур? Эсингдами, бу ерга биринчи бор келганимиз. Июнь ойи эди, шекилли?

Заур:

– Бешинчи июнь эди, – деди, – менинг аниқ ёдимда...

– 1965 йил 5 июнь. Бу санани биронта қояга ўйиб ёзсанг бўларди. Келажак авлодларга ёдгорлик учун.

Заур:

– Сўнг остига Заур + Таҳмина деб ҳам ёзсан, пайкон тешиб ўтган юракнинг расмини чизсан-а, нима дединг?

Таҳмина:

– Ҳа, – дея хўрсинди, – бу ёз шундай ўтди... Бизнинг ёзимиз...

Заур ўгирилиб орқага қаради. Таҳмина соchlарини та-пар эди.

– Кетдикми?

– Кетдик.

Заур моторни юргизди ва машинани соҳилнинг қумли йўллари билан катта йўл томонга ҳайдай бошлади.

Иккаласи ҳам жим эди. Таҳмина қўққисдан:

– Заур, – деди, – биласанми, мен ишдан кетяпман.

– Нима?

– Иш жойимни ўзгартиряпман.

Заур машинани бирдан секинлатди, гўё ҳозир тўхтата-дигандек ўгирилиб Таҳминага боқди:

– Бу нима деганинг? Қаёққа энди?

– Телевидениега. Тасаввур қиляпсанми, мени диктор-ликка олишяпти. Бир дўстим бор эди, ўша тўғрилади. Неча йилдан бери кел, телевизорда биз билан бирга ишла, деб ҳол-жонимга қўймасди, аммо илгари мен негадир рўйхуш бермас эдим. Яқиндан бирдан унинг таклифи ёдимга тушди, дарҳол қўнғироқ қилдим... Ўша ерда ишлайди. Аммо,

<sup>1</sup> Гатфа – артинадиган маҳсус чойшаб.

худо ҳақи, мен ўз кучим билан кирдим, мени синааб кўрдилар, матн бердилар, ҳам озарбайжонча, ҳам русча ўқидим – маъқул кўрдилар... Афтидан, лойиқ деб топилдим. Айтишларича, Москвадан кўрсатувимиз берилар экан, шунга диктор ахтаришаётган экан, айни жойига тушди. Катталардан бири, ҳар икки тилда мукаммал гапира олар экансиз, ташқи кўринишингиз ҳам мос, дея мақтаб ҳам қўйди.

Заур Таҳминанинг бу янгилигини энди англаб етган, аммо бундан севиняптими, афсусланяптими, ўзи ҳам билмасди. Таҳминанинг нега бундай қарорга келганини тушунмас, лекин, ҳар ҳолда, бу қарор муайян даражада унинг ўзи билан – Заур билан, уларнинг муносабатлари билан боғлиқ эканлигини англар эди...

– Нега бирданига бу қарорга келдинг, ахир? – деди. Билардики, Таҳминанинг жавоби аниқ ва дуруст бўлади, ростини айтади:

– Сен туфайли, – деди Таҳмина.

– Мен туфайли?

– Албатта. – Сўнг қўшиб қўйди: – Ҳар куни сени кўриш мен учун қийин эди.

– Наҳотки мени кўриш сен учун шунчалик мاشаққат бўлса?

– Ошиқ<sup>1</sup> нинг: кўзларим сени кўрмасин, кўнглим аламга тўлмасин, деганини эшитмаганмисан? Бу ерда ҳар куни сени кўрардим ва билардимки, энди сен менини эмассан.

Заурнинг: «Ахир мен қачон сенини эдимки, энди сенини бўлмай қолай» деб қичқиришига оз қолди, бундай демади у, бироқ бу фикрни бошқача ифодалади:

– Бизнинг муносабатларимизга нима бўлди ўзи?

Таҳмина жимгина кулимсиради. Заур уни кўрмаса-да, табассумини юракдан ҳис қилди, машина кўзгусидан Таҳминанинг юзига бокди: унинг чехрасидан ҳали табассум излари ўчмаган эди.

– Зауриқ, сен ҳақиқатан ҳам ҳеч нарсани тушунмаяпсанми? – деди. – Ростдан ҳам бу охирги кўришишимиз эканлигини тушунмаяпсанми?.. Яхши, айтайлик, охирги кўришувимиз эмас, бир шаҳарда яшаймиз, тасодифан бир-бirimiz билан юзма-юз келиб қоламиз... аммо бу сўнгти

<sup>1</sup> Ошиқ – баҳши.

учрашувимиз. Шу маънодаки, – у яна кулимсиради, – энди бу тарзда бошқа учрашмаймиз.

Заур бунинг сабабини билишни истарди, бироқ буни сўрамади, ўзи топмоқчи бўлди. Ахир Таҳмина уни ҳассос эмассан, юмшоқ эмассан, аёл киши билан муносабатларнинг бутун нозикликларини ҳис эта олмайсан, бу алоқалар нима билан боғланиши ва нима сабабдан кесилишини туймайсан, дея роса мазаммат қиласди. Аммо ҳар ҳолда Таҳминанинг бу қарори Заурни ташвишга солмасди. Ҳатто бу гапларни ўзига дахли йўқ деб ҳисобларди. Балки бу соф жисмоний ҳолат билан алоқадор эди. Бир қадар эҳтиросли, ҳарис ишқий учрашувлардан сўнг Заур ўзида аллақандай лоқайдлик, бўшанглик, тўқликни ҳис этарди. Эҳтимол, охирги пайтлар тез-тез учрашиб турганларидан эди бу тўқлик. Балки Таҳмина бу хабарни бундан бир неча соат олдин, улар чўмилгоҳга келишаётганда, ўпишлардан, қуцишлардан, шивирлашлар ва навозишишлардан аввал айтганида Заур ниҳоятда безовта бўлган бўлур эди. Бир неча кун илгари, Таҳминани янгидан ўз оғушига олмоқ истаги оловли, бечидам эҳтиросга айланганга қадар у бу фикрга – «айрилишлари», «энди бошқа кўришмасликлари» ҳақидаги фикрга сокин ва бегоналик билан қарай оларди. «Бемаъни мактубни отиб юборганим нақадар яхши бўлди, – дея ўйларди у. – Илк яқинликнинг таъсири остида, сархуш пайтимда қофозга нималарни қораламадим... Энди ўша фикрларни эслашнинг ўзи кулгили, муҳаббат фалон-пистон, сенсиз яшай олмайман, кетма қошимдан, кетаман ҳушимдан. Севги ундоқ, севги бундоқ... Истак бор, эҳтирос бор, орзу-ҳавасга етиш истаги бор, айни пайтда истаганингга етганингдан кейин тўқлик, безиганлик, бегоналик бор, холос. Қолган ҳаммаси қуруқ сафсата, ҳавои гаплар...»

– Биласанми бу кимнинг боғи?

Таҳминанинг овози Заурнинг фикрларини кесиб қўйди. Йўлнинг сўл томонида катта-катта бўз тошлардан тикланган баланд деворнинг орқасида икки қаватли, каттакон айвонли бир уй бор эди. Айвон сидирға яшил бўёқقا бўялган эди.

– Йўқ.

– Муртузовларники. Сизнинг қўшниларингизники.

Заур таажжубланиб:

- Муртуз Балаевичникими? – дея сўради. – Сен уни қаердан танийсан?
- Ўғлини танийман.

Заур:

- Спартакними? – деди ба негадир ич-ичидан титраб кетди. Спартакни яхши танир, у қайси уянинг қуши эканлигини, аёлларга, хусусан, гўзал хотинларга қандай кўз билан қарашини яхши биларди. Умуман Спартакнинг хулқ-атвори унга маълум эди. Хотинлар борасида қасам ичиб қиласиган катталикларидан ҳам хабардор эди. Таҳминанинг Спартак билан танишлиги Заурнинг ич-этини тирнарди. Аммо атай лоқайдлик билан:

– Спартакни қаердан танийсан? – деб сўради.

– Менинг бир дугонам бор, ўшанинг таниши.

«Таниши» деган сўз Заурнинг вужудини ёндириб юборди, Спартак билан хотинларнинг танишлиги нима эканлигини у яхши биларди, ахир.

Таҳмина бирдан:

– Тўхтат, – деди. Заур тормозни босди, машина каттакон темир дарвозанинг шундоқ ёнида тўхтади.

– Нима бўлди?

– Кел, тушайлик. Бу айвондан жуда гўзал манзара кўринади. Одамнинг кўнгли очилиб кетади.

– Фақат шу етмай турувди. Бирорнинг боғида нима қиласиз?

– Терслигинг тутмасин, бир нафасга тушайлик...

Заур истар-истамас машинадан чиқди.

– Афтидан, сен бу айвондан манзарани жуда кўп томоша қилганга ўхшайсан, – деди. – Сенинг Муртузовларнига келиб-кетишинг ҳеч хаёлимга келмаган экан. Бокуда ҳам борди-келдиларингиз борми? Ажабо, нега сени у ерда учратмаган эканман?

– Қўйсанг-чи, жоним. Бокудаги уйларини билмайман. Бу боғда ҳам фақат бир мартагина бўлганман... Меҳмондорчиликка жуда кўп одам йигилган эди, мен ҳам уларнинг кампаниясига қаердандир қўшилиб қолган эдим...

– Ким меҳмон қилган эди, Спартакми ёки Муртуз Балаевич?

— Муртуз Балаевич ким, Спартакнинг отасими? Уни танимайман ҳам. Меҳмондорчиликни Спартак уюштирган эди... У пайтда менинг дугонам билан юрарди. Спартакнинг туғилган куни эдими-ей, аниқ эсимда йўқ, нимадир бўлиб мениям судраб келдилар.

— Сен албатта ёлғиз келгансан, эрингсиз.

— Вой худойим-ей, нега мени бунча саволга тутиб қолдинг? Ҳа, Манноп ҳақиқатан ҳам Бокуда йўқ эди.

— Тифлисда эди, — деди Заур ва шу ондаёқ бундай деганига пушаймон еди... Таҳмина гёй бирдан сўнди, ичи ўртаниб кетди, ахир иккаласининг ҳам ёдида эди: Таҳмина-нинг ўзи Маннопнинг Тифлисда таниши борлигини, орасира баҳона толиб унинг ёнига бориб-келишини Заурга айтиб берган эди. Энди эса маҳрамлиқда айтилган бу сирни Заур Таҳминанинг юзига шапалоқ қилиб тортган эди.

Таҳмина бошини маъюс-маъюс силкитиб қўйди.

— Ўзинг биласан, — деди. — Мен айвондан қарасак денгиз, қишлоқ жуда гўзал кўринади, деган эдим. Истамасанг қарама, лекин нега менга ниш санчасан?

Заур айбини ювиш учун юмшоқлик билан:

— Ахир дарвоза берк-ку, — деди ва меҳр билан Таҳминанинг кўзларининг ичига боқди.

Таҳмина, ростдан ҳам, бир оз юмшади.

— Болалигингда ҳеч узум ўғирлашга тушмаганмисан? — деди. — Бир томондан спортчисан, ахир. Қани, девордан ошиб кўр-чи.

Заур ҳам бу ярим ҳазил, ярим чин вазиятни давом эттиришга ҳаракат қилди, эпчиллик билан деворга осилди, унинг устига чиқиб, ичкарига сакради... Дарвозани ланг очиб, Таҳминани ичкарига таклиф этди:

— Марҳамат қилинг, хоним.

Дабдабали айвондан денгизни, соҳилни, ҳовлининг кенг манзарасини томоша қилдилар. Айвоннинг полида бир оз эски, йиртиқ ботинка, шиппаклар ётар эди. Уларнинг орасида аёлларнинг баланд пошнали нимдош пойабзаллари ҳам кўзга чалинарди.

Таҳмина:

— Бир пайтлар бу оёқ кийимлари расм эди, — деди ва хаёлчан сўради. — Синглисини танийсанми? Спартакнинг синглисини?

— Фарангними? Албатта танийман. Бизнинг қўшила-  
римиз деяпман-ку, ахир? Нима эди?

— Ҳеч. Мен кўрмаганман, жуда гўзал қиз дейишади...

— Билмайман, — деди Заур, — гўзалми, йўқми, эъти-  
бор бермаган эканман.

Заур бу гапларни бир қадар асабийлик билан айтди.  
Чунки у Муртузовларни ёқтирасди. Тўғри, Фаранг ҳақида  
бундай деб бўлмасди: бу ёш қиздан на аччиғи келар, на  
уни ёқтирас эди. Гёё Заур учун у йўқдек эди, бироқ  
қизнинг ота-онасини, айниқса, акасини жини суймасди.

— Ҳар ҳолда, — деди у, — Фарангнинг ўз оиласидаги  
бошқалардан устун томони шундаки, бўлар-бўлмасга ман-  
манлик қиласвермайди, ҳеч бўлмаса сукут сақлади...

— Гапингга қараганда, улар билан оранг яхши эмас?  
Ростдан ҳам ҳеч эсимга келмаганини қара, ахир қўши  
қўшни билан чиқишиб кетганини ким ҳам кўрибди?  
Ошхонада ҳар куни уруш-жанжалдир, пайт пойлаб бир-  
биリングизнинг қозонингизга ҳовучлаб туз солсангиз керак,  
тўғрими?

Заур қуруққина қилиб деди:

— Маъзур тутасиз, бизнинг ошхоналаримиз бошқа-  
бошқа, уйларимиз ҳам бошқа-бошқа қаватларда.

— Шундай де... Демак, унда қўшилар билан адоват-  
ларингиз яна бир пофона баланд экан-да? Муртузовлар  
янги фин мебели олишибди, бизники, Зайналовларники  
эса эски араб мебели, вой-дод!

Заур:

— Одамни чақиб олишдан лаззат топасанми? — деди.

— Яхши, яхши, дарров қовоғингни осиб олма, жига-  
рим, — чукур хўрсинди Таҳмина, — жигар дегандек, чу-  
курроқ нафас ол, Заур, — деди, — торт бу ҳавони жигар-  
ларингга, малҳам-ку бу... Оҳ-оҳ...

Заур сигарет чиқарди. Таҳмина:

— Чекма, — деди, — ўзингни заҳарлама, бу мусаффо  
денгиз ҳавосидан тўйиб нафас ол.

Заур сигаретни қутисига солиб қўйди.

— Вой, Заурик-ей, ажойиб йигитсан-да...

— Бўлти, сұхбатимиз чала қолди-ку, ахир... Нега бу  
охирги кўришишимиз эканлигини, нима сабабдан айри-  
лишимиз кераклигини менга тушунтирмадинг-ку.

— Нима сабабдан? — Таҳмина елкаларини қисди. — Буни тушунтириш қийин. Сабаби шунчалик кўпки... Масалан, шундай бир сабаб: саҳарлардан бирида уйкудан туриб қарасакки, бир-биримизга ошиқу мубтало бўлиб қолибмиз. Ҳар ҳолда, иккимиздан биримиз, айтайлик, масалан, мен сенга ошиқ бўлиб қоламан, ёнаман-куяман. Унда нима бўлади?.. Кимга керак бу — сенгами, менгами?.. Охир-оқибат... умуман ҳаётни мураккаблаштириш нимага керак ахир? Шунингсиз ҳам турган-битгани favго-ку бу ҳаётнинг...

У тўғри айтяпти, деган фикрга борди Заур, ҳаётни мураккаблаштиришнинг нима кераги бор?..

— Ахир шундоқ ҳам маълум бўлдики, энди бу томони бемалолгарчилик, — деди, — сен жуда унақанги ошиқ бўлиб қолганинг йўқ, бўлсанг ҳозиргача бўлардинг-да, мана, уч ойдан бери кўришамиз, менга боғланиб қолганинг йўқ-ку, — «Ошиқ бўлиш», «боғланиб қолиш» ибораларини енгил бир истеҳзо билан талаффуз этарди у. — Ҳа, боғланиб қолмагансан-ку менга. Тўғрими?

Таҳмина:

— Хўш, ўзинг-чи? — деди.

— Мен?!

— Ҳа, сен. Сенинг ўзинг-чи? Боғланиб қолганимисан?

— Албатта. Бу нима деганинг? Мен биринчи кўришганимиздан бери дали-девонаман... Ахир сен билан илк учрашувимиздаёқ севишимни айтган эдим... Мажнундек севишимни, нима десам экан, Карам каби, Фарҳод каби...

— Тўхта, тўхта, алаҳлайверма... Айтиш — бошқа нарса, айтганларингни юракдан ҳис этиш, туюш — бошқа нарса...

— Сен бу сўзларни уч ой олдин айтган эдинг, унда ҳали орамизда ҳеч нарса йўқ эди. Хўш энди, энди ҳам такрорлай оласанми ўша сўзларни. Ҳозиргидек яrim ҳазил, масхараомуз эмас, жиддий, том жиддийлик билан... тилингга ола биласанми ўша сўзларни?..

— Жинни бўлдингми, Таҳмина?.. Албатта мен ҳазил қилмаяпман, жиддий гапиряпман, ростдан ҳам севаман сени, боғланиб қолганим сенга...

Заур бу гапларни айтар экан, мутлақо бетайин, тутуриқсиз сўзларни айтаётганини ўзи ҳам ҳис этарди, бу сўзлар замиридаги туйғуларнинг ҳеч бирини ҳақиқатда бошидан ўтказган эмасди. Ҳатто яrim ҳазил тарзда ҳам бу

ёлғонни яшира олмасди, Таҳмина ҳам буни дарҳол тушунди; ер тагида илон қимиirlаса биларди Таҳмина...

— Яхши, бас қил энди, Заур, — деди. — Одамнинг юраги сиқилади сенинг бу сўзларингдан... Ҳавойи гапларни кўп гаплашдик, энди етар.

Заур қўлларини Таҳминанинг юзларига босди. Билардики, сўзларнинг қурби қолмаганда, кучи етмаганда, ҳаракатлар, қўлларнинг навозиши, эркалаш, табассум ёрдамга келади. Таҳмина унинг қўлларига ёпишди. Заурнинг қўлларини бир оз юзига босиб тургач, секин юзидан узоқлаштириб, кафтига тикилди. Шундай тикилдик, гўё Заурнинг қўлларини илк бор кўраётгандек эди.

— Қўлларинг бунча катта, Заурик! — деди.

Қаердандир жуда олислардан электричка овози эшилтиди, бу овоз бир муддат ҳавода янграб, сўнг секин-аста сукунатга сингиб кетди...

Таҳмина шаҳодат бармоғини Заурнинг кафтига ўқталди, юмшоқ, мушук сингари чаққон ҳаракат билан тирноғини Заурнинг кафтидаги чизиқларга қўйди ва деди:

— Истасанг фол кўрай?

— Кўра оласанми?

— Албатта. У қўлингни ҳам оч, кўрай-чи.

Заурнинг ҳар икки қўлини қўллари орасига олиб, унинг кафтларини узоқ томоша қилди.

— Ўнг қўл ўтган ва ҳозирги вақтдир. Шу туфайли ҳам ўнг қўл ҳаракатчан, ҳамиша ишда, бўлиб ўтган ва ҳозир бўлаётган ишларни кўрсатади. Сўл қўл эса келажакдир. Келажакда рўй берадиган ҳодисаларни кўрсатади, шунинг учун ҳам унинг ҳаракати заиф, пассивдир... Қара, мана бу чизиқлар баҳтиёрлик, ёлғизлик, кадар чизиқлари. Бу чизиқ — кутиш чизиги, бу чизиқ эса оғир, кутилмаган ишларга қодир-ноқодирликни кўрсатади. Кўрайлик-чи, сеники қандай экан? Қара, мана бу шон-шуҳрат чизиги. Сенда бу чизиқ бор. Бу чизиқ Ойга ўхшаяпти, яъни реал ҳаётдан кўра кўпроқ фантазияга мойилсан... Аммо бу чизиқ ҳам реал ҳаётга қўшилиб кетяпти. Буни кўряпсанми, қара, бу чизиқ... А-ҳа... Яхшироқ қара, икки ё уч фарзандинг бўлади — ҳар ҳолда иккитаси аниқ ўғил бола...

— Демак, унисини ҳам аниқласа бўладими?

— Бўлмаса-чи. Лекин бу сенга ҳолва эмас... Қара, манови чизиқни кўряпсанми — сенинг бир иқтидоринг бор экан — бутун ҳисларингни, идрокингни ишга, заҳмат чекишга йўналтира олар экансан... Шууринг тиник, мустаҳкам, факат баъзида, жуда кам даражада хаёлга, фантазияга мойилсан... Жуда кексайиб қолгунча яшайверасан ва умрингнинг охиригача ҳаётни севасан... Давлатинг кўп бўлмайди. Бошқа шаҳарларга кўчиб юрмайсан... А-ҳа... бу чизиқ низо чизифи, лекин у бошқа ҳеч қайси чизиққа туташмаяпти. Қара, мана бу Венера сайёраси — севиш ва алданиш маъбудаси. Бу чизиқ ҳам ярмисида кесиляпти... Бу чизиқларнинг ҳаммаси ҳам чала чизиқлар-а, Заурик!

— Чала қўлнинг дастидан дод!

— Бу ёғига қулоқ сол... Ўрта ёшлиарингда энг оғир синовдан ўтасан... Олдингда икки йўл туради — мана, қара, манави айри чизиқ — толе чизифи — қачондир пайти келиб икки ўт орасида қоласан... Ёшинг улгайган сари феъл-авторинг юмшайди, бироқ ташвишинг, заҳматинг ортиб боради... Кошки сенинг кексайганингни, заҳматмашаққат чекиб юрган кунларингни кўрсайдим. Заурик, сени ўша аҳволда сираям тасаввур эта олмайман...

— Яхши, менинг масаламни билдиқ. Энди ўзингга фол кўр-чи.

— Йўғ-э, нима деяпсан, кўрқаман... Ҳеч қачон ўз фолимни ўзим кўрмайман. Бошқа кишининг кўришига ҳам йўл кўймайман. Бир марта очтириб бас қилганман.

— Фол очирганимисан? Нима чиққан эди?

— Айтмайман.

— Юрагимни сиқавермай айта қолсанг-чи...

— Йўқ, йўқ...

— Ихтиёринг...

Заур қистаб ўтирумади, ҳар доимгидек индамай қўя қолганидан кейин Таҳминанинг ўзи рози бўлди:

— Яхши, айтаман, бироқ бир шарт билан — бу сирни ҳеч кимга айтмайсан. Уни бир сен, бир мен билайлик. Кафтимга қара, бу чизиқни кўряпсанми, мана бу ерда кесилиб қоляпти, кўряпсанми?

— Ҳа...

— Биласанми нега бу ерда кесилиб қоляпти?

— Йўқ.

— Бу – менинг умрим. Кесилиши – ўлим дегани. Эрта ўламан... Бир кекса фолбин бор эди, фолимни кўриб, ўша шундай деган...

— Уялмайсанми, олий маълумотли қизсан, миянг эса ҳар хил хурофотлар билан тўла.

Таҳмина Заурнинг сўзларини гёё эшитмади:

— Баъзан ўйлаб қоламан, Заур, – деди. — Ростдан ҳам бирдан сен хурофот деб атаётган нарса рост бўлиб чиқса, чинга айланса. Эртага, масалан, касал бўлиб ўлиб қоларман, тайёра ёки машинада ҳалок бўларман, ким билсин, инсон минг хил сабаб билан ўлиши мумкин... Баъзан хаёлимга шундай фикрлар келадики, ўзимдан ўзимнинг жаҳлим чиқиб кетади, йиғлаб юборишимга оз қолади... Эртага ногоҳ ўлиб қолсам, ким мен учун куяди? Эримми? Айтайлик, бир ой, уч ой мотам тутади, кейин аста-секин ҳаммасини унутади... Бошқа ким? Қўшнимиз Мадинами, у ҳам, дейлик, бир ой, йўқ бир ой эмас, икки ҳафта аза очади мен учун... Бошқа яна ким? Сенми? Хўп, сен ҳам икки ҳафта, йўқ, кечирасан, икки ҳафта жуда узун муддат, бир ҳафта-ю уч кун мен учун мотам тутасан, ғамаламга ботасан, юрагинг сиқилади... Кейин-чи? Кейин сен ҳам унутасан, шундай эмасми?.. Ҳамма нарсани унутасан... Бу учрашувимизни ҳам, анови соҳилни ҳам, мана шу айвонни ҳам... Тўғрими?

— Жинни-санғи гаплардан чарчамадингми? Нега бунча бўлар-бўлмас гапларни гапираверасан, тоҳ айрилишимиздан дам урасан, тоҳ ўлимдан... Кел ёнимга...

Уйга кирдилар. Уй ичида анчадан бери инсон яшамаган манзилга хос тартибсизлик ҳоким эди – бир бурчакда цемент халталари қўйилган, бир томонда мисранг, чўкич, арра ва ранда сочилиб ётар, қамишдан тўқилган саватлар устма-уст қалаштириб ташланган, лиқиллаб қолган жавоннинг рафларида сирка, обғўра<sup>1</sup> шишалари терилган, тахмоннинг устига кўрпа-тўшаклар, жилдиз ёстиқлар йигиб қўйилган эди.

Заур Таҳминани ўпиб, эркалар экан, у:

— Атайин, қасддан сени бу ерга олиб келдим, – деди,

<sup>1</sup> Обғўра – узум гўрасининг суви.

— охирги марта, сўнгги марта сен билан бўлишни истаяпман...

Заур эътиroz билдиrmади, аммо бу охирги учрашувлари эмаслигини, бу гапларнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини, джон учрашажакларини, тагин бир-бирларини севажаклариди, чунки Таҳмина усиз — Заурсиз яшай олмаслигини яхши биларди. Заурнинг бунга имони комил, шунинг учун ҳам хотиржам эди... Охирги учрашувимиз деялти, яхши, мен ҳам кўришиш учун ортиқча ташаббус кўрсатмайман, ўпкаланса, «жонгинам, ўзинг айтмаганимидинг бу охирги кўришишимиз деб?» дейман. Ўзи мени ахтаради, ўзи топади, лекин мен зинҳор уни кутмайман, вассалом...

Машинага чиқишганда Таҳмина:

— Аммо сени бу боққа олиб киришимнинг бошқа бир сабаби ҳам бор эди, — деди. — Бу сабабни сен ҳеч вақт била олмайсан.

— Қандай сабаб экан?

— Айтмайман.

Заур ишонмади. Билардик, агар қистамаса Таҳмина-нинг ўзи айтади. Аммо бу сафар ундан бўлмади. Таҳмина ҳеч нарса демади. На ўшанда, на ундан кейин.

... Ва Заур боққа келишларининг иккинчи сабабини ҳеч қаҷон била олмади.

Балки ҳеч қандай сабабнинг ўзи йўқ эди. Эҳтимол Таҳмина шунчаки Заурни қизиқсинтириш учунгина айтгандир бу гапни. Ким билсин...

Таҳминанинг уйи муюлишида машинани тўхтатди. Таҳмина машинанинг ичидаги ўтирганича Заурнинг бўйнидан ўпди.

— Алвидо, — деди ва шошиб машинадан тушди, чаққон одимлар билан уйи томон юрди.

«Алвидо. Хайр. Кўришгунча», деб умрбод айрилиб кетиш мумкин. «Алвидо» дея уч кундан, уч соатдан, ўн беш дақиқадан кейин учрашиш мумкин... Ҳа, бу шундай дунё, аммо, ҳар қалай, уйда, ваннахонага ўтиб, совуқ сувнинг остида ювинар экан, Заур гўё сувнинг ўткир игналари унинг баданидан соҳилнинг қуми, денгизнинг тузи, иссиқ куннинг тери билан бирга Таҳминанинг ўпичларини, эркалашларини, қўлларининг навозишини бир умрга ювиб кетаётгандек туолди. Сўзларини, шивирлашларини, соч-

ларининг ифорини... наҳотки Таҳмина билан энди ҳеч қачон кўришмайдилар, кўли билан пешонасига тушган соchlарини селкиб ташлашларини, дудоқларида пайдо бўлиб, кўзлари нинг остида сўнадиган табассумини Заур энди ҳеч қачон кўрмайди. «Йўқ, бундай бўлмайди, албатта, – дея ўйлади у.

– Албатта яна кўришамиз. Фақат кутиш керак.

Кутиш, вассалом».

## УЧИНЧИ БОБ

*Яхши кўринур сурати маҳвашларинг, аммо  
Яхши назар этдикча саранжоми ёмондир.*

Заур ота-онасини жуда яхши кўрарди. Ёши улғайган сари қаттиқроқ яхши кўрарди уларни. Тўғрироғи, балоғат ёшида у ўз ота-онасини болаликда севгани каби табиий ва таманносиз бир муҳаббат билан севарди... Болалик билан балоғат ёши ўртасидаги қисқа бир даврда – беш-олти йилдан иборат эди бу муддат – тахминан 14 – 15 ёшидан 19 – 20 ёшига қадар Заурнинг ота-онасига муносабати бутунлай бошқача эди. Уларни севарди, албатта, аммо бу севгида аллақандай норозилик, зимдан, баъзан эса очиқдан-очиқ кулиш, истеҳзо бор эди – ота-онасининг яшаш тарзига, эскирган тушунча ва дидларига баъзан эътиroz билдириб қўярди. Аммо, айни замонда ўзи норози бўлган бу ҳаёт тарзининг барча ноз-неъматларию имтиёзларидан жуда бемалол фойдаланаар, қимматли совғалардан – олий ўқув юртига кирган йили отаси унга «Москвич» олиб берган эди – торгинмасди. У йилларда Заурнинг бутун қизиқишлари спорт билан, жаз мусиқалари, рақслар ва қизлар билан, хорижий кийим-кечаклар ва хорижий фильмлар билан боғлиқ эди.

Ота-онаси бутун уйни зил-замбил, тўқ жигарранг кўҳна мебеллар билан тўлдириб ташлаган эдилар (бу мебеллар кейин тагин урф бўлди, аммо ўша йилларнинг таъсирида дидсизлик рамзи каби кўринар эди улар Заурга). Ота-онаси буфетларнинг устини, сервантларнинг ичини қимматбаҳо идишлар билан қалаштириб ташлаган эдилар, столнинг, ҳатто роялнинг устига ҳам йирик биллур гултуваклар, мураббо вазалари, кулдонлар териб қўйилган эди.

Ота-оналари ҳинд фильмларидан завқланардилар, отаси радио қулогини бураб, соатлаб араб ва эрон мусиқасини тингларди – кўзларини лаззат билан юмар, радионинг карнайига қулогини босиб сукутга кетар, ҳар замонда тилини бир такиллатиб «воҳ-воҳ» деб қўярди. Ота-онаси ўта дабдабали ўтиришлар ташкил этишар, бу ўтиришларда узундан-узок, одамнинг юрагини сиқиб юборадиган маъносиз қадаҳ сўзлари айтиларди: бундай йиғилишларда унинг ота-онаси ишқилиб меҳмонларнинг ўрни алмасиб, тўрга ўтириши лозим бўлган меҳмон қуйига, қуйига ўтирадиган меҳмон юқорига ўтириб қолмасин-да, ишқилиб ёддан чиқиб бироннинг соғлиғига қадаҳ сўзи айтилмай қолмасин-да, ишқилиб бироннинг соғлиғидан аввал мансаби тилга олинмасин-да (ҳолбуки, аввал унинг соғлиғи айтилиши лозим эди), дея игна устида ўтиргандек ўтиришарди; бундай йиғилишларда тамадаликка маҳкум этилган бадбаҳт, ҳазил-мутойибадан маҳрум бечора қизиқроқ бир сўз айтиш учун ўлиб-тирилар, бироқ айтганларига фақат ўзи кулар, шу ўринда кулиш лозим эканлигини тушунган меҳмонлардан баъзилари унга эргашардилар... Заур ота-онасининг бу ҳаёт тарзини «мусулмончилик» деб атар, аммо бадбаҳт мусулмонлар қачон ҳам қадаҳ сўзи айтибдилар, қачон тамада сайлабдилар – бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасди.

Фақат сонсиз-саноқсиз қўни-қўшнилари бор ва тез-тез уларникига ташриф буюриб турадиган бу одамлар билан суҳбатлашиш, тавозе кўрсатиб, ҳол-аҳвол сўраш мажбурияти бор эди... Айни пайтда уйларига келганлар билан онасининг доимий суҳбати, фийбати канда бўлмасди: ким қандай яшаяпти, кимни ишдан четлаштирибдилар ва қандай йўл билан четлаштирибдилар, ким кимнинг одами, ким кимнинг орқаси, суюнчиғи, юртдоши, фалончи пистончи билан юради, фалончи эса фалончи билан, фалончи фалон пул топади, фалончи фалон нарсани олибди, фалончи хотинини уради, фалончи эрининг бошида ёнғоқ чақади...

Буларнинг барчаси Заур учун ёт ва бегона, у севмайдиган, ёқтирамайдиган, баъзан ҳатто нафратланадиган бошқа бир оламнинг можаролари эди. Бу оламнинг манзаралари Заурнинг жонини ҳалқумига келтирган пайтларда у ҳатто ўз ота-онасига ҳам истеҳзо билан боқарди. Аммо, та-

ассуфки, бундай муносабатнинг натижаси тамоман бошқача бўлар эди. Заур бундай вазиятларда ота-онасига нисбатан жирканиш ҳисси билан ёндашса-да, уларнинг садоқатларини рад этмас, аксинча, ичидаги ота-онасига қарши бир қадар нафрат, ирганиш ҳисси уйғонарди; бундай пайларда у турли йўллар, ҳар хил баҳоналар билан ота-онасининг бошига favgolap solishni истарди. Онаси уйбекаси бўлиб, фақат отаси ишлаб топар, аммо Заур отасига тўғридан-тўғри мурожаат этишдан ийманар, отаси билан ораларида қандайдир парда бор эди, фақат «пальто, костюм олмоқчиман», «сафарга чиқяпман» ва бошқа шу каби сабабларни онаси орқали маълум қиласарди. Баъзан кўнглидаги гапни ҳазиллашиб ифода этарди: «Билмайман, бу пулларни ким учун асроялсиз, профессорнинг бутун молдунёсини яккаю ягона ўғлингизга сарфламай кимга сарфлар экансиз?»

Заурнинг ҳар истаги, ҳар орзуси бажо этилар, афсуски, ота-онасининг бу саховати, бу хотамтойлик унда миннатдорчилик ҳиссини уйғотмас, нари борса унинг лабларида истеҳзо аралаш мамнун бир табассум пайдо бўларди...

У пайлар Заур Таня исмли сув парисига ўхшаган сариқ соч қиз билан юрарди. Таня спортчи, елканли қайиқ ҳайдаш бўйича чемпион эди. Онаси унинг ким билан юраётганини қайси йўллар биландир ҳидлаб-искаб хабар топишини Заур билмас эди. Бу алоқа Зевар хонимнинг таъбига ўтирумас ва негадир ҳамиша хотиржамлик билан маълум қиласарди:

— Яна сенинг Танка-манкаларинг кўнғироқ қилди...

Танка-манка ҳам ўша Таня исмли қиз эди, ўша сув парисига ўхшаган олтинсоч қайиқчи қиз кунлардан биррида ота-онаси билан Львовга кўчиб кетди, Заурнинг ҳаётидан бутунлай ғойиб бўлди... Заур жуда кам эсларди уни, ҳар сафар сариқ соchlari ифор таратган Таняни кўз олдига келтириши биланоқ дарҳол хаёлида денгизнинг поёнсиз мовийлиги — қизнинг кўзларининг рангида эди бу мовийлик — тўлқинларни ёриб елаётган йирик оқ елканли қайиқлар жонланар эди.

\* \* \*

Заурнинг отаси, геология-минерология фанлари доктори, профессор Мажид Зайналли нимага эришган бўлса, ўз меҳнати билан, узун ва машаққатли ҳаётий курашлар натижасида эришган эди. 30-йилларда олис тоғ қишлоқларининг биридан Бокуга келганида Мажид Зайналлиниң ямоқ этиги, бир сидра бўз кўйлак-шалвори ва шалворининг киссасида ҳаммаси бўлиб уч сўмгина пули бор эди... Мажид конларда қора ишчи бўлиб, вокзалда ҳаммол бўлиб, ҳатто бир муддат ошхонада ошпаз ёрдамчиси бўлиб ҳам ишлади. Рабфакнинг кечки бўлимидаги таҳсил олди. Алоҳида бир қобилияти бўлмаса-да, меҳнат-севарлиги, тунларни бедор ўтказиши, кучли ишончи натижасида университетга кирди, уни аъло баҳолар билан битириб, Ленинградга аспирантурага кетди... 1936 йилда Ленинградда диссертация ҳимоя қилиб, фан кандидати бўлди. Сўнг Бокуга қайтди ва ўша йили ўзи ишга кирган институтда машинистка бўлиб ишлайдиган Зевар исмли қизга уйланди... Зеварларнинг Тоғли маҳалласида данғиллама уйлари бор эди. Икки қаватли уйнинг иккинчи қаватини ижарага қўярдилар, биринчи қаватдаги икки хонада – Зеварнинг онаси ва сингиллари билан биргаликда Мажид ва Зевар роса бир йил яшадилар. Бир йилдан кейин Мажидлар шаҳарнинг марказидаги бўшаган уйларнинг бирига кўчдилар, кейинчалик қўшнилардаги икки хонани ҳам ўзларига қўшиб олдилар ва ҳамон шу ерда яшаб келяптилар...

Қирқинчи йилнинг сентябрида Заур дунёга келди...

Уруш бошланди, артиллериячи-офицер Мажид Зайналли Севастополда яраланди, госпиталдан чиққач, тагин Бокуга чақирилди ва бир гуруҳ геологлар билан Эронга жўнатилди. Эрондан келтирилган нарсалар ичидаги Заурнинг энг яхши эсида қолгани локланган ботинкалар ва қизил шоколад қутилари эди... Урушдан кейин Мажид Зайналли докторликни ҳимоя қилди, кафедра мудири этиб тайинланди ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени олди.

Таҳминанинг фолида бир нарса ҳақиқат эди: ёши улғайган сари Заур чиндан ҳам юмшаб, мулојимлашиб бораради. Энг аввало у ота-онасига меҳрибон бўлиб қолди. Энди муносабатларида аввалги гараз ҳам йўқ эди. Тўғри,

ҳали ҳам бაъзи-баъзида онасиға: «Хўш, қўлингизни мундоқ киссангизга солиб кўрингиз-чи, профессорнинг пуллари моғорлаб кетмаганмикан», — деса ҳам, энди ота-онаси берган пулни қимтина-қимтина, тортинган, уялган бир алфозда олар эди... Ишга киргандан бери ўзи ҳам пул топа бошлаган эди. Тўғри, топгани харжининг ўндан бирини ҳам қопламас, лекин, шунга қарамай, ҳар сафар онасидан пул олганида, қарз оляпман, маош олганимда қайтараман, дерди, лекин кундан-кунга қўпайиб бораётган бу қарз ҳеч қачон узилмаслигини ҳар иккаласи ҳам билар эди...

Бир сафар эса у жуда ўнгайсиз аҳволда қолди. Аслида бу ўнгайсизланиш ҳам эмас, қандайдир бошқача туйғу эди. Отаси унга уч хонали кооператив уй олганини, ҳатто пулини ҳам тўлаб қўйганини билганда Заур бир қадар асабийлашди: «Ким билсин, қачон тайёр бўлади бу уй, ундан кўра ўша пулларни ўзимга берганида камимга яратардим, — дея ўйлади у, айни пайтда бу нарса унинг бир оз нафсониятига ҳам тегди, — демак, менинг бўлажак уйим ҳам отамнинг ҳисобидан экан-да. Бир томондан севиниб ҳам қўйди, — ҳар ҳолда ўзимнинг алоҳида уйим бўлади». Кўпинча ана шундай алоҳида уйнинг жуда қадри ўтарди, чунки алоҳида уй унга тез-тез зарур бўлиб туради... Аммо ҳар ҳолда... Бир марта отасининг ўзи шундан сухбат очди. Зевар хоним уйда бўлмаганда ана шу мавзуда гаплашиб олиш учун отаси кўпдан бери пайт пойлар эди.

— Албатта, — деди отаси, — сенинг ҳамиша биз билан бирга яшашингни истаймиз, аммо ўзинг ҳам биласанки, буни яширишнинг ҳожати йўқ, онангни феъли тундроқ. Сенинг бўлажак хотининг ҳатто малика бўлганда ҳам иккаласининг тил топишиб кетиши қийин. Оилада норозилик, гап-сўзнинг нима кераги бор. Ундан кўра бошдан шундай иш тутайликки, ўртадан иззат-хурмат кўтарилимасин... Энди сенинг ҳам уйланиш ҳақида ўйлаб кўриш вақтинг етди. Бизнинг ҳам энди бува, буви бўладиган ёшимиз. Миянгни жойига қўйиб, ҳар томонлама яхшилаб ўйлаб кўр. Унгача уй ҳам тайёр бўлади... Худо хоҳласа, унгача ҳимоя ҳам қилиб қоларсан...

Отаси ҳеч қачон у билан бу тарзда гаплашмаган эди. Умуман, отаси билан жуда кам сухбатлашишар, отаси илмга, китоблар оламига шўнғиб кетувчи тиниб-тинчимас

одам бўлиб, хотини билан ҳар замонда бир гаплашар, ўғли билан эса суҳбатлашмасди деса ҳам бўларди. Бундай очиқ-ошкора сўзларни эса Заур умуман биринчи марта эшитиши эди. Шунинг учун ҳам у лол қолган эди. Аммо у бундан ҳам кўра бошқа бир нарсага ҳайрон эди – отаси бундан бир неча йил илгари ўз ҳаётини аниқ график бўйича тузгани каби, энди унинг – Заурнинг ҳаётини ҳам шу қадар аниқ режалаган эди: олий маълумот, диссертация, уй, уйланиш, болалар... Тўғри, баъзан кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлади, масалан, Иккинчи жаҳон уруши. График бунда муайян даражада бузилади. Аммо ҳатто Иккинчи жаҳон уруши ҳам, оғир яраланиш ҳам Мажид Зайналлининг ёшлиқ йилларида тузган ҳаёт жадвалини – ўз олдига қўйган бир мақсаддан янги бир мақсад сари кетувчи тўп-тўғри йўлни чалкаштира олмади. Ва бу тўп-тўғри йўлдаги ҳаракатни Мажиддан кейин унинг ўғли Заур давом эттириши лозим эди. Кейин эса, иншооллоҳ, бу йўлга Заурнинг ўғли қадам қўяди...

\* \* \*

Кечки овқатдан сўнг отаси ўз хонасига кириб кетди. Заур журналларни вараклар экан, бирдан Зевар хоним:

– Менга қара, – деди, – қулоғимга ҳар хил гап-сўзлар чалингити...

Заур «Оғонёк»даги кроссвордни кўздан кечирар экан, бел парволик билан:

– Қандай гап-сўзлар? – деди.

– Сени тез-тез бир хоним билан кўрар эмишлар.

У «Оғонёк»ни бир четга суриб қўйди:

– Қандай хоним билан?

– Билмадим, унинг оти Нарминами, Таҳминами экан.

Бирга ишлар экансизлар... – Заур гуп этиб қизариб, гўё кулоқлари ёниб кетаётгандек бўлди. Ўзини қўлга олиб:

– Нима бўпти? – деди.

– Яхшиямки башарангда бир оз ҳаё қолибди, – деди онаси, – қани, менинг кўзларимнинг ичига тик қара-чи.

Заур зўрма-зўраки кулимсиради ва онасининг кўзларига бокди.

— Уни машинангга миндириб бутун Абшерон бўйлаб олиб юрганинг ростми?

«Вой тавба, ҳамма нарсани миридан-сиригача етказибдилар».

— Деворнинг ҳам қулоги борлигини билмайсанми?.. Ҳеч эсинг борми, миянгга мундоқ ўйлаб кўрасанми ўзи? Эри бор экан-ку, ахир. Сенинг Танка-манкаларингдан эмас...

— Сизга бу хабарларни етказган ким ўзи? Кишиларнинг ҳам қилишга иши қолмабдими...

— Йўқ, қилишга сенинг ишинг қолмаганга ўхшайди... Бу қилиғларингдан уялмайсанми, ахир... Менинг гапимга қулоқ сол, сен энди ёш бола эмассан. Соқол-мўйлови чиқиб қолган катта йигитсан... Мен ҳеч маҳал сенинг ишларингга аралашган эдимми, ростини айтавер, аралашганимидим, йўқ? Аммо бу сафар ҳар икки қулогинг билан яхшилаб эшитиб ол: отангнинг қулогига етиб бормасдан бу ишлардан оёғингни уз! Тушундингми?

Масаланинг бу тариқа қўйилиши Заурни эсанкиратиб қўйди: қанақа ультиматум бу ўзи, нима, Заур она сути оғзидан кетмаган гўдакми? Аммо у ҳеч нима демади... Балки Зевар хоним сухбатни шу ерда тутаганида яхши бўлармиди. Зевар хоним шу нуқтадан нарига ўтмаганида ҳаммаси бутунлай бошқача бўларди. Аммо Зевар хоним кибрли аёл эди, ичида гап қайнар ва айтмоқчи бўлганларини тўкиб солмагунча тинчимас эди. Ва айтган сўзлари кейинги барча ҳодисалар учун туртки бўлди... Зевар хоним юзини шундай буриштирдики, бирон жойи гўё бураб оғриёттандек, ўзи қаттиқ жирканадиган нарса ҳақида сўзлар эди:

— Энди сенга илакишибди-да, — леди, — идорангиздағи бошқалар билан томоша кўрсатиб қўйиб, энди навбат сенга келибди-да?!

Заур сапчиб ўрнидан турди:

— Бас, — леди, — уят сенга бундай гапларни галириш... ҳар қандай қаланги-қасангининг гийбатларини кўтариб юриш ярашмайди сенга... — У бу сўзларни шунчалик эркин, шундай асабий айтдики, онаси бармоқ тишлаб қолди, онаси савқи табиийси билан нималарнидир туйдики, бу туйғу ҳали Заурнинг ўзига ҳам тўла равшан эмас

эди. Заур ўзи билан Таҳминанинг алоқаларини шунчаки ўткинчи, енгил бир нарса деб ўйлаб юрган бир пайтда Зевар хоним аёллар ва оналарга хос бир тахайюл билан бу алоқаларнинг жиддийлигини англаб етган эди.

— Фийбат?! — дея такрорлади онаси киноя билан. — Жудаям ғалати фийбат! Бутун шаҳарга ёйилган бу фийбат... Фақат сен каби гўдакни буларнинг барчаси фийбат, беҳуда фийбат, дея алдайдилар... Аслида бутун шаҳар биладики...

— Бутун шаҳар... Анкета тарқатганмисан бутун шаҳарга?

— Анкета-панкета керак эмас... Ҳамма билади буни... Ўзиям ўшанингга ким бўлсаям фарқи йўқ экан... Оти нима эди ҳалиги кишининг, анови кекса киши бор-ку, сизларнинг идорангизда ишлайдиган, нима эди ўша падар лаънатининг оти, чала кал-чи, бурнининг учиди ортиғи ҳам бор...

Онаси кимни назарда тутаёттанини билар, аммо бўйнига сиртмоқ солсалар ҳам Заур Дадашнинг отини тилга олмасди... Бу номни Зевар хонимнинг ўзи эслади:

— Ҳа, Дадаш, айтяпман-ку отини Дадаш деб. Уялганидан ерга кирмайдими, у беҳаё қиз... Ахир ёш келинсан, кўринишинг ҳам бинойидек, — «бинойидек», бу Зевар хонимнинг Таҳмина ҳақида айтган биринчи ва охирги яхши сўзи бўлди, — ёшгина эринг бор... Аммо буни қара, ким билан дон олишади — майиб бир чол билан...

Заур аниқлик киритмоқчи бўлди:

— Демак, дон олишиш гуноҳ эмас, гуноҳ фақат майиб чол билан дон олишишда?

— Сен бу борада мен билан сўз талашма. Ким билан дон олишиш унинг иши. Қолаверса, латта эрининг иши. Ҳайф унақа эргаки, шу хотин билан бирга яшайди. Лекин, бас, сендан қадамини узсин. Йўқса, унинг бошига чунон ўйинлар соламанки, ўзининг отини ҳам эсдан чиқариб кўяди. — Зевар хоним Таҳминанинг бошига қандай ўйинлар солишини янада аниқроқ ифодалаш учун илова қилди: — Кўзини ўйиб оламан у қанжиқнинг...

Заур онасининг феълини яхши биларди, онаси айтганининг устидан чиқадиган аёл эди, бу воқеа эса Зевар хонимга жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Заур масаланинг янада кескинлашувини истамади, шунинг учун:

— Сен жудаям ғалатисан-а, ойи, — деди. — Орамизда ҳеч гап бўлгани йўқ. Бир идорада ишлаймиз, тенг-тўшмиз, балки ишдан чиққанида бир-икки марта уни уйига элтиб қўйгандирман, вассалом... Бунинг нима ваҳима қиладиган жойи бор? Агар бу сенга шунчалик қаттиқ таъсир қиладиган бўлса, бўлти, сўз бераманки, уни энди ҳеч қачон машинамга миндирмайман, троллейбусда кета қолсин. — Заур одатдагидек ярим ҳазил оҳангига гапирав, аммо юрагида аллақандай бир безовталик бор эди, гё ўзини Таҳмина-га хиёнат қилаётгандек ҳис этар, виждони олдида пок қолиш учун Таҳминани ҳимоя қилишни истарди: — Бироқ Дадаш ҳақидаги гаплар, — деди, — сени ишонтириб айтаманки, ёлғондан, бўхтондан бошқа нарса эмас. Мен жуда аниқ биламан, Дадаш билан унинг орасида ҳеч нарса бўлгани йўқ, бўлмайди ҳам.

— Сен қаердан биласан? Ўзи сенга айтдими?

— Йўқ, ўзи айтгани йўқ. Ахир, мен ҳам ўша идорада ишлайман, нонни «нанна» деб юрган гўдак эмасман-ку, биламан-да... Бу гаплар фирт ёлғон. — Аммо Зевар хоним муросага келишни асло истамасди.

— Фақат Дадаш билангина эмас. Бизнинг қўшнимиз ҳам у билан анча вақт «дўстлик» қилиб юрган экан.

— Қайси қўшни? — дея сўради Заур ва бутун вужуди музлаб бораётганини ҳис этди.

— Олияниңг ўғли-да!.. Спартак... Олия айтардики, телефонимизнинг тинчиган лайти йўқ эди, кеча демай, кундуз демай телефон қилгани-қилган дерди... Ер юткур, тағин қаердан қўнғироқ қиласмиш де — ўз уйидан. Қовоқ-бош эри қайси гўрда юраркан?.. Э-воҳ...

Заурнинг вужуди музга айланган, боши оғирлашиб кетган, мияси ғувиллар эди, секин-аста ўзини қўлга олар экан, бутун қалбини ягона истак қамраб олган — шу заҳотиёқ Таҳмина билан кўришиш, дарҳол Спартак бора-сида сўраш, унинг жавобига қараб ё орани бутунлай очик қилиш, ёки... Онасининг овозини ҳам эшитмай қўйган эди. Онаси эса ҳамон бор дардини тўкиб солар, охири Олия чидай олмаганини, ўзи бу ишга аралашганини куйиб-пишиб ғапирав эди. Олия мен каби ўғли билан адик-бадик қилиб ўтирумаган, дерди у, чунки ўғли ҳам ўша дайдининг, қўнимсизнинг бири-да, Олия ўща беҳаёнинг

ўзи билан гаплашган, қўнғироқ қилиб, ҳой хотин, кўрпангга қараб оёқ узат, йўқса соchlaringни битта-битта юламан, деган. — Зевар хоним кулди, — у лўлининг соchlари ҳам ўзиники эмас дейишади, ясама экан, парик тақар эмиш.

Заур бу воқеаларни бўлиб ўтгандек тасаввур этар, Зевар хоним Таҳминанинг кўзларини ўйиб олиши, соchlарини (бу соchlар парик-марик эмас, ўзининг сочи эди — буни Заур яхши биларди), узун соchlарини Олия хоним битта-битта юлиши кўз ўнгига жонланар эди...

— Бир оз айланиб келай, — деди Заур. Кўчага чиқиши биланоқ эса автомат-телефондан Таҳминага қўнғироқ қилди.

— Лаббай... лаббай, эшитаман. — Телефондан эркак кишининг мулойим овози эшитилди. Бу Таҳминанинг эри, Манноп эди.

Заур дастакни илди...

Оқшом тушиб, борлик қоронfilaшган эди. Заур шаҳарни кезарди. Икки марта қўнғироқ қилди. Ҳар сафар Маннопнинг овозини эшитиб, дастакни илди. Албатта саломлашиши, ўз отини айтиши мумкин эди ва Таҳминани телефонга чақириб беришини хоҳларди: ахир ҳар ҳолда бир идорада ишлар, анчадан бери таниш эдилар. Аммо бундай қилишни истамади: чунки, биринчидан, умуман Таҳмина-нинг эри билан танишиш нияти йўқ эди, иккинчидан, балки Манноп ҳам бирон нарсани эшитган бўлиши мумкин, шунингдек, Маннопнинг ёнида Таҳмина Спартак билан «дўстлик» қилганми ёки йўқлигини қандай тушунтира олади? У миясида гужон ўйнаётган ана шу фикрлар билан шаҳарни кезар, кезган сари гўё хотиржам тортарди. Майли, айтайлик, Дадаш ёки Спартак Таҳминанинг жазмани бўлган дейлик. Менга нима? Таҳмина менинг кимим бўлади? Хотинимми, қизимми, синглимми? Бутунлай бегона-ку. Тўғри, гўзал, жозибали, мени ҳам ўзига жалб этади, мафтун қиласи. Жуда гўзал. Мен ниятимга етдим-ку, ахир, у билан яқин бўлдим. Ажойиб дақиқаларни, соатларни бирга кечирдик... Энди эса, ўзи айтганидек, айрилишимиз керак. Жуда яхши... Ортиқча изтироб чекиш, қизғанишдан нима фойда?.. Кимим бўлади у менинг?.. Ҳеч кимим... Унинг номусини мен кўриқлашим керакми? Унинг бутун бу алоқалари — агар ростдан ҳам шу алоқалар бўлган бўлса —

бизнинг муносабатларимиздан илгари бўлган... Шундай экан, менга нима? Тўғри, Таҳминанинг айни Спартак билан бўлиши Заурнинг тепа сочини тикка қиласди. Ким бўлса бўлсин, фақат Спартак бўлмасин. Спартакни кўрарга кўзи йўқ эди. Болалик пайтларида, ҳовлида бирга ўйнаб, талашиб-тортишиб юрган даврларидаёқ Спартакни жини суймасди. Спартак сотқин ва қўрқоқ эди, доим уларни сотарди. Заур болаликда Спартакни шундай эзардики... Олия хонимнинг айтганлари ёлғон, албатта: Таҳмина, дунёнинг гўзали Таҳмина Спартак каби бир даюс билан «дўстлик» қиласканми?.. Албатта Спартак Таҳминага ҳеч яқинлаша олмаган ва худди шу боисдан қасамлар ичиб бўлар-бўлмас гапларни тарқата бошлаган. Ахир, Дадаш ҳам бошқачароқ кўринишида ана шундай гап-сўзларни тарқатмаяптими? Да-даш қандай гап тарқаттанини ва нима сабабдан шундай қиласётганини Таҳминанинг ўзи Заурга айтиб берган эди-ку. Энди эса Спартак! Мавриди топилса эди, Таҳмина Спартак масаласини ҳам Заурга аниқ-равшан изоҳлаб берарди. Шунда Заурнинг юрагида ҳам ҳеч бир шак-шубҳа қолмаган бўларди...

Охири марта соат 12 яримда қўнфироқ қилди, тағин Маннопнинг овозини эшитиб, дастакни осди... уйга қайтаркан, чиндан ҳам ғалати, деб ўйларди у, мана ҳозиргача Маннопнинг овозини эшитдим. Тун оғиб қолди. Таҳминаларнинг деразаларидаги шуъла ҳам сўнгандир. Улар бир ерда, қоронги хонадалар, тунни бир ерда кечирадилар, эрхотин улар. Аммо бу фикр Заурни Спартак ҳақидаги шубҳаларичалик изтиробга солмас эди...

Ёмғир шиваларди. Заур уйлари томон одимлар экан, бирдан эргага Таҳминанинг янги ишхонасига телефон қилиш мумкинлиги эсига келди. Лекин у жойнинг номерини билмасди. Дадашдан билса бўлади. Ярим тунда Дадашга телефон қилса қандоқ бўларкан? Қизиқ бир воқеа ёдига тушди, бу воқеани унга Таҳмина айтиб берган эди: бир кеча Неммат жиндай кайф қилиб олиб, тунги соат учда Дадашдан телефон орқали Таҳминанинг кўзлари қандай рангда эканлигини сўраган экан.

— Йўқ, мен бундай қилмайман, — дея ўйлади Заур. — Тунда Дадашга телефон қилмайман. Эрталаб идорада сўраб оламан.

\* \* \*

Эртасига уззукун Дадашни холи топа олмади, хона тўла одам эди. Таҳминанинг ўрнида янги ходим – қорамагиз бир қиз ўтиради. Заур Неъмат билан ундан-бундан бир-икки оғиз гаплашиб, хонадан чиқди. Туш маҳали Дадашнинг хонада ёлғиз ўтирганини кўрди... Дадаш каттакон семиз портфелини очиб олган, столнинг устига газета ёзиб, уйидан келтирган емишни чиқариб қўйган эди. У товуқ ер, хона иссиқ бўлгани учун Дадашнинг аъзойи баданидан тер оқар, тер томчилари товуқнинг ёғига қўшилиб томарди. Буни кўриб Заурнинг кўнгли бехузур бўлди...

Дадаш Заурни кўриб:

– Кир, киравер, – деди, – овқатга марҳамат...

Заур:

– Ош бўлсин, – деди ва чеккадаги столнинг ортига ўтди. Дадаш Заурнинг иш билан кирганлигини тушунди.

Оғзидаги катта луқмани ютиб:

– Менда галинг борми? – деди.

– Ҳа, Таҳминанинг янги ишхонаси телефон номерини билмайсизми?

– Биламан, – деди Дадаш ва бармоқларининг ёфини артмасдан қўлинни камзулининг қўлтиқ киссасига солди, у ердан ихчам телефон дафтарчасини чиқарди, унниқиб титилган варақларни ағдарди, телефон номерни топиб Заурга айтди. Заур ёзмади. Бу номер ҳам Таҳминанинг уйидаги телефон номери каби хотирасида муҳрланиб қолиши аниқ эди.

Унинг Дадашда бошқа иши йўқ эди, билмоқчи бўлган нарсасини билди, бекордан-бекорга, ортиқча сұхбат нима керак? Энди кетиши мумкин эди, аммо бир оз пайсалланди ва қўққисдан сўраб қолди:

– Таҳмина бу ердан нега кетди ахир?

Дадаш оғзидаги луқмани узоқ чайнади, ниҳоят, ўтди, лекин шундан кейин ҳам жавоб бермади, бир муддат егандарини ҳазм қила-қила, кекира-кечира, сассиз-садосиз бошини тебратди. Охири:

– Айтсан, бу қизнинг иши узун ҳангома, – деди. – Энди умр бўйи шундай бўлади – капалак каби у ердан бу ерга, бу ердан у ерга учиб юради... – Дадаш кескин ва

дағал сўзламоқда эди, аммо қейин секингина илова қилди:

— Эски муҳаббати ёдига тушганга ўхшайди.

Заур мот-мааттал қолди:

— Қанақа муҳаббат?

— Билмадим, нима эди у йигитнинг оти, Мухтор эди шекилли. Муҳаррамов Мухтор. Телевидениеда режиссёроми, бир бало... Билмадим, ораларида қандай ҳисоб-китоб бор, аммо юз фоиз аминманки, Таҳминани ўша тортиб олиб кетди телевидениега. Диктор қилмоқчи уни. Бу қиз гўёки философ, дипломи бор, университетни битирган, энди эса диктор бўлмоқчи. Ҳай-ҳай... Нима жин урди, ниманг етишмасди бу ерда?! Маош дегулик маошинг бор эди, ҳар замонда гонарар-понорар ёзиб турардик, хушинг товласа келардинг, хушинг товламаса – кетардинг...

Дадашнинг сўзларидан унинг Таҳминадан жаҳли чиққани, Таҳминанинг фавқулодда бу ишидан қаттиқ хафа бўлгани очиқ-ойдин кўриниб турарди. Гўё ҳақиқатан ҳам Дадаш Таҳминани севадию, бу эътиборсизлик унга шу қадар кучли таъсир этган. Ўкинганиданми, жаҳли чиққаниданми, рашиданми ёки соддагина ҳимоя қилиш ҳиссиданми, Дадаш Таҳмина ўз қадрини билмаганлигидан, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслигидан афсусланиб, ёниб сўйлар эди... Балки Дадашнинг руҳига ҳозир бу ҳисларнинг ҳаммаси ҳоким эди? Бошқасини қўяйлик, бу Муҳаррамов дегани ким ўзи, қаердан чиқиб қолди у, қайси уядан чиққан күш бўлди экан? Эски муҳаббат... «балки эски танишим мени телевидениега таклиф қилди» деганида Таҳмина худди шу Муҳаррамовни назарда туттандир. Эски таниш. Қаёққа қарасанг – унинг эски танишлари. Шунақанг хотин ҳам бўларкан-да, тавба?

Дадаш овқатланиб бўлган, энди товуқнинг суяқ-саёқларини йигиштириб газетага ўради. Заур ҳам хонадан чиқиши учун ўрнидан турган эди, шу пайт Дадаш хотиржамлик билан бундай деди:

— Заур, ука, сенинг отангни яхши танийман, ҳурмат қиласман у кишини. Сен ҳам ўғлим қаторисан, хафа бўлма менинг сўзларимдан, аммо сенга бир аканг каби маслаҳат бераман. У хотинга яқинлашма.

Заур ҳеч қачон сұхбатнинг бу томонга бурилишини кутмаган эди, бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди. «Демак,

шунаقا, – дея ўйлади. – Демак, бу хабар ҳаммага тарқаган. Деворнинг қулоғи бор, деб онаси тўғри айтган экан. Яхши, агар шундай бўлса, демак, унда Дадаш ҳалиги Мухтор Мұхаррамовдан сўз очганида ҳамма нарсани – Заур билан Таҳминанинг муносабатларини ҳам билиб турган. Бундан чиқдики, у Заурни ерга уриш, ундан қасос олиш учун бу сўзларни атай айтмоқда... Ахир, бу гапларнинг ҳаммаси тўғри бўлса, ундан, демак, Заур Дадашнинг ҳам рақиби, мақсадига етган рақиби».

– Ёмон офат у қиз. Ишон менга. Мен ҳаммасини тушунаман: гўзал у, ҳаддан зиёда гўзал, жозибали. Сен ҳам навқирон йигитсан... Аммо ундан иложи борича ўзингни торт. Сени фафлатда қўйиб, шундоқ лақиллатиб кетадики, финг деёлмай қоласан...

Заур мумкин қадар заҳарли қилиб:

– Мен негадир сиз Таҳминани ҳамиша ҳурмат қиласиз, деб ўйлардим, – деди.

Бу сафар Дадаш тутилди, аммо дарҳол ўзини қўлга олиб, сокинлик билан давом эттириди:

– Ростдан ҳам менинг унга муносабатим ёмон эмас. Раҳмим келади унга. Бир инсон сифатида яхши жиҳатлари ҳам бор. Аммо на илож? Ўзини ўзи маҳв этяпти... Унинг учун ҳеч қандай қонун-понун йўқ – кўнглига қандай хуш келса, шундай яшайди. Олам билан иши йўқ... Ахир, бунақаси кетмайди-да... Қонун бор, қоида бор...

«Яхши, ҳой абллаҳ, ҳаромзода, сенинг – кекса, оиласи кишининг зимдан Таҳминага суст кетишинг қайси қонун-қоидада, қайси урф-одатда бор экан-а? Бунинг устига ахир у-ку сенинг ходиминг, қўл остингда ишловчи аёл», – Заур шу фикрларни хаёлидан ўтказса-да, лекин айтмади, хезлана-хезлана Дадашга қаради. Дадаш эса борган сари жўшиб сўзлар эди:

– Унга ҳеч нарсанинг фарқи йўқ, ҳар ким билан дўстлашиб кетаверади. Биласанми ким унинг таниш-билишлари? База мудирлари, аллақандай чайқовчилар, ҳоказо, ҳоказо... Хўш, нима гап, ҳа, янги мато олмоқчи, ё шуба, ёхуд аллақандай узук-исирға...

Заур бу булғанч сўзлар сели қаршисида ўзини ожиз ҳис этди, ахир қатъий эътиrozлардан бўлак қайси аниқ

фактлар, далил-исботлар билан бу сел қаршисида турға олади? Бироқ Дадаш унинг самимилигидан куларди. «Юраги пок боласан, шунинг учун ҳам алданасан, шу сабабдан ҳам сени лақиллатиб, бармоғига кийиб олган», – дерди, буни очиқ айтмаганида ҳам, шундай деб ўйларди. Айни пайтда Заур Дадашнинг бу гаплари мутлақо бўхтон эканлигига ҳам амин эмас эди. Чиндан ҳам Таҳминанинг ҳамма ерда танишлари бор эди. Аллақандай бегона, турли-туман соҳаларда ишлайдиган одамларнинг номи тушмасди унинг тилидан. Таҳмина кийимларини Бокунинг энг яхши тиквидисига тиктиргиси, суратини халқаро конкурсларда мукофотлар олган машҳур сураткашга ишлатгиси, сочини ҳам шаҳардаги биринчи сартарошга тузаттиргиси, тишини ҳам энг машҳур дўхтирга кўрсатгиси келарди. Нима десанг де, бунақанги ишларнинг жинниси эди у. Бу нарсалар, бундай ҳаёт тарзи эса муайян одамлар билан, кўп ҳолларда уларнинг хулқ-атворлари билан алоқадор эди ва агар шундай бўлса, буларнинг ҳаммаси Таҳминага осмондан тушмасди, ахир. Бу лутфкорлик – топилмайдиган кийимлар, навбатсиз билетлар, нодир нарсалар... Faразсиз бўлармиди дейсиз...

Кечадан бери Заур Таҳмина ҳақида иккинчи бор ёмон гаплар эшитар, эшитганлари уни қийнай бошлаган эди. Аммо у бундан уч ой олдин – яқинлашиб кетишларидан аввал ҳам баъзан бундай гап-сўзларни эшитарди-ку, нега ўшанда ўзини билиб-билмаганга соларди? Ўшанда нега бу гапларга беларво қўл силтарди? Ҳатто бу гап-сўзлар Заурни бир қадар қизиқтириб ҳам қўйган эди. Қаердадир қалбининг теранликларида, агар чиндан ҳам Таҳмина шу қадар енгилтак, суюқоёқ бўлса, мен нега четда қолар эканман, деган фикр чарх уради. Заур истаганига эришиди, энди ортиқча қийналиш, юрагига оғир олиш нега керак? Бўлгани бўлди, бўёғи сингди... Менга нима? Таҳмина ким бўлиби мен учун? Уч ойлик ширин хотира, холос.

У гарчи шундай деб ўйласа ҳам, қаердадир тиш оғрифи каби зимдан гупиллаб азоб бераётган оғриқни ҳам боса олмасди. Ҳар ҳолда Дадашга жавоб бериш лозим эди:

– Мен сизнинг Таҳмина ҳақида бундай ёмон фикрда эканлигингиизни билмаган эканман.

Дадаш қуруққина қилиб:

— Мен борини айтдим, — деди. — Сени ҳам огоҳлантириб қўяяпман. Чунки сен ҳам менинг ўғлимсан. Мен сенинг бир акант каби...

Жуда қулгили чиқди: «Мен сенинг акант каби, сен менинг ўғлимсан». Заур қаҳқаҳа уриб кулди. Бу асабий бир кулги эди. Дадашнинг кўзларининг ичига тикилатикила куларди. Ва кула-кула:

— На сиз менинг акамсиз, — деди, — на мен сизнинг ўғелингизман. Мен бола эмасман... Нима қилишимни ўзим биламан...

Бу сўзларни Дадашнинг юзига тик боқиб айтди ва ўз фикрини бунчалик очиқ, марду мардона туриб бу бурни ортиқли кишининг башарасига ёпгани ўзига ҳам хуш келди. «Мен билан умрбод душман бўлиб қолади, бўлса-бўлсин, жаҳаннамга! Менга деса, осмон қўлида бўлса, ташлаб юбормайдими», дея ўйлади ва хайрлашмасдан шиддат билан хонадан чиқиб кетди...

## ТЎРТИНЧИ БОБ

*Ҳам висоли ёқур ўд жонима, ҳам ҳижрони,  
Бир ажис шамъ ила душди сари корим бу кечা.*

Ҳар бир инсон ўзи яшайдиган ҳовлини нақадар яхши билса, машина ҳайдайдиган одам ҳам ўз шахрини, унинг кўчаларини, майдонларини, боши берк кўча ва муюлишларини, ўнқир-чўнқирларини шунчалик яхши билади. Уй эгаси ўз ҳовлисининг баланд-пастини қанчалик яхши билса, машина ҳайдайдиган киши ҳам йўлларнинг равон ёки нотекис эканлигини шунчалик яхши билади. «Кеча бу ердаги ўтиш жойини бекитдилар, бу тўсиқнинг устига «ўнгга бурилиш мумкин эмас» белгиси осилган, бу чорраҳанинг светофори ёмон ишлайди, бу баландликнинг ортида чукур бор» — бутун бу аломатлар рулда ўтирган одам учун кундалик ташвишлардир, бу ташвишлар уй эгаларининг занглаган сув қувури, синган дераза, чириган пол борасидаги ташвишларига ўхшайди. Уйига етган одам ҳовлисининг ичига қоронғилиқда ҳам юра олгани каби Заур ҳам шаҳарнинг автомобиль йўлларидан, кўчаларидан,

баланд-пастидан кўзи боғланган ҳолда ҳам юра олар, адашмай бурила биларди... Албатта, кўзи боғланган ҳолда ҳайдамасди машинани, диққат билан бошқа машиналарни, пиёдаларни, светофорларни, йўл кўрсатувчи милициянинг ҳаракатини кузатарди. Аммо шаҳарни беш бармоғидек билгани учун ҳам, машина ҳайдаркан, муайян вазиятда нима қилиши лозимлиги ҳақида ўйламас, фикрлари бутунлай бошқа нарсалар билан банд бўлар эди... Ҳозир ҳам фақат Дадаш ҳақида, тушда бўлиб ўтган сұхбатлари ҳақида ўйларди...

Дадашнинг қиёфаси кўз ўнгидаги қайта-қайта жонланар, унга нафрати тобора ортиб борар, уни тинимсиз сўкар эди: «Итдан тарқаган, сотқин... Кўрасанми оғзини тўлдириб нима дейди: «унга ҳеч кимнинг фарқи йўқ – чайқовчилар, база мудирлари» эмиш... Яхши, модомики унга ҳеч кимнинг тафовути йўқ экан, нега сени ҳеч бўлмаса пойига патак қилмади? Ён-верингга қарамай игна еган итдек ангиллашинг, ифво қилиб бироннинг бетига лой чаплашингга сабаб шу эмасми?»

Аммо энг даҳшатлиси шунда эдики, Заур Дадашнинг айтганлари ҳақми ёки уйдирма эканлигини, унга ишонишини ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. У Таҳминани Дадашнинг сўзларини инобатга олмаган ҳолда тасаввур қилишни истар, бироқ бундан ҳеч нарсани ойдинлаштира олмасди. Унинг тасаввурида икки Таҳмина бор эди – бири Заур билан учрашувга келадиган Таҳмина – Заур унинг ҳар бир сўзига ишонишга тайёр эди – иккинчиси эса бошқа, Заурга бегона, Заур танимайдиган, лекин бошқа кўплаб кишиларнинг фикрида, тилида, тасаввурида мавжуд бўлган Таҳмина... Қайси Таҳмина асл ўзи, ҳақиқийси экан? Балки ҳар иккаласи ҳам бири асл Таҳмина... иккинчиси эса уни ёмонлаганларнинг, уни кўролмаганларнинг тасаввурларида, хаёлларида яратилган, бўяб-чапланган Таҳмина... Ахир, уни бўяб-чаплаган, у ҳақда бўлмагур уйдирмалар тарқатганларнинг ўзлари ҳам Таҳминага бегона эмас эдилар – ё ундан нафратланар, ё уни рашк қилас, ёки баҳиллик қилас, уни бадном этмоқчи бўлардилар. Унинг ҳусни илинжида юрганларнинг кўпчилиги эса аслида истагига ета олмай, ҳеч бўлмаса тиллари билан, ҳалигидақа гап-сўzlари билан, муфассал фийбатлари билан ўз аламларидан чиқмоқчи бўлардилар.

Ана шу нарсалар ҳақида ўйлар экан, Таҳминага қўнғироқ қилиш истаги аста-секин сўниб борар эди. Кечада бу қўнғироқдан бирор маъни чиқар деб ўйласа, бугун, Дадаш билан сұхбатдан кейин буни ўринисиз бир нарса деб ҳисоблар эди. Қўнғироқ қилиб нимани ҳам сўрарди? Спартак ҳақидами, телевидениедаги режиссёр тўғрисидами? Ёки база мудирлари, чайқовчилар борасидами? Таҳмина бу савол-сўроқларга нима деб жавоб беради? «Агар мени фоҳиша деб ҳисобласанг, унда сенга нима фарқи бор буларнинг, — дейиши мумкин эди у, — йўқса, агар бундай деб ҳисобламасанг, бу шубҳаларга не ҳожат?» эҳтимол барча нарсаларни инкор этар, фақат ўша телевидениедаги режиссёрни бўйнига олар... Ё бўлмаса Спартакни... Негадир, нуқул чалкашиб кетарди Заурнинг фикрлари. Йўқ, ўзини кўлга олиши керак. Бу нарсаларнинг ҳаммасини унтуши керак. Кутиши керак, вассалом. Ҳеч ким билан Таҳмина ҳақида сұхбатлашмаслиги лозим. Ўзига ҳам қўнғироқ қилиш керак эмас... кутиш лозим, вассалом... Эртами-кечми, Таҳминанинг ўзи телефон қиласди, бунга Заурнинг шакшубҳаси йўқ. Ўзи қўнғироқ қиласа, ўзи учрашувга таклиф қиласа, ўзи учрашувни тайин этса, ўшандагина сўз очиш мумкин.

\* \* \*

...Кунлар бирин-кетин ўтиб борарди. Таҳмина эса ҳамон жим эди...

\* \* \*

Оқшомларнинг бирида Зевар хоним гап орасида Заурнинг кооператив уйи бир-икки ойда тайёр бўлишини қистириб ўтди. Заур бу тагдор гапнинг яширин маъносини тушунар эди; уйдан гап бошлаганда онаси дарҳол уйланишдан сўз очар эди... Заур чиндан ҳам таажжубланадиган ишлар бўлаётганини ҳис қиласди. Ахир, у онаси бўлажак келини билан тил топиша олмаслигини, ораларида яхши-ёмон гап бўлишини, келинини чақиб-чақиб олишини, мабодо келинининг сиркаси сув кўттармайдиган бўлса, жавобини беришини, ўртага ҳар хил гап-сўзлар тушишини, қиёмат қўпишини яхши билар, ана шуларга қарамай Зевар хонимнинг ўғлини уйлантиришга, қайнона

бўлишга жон кўйдираётганидан, шошилаётганидан тааж-жубда эди... Бу суҳбат ундан-бундан, баланд-пастдан очилаверарди, фалончи ўғлини уйлантириди, пистончи қизчиқарди, фалончига совчилар борибди. Сўнгра Зевар хоним гапни айлантириб Заурга бурав, ахир кап-катта йигит бўлиб қолдинг, уйланадиган вақтинг, қачонгача бўйдоқ ҳолингда тентираబ юрасан, бизнинг ҳам аввалги кучкүвватимиз йўқ, отанг икки марта инфаркт бўлди, бу ер юткур астма эса менинг силламни қурилди, биз бу дунёдан афсус-надомат билан, қўзимиз очиқ кетсак, ўғлимизнинг шод кунларини кўрмасак, ёлғиз ўғлимиз учун совчи бўлиб бормасак, унинг кўнгли истаган, кўз остига олиб юрган покиза бир қизини олиб бермасак, тўйида ер тепиб ўйинга тушмасак, атак-чечак невараларимизни отиб-тутиб ўйнамасак, шу инсофданми ахир, дея эски дийдиёсини бошларди. Ана шунаقا боши-охири йўқ, бекорчи гаплар. Йўқ, маъзур тутасан, бекорчи гап эмас булар... Бизнинг ёшлигимиз қийинчилик билан ўтди, оч-яланғоч эдик, кўп нарсага зор эдик, аммо отангнинг ҳам, менинг ҳам бир орзумиз бор эди – энди боламиз баҳтли бўлсин, бу дунёда ҳеч нарсадан камлик кўрмасин, ҳалол сут эмган пок, иффатли бир қизга дуч келсин, уйланиб бола-чақа орттирисин, биз ҳам кексайганимизда уларга боқиб шодланајлиқ, кўксимиз тоф бўлсин, бизнинг ёшлигимизда насиб бўлмаган саодат ўғлимизга, невараларимизга насиб этсин, уларнинг баҳтиёrlиги – бизнинг баҳтиёrlигимизда, ахир...

Заур бундай баландпарвоз гапларнинг барчасига сабр қилиб келар, ғаши келса-да, на «ҳа», на «йўқ», дея оларди, аммо бу сафар онасининг нутқига янти бир жиҳат илова қилинган эди, узундан-узоқ ва мавҳум орзуларини бу сафар аниқ бир исм билан боғлади. Аввал Заур, хато эшилдим шекилли, деб ўйлади.

- Нима? – дея сўради, – қайси Фарангиз?
- Қўшнимизни айтаяпман-да, Олияниң қизини...

Бу ном, бу таклиф шу қадар кутилмаганда айтилдики, Заур ўзини йўқотиб қўйди:

- У ахир ёш қизалоқ-ку.
- Нега ёш қизалоқ бўларкан, ўн тўққизга кирди. Институтда ўқийди. Сендан ҳаммаси бўлиб беш ёш ки-

чик. Шундай бўлиши ҳам керак-да, эр хотиндан бир оз катта бўлиши лозим.

Албатта, Зевар хоним ўзи билан эри ўртасидаги ёш фарқини назарда тутарди – ўзи эридан саккиз ёш кичик эди.

– Ота-онаси бутунлай рози... Олия менга бир неча марта шама қилди. Сен баҳтлисан, фақат ўғлинг бор, дейди, ўғилнинг иши эса осон... Шукр, менинг ҳам ўғлим бор, унинг зифирча ҳам ташвишини тортмайман, дейди. Аммо қиз бола бошқа масала. Кимга юлдузи тўғри келади шўрлик боламнинг, қайси уйга, қандай савдоларга тушади... Менинг қизим очилмаган гунча, дейди, лекин толе қайси боққа раво кўрган экан боламни... Кошки қизинг тушадиган оиласи танисанг, дейди. Мен ҳам ахир анди эмасман-ку, бу сўзларни бизга теккизисб айтиётганини сезиб тураман... Гапнинг нишаби қаёққа кетаётганини яхши тушунаман...

– Бўпти-да, намунча ҳовлиқмаса, нима бўпти, қизи қариқиз бўлиб уйда қолибдими? Энди 19 га кирган экан, онаси бунча типирчилаб қолибди?

– Астағфурилло... Мен нима дейману, қўбизим нима дейди... Гап нимадалигини тушуняпсанми? 19 ёшда бўлса нима қипти? Бугун-эрта эрга тегади. Олия хоним эса қизи кимга, қайси уйга, қандай шароитга тушади – ана шундан хавотирда. Бир томондан бизга, бизнинг оиласа яқин, сени танийди, унинг кўз олдида улғайгансан; қизинг ташвишини яхши ерга тушишини қайси она истамайди, ахир?

– Хўш, нега энди сен бунча куйиб-пишасан. Бошқаларнинг ғам-ташвиши сенга қолдими?.. Ёш, гўзал қиз бўлса, вақти келиб тегади эрга. Сенга нима унинг ташвишини чекиб?

– Мен нега унинг ташвишини чекар эканман?.. У қиз-ку уйда қолмайди, мен сени ўйлайман... Бундай қизлар йўлда тўклиб ётгани йўқ... Ҳусн десанг – ҳусн бор, ақл десанг – ақл, яхши, зътиборли оила, иффатли, ҳаёлигина қиз. Одамни кўрганда чилондек қизаради, сенга тагин нима керак?.. Бундай қизга уйлансанг, умр бўйи кўнглинг тўқ бўлади, ҳеч кимнинг қаршисида бошинг эгилмайди... Сен эса ҳали бундай нарсаларни тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмайсан.

Энг қизиги шунда эдики, Зевар хоним Фарангизнинг бутун фазилатларини бир-бир санар экан, Заурнинг кўзла-ри олдида гайриихтиёрий равишда Таҳмина намоён бўлар, Заур дарҳол туриб Таҳминага телефон қилиш, у билан кўришиш истагини зўрга тийиб турарди.

Зевар:

— Эртага сенинг туғилган кунингга келмоқчилар, — деди охири.

Заурнинг хаёли бутунлай бошқа жойда бўлганлиги учун ҳам бу гапдан ҳайрон бўлди:

— Келмоқчилар? Ким келади?

— Ким деганинг нимаси? Эрталабдан бери кимни гапириб ўтирибман... Кўшниларимиз — Олия, эри... қизларини ҳам олиб келмоқчилар.

Заурнинг ичиди чироқ ёнди: наҳотки, шу нарсани эсидан чиқарган. Хайриятки, онаси ёдига туширди — ахир эртага туғилган куни. Буни Таҳмина ҳам билади — ён дафтарчасига ёзib олган. Демак, у шу кунни кутяпти, шунинг учун ҳам кўнфироқ қилмаяпти. Ахир, кўнфироқ қилиш, қайтадан кўришиш, бутун алоқаларни янгидан тиклаш учун унга ҳам баҳона керак-да... Албагта, худди шундай.

Заур ўзида йўқ хурсанд эди. Кўпдан бери, олис болаликда қолган беташвиш йилларидан бери туғилган кунини ҳеч қачон бу қадар интизорлик билан кутмаган эди. Болалик йилларидан бери ҳамиша бу кун уни зериктиради, чунки бу кунда унинг учун тамомила ёт бўлган кишилар, бемаъни қўшнилар йигилар, бехуда суҳбатлар бошланар, маънисиз қадаҳ сўzlари айтилар, сентябрь ойи бўлганлиги учун ҳамма димиқиб кетарди. Ҳамманинг кўйлаги шалаббо бўлиб баданига ёпишар, хонага тер ҳиди анқиб кетар, Заур сабрсизлик билан ўтиришнинг тугашини, меҳмонларнинг тарқашини кутарди. Энди эса эртанги кунни бечидам бир интизорлик билан кутарди. Гўё бу кун унга нодир бир совға келтирадигандек. Гўё кутилмаган севинчларга тўлуғ кундек. Худди болаликдагидек...

Туғилган куни эмас, ўша кунга ўтар кечқурун кўнфироқ қилди. Тўғрироғи, кечаси. Тун ярмидан ўтган, сана ҳисобида чиндан ҳам 23 сентябрь — Заурнинг туғилган куни эди. Заур хонасига кирган бўлса-да, ҳали ётмаган

эди. Уйдаги ҳамма чироқлар ўчмагунча ва барча овозлар тинмагунча ухлай олмас эди. Отаси ҳамиша эрта ётар, тонгда ҳам ҳаммадан олдин турарди. Онаси эса Боку телевидениесининг эшиттиришлари тугаши биланоқ ёттани кетарди... Бу кечак ҳам отаси аллақачон уйкуга кетган, аммо онаси ҳали уйғоқ эди. Қўшнилари Ситора билан ошхонада ивирсир, эртанги меҳмондорчиликнинг тайёргарлигини кўрардилар. Ошхонадан зиравор ва қиём ҳиди келарди – улар ҳар хил шириналлар тайёрламоқда эдилар. Турли-туман пироглар, пирожнийлар, тортлар тайёрлашда Зевар хонимнинг тенги йўқ эди, бу гал эса у бор маҳоратини ишга солган, чунки эртага унгага Олия каби талабчан бир ҳакам баҳо бериши керак эди. Ошхонадан онаси билан Ситоранинг паст овоздаги ҳангомалари эшитилиб турарди, улар профессор билан Заурнинг уйкусини бузмаслик учун паст овозда гаплашардилар. Заур уларнинг ҳар бир сўзини аниқ эшитмаса-да, сухбатларининг мазмунидан огоҳ эди: аёллар хамирнинг яхши кўпчишидан, қатламаларни яхшилаб йўғиришдан, ёнғоқли чакчакка шириналларни яхши аралаштиришдан, пахлава<sup>1</sup> га қўшиладиган зираворнинг микдоридан гаплашардилар. Эртаги йифилишдан, меҳмонларнинг хил-хуштидан, ким пахлавани, чакчакни яхши кўради, кимга қандай торт, қанақа пирожний, қандай пирог кўпроқ ёқади, ким шириналларнинг жинниси, қайсиdir хотин ҳеч нарсани менсимаслиги, ҳолбуки тунов куни ўша хотин ўз уйида ошнинг тагини олдиргани ва ҳоказолардан сухбатлашардилар... Эплаган қилади, Зевар опа, бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳамма гап шунда-да, Ситорахон, чиндан ҳам катта зиёфат бериш қийин иш. Тинчлик бўлмайди, ҳолдан тоясан. Аммо бир томондан қараганда, ёлғиз болангни ўстириш учун қўлинг косов, сочинг супурги бўлиб хизмат қилмасанг, қачон қиласан... Албатта, Зевар опа, шундай ажойиб ўғил тарбиялагансанки, худо умрини берсин, энди бир оз азиятини ҳам чекасан-да. Бўлмасам-чи, Ситорахон, бўйларига қурбон бўлай, ўғлимнинг феълатвори ажойиб, ипакдай юмшоқ, юраги шундай покиза, шундай тозаки, нақ шиша дейсан, ҳар сўзга, ҳар нарсага ишониб кетаверади, бир таннозга дуч келиб, у боламни

<sup>1</sup>Пахлава – ёнғоқ ёки магиз аралаштириб пишириладиган пишириқ.

узукдай тақиб олмаса деган хавотирдаман-да. Қўйсанг-чи, Зевар опа, яхши ният қил, нима, шаҳар бедарвозами? Заур унақанги латта йигитлардан эмас, худога шукр, ақлли, тушунган бола, ҳамма нарсага фаҳми етади, ҳадеб юрагинг сиқилавермасин, худо ҳақи...вой қара, қара, пирог куйиб кетди, ҳангомага чалғиб...

...Худди шу пайт телефон жиринглади. Заур ўрнидан сапчиб турди – бундай пайтда фақат унга телефон қиласидилар. Ким бўлдийкин? Дастанни олди:

– Алло!

Дастандан гала-ғовур товушлар эшитиларди – ташқаридан телефон бўлаётган эди – қўчами, майдонми, ҳар ҳолда бегона шовқинлар келарди, сўнг бу шовқинлар ичидан майин овоз эшитилди, бу тиниқ овозни Заур дарҳол таниди.

– Менман, Заурик, – деди Таҳмина. – Бунчалик бемахалда қўнғироқ қилаётганим учун узр... Эшитияптими?

– Албатта.

– Кун бўйи сенга телефон қилмоқчи бўлдим, аммо бошим шундай оғридики, ўрнимдан туришга мажолим етмади... – Овоз ўргада кесилар, шовқин-суронлар, хириллашларга қоришиб кетар, аммо Заур Таҳминанинг сўзларини аниқ илғаб олар эди.

– Сенга аэропортдан қўнғироқ қиляпман. Ярим соатдан кейин учеб кетяпман.

Заур нафасини ичига ютиб тинглар, жавоб бериш у ёқда турсин, на «ҳа», на «йўқ» дея оларди, Таҳмина таажжубланиб:

– Мени эшитяпсанми, Заур? – деб сўради. – Эшитяпсанми?

– Эшитяпман...

– Сени табриклайман... Унуганим йўқ, бугун туғилган кунинг-ку, ахир. Сенга совға ҳам олганман. Эртага сенга етказадилар, – у гўё ҳозир телефон узилиб қоладилю, айтмоқчи бўлган асосий гапини айта олмай қоладигандек шошиб-пишиб гапиради, – кичик бир совға олдим, аммо у ҳамиша сенинг ёнингда бўлади, ҳамиша мени эслаб юрасан... Эртага сенга етказадилар... Мадина, қўшним олиб боради... ишхонангга.

**Заур:**

— Раҳмат, — деди. — Айтмоқчи, сўрашнинг айби йўқ, шу маҳалда қаёққа учияпсан, нима муносабат билан? — Заур ошхонада аёлларнинг жимиб қолганини сезди, афтидан, унинг гапларига қулоқ солардилар.

Таҳмина севинч билан:

— Москвага, — деди. — Эртага Москвадан бизнинг кўрсатувимиз бўлади. Программани мен олиб бораман. Кўрарсан. — Сўнг шошиб илова қилди. — Бўпти, Заурик, ҳозирча, ана, мени имо қилиб чақиряптилар, тайёрага чиқиш бошланди.

Заурнинг кўз ўнгида аэропорт жонланди: тун оғушидан учиш майдони, ранг-баранг сигнал чироқлари, эшиги очиқ тайёра, зинада Таҳминанинг янги дўстлари — телевидение ходимлари, тайёра эшигининг олдида кичик чўнтақ фонарини ёқиб билетларни текшираётган стюардесса. Бир оздан сўнг Таҳмина ҳам зинадан кўтарилади, сўнг тайёранинг эшиклари маҳкам бекилади, паррак айланади, тайёра ер бағирлаб бир оз юргургач, ҳавога кўтарилади. Бир тўда телевидение ходимлари гапириб-кулишади, ҳазиллашишади, эртанги эшилтиришларидан, умуман ишларидан сухбатлашишади.

...Ва Таҳмина ҳам уларнинг ичидаги бўлади. Ўша эски дўсти — телевидение режиссёри, оти нима ҳам эди унинг, Мухтормиди, ўша ҳам уларнинг орасида бўлса керак, у ҳам Москвага боряпти... Балки зинадан кўлинин силкиб Таҳминанинг чақирган ўшадир. Ё балки эндиликда Таҳминанинг шундоқ ёнгинасидадир, телефон олдида Таҳминанинг Заур билан сухбатини тинглаб тургандир. Худди ошхонадан онаси билан Ситора унинг сухбатини тинглашгани каби...

Таҳминанинг бу кўнғироғи Заурнинг юрагини айқашуиқаш ҳисларга тўлдириб юборди — очиқ тайёра майдонининг кенглиги, тайёра парвоз этадиган самовотнинг юлдузи қоронғилиги бор эди бу телефон кўнғироғида... Айни пайтда Заурга бегона бўлган бир орзиқиши, олис сафар фараҳи — бошқа ҳаёт, янги танишувлар, янги муносабатлар ҳам бор эди ва буларнинг барчаси Таҳминанинг янги иши, янги ҳаёти эди. Заурнинг нигоҳидан олис,

ҳаётидан йироқ бўлган бегона бир дунёда рўй берарди бу-  
лар...

- Яхши қол, Зауриқ, мўл-кўл саодат тилайман сенга...
- Сенга ҳам оқ йўл, — деди Заур. — Неча кунга  
кетяпсан?

— Уч кунга, — деди. Сукут чўқди, афтидан у бу сукут  
мобайнида айтами, айтмайми дея иккиланар эди, ниҳоят  
бир қарорга келиб, паст овозда (балки ростдан ҳам унинг  
ёнида бирор бор эди, шунинг учун ҳам паст овозда гапир-  
ди), шивирлаб қўшиб қўйди: — Сен ҳам Москвага учеб  
кела қол, Зауриқ... Бўпти, мен кетдим, ҳозирча...

Телефон дастагидан узуқ-юлуқ гудоклар эшитилди.  
Заур Таҳминанинг сўнгги таклифи ҳақида ўйларди. Таҳ-  
мина чиндан ҳам шу сўзларни айтдими — охирги учра-  
шувларида «энди кўришмаслик»ка қарор қилганидан ке-  
йин, уларнинг идорасидан, Дадашнинг бамайлихотир иш-  
ланадиган бўлимидан кетиб, шовқин-суронли, асабий, ти-  
ними йўқ ва ҳамиша Ѣшилинч телевидение оламига  
тушганидан кейин, янги дўст ва ошналари билан бирга  
Москвага учаркан, худди унга, Заурга ўз ортидан Москва-  
га боришни таклиф қилдими?.. Йўқ, Заур ялинмайди.  
Лекин Таҳмина айнан шундай деди:

- Зауриқ, учеб кела қол Москвага...
- Ким экан у? — ошхонадан онасининг овози келди.
- Ҳеч ким, — деди Заур. — Шунчаки бир танишим.

## БЕШИНЧИ БОБ

*Дагилдим ман санга мойил, сан этдинг ақлими зойил,  
Манга таън айлаян ғофил сани кўргач утмонмазми?*

Заурнинг тахминий ҳисобига кўра Бокуда, Озарбой-  
жон республикасининг бошқа шаҳар, қишлоқ, шаҳарси-  
мон ва қишлоқсимон жойларида уларнинг етмиш етти  
нафар қариндоши бор эди. Ота-онасининг ҳисобларида  
тайин йўқ эди. Кайфлари чоғ пайтларида бири иккинчи-  
сининг қариндошини санай бошлаганида отаси бошқа ҳисоб  
чиқаарди, онаси бошқа. Онасининг ҳисоблашларига кўра  
отасининг қариндоши жуда кўп эди, отасининг ҳисоблаш-  
ларига кўра эса, аксинча. Онаси: «Аммамнинг невараси-

нинг ўтай амакисининг ўғли қанақасига менинг қариндош имтиҳони бўлсин?» – дер, аммо ўзи Мажиднинг тофасининг қизининг қайнинглисингининг ўғлини эрига яқин қариндош санарди. «Ҳар ҳолда, олий мактабга киришда, яқин қариндошим, деб сенинг олдингта келди, сен ҳам ёрдам бердинг... Тўғри, иши битгандан кейин қорасини ҳам кўрсатмади, лекин ҳар ҳолда...»

Аслида, ота ва она тарафдан қариндошларидан ташқари, бошқа, Мажид айтганидек «мавсумий қариндошлари» ҳам бор эди. Уларнинг ким томонидан, қанақасига қариндош эканлиги маълум эмас эди, аммо имтиҳон мавсуми бошланиши биланоқ қаердандир пайдо бўлган бу «мавсумий қариндошлар» эшикни бузгудек бўлардилар. Улар Низомийдан, Фирдавсийдан, Саъдийдан сермаъно мисоллар келтириб, қариндош-уруг оғир кунда ярашини, агар Мажид уларнинг боласига ёрдам бермаса, демак ҳалиги буюк шоирлар айтган ҳикматли сўзларнинг сариқ чақалик маъниси йўқлигини исботлар эдилар... Одатда бу пурмазмун байтлар Мажидларнинг уйида ёз ойларида, кириш имтиҳонлари пайтида жуда кўп жарангларди, аммо бошқа мавсумларда ҳам турли-туман қариндошларнинг турли-туман истак-илтимосларидан Мажиднинг боши холи бўлмасди... Мажид кўнгли бўш киши эди, қариндошларидан ҳам, бегона, таниб-танимаган одамларидан ҳам қўлидан келган яхшилигини аямасди, бу яхшиликлари эвазига ҳеч нарса тама қилмас, ҳатто «раҳмат» демади-я, деб хафа ҳам бўлмасди... Аммо қарабсизки, у яхшилик қилган, оғир кунида суюнган одам ниятига етиши биланоқ қўққисдан гойиб бўлар, на ўзи, на изи кўринарди. Шундай пайтларда Мажид тоғо сегоҳ оҳангидага тебраниб хиргойи қиласиди: «Боғда ўрик бор эди, салом-алик бор эди, боғда ўрик тугади, салом-алик тугади».

Бу отаси биладиган ягона шеър мисралари ва ягона мусиқий оҳанг эди, профессор уни ҳаваскорлар каби ўз-ўзига, ўзининг кўнгилхушлиги учун қуйларди. Аммо ҳар ҳолда, нияти амалга ошгач, тўсатдан фойиб бўладиган тамагир қариндошларидан ташқари аслида яқин хеш-акраболари ҳам бор эди ва улар билан ҳамиша борди-келди қиласидилар. Зевар хонимнинг сингиллари, холаси, холасининг қизлари ҳамда Мажиднинг Бокуда яшовчи ягона яқин

қариндоши – машхур жарроҳ, профессор Баҳром Зайналли ана шундай яқин қариндошларидан эди. Баҳром Зайналлиниг оиласи – хотини Рухсора хоним, ўғли Расим ҳам яқин қариндошларидан эди, албатта, бироқ Баҳромнинг урушда ҳалок бўлган акасининг ўғли Фиёс билан ораларида борди-келди йўқ эди. Фиёс Дилора деган бир қизга уйлангани, уларнинг бир ўтилари борлигини Мажид билар, аммо на унинг ўзи, на Зевар билан Заур Фиёснинг оиласи билан таниш эдилар. Ҳеч қачон бир-бирлариникига бориб-келишмаган, гарчи Фиёс амакиси Баҳром билан борди-келди қўлса-да, аммо Баҳромнигиа тез-тез бориб турадиган Мажидларнинг оиласи бирон марта ҳам Фиёсларга дуч келмаган эдилар... Одатда Баҳромлар ҳам, бошқа қариндошлар ҳам бирор-бир воқеа муносабати билан – туғилган кунларда, тўй-маъракада ёки худо кўрсатмасин, азаларда Мажидларнигиа келар эдилар. Бугун – Заурнинг туғилган кунида ҳам беш-олти нафар қариндош – Зеварнинг икки синглиси, холасининг бир қизи (холасининг иккинчи қизи келмаган, холасининг тоби йўқлиги туфайли унга қарагани қолган эди), Баҳром Зайналли ва унинг хотини Рухсора (улар ҳам ўтилари Расимсиз келган эдилар), шунингдек, Мажиднинг ишхонасидан икки киши, жумладан, унинг кафедрасидаги асиссенент Шоҳин келишган эди. Шоҳин Заур билан тенгдош бўлиб, уларнинг оиласи учун қадрли киши эди: нима керак бўлса, у ернинг тагидан бўлса ҳам топарди. Бугунги ўтириш учун зарур бўлган ноз-немъматларни ҳам – хон гуруч, янги балиқ, икрадан тортиб ҳар хил майда-чыйдалар – боржом суви, яшил нўхот, майонез кабиларигача – барчасини Шоҳин «ташкил этган» эди... Кўшнилар билан унчалик меҳрибон эмас эдилар, улардан фақат Муртузовларгина чиқишиган эди. Муртуз – истеъфодаги полковник Муртуз Муртузов барча орден, медалларини тақиб олган, у билан бирга хотини Олия ва қизи Фарангиз ҳам келишган эди. «Қизларини бизникларга – қариндошларимизга кўрсаттани олиб келганлар», – дея ўйлади Заур. Аммо қизиги шунда эдики, Муртузовлар билан бирга, чақирилмаган меҳмон, деганларилик, Заур танимайдиган бир эр-хотин ҳам келишган эди. Олия хоним изоҳ берадиганини ҳам, узр сўраётганини ҳам англаб бўлмайдиган ноаниқ бир оҳангда:

— Тоҳира билан Жаббор келиб қолишиди, уларни ҳам судраб келавердим, — деди.

Тоҳира Олиянинг ўртганча синглиси эди. Кичик синглиси Сурайёнинг Неъмат деган эри бўлиб, у таржимонлик қиласар, Заур билан бир нашриётда ишларди. Заур Неъматни ниҳоятда ёқимсиз, бемаъни одам деб ҳисобларди.

Аммо Заур Тоҳира билан Жабборни биринчи марта кўриб турарди.

Тоҳира ҳам Зевар хонимга:

— Худо ҳақи, кечиринг, — деди. — Олия, сиз ҳам юринг деб туриб олди. Заурнинг туғилган куни эканлиги ни сирайм билмагандик... Совфасига қарздормиз. — Тоҳира гўё узр сўрарди, аммо бу сўзларни шундай бир кибр билан айтардики, ундан бутунлай бошқача, яъни бизнинг ташрифимиздан сизлар миннатдор бўлишингиз керак, деган маъно сезилиб турар эди.

Зевар хоним:

— Вой, нималар деяпсиз, айби бор эканми, ўз уйингиз деб билавёргинг, хуш келибсиз, — дерди.

Аммо онасининг сўзларида ҳам бутунлай бошқа маъно борлиги Заурнинг эътиборидан четда қолмади. Тоҳиранинг такаббурлик қилаётганини Заурнинг онаси ҳам сезган, имкон топилиши биланоқ уни чандиб олишга тайёр эди...

Заур қариндошларнинг бу вакиль ҳайъати фақат Фарангизни эмас, балки унинг ўзини, Заурни кўриш учун ҳам йигилганини англади. Тўғрироғи, улар ёлғиз Заурнигина эмас, балки унинг оиласини, қариндош-уругини, уйжойини, турмуши ва ўтириш-туришини, хуллас, «бизнинг Фирочка» тушадиган шароитни кўргани келишган эди... Афтидан, Тоҳира Олиянинг фақат синглисигина эмас, айни пайтда энг яқин маслаҳатчи-машваратчиси ҳам эди, унинг раъийи, фикри, таассуроти возиб эканлиги сезилиб турарди... Заур ичida бу эрмакларнинг барчасидан кулибгина қолмай, балки маълум даражада бундан нафратланарди ҳам, аммо у бу нафрат туйғусини жиловлашни, юзага чиқармасликни, ҳаммага хушмуомала, меҳрибон бўлишни истарди. Одатда бу юзаки муносабатлар, умуман, туғилган кунлардаги сохта шодиёна уни асабийлаштиради. Заур бу

куннинг тезроқ ўтиб кетишини истарди. Аммо бутун эртабдан бери бутун вужудини қамраб олган илик, ёқимли туйғу гёё унинг бутун инсонларга муносабатини юмшатган эди: у ҳеч кимдан хафа бўлмасди.

Тез-тез қўлинни киссасига тиқар, «Ронсон» ўт олдиргичини чиқариб ёндирап, гёё унинг севинчу фараҳига ҳамма шерик эди. Бу ўтолдиргични бугун унинг ишхонасига Таҳминанинг қўшниси Мадина келтирган эди. Бу «Ронсон» ўтолдиргичи Таҳминанинг кеча айтган совғаси бўлиб, унга бир даста гул ва табрикнома қўшиб юборилган эди... Заур гёё ажойиб уйку оғушида эди, ўз шаънига айтилган табрик сўзларини ҳам тузукроқ эшиитмас, беодоб бўлиб кўринмаслик учун ҳар замонда «шундай, албатта» ёки «йўғ-э» деб қўяр, аммо бу сўзларни жойи келганда айтилтими ёки йўқ — ўзи ҳам билмасди. Тоҳиранинг эри Жаббор унга нималаридир берилиб гапирап, Заур эса уни тингламай туриб бошини лиқиллатар, «шундай, шундай, албатта» деб қўяр, аммо нимани маъқуллаётганини, нималарга шартсиз-шоёнсиз қўнаётганини ўзи ҳам билмасди... Аҳёнда дикқатини тўплаб, Жабборнинг фикрини тушунишга, унинг нималар деяётганини англашга уринарди. Жаббор у билан ёнма-ён ўтирап, аммо овози гёё жуда олислардан келар эди:

— Тушунаман, отангиз ишлайдиган институтда ҳимоя қилиш яхши бўлмайди, гап-сўз қўпаяди. Аммо истасангиз, мен гаплашаман, бизнинг институтда ҳимоя қиласиз.

Заур «шундай, шундай, албатта» дер, аммо шу фурсатда Жаббор унга нимани таклиф қилаётганини англамасди. Жабборнинг овози бошқа овозлар — отаси Мажиднинг, онасининг, холаларининг, Муртузнинг, Олияннинг, Баҳром амакининг, Тоҳиранинг, Рухсора хонимнинг, Шоҳиннинг овозлари билан қоришиб кетган эди... Фақат Фарангиздан садо чиқмасди... Фарангизнинг ёноқлари ловиллаб ёнар эди. Чиндан ҳам жуда ғўзал қиз, деб ўйлади Заур. У гёё Фарангизнинг жимгина ўтиришини ҳам тушунар, унинг сукутини тинглар эди. Афтидан, Фарангизнинг сукути Заур ҳақидаги, у билан қуриладиган келгуси баҳтиёр оила ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар билан тўла эди. Бу тасаввурни Олия хоним секин-секин, зимдан қизига сингдирмаган бўлиши мумкин эмас. Овозлар бир-бирига қоришиб

кетган, аммо алоҳида-алоҳида жумлаларга эътибор берилса, кимнинг нима деяётгани маълум бўларди.

— Ўзи-ку менинг штабимда, қўл остимда эди, кўтар буни, тушир буни, деб буюрардим, энди қарасанг, бурнига хода етмайди, кўчада кўрганда одамзот бандасини танимайди, — дерди Муртуз...

— Ўтган йили Лондондан қайтишда Варшава қабул қилмади. Прагага учадиган бўлдик, мен профессор Сперанский билан бирга эдим, — дерди Баҳром Зайналли...

— Мени складга олиб борди, мама, деди, ол кўнглингта нима ёқса,вой тавба-а-а, Рухсора хоним, яшириб нима қиласай, оғзим очилиб қолди, нимани хоҳласанг — қанақа ранг, қанақа фасон, қанақа бичимда — ҳаммаси бор, — дер эди Олия, у одатдагидек ўели Спартакнинг файрат-шижоатидан оғиз кўпиртиради. Спартак уни қачондир бир пайлар нодир моллар тиқилиб ётган гаройиб омборга элтган экан, Олия хоним бу воқеани Зевар хонимнга камида ўн марта, Зевар хоним эса буни Заурга камида етти марта айтган эди. Спартак Олия хонимнинг севимли мавзуси бўлса-да, ягона мавзуси эмасди. Спартак мавзусидан бошқа унинг яна иккита доимий мавзуси бор эди — эри Муртузнинг хизмати ва қизи Фарангизнинг исмати...

— Керак бўлса мен илмий котиб билан ҳам гаплаша оламан, мени жуда ҳурмат қиласди, бизда ҳимоя қилишингизга рухсат беришларини ташкил этамиз, — дерди Жаббор ва унга жавобан Заур ҳам:

— Шундай, шундай, албаттга, — деб қўяр эди.

Зевар хоним ошхонадан чиқиб келиб:

— Заур, — деди, — телевизорни қўйсанг бўлармиди, меҳмонлар зерикиб қолишимасин...

Заур телевизорни қўйди ва бир оздан сўнг меҳмонларнинг овозига телевизор овози ҳам қўшилиб кетди. Спорт шарҳловчиси:

— Қизғин кураш олиб борган волейболчи қизларимиз катта фалабани қўлга киритдилар, — деб хабар берарди...

Баҳром Зайналли:

— Прагада ҳам лекция ўқийдиган бўлдим, — дерди.

Муртуз Муртузов:

— Тунов куни охири кўчада ушлаб олдим, — дерди.

Олия хоним омбордаги дублёнкалардан, Рухсора хо-

ним комиссион магазиндаги сервизлардан, Тоҳира ёзда дам олган курортидан сўзларди.

— Истасангиз, нақ ректорнинг ўзи билан гаплашаман,  
— дерди Жаббор. — Менимча, эътиroz билдиримайди...

— Прагадан поезд билан қайтадиган бўлдим... Сперан-  
ский билан бир купега тушиб қолдик...

— Тутдим ёқасидан, шошма, шайтон, мени танимай-  
санми, дедим.

— Мана шу кўйлак, Фирочкига французский сапожки,  
Фирочкига сеп учун икки дона кўрпа жилди, тағин бир-  
иккита майда-чыйдадан бошқа нарса олмадим. Спартак,  
мама, қиёмат бўлаётгани йўқ-ку, қачон истасант тағин бу  
ерга олиб келаман сени, дейди...

— Ўша сервиздан олмоқчиман, бизнинг бир ўртоғимиз  
бор — Шомхол, терговчи бўлиб ишлайди, ўшанинг хотини  
Тамаранинг туғилган кунига совфа қилмоқчиман...

— Мен Кримда бўлганман, Сочида ҳам... Аммо бу ер  
бутуналай бошқа олам... Кумини марварид дейсиз, денгизи  
ниҳоятда тоза, бинолари шундай роҳатижон, шундай ши-  
намки...

— Эркаклар командаси эса бу мавсумда ҳали биронта  
ҳам ғалабага эришгани йўқ...

— Ректор нима ҳам дерди?.. Бизнинг институтга ҳатто  
Тифлисдан, Еревандан ҳам келиб ҳимоя қиласилар...

— Қани, овқатга марҳамат!

— Шоҳин, хизмат бўлмаса, қадаҳларни тўлдирсанг.

— Спартак нега келмади?

— Ким билсин, қаерларда тентираб юрибди...

— Хўш, тамадамиз ким бўлади?

— Муртуз Балаевич, полковник Муртузов...

— Йўғ-э, профессор, профессор тузукроқ...

— Қайси профессор, бу ерда профессор иккита.

— Зайналли...

— Зайналли ҳам иккита.

— Дарвоҷе, профессор Баҳром Зайналлини айтяпман,  
Мажид уй эгаси-ку, уй эгаси тамада бўлмайди-да, ахир...

— Яшанг, Зевар кеннойи, демак мен уй эгаси эмасман,  
мен бегонаман?

— Йўғ-э, Баҳром ака, сиз ҳам уй эгасисиз, албатта, бу  
ер ҳам ўз уйингиз. Шунинг учун ҳам Заурчикнинг ўтири-  
шини сиз олиб борсангиз.

- Йўқ, Муртуз тузукроқ, – деди Баҳром.
  - Бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, ҳақиқий тамада – Баҳром домла, – деди Муртуз.
  - Унда Баҳромнинг соғлиғи учун ичайлик, – деди Мажид.
  - Йўқ, модомики тамадаликни менинг бўйнимга қўйган экансиз, сўзимга қулоқ солинг. Заурнинг соғлиғи учун ичайлик, – деди Баҳром.
  - Соғ бўл, Заур, – деди Шоҳин.
  - Соғ бўл, болам, – деди Зевар.
  - Соғ бўл, – деди Мажид.
  - Соғ бўлинг, Заур, – дедилар Рухсора хоним, Олия хоним, Тоҳира хоним... Фарангиз ҳеч нима демади...
  - Сизнинг соғлиғингиз учун, Заур, – деди Жаббор.
  - Добрый вечер, дорогие телезрители, – деди Таҳмина.
- Заур сесканиб телевизор томонга ўтирилди... Ҳамма ўз қадаҳларини Заур томонга узатган, ҳамма қадаҳларини бир-бири билан тўқишитирар, «соғ бўлинг, соғ бўлинг» деб ичишарди. Заурнинг назарида гўё бутун ўтириш туман ичиди қолган ва бу туман орасидан фақат бир чехра – Таҳминанинг чехраси равшан кўринар, олағовурда фақат бир овоз – Таҳминанинг овози тиниқ эшитиларди:
- Мы начинаем программу Азербайджанского телевидение. Мы привезли Вам из нашего солнечного Баку...
- Заур сўзларнинг фарқига ҳам бормай қўйганди. Таҳминанинг нима деяётганини ҳам тузукроқ ангдамас, фақат овозининг оҳангини тинглар, дудоқларидағи майин табасумни кўрарди... Таҳмина бошқаларнинг диққатини ҳам жалб этган эди:
- Буни қаранг, бизнинг Бокунинг кўрсатувларини Москвадан беряптилар.
  - Ҳа, газетада ҳам ёзишган эди...
  - Бу ким, янги дикторми?
  - Ҳа, янги, оти нима эди-я унинг?
- Олия хоним куруққина қилиб:
- Таҳмина, – деди, – энди диктор бўлибди-да...
- Муртуз:
- Бу ўша аёлми, бизнинг...
  - Ҳа, ҳа, – деда Олия дарҳол эрининг гапини кесди.

Агар хотини гапини кесмаганда, Муртуз Балаевич Спартакнинг номини тилга олишини Заур дарҳол тушунди.

Таҳмина сўзлар, кулимсирап, бир пайтлар фақат Заурга чўмилгоҳда, машинанинг ичидаги, Муртузовларнинг боғида табассум қилгани каби эндиликда миллион-миллион томошабинларга табассум қиласди...

Хонада эса ҳамма бараварига Таҳминанинг кийинишини, феъл-авторини, ўтириб-туришини, умуман ҳаётини мунозара қиласди. Эркаклар зимдан илжаяр, аёллар унинг кийимини, соч турмаклашини мазаммат қилас, эгилиб бир-бирларининг қулоқларига ниманидир пичирлашар, янги маълумот олган ҳар бир аёл «вой-вой-вой» дея афсус билан бош чайқар эди... Кимдир Таҳминанинг эри Маннопни танишини, у шўрлик анча обрўли одам эканлигини, энди эса, шўрингга шўрва тўкилгур, бутун шаҳарда беобрў бўлганлигини гапиради. Кимдир, бу кунидан баттар бўлсин, юрибди-да эркакман деб, дея жавоб берди. Кимдир, Таҳмина шундай безаниб-тузанибдик, худди қорқизга ўхшайди, деди. Яна кимдир, одамни телевизорга чиқаришдан, миллион-миллион кишига рўбарў қилишдан олдин мундоқ унинг таржимаи ҳолига, кимлигига, қандайлигига, қайси иннинг қуши эканлигига қизиқмайдилар ҳам, деди... Бу пайт эшикнинг кўнғироги жиринглаб қолди. Шоҳин бориб очди, Спартак ичкари кириб, саломалик қилмай онасига:

— Эшикни қулфлаб кетибсизлар, менинг калитим сенда-ку, ахир, — деди. Олия хонимнинг танбеҳидан кейин («Заурнинг туғилган куни-ку бугун, нега табрикламаяпсан?») ўтирилиб Заурга қаради, Заурнинг қўлидаги «Ронсон»га алоҳида бир диққат билан тикилди, маъноли кулимсираб қўйди ва ҳамманинг телевизорга қараб ўтирганини кўриб Спартак ҳам экран томонга бурилди:

— Оҳо-о, — деди, — офарин, Таҳмуша...

Сўнг Спартак чиқиб кетди. Таҳмина ҳам экранда ўрнини ижрочиларга берди, қўшиқлар янгради ва ўтирганлар ҳам энди концертни тинглаб, созанда ва хонандалар ҳақида сўзлай бошладилар... Фалон хонанда Париждан фалон нарса келтирган, фалон бастакор ойида фалон сўм топади, фалон раққоса фалон ёшда...

Эмин Собитўғлининг қўшиқларини севаман, дерди То-

ҳира. Албатта, бизнинг институтда ҳимоя қилишингиз лозим, дерди Жаббор. Бутун бу хонандалар, қўшиқчилар текинхўр, дерди Муртуз, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир буларнинг ҳаммаси, уруш пайтида кўпчилиги жангга киришдан ўзини олиб қочарди, аммо мукофот олиш ёки бошқа тақдирланиш бўлса, ўзларини томдан ташлардилар... Ҳозирги ижро чиларнинг кўпчилиги уруш пайтида дунёга ҳам келгани йўқ эди, дерди Баҳром, борлари ҳам она сути оғзидан кетмаган гўдак эди.

Пўлат Булбулўғлининг қўшиқларини ҳам жуда севаман, дерди Тоҳира. Пахлавага гап йўқ, дерди Рухсора хоним, билмадим Зевар хоним буни пиширишнинг сирини нега яширади биздан. Олия, бир кун пусиб келиб билиб оламан Зевар хонимнинг сирини, деди. Зевар хоним кулиб, сиздан бу рецептларни аямайман, деди. Муртуз Балаевич, ие, бу қўшиқ айтаётган шайтон ким бўлди, деди, сочини хотинларникдай ўстириб юборибди, бу модами, нима бало? Юз фоиз ишонаверинг, деди Жаббор, ҳимоя масаласини ўз бўйнимга оламан. Таҳмина:

— Наша передача окончена. До новых встреч, — деди, бир оз тўхталди ва илова қилди: — Мне хочется поздравить тех телезрителей, у которых сегодня день рождения.

Заур бир лаҳзада тошдек қотиб қолди ва негадир дарҳол онасига қаради. Онаси ҳам кескин унга боқди ва Заур Таҳминанинг сўнгги сўзларини хонада онаси билан ўзидан бошқа ҳеч ким фаҳмламаганлигини тушунди. Фақат онаси бу жумла кимга қаратилганини тушунган эди. Шунинг учун ҳам Заур онасини бағрига босиб ўпишни истарди...

...Заур уч-тўрт қадаҳ ичиб қўйган, идроки хийла тумланашган эди, аммо ана шу лаҳзада у Таҳминани севишини, ҳеч кимни ҳеч қачон севмагани ва севмаяжаги бир муҳаббат билан севишини ҳис этди.

Жаббор:

— Эртагаёқ илмий котиб билан гаплашаман, — деди...

\* \* \*

Заур тун бўйи мижжа қоқмади. Эрталаб ишга ҳам ҳаммадан олдин келди. Кассир Сафдар келгунга қадар ўзини қўйгани жой топмади.

- Сафдар оға, бугун маош берасанми?
- Бўлмасам-чи, тушдан кейин...
- Байрамларда навбатчи бўлганман, уч кун отгулим бор, олсам бўладими?
- Бу масалани директор ўринbosари билан гаплашишинг керак.

Директорнинг ўринbosари билан гаплашди. Ўринbosар таажжубланди, бироқ Заурнинг аризасига имзо қўйди. Соат иккода Заур рўйхатта қўл қўйиб, 52 сўм 30 тийин олди. Энди ёнида 95 сўм пули бор эди. Аэрофлот кассасига бориб кундузги рейста билет олди, сўнг почтага кириб телеграмма берди: «Москва. Центральное телевидение, Тахмина Алиевой. Лечу к тебе в прямом и переносном смысле слова. Завтра буду в Москве. Рейс 852, целую, Заур».

\* \* \*

— Нега Москвага кетаётганингни билиб турибман... Кеча сенга телевизордан туриб қош қоққанини тушунмадим дейсанми... Ҳеч қаёққа кетмайсан... Бекор айтибсан, ҳеч қанақа ишинг, ҳеч бир командировка-помандировканг йўқ... Гўё мен билмайман?! Ҳозироқ қўнфироқ қилиб идорангдан сўрай-чи, қанақанги шошилинч иш билан сени ҳа бўл-ҳа бўл, деб жўнатишаётган экан. Кўрдингми, демак ёлғон айтибсан. Майли, ҳечқиси йўқ, энди отангнинг ўзи келиб гаплашади сен билан. Нима, отангни ҳам кутмайсанми? Қанақа билет, қанақа рейс, ўў ярамас, ҳозир билетингни парчалаб ташлайман, нега менинг бошимни қотирасан, уйинг куйгурнинг боласи, ҳозир мен отангга қўнфироқ қилдим. Нима, уни кўрмасдан кетаверасанми, демак, сенга ота ҳам, она ҳам керак эмас экан-да! Ўша беҳаё, беномус сен учун ота-онадан ҳам азиз экан-да. Бизнинг ҳаққимиз, бутун азоб-уқубатларимизнинг, чеккан заҳматимизнинг эвази шу бўлдими? Демак, онангнинг кўз ёши сен учун бир пул экан-да! Эй худойим, кўрмайсанми бир беҳаё бунинг бошини қандай айлантириб қўйганини; беҳаё бўлмай нима, беҳаё ҳам дейман, шаллақи ҳам дейман, бундан ўн чандон баттарини ҳам дейман, ҳали сен мени яхши билмас экансан, ҳозироқ унинг пандавақи эрига қўнфироқ қила-

ман. Менга раҳминг келмаса, хаста отангга раҳминг келсин. Ҳеч инсоф-муруввати йўқ қанақа меҳрсиз боласан ўзинг. Майли, боравер, ўзи-ку ёнингда ҳемири йўқ, кўрай-чи, қайси пулга борар экансан. Ота-онам аввал-гидек киссамни пулга тўлдириб қўяди деб ўйларсан, чучварани хом санабсан, кетсанг кетавер, лекин қайтиб келма, сени кўзим кўрмасин, бундай ўғилнинг боридан йўғи... Ўглим, болагинам, нури дийдам, кетар экансан, онанг оёғингга поёндоз бўлсин. Хавотир олма, деганинг нимаси, ахир онанинг юраги қандай қилиб хавотирга тушмасин, қаёққа, кимнинг олдига кетаётганингни билмаяпманми? Уч кунда қайтсанг нима бўпти?! Уч кун ўша суюқоёқнинг олдига боришинг равоми?! Бўпти, айтмайман, ўшанинг ҳақида ёмон сўз айтмайман, дедим-ку, у бошингни айлантириб қўйганини кўриб турибман-ку, ахир, ҳозир сенинг кўзингга ҳеч нарса кўринмайди, мен бу дардга қандай чидайман, худойим?! Энди мени тирик кўрмайсан! Ҳеч бўлмаса эгнингга плашчингни, бўйнингга шарфингни ол, у ёқларга совуқ тушиб қолгандир, ахир?! Эй худойим, бизни не мусибатларга соляпсан, бу кунларни кўрганимдан ўлганим яхши эди. Бари бир дарҳол телеграмма жўнат, қандай етиб борганингни билайлик. Жоду берган сенга у, худо ҳаққи, жоду берган, илоё сенга жоду берган қўл-оёғидан қолсин, тилдан қолсин. Мани йиғлатганинг ўзи йиғлабги на қолганларини кўрай. Тўхта, ҳой бола, ҳеч бўлмаса ортингдан бир сув сепиб қолай<sup>1</sup>... Эй худойим, ёзуғимиз не эдики, бошимизга бунча фалокат ёғдирасан, телеграмма эсингдан чиқмасин, ҳой...

## ОЛТИНЧИ БОБ

*Жонлар веруб санинг киби жонона етмишам,  
Раҳм айлаким, етинча санга жона етмишам.*

— Наш самолёт пошел на снижение. Прошу вас застегнуть ремни и воздержаться от курения.

Кеч кузнинг ёмғиридан кейинги Москва осмони очиқ ва мусаффо эди. Тоза ҳаво димоққа уриларди. Ёмғир гёё

<sup>1</sup> Йўли оқ бўлсин деган маънодаги урф-одат.

сарсари булутларни супуриб, кўк юзини тиниқ қилиб ювган, атрофдаги мовийлик аэровокзалнинг ойнаванд галерясини ҳам қоплаб олган эди: шаффофф галериянинг ичидағи одамлар – кутиб олувчилар, кузатиб қўювчилар, учиб кетадиганлар, учиб келганлар равшан кўринар эди...

Тайёрадан тушиб галериянинг ичида оқиб бораётган йўловчилар орасида Таҳмина туарди. Заур Таҳминани жуда олисдан кўриб, қўл силкиди. Таҳмина ҳам Заурни кўрди ва унга томон отилмоқчи бўлди, бироқ тўқ кўкимтири рангли коржома кийган қиз табассум билан уни тўхтатди – кутиб олувчиларнинг галерияга киришига рухсат йўқ эди... Заур буни кўрди, Таҳмина сари югурди, етти-саккиз қадам қолганда Таҳмина унинг оғушига отилди.

– Заурик, – деди, – келганинг қандай яхши бўлди...

Жуда кўп йиллардан кейин, кексайиб қолганида, аҳёнда ўз умрининг аччиқ ва ширин хотираларини хаёлидан ўтказганида, шод ва қадарли кунларни эсга олганида Заур тушунардики, агар бутун ҳаёти давомида баҳтиёр йиллари, ойлари, кунлари, соатлари, дақиқалари бўлган бўлса, энг баҳтиёр дақиқаларининг баҳтиёр онлари ана шу бир неча сония эди – Домодедова аэропортининг шаффофф галеряси, узоқдан Таҳминани кўриши, унга томон югуриши, Таҳминани оғушига олиши ва Таҳминанинг айтганлари:

– Заурик, келганинг қандай яхши бўлди...

\* \* \*

– Жиннимисан, багажинг нимаси?.. Шундай келавердим. Таксига чиқа қолайлик.

– Йўқ, – деди Таҳмина, – мен бу ерга анча эрта келдим, сенинг тайёрангни кутиб бу ердаги ўрмонда кезиб юрдим. Жудаям гўзал ўрмон... Юр, сенга кўрсатай...

Шосседан чиқиб оқшомги ўрмонга кирдилар. Заур Таҳминани ўпмоқчи бўлди, аммо Таҳмина бармогини лабларига босиб:

– С-с-с, тўхта, бир эшитиб кўр, – деди...

Ишониш қийин эди, аммо Заур ҳақиқатан ҳам эшиди... Бу ерда, тайёранинг гувиллаши қулоқни қоматга келтирадиган ушбу аэровокзалнинг яқинида, машиналар шовқин солиб еладиган шоссенинг шундоқ ёнгинасида

барча бу гулдуро сларга парво ҳам қилмагандек қушлар чаҳ- чаҳ уриб сайрашарди...

Заур:

— Худди булбул сайраётганга ўхшайди, — деди.

— Чиндан ҳам одамнинг ишонгиси келмайди-я? Гул- булбул, ошиқ-маъшуқ — кулгили-а, шундай эмасми?.. Худди ўрта аср ғазалларидан чиқиб келишгани каби... Аммо бу ёлғон эмас, азизим Заурик, ростдан ҳам булбул сайраяпти. Шўрликнинг чаҳ-чаҳ уришини қара... Эшит- япсанми, Заурик, у биз учун сайраяпти. — У Заурнинг бўйнига осилди. — Қулоқ сол, Заурик. — Таҳмина энди шивирлаб гапиради. — Мен сенга бу сўзни айтмаслигим керак эди. Биламан буни айтишим яхши эмас, айтмасам бўларди... аммо... сени севаман, Заурик... жинни каби севаман... Сенсиз тура олмайман... Сендан бошқа ҳеч ким керак эмас менга... биламан, бу гапларни сенга айтмас- лигим керак эди... — кулди. — Энди қутурсанг керак, ди- монинг осмонга кўтарилиб кетса керак... аммо нима қилай, буларни сенга айтмасам бўлмасди...

Заур ҳам шивирлаб деди:

— Таҳмина, мен ҳам сенга бу сўзларни айтмасам ту- зук эди, аммо энди мен ҳам айтаман: сенсиз ўлиб қола- ман, Таҳмина... Сенсиз бир соат, бир дақиқа ҳам тура олмайман... Ҳозир баҳтиёргилигидан йиқилиб ўлишга ҳам тайёрман. Истасанг, ҳозир, шу ондаёқ шоссега чиқиб ўзимни машина остига ташлайман.

— Жинни, нега ўзингни машина остига ташлайсан? — Улар ўрмоннинг ичидагезар, Заур Таҳминани телевизор- да кўрганидан, ўзининг туғилган кунидан; меҳмонлар- дан, қўшилардан, ҳатто Фарангизни унга бермоқчи экан- ликларидан тинимсиз гапирад эди... Заур ҳозир яшаётга- ни саодатли дақиқалардан шу қадар сархуш эдики, охир- ги гапи Таҳминани азоблашини хаёлига ҳам келтирмас- ди: кўкси баҳтиёрлик билан шу қадар лиммо-лим эдики, бу баҳтиёрликнинг бошқаларга ҳам юқажагига, уларни ҳам хушбаҳтлик гирдобига тортишига шак-шубҳаси йўқ, эди... Чиндан ҳам, Фарангиз ҳақидаги хабарни эшитган- да Таҳминанинг чехрасида фақат оний бир кўлка пайдо бўлди, холос, аммо у дарҳол кулимсираб, Заурнинг Фа- рангизга уйланишини ҳазилга бурди.

Таҳмина уни ўпарди. Москвага келганларидан, кўрса-

тұвлардан, әшиттиришнинг ўзини ҳам, унинг әшиттиришларни олиб боришини ҳам бу ерда жуда ёқтириб қолғанларидан сўзларди... Ўрмондан чиқиб, шоссе бўйлаб юрдилар. Москвагача пиёда кетишни истардилар, Москва эса бу ердан етмиш чақиримча келарди...

Заур энди севиб қолганига ҳам, севилиб қолганига ҳам амин эди, севги унинг қалбини шу қадар куч-кувватга, баҳтга тўлдирган эдики, ҳеч нарса бу баҳтга путур етказа олмасди. Шу сабабли ҳам Заур Спартак ҳақида бўлган суҳбатни шунчаки, гап орасида тилга олди, бу фийбатлар ўзини неча кун дали-девона қилганини, неча тунлар ухлай олмай чиққанини айтди.

Таҳмина:

— Вой тентак, кимдан рашк қилиб юрибсан, — деди.  
— Одам ҳар қандай бемаъни сўзга, ҳар қанақа ирганч фийбатга ишонаверадими?.. Спартак бориб турган аҳмоқку!.. У билан менинг орамда бирон нарса бўлиши мумкинлигини ҳеч ақлингга сифдира оласанми? Наҳотки мени билмасанг? Ё унинг кимлигини билмайсанми? Сенга нима гап бўлганини айтиб берган эдим-ку. Тўгри, Спартак менинг дугонам билан кўришиб турар, ўша дугонамнинг илтимоси билан унга бир-икки марта қўнғироқ қилгандим. Онаси ҳам менинг қўнғироқ қилганимни кейин билган бўлса керак... Аммо онаси умрида мен билан бир оғиз ҳам гаплашмаганки, келиб ёқамдан тутса... Мен ҳам ҳали унинг онаси билан юмдалашадиган кунга қолганим йўқ. Мен ҳақимда жуда ғалати фикрда экансан.

Заур энди Спартак масаласида бутунлай хотиржам бўлар экан, Дадаш айтган телевидение режиссёри ҳақида сўра-моқчи, ҳеч бўлмаса унинг бу ерга, Москвага келганми ёки йўқлигини билмоқчи бўлди. Аммо, модомики, Таҳмина Заурни бу ерга, ёнига чақирган ва Заур ҳам келган экан, демак, унда ўша режиссёрнинг Москвада бўлиш-бўлмаслигининг Таҳмина учун ҳеч аҳамияти йўқ, демак, режиссёр ҳақида сўрашдан маъни ҳам йўқ... Майли, буларни кўйиб турайлик, лекин Дадаш айтган база мудирлари, чайқовчилар ҳақида сўз очса бўлармикан? Аммо Таҳмина-нинг ўзи Заурнинг фикрларини уқиб турган каби сўз бошлиди:

— Заурик, — деди у, — шуни яхши билки, мен ҳақим-

да жуда кўп гаплар юради ва бундан кейин ҳам сенга жуда кўп бўхтон-уидирмаларни етказадилар... Агар сен билан бизнинг чинакамига баҳтиёр эканлигимизни кўриб қолсалар, буни асло кечирмайдиганлар бор. Сенинг қулогингта етиб борсин дея менинг бошимдан не-не мағзаваларни афдармайдилар... Шунинг учун ҳам сен баъзи нарсаларни билиб олишингни истайман, Заур. Биринчиси шуки, мен ҳеч қанақа фариштаю малойика эмасман, бу борада ҳар хил ҳом хаёлларга бориб юрма. Аммо яна шуниси ҳақиқатки, мен ҳозирга қадар ҳеч кимни сени севганчалик севган эмасман ва ҳозирга қадар ҳеч кимга, сени севаман, демаганман... Энг буюқ, энг асосий ҳақиқат ана шу... Заурик, дунёда фақат битта, ягона ҳақиқат бор – қалб ҳақиқати, зоро, саодат ҳам, баҳтиёрлик ҳам ана шунда. Қара, дунёда мана шу оқшом бор, мана шу ўрмон бор, унда қушлар сайраяпти, сен борсан, мен борман, биз эса бир-биirimizни севамиз, бирга бўлганда баҳтиёр бўламиз – ҳақиқат мана шунинг ўзи ва бундан бўлак ҳақиқат йўқ. Сен Москвага учеб келганингда мен у ерда, аэроромнинг галереясида сени узоқдан кўриб қанчалар севинганимни билсайдинг! Сенчи?!

– Мен ҳам...

– Кўрдингми... Қара, мана шу дақиқаларда бу шосседан иккимиз – сен ва мен – Москвага кетяпмиз – баҳтиёрлик ана шу, Заурик, энг буюқ ҳақиқат ҳам ана шу... Бошқа бир ҳақиқат бор деб ўйлама бизнинг муносабатларимизда... Бирга бўлган дақиқаларимнинг баҳтиёрлиги билан яша... Асл ҳақиқат мана шу...

...Тўғри айтган экан Тაҳмина...

\* \* \*

Шоссе бўйлаб узоқ пиёда юрдилар, сўнг толиқиб, автобусга миндилар. Автобус одамга лиқ тўла, айниқса, балиқ овидан қайтаётган, қармоқ кўтариб олган кишилар кўп эди. Ногин майдонида тушиб қолдилар... Москва дарёси соҳили бўйлаб пиёда кетдилар...

Таҳмина:

– Мен мана шу ерда турибман, – деди. «Россия» меҳмонхонасининг деразаларидан чироқлар порлар, жигарранг пардалар шуъаларни ўз рангига бўяр эди...

Улар Фрунзе соҳилига етдилар, томида аэрофлот рекламаси ёниб турган уч қаватли уйнинг орқасидан ўтиб, Крим биноси ёнидан чиқдилар. Улар ўзларини ҳеч ким танимайдиган бу үлкан шаҳарда сарбастлик, осудалик туйгуларидан маст эдилар; бир-бирларининг бўйинларига қўл ташлаб тарааллабедод кезардилар. Гўё елкаларидан йилларнинг бутун юкини отиб ташлаган, гўё эндиғина ўн олти-ўн еттига, нари борса ўн саккизга кирган эдилар. Нотаниш одамларга салом беришар, улар ҳам таажжуб билан жавоб қайтаришарди; гул сотиб олишар ва бу гулларни ёш йигит-қизларга совға қилишарди; телефон-автоматларга кириб Боку номери билан москваликларга қўнгироқ қилишар ва Дадашнинг номерига жавоб берган бўғиқ сасли кишидан Дадашнинг ҳолини сўрардилар. Боку ва Москвадаги бир хил номерли телефон эгаларининг овози бир-бирига ўхшаш-ўхшамаслиги ҳақида баҳслашардилар. Отелдаги лифт олдида ҳам тортишиб қолдилар. Қайси тез келади? Заур иккинчи, Таҳмина учинчи дерди. Учинчи лифт аввал келди ва Заур Таҳминага бир сўм ютқазди... Маълумот берувчи киоскага навбатда турдилар ва навбатлари етганда сўрадилар: «Москвадаги энг бахтиёр одамнинг адресини бера оласизми?» Маълумот берувчи қиз уларга ҳайрон-ҳайрон боқар экан, ҳар иккаласи: «Агар шундай деб сўрашса, бизнинг адресимизни беринг», – дедилар... Тирга кирдилар. Заур ютуқли нишонга отиб, атир ютди ва Таҳминага совға қилди. Таҳмина, бу арzon атирни албатта, қимматбаҳо фарангни атирларга қўшаман, шунда мендан тараалалиган ифорнинг сири очилмай қолаверади, бу ҳилга саодат ҳиди қўшилади, деди... Музқаймоқ сотувчи аёлдан музқаймоқ олишаркан, унга Михаил Васильевичдан кўпдан-кўп салом айтдилар... Кўчани но-тўғри кесиб ўтдилар, милиция тўхтатиб уч сўм жарима солди. Заур пул узатди, милиция чек ёзиб берди... Таажжуб билан чекни олдилар; унда сержант Трофимовнинг имзосидан, жариманинг сабаби ва миқдоридан ташқари бугунги сана ҳам ёзилган эди – 25 сентябрь. Заур уни йиритиб отмоқчи бўлди, бироқ Таҳмина қўймади, авайлаб буклаб, сумкасига солди...

– Буни йиритиб бўладими, ахир? – деди. – Бу бизнинг энг бахтиёр қунимизнинг чеки. Сержант Трофимовнинг ўзи тасдиқ этган бу санани. Кел, ёдгор бўлиб қолсин... Дунё-

даги ягона гуноҳимизнинг – Кутузов проспектини нотўғри кесиб ўтганимизнинг шаҳодати бўлиб қолсин.

Заур:

- Яхши, – деди.
- Менинг хонамга бора қолайлик...
- Сенинг хонангга?
- Ҳа, хонамда мен ёлғизман.
- Мени кўйишадими?
- Навбатчи билан танишиб олдим... У билан дўстлашиб кетдик, мени телевизорда кўрган экан...

Заурнинг юрагида нимадир санчандай бўлди. Таҳминанинг навбатчи билан бу қадар осон тил топишиб, бегона кишини ўз хонасига бемалол олиб кира билиши ёмон таъсир қилди унга. Таҳмина гўё унинг юрагидагиларни уқиб тургандек:

- Тағин сенинг хаёлингга ҳар балолар келиб юрмасин, – деди. – Қисқаси, мен бугун кундузи навбатчига сенинг телеграммангни кўрсатдим, ҳаммасини ётиги билан айтиб бердим, аёл тўғри тушунди.

\* \* \*

– Тўхта, бундай эмас, шошма, тўхтасанг-чи, ўзим ечаман... Чироқни учир... Кел энди... сени жудаям соғиндим... Жонимсан менинг... Вой худойим, жинни бўлиб қоламан... Заурик, менсиз шунча вақт қандай чидадинг... менинг азизим, жоним...

Кечанинг энг сирли, энг қизгин сўзларини айтарди Таҳмина, энг яланғоч сўзларни. Хонадаги радиодан мусиқа тараларди. Хонанда аёл ҳазин ва ҳоргин овозда қайгули бир қўшиқни куйларди...

Сўнгра улар сокин чўзилиб сигарет чекишар экан, Таҳмина сўради:

- Биласанми, ҳалиги қандай қўшиқ эди, Заур?
- Йўқ.
- Қадимги гуржи қўшиғи.

Бутун бугунги қун ва бу кеча мобайнида илк дафъя жуда майин, жуда аламли илова қилди:

- Мен бўлмаганда бирдан бу қўшиқни эшитиб қолсанг, ҳаммаси эсингга тушади. Москва, ушбу кечамиз...

— «Мен бўлмаганда», — дея Заур унга таъна қилди. — Яна бошладингми?

— Биласанми, ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Сен бошқа аёллар билан бўла оласан, ҳатто жуда яқин бўла оласан... Аммо бунақаси бўлмайди, Заур, ҳеч ким билан бунақаси бўлмайди, мен биламан... Бундан бошқача бўлиши, балки бундан ҳам яхши бўлиши мумкин, аммо бунақаси бўлмайди... Ҳаммасининг айнан шундай такрор бўлиши мумкин эмас. Домодедово ўрмонидаги қушлар ҳам, ҳалиги кўчадаги жарима ҳам, бу қадимий гуржи қўшифи ҳам... Бу бизники, фақат бизники... Бошқа ҳеч кимники эмас... Шунинг учун менинг кўнглим тинч...

...Тўғри чиқди Таҳминанинг сўзлари...

\* \* \*

Эрталаб соат 10 да Маяковский метро бекатидан — туннелдаги кассадан Боку самолётига билет олди... Қуйида, перронда ажралдилар. Таҳмина машқ қилиш учун телестудияга кетди...

— Кечкурун 9 да Шаболовкада, телевидение биноси ёнида мени кут, — деди ва узоқлашаётган поезд деразасидан Заурга қўл силкиди...

Заур эскалатордан юқорига кўтарилди. Маяковский майдонига чиқиб, Горький кўчаси бўйлаб Бош телеграф томон юрди... Кечадан бери ҳеч нарса емаган, ухламаган бўлса-да, на ҳоргинликни ҳис этарди, на уйқусизликни... Саҳарда қисқагина ёқсан ёмғир ювиб ўтган, намхуш ҳид тарататиётган тротуардан борар экан, бундан бир соат, беш соат, саккиз соат аввалги каби Таҳминанинг шивирлашларини эшитар, унинг эркалашларини, қўллари, соchlари, дудоғларининг таъмини ҳис этарди... Москванинг барча гўзал аёллари — куз кўчасининг бутун аёллари Заурга Таҳминани эслатар, аммо ҳеч бири унга тенг бўла олмасди... Заур кеча Таҳмина билан бирга кезган жойларидан энди ёлғиз кезишни истарди, аммо бу ёлғизликда у танҳо эмасди, Таҳмина ҳам у билан бирга эди — сўзлари, навозишилари, шивирлашлари, энг қизғин севги онларида гоҳ юмшоқ, гоҳ эҳтиросдан бўғилган қисқа кулишлари, дудоғларининг ҳарорати, узун, нозик бармоқларининг саринлиги, кўчада, лифтнинг, эскалаторнинг ёки автобус-

нинг тиқилинчидаги ғайриихтиёрий, атайды ёки тасодифанми унинг кўксига қисилиши, белининг, тиззаларининг тўқиниши Заурнинг ёлғиз фикрида, хаёлидагина эмас, баданининг ҳар бир ҳужайрасида яшаётган, юракдай уриб турган хотиралар уни ҳозирга қадар ҳеч қачон ҳис этмаган, туймаган бир саодат гирдобига гарқ этар ва бу гирдоб ичидан тағин Таҳминанинг сиймоси: кулишлари, сўзлашлари қалқиб чиқарди. Нималардан сўз очмади Таҳмина бу кеча. У гўё ёзда денгиз соҳилидаги учрашувларида айта олмаган, изҳор этолмаган, юрагига туғиб қўйган бутун сўзларини, барча дил розини ушбу илиқ Москва тунида айтиб тугатишни истарди... Кўпроқ ўз болалигидан сўзларди. Унинг хаёллари Пиршоғидаги боғларидан, ёзнинг сўнгти кунларидан, чўмилгоҳда тизилган алвон пионер сафларидан, дам олиш кунлари ҳамиша соат иккита бериладиган мақом куйларидан — осуда мусиқа денгизидан, жазирама соҳилнинг, оловли қумларнинг устидан тутун каби сирғалиб ўтарди. Болалиги ҳақида Таҳмина абадий тарк қилинган диёр сингари сўзлар, гўё у бу диёрдан абадий мосуво бўлган эди... Қизиган қумлар жазирама туш пайтида тоғонларни куйдирар, оқшомлари эса қумлар совуқ ва нам бўларди ўшанда. Тунда кўшнилариникидан узумзор оралаб уйга қайтар экан, бу кумуш ойнинг ёруғлигига, бўз қумлар ичидаги яшириниб ётган илонни кўққисдан босиб қўйишидан, илон эса чақиб олишидан қўрқарди. Қўшнилариникида ошиқ бўлган илонлар ҳақида афсоналар айтар эдилар, ҳатто илон бир қизга банди бўлиб, уни таъкиб этиб юрганини ўз кўзлари билан кўрганлари ҳақида онт ичардилар... Қўшнилариникида унинг тенгқурлари кўп эди... турли-туман ўйинлар ўйнар, ваҳимали воқеа-ҳодисалардан сўзлардилар; ярим тунда кичкина Таҳмина уйларига қайтар экан, бу ваҳимали нақллардан қўрқувга тушар, ойдин кечада олачалпоқ кўлкалардан чўчир, эти жимиirlаб кетарди... Отасини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учидаги юриб айвонга чиқар, амаллаб пашибаҳонанинг ичига кириб олар, аммо ухламай, йирик юлдузлар чақнаб ётган очиқ ёз осмонига боқар ва олисдан — Нефтчилик истироҳат уйидан эшитилаётган куйга қулоқ тутарди. У ерда рақсга тушардилар. Кетма-кет мусиқа янграр, аммо ҳар кеча концерт айни битта танго билан якунланарди, бу

танго ҳануз Таҳминанинг қулоқлари остида жаранглайди, сўзларини ҳам хотирлай олади... Ботаётган қуёш денгиз билан ҳазин-ҳазин видолашади, дея куйланарди бу тангода. Ҳозир ҳам бу тангони эшитиб қолса кўзлари ёшга тўлади, болалиги, боғлари, отаси ёдига тушади. Нефтчилар истироҳат уйида Таҳминадан ўн-ўн икки ёш катта бўлган йигит-қизлар рақсга тушардилар, уларнинг олами ўзга бир олам бўлиб, мусиқа, танголар, ойли тунларда соҳил бўйлаб кезишлар, учрашув ва айрилиқлар, севги ва лаззатли изтироблар бор эди бу оламда. Таҳмина ҳали бу олам ўзи учун олдинда эканлигидан севинарди...

Онасини хотирлай олмас, ярим яшарлигига ундан жудо бўлган эди; фақат эски, саргайган суратлардангина онаси ни хаёлида жонлантирап, болалигига у гўё албатта қайтиб келади, келганда ҳам Таҳминага каттакон чиройли қўғирчоқ, жуда кўп конфет ва – негадир, ҳамиша шуни ўйларди – сариқ, йирик гулли кўйлак келтиради, деган мўъжизага ишонар эди... Онасини узун, оппоқ кўйлакда, қўйнини лолаларга тўлдириб чексиз-поёнсиз адирда турган ҳолида тасаввур этарди ҳамиша. Онасининг овозини, чехрасини хаёлида сира жонлантира олмас, онаси ҳақида ўйлаганида унинг овозини таниш қўшни аёллардан бирининг овози, чехраси каби тасаввур этарди. Йиллар ўтган сайин Таҳмина бу хаёлларнинг пучлигини тушуна борарди. Бувиси бир сафар унга онасининг қабрини ҳам кўрсатган эди. Энди у идрок этардики, онаси ўлган ва ҳеч қачон қайтиб келмайди. Аммо шунга қарамай, юлдузли ёз кечаларида онаси ҳақида – келажак замонда эмас, ўтмишда қолиб кетган онаси ҳақида ўйларди... Онасининг бир кун тирилиб қайтиб келишини эмас, унинг бир пайтлар қандай яшаганини, тириклигига қандай бўлганлигини тасаввурнида жонлантиришни истарди... Онаси билан отасининг ёшликларини – айни балофат пайтларини, ҳали Таҳмина ер юзида бўлмаган, отаси билан онаси эндиғина юра бошлаган пайтларни хаёлида жонлантиради... Таҳмина кўзларини юмған заҳоти ойли кеча, денгиз соҳилини кўрарди, навқирон отаси билан ёшгина онаси айни шу соҳилда учрашардилар, ой ҳам айнан ҳозирги каби қумларга, сувларга шуълалар сепарди, олислардан айни ана шу мусиқа – ушбу кадарли танго эшитиларди ва отаси билан онаси – бўм-бўш соҳил-

да улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди –узоқлардан келаётган мусиқа садолари остида тангога тушишарди ва ҳар икка-ласи ҳам билардики, бу уларнинг сўнгги рақслари дир, ҳозир, ушбу лаҳзаларда улар баҳтиёрдирлар, лекин бу хушбахтлик тугамоқда, мутлақ тамом бўлмоқда, ҳеч қачон қайтмасликка маҳкум этилган баҳтиёрилкни дир бу. Сўнгра Таҳмина яқингинада, бундан бир ойча олдин тагин тушида ота-онасини кўрганини айтди, онаси узун оқ кўйлакда, отаси эса ёқаси очиқ ҳарир кўйлакда эмиш, ойдин кечада, ўша соҳилда рақс этармишлар. Уйқуда ҳам ўша тангони эшитардим: «Утомленное солнце нежно с морем проща-лось...» «Уйқуда шундай йиғлардимки, дамим ичимга тушиб кетарди, бутун ёстигим кўз ёшларимдан шалаббо бўлган эди, – бир оз жимиб қолди у, сўнг илова қилди: «Хой, нима бўлди сенга ўзи»... – деб Манноп мени уйғотди».

Илк бор Маннопнинг номини тилга олди, аммо эри ҳақида бирон нарса дейишни истамасди. Қўшниси Мадина ҳақида сўзлар, Мадина ҳақиқий дўст, аёллар орасида бундай садоқатли дўстни топиш қийин, у мени ҳеч маҳал сотмайди, дер эди... Дадаш ҳақида сўзлар, Дадашдан худди курбақадан, сичқондан ирганган каби ирганаман, идорада столлармизнинг яқинлигига зўрга чидаб ўтирадим, чунки ана шу масофадан ҳам Дадашдан ҳамиша тер ҳиди анқийдикি, кўнглим ағдарилиб кетарди, дерди... Неъматдан сўзларди, бир сафар Неъмат тунги соат тўртда телефон қилибди, йўғ-е, жинни, ишқ изҳор этиш учун эмас, албатта, ким бундай бемаҳал пайтда ишқ изҳор этиш учун қўнгироқ қиласди, йўқ, юрагидаги дардларидан гапирди. Неъматнинг айтишича, ҳаёт уни сиқар, бўғар эмиш, мен қайдан билай, ахир, одам-да... Спартак? Хўш нега энди Спартакка ёпишиб олдинг? Аҳмоқнинг, елвизакнинг ўзгинаси Спартак... Аммо бир нарсани сенга айтиб қўяйки, унчалик ҳам аҳмоқ эмас у, ҳар ҳолда тузуккина пул топиш йўлини билади... Спартакнинг қанча мол-дунёси борлигини биласанми? Отасининг пули?! Вой-вой-вой, отаси пенсиядаги бир одам, унда пул нима қилсин, аксинча, отасини ҳам, онасини ҳам Спартак боқади, ҳатто синглисини ҳам едириб кийдирадиган Спартак бўлади, ҳа айтмоқчи, ёдимдан кўтарилай дебди, ахир унинг синглисини сенга унаштиришади-ку, ома-

динг бор экан, Заурик, ҳали кўрасан, Спартак синглиси учун шунақанги сеп қиласиди, бутун умринг бўйи Спартакнинг ҳисобидан ялло қилиб яшай оласан, яхши, яхши, қовоғингдан қор ёғмасин, ҳазиллашдим, ҳазилга ҳам хафа бўладиларми, жоним. Спартак ким бўпти? Спартак сенинг тирноғингта ҳам арзимайди, у қандай қилиб сени таъминласинки... Аммо ҳазил ўз йўлида-ку, Спартак пулни пул демайди... Москвага келганда уч-тўрт меҳмонхонадан но-мер олади. Нега? Қайдан билай негалигини, тўқлиқдан-да, пули кўпнинг йўли кўп. «Россия»дан ҳамиша беш хонали люксни олади, бир сафар ўша беш хонали люксни ололмаган, аламидан ёрилай деган ўзиям.

— Яхши, сўраганнинг айби йўқ, сен буларнинг ҳаммасини қайдан биласан?

— Ўзи айтган... Дугонамга айтган эмиш, у эса менга гапириб берган... Албатта, Спартакнинг лоғчилиги бор, бирни устига бешни қўшиб айтади, аммо ҳар ҳолда шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимиrlамайди... Пул бўлгандан кейин...

— Хўш, бунча пулни қаердан топади, ахир?

— Айтгандим-ку сенга, олибсотар-да...

— Қўлга тушишдан қўрқмайдими?

— Албатта, эртами-кечми илинади... Аммо бундан гап очсанг унинг жавоби тайёр. Бари бир ҳамма ўлиб кетади, дейди, беш кунлик дунё бу, имконим бор экан, кайф-сафо қиласман, қаерда узилса – узилар...

— Қўриниб турибдики, сен Спартакнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафасига хайриҳоҳсан.

— Заурик, сен шунчалик нодонмисанки, мени Спартак каби бир пасткашдан рашқ қиласан?

— Фикру зикри пул ва аёллар бўлган бу пасткашнинг сендей гўзалга бепарво қолишига асло ишонмайман... Яъни, сенга яқинлашиш учун ҳеч ҳаракат қилмадими?

— Нега энди, кўп уринди... Ўтга киришга тайёр эди мен учун... Не-не ваъдалар бермади, тавба, шуба, молдунё, тагин алланималар... Аммо тезгина фаҳмлаб етдики, мен у айтган уянинг қуши эмасман, бундай нарсалар билан менинг бошимни айлантириб бўлмайди. Шундан сўнг... ўзинг асррагайсан, худойим... — Таҳмина қаҳ-қаҳа

отиб қулди, – Спартак бошқача усулга ўтди. Менга шеърлар ўқий бошлади... Вой тавба... ха-ха-ха...

– Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди? Шеърларининг таъсири ҳам шуба, мол-дунё ҳақидаги ваъдалар каби... Спартак ҳам у қадар аҳмоқлардан эмас, кўрдики, ҳеч иш чиқмаяпти, аммо шундан сўнг... тилига эрк бериб, у ер-бу ерда гўё мен билан ўзи ўртасида нимадир борлиги ҳақида гап тарқатса бошлади... Ҳали сен унинг онаси ундоқ деди, мундоқ деди, дея гап бошлаганинг ҳамон мен бармоқ тишлаб қолдим, менимча, онасига бу гапни Спартак айтган. Ахир, онаси унинг муҳаббат мажароларидан жуда фахрланади... Манноп Бокудан бирон ёқقا кетган заҳоти Спартак машинасини бизнинг уйимизнинг ёнига келтириб қўярди, баъзан ярим кечагача, баъзан саҳаргача машина ўша ерда туради. Ўзи, худо билсин қайларда юради, балки уйига бориб донг қотиб ётар... Эшитганимисан, ҳарам ҳақида бир анекдот бор... Ҳарамнинг хўжаси ҳар бир хотинига, мен бу кеча нариги хотинимницида бўламан, деб айтиб чиқар, ўзи эса ёлғиз хонада бекиниб ухлар экан.

– Нега?

– Нега деганинг нимаси? Ҳарам эгаси нега ёлғиз ётади, деб сўрайсанми?

– Йўқ, Спартак нега машинасини уйларингизнинг ёнига қолдириб кетарди?

– Сабаби маълум... Шаҳарда унинг ўзини ҳам, машинасини ҳам ҳамма танийди, ахир. Ҳамма биладики, бу уйда мен яшайман, эрим эса ҳозир Бокуда йўқ... Хўш, энди Спартакнинг машинасини бизнинг уйимиз ёнида кўрганлар нима деб ўйлади?.. Бир томондан ўзи бунақа гаплар тарқатиб юрса...

– Хўш, сенинг ўзинг нега бунга чек қўймайсан, нега ўзига айтмайсан?

– Нима дейман? Заурик, сенга неча марта айтганман, мен ҳақимда нима десалар десинлар, ишим йўқ. Мен ҳар бир инсоннинг ўз ботиний ахлоқи бўлиши лозим деб ҳисоблайман, агар бу ахлоқ бўлса, инсон ўз ботиний ахлоқига содиқ қолса, бутун зоҳирий нарсаларнинг аҳамияти йўқ – ким нима дейди, ким қандай фикрда...

– Яхши, лекин бир нарсани тушунмаяпман, буларнинг

ҳаммасини кўра-била туриб, нега Спартак билан салом-аликни йигишириб қўя қолмайсан?

— Қанақа салом-алик? Йилда-ойда уни бир учратаман... Баъзида Спартакнинг ҳам ёрдами тегиб қолади. Бирон нарса лозим бўлиб қолса, унга айтаман. Ернинг остидан бўлса ҳам топиб келади. Мана, масалан, сенинг «Ронсон»ингни менга ўша топиб келган.

Заур туғилган кунида Спартакнинг ўтодиргичга маъноли-маъноли қараб қўйганини эслади, бу боқишлиарнинг сабабини энди тушунди ва асабийлашди:

— Агар мен билганимда эди...

— Бўлди, бўлди, ўзингни бос. Ўз пулимга олганман бу совфани. Қисқаси, топишга Спартак топди. Пулини олишни истамаган эди, мажбуран бердим... Ҳар кимнинг худоси бор: Спартак қанчалик доғули бўлса-да, ҳар ҳолда хасис эмас.

«Хасис бўлмайдиям-да, — деб ўйлади Заур. — Бу қадар текин пул топгандан кейин, саховатли бўлмай бўладими. Айниқса, гўзал аёл олдида...»

Спартакнинг қўли очиқлиги, чўнтағи қаппайиб юриши, Таҳминанинг бу ҳақда оғзини тўлдириб гапириши Заурни ранжитарди, албатта... Заур Спартак отасининг пулларини харжлаб юрибди, деганида Таҳмина кулди, аксинча, бутун оила Спартакнинг ҳисобидан, Спартакнинг пулига, Спартакнинг саховатига яшаяпти деди. Заурга бу ҳам тегиб кетган эди. Таҳмина ғайрихтиёрий равишда унинг заиф жойига тегар эди, ахир Заурнинг ўзи 24 ёшли, олий маълумотли йигит бўлса ҳам, ҳамон отасининг ҳисобидан еб-ичар, отасининг ҳисобидан кийинарди. Аммо, ҳар ҳолда, булардан қатъи назар, Таҳмина Заурни севарди... Спартакнинг мол-дунёси, саховати, ҳатто шеър ўқиши ҳам Таҳминани заррача қизиқтирмасди, бу Москва тунида, меҳмонхонада Таҳмина фақат Заурни бўсаларга фарқ этар:

— Севаман сени... Сен ҳаммадан яхвисан... менинг жонимсан, азизимсан, — дер эди.

Ҳозир кундузи Москва кўчаларини кезганича кечаги барча сўзларни, хотираларни бир бошдан ёдидан ўтказар, миридан-сиригача эслар экан, Заурни олам-олам баҳтиёрлик ҳисси, ҳали ҳеч губор қўнмаган, ҳеч доф тушмаган

бахтиёрлик туйфуси қамраб олган эди. Ва бу туйғу шу қадар кучли эдики, у Заурнинг ич-ичидан қайнаб чиқар, бошқаларга, кўчадан ўтаётган бегона кишиларга ҳам юқарди. Заур бу ҳиснинг кучи қаршисида ҳеч нарса тоб беролмайди, бу ҳис ҳаммани ишонтиришга ва барча тўсиқларни бартараф этишга қодир, деб ўйларди. У амин эдики, ҳатто ота-онаси ушбу ҳиснинг бундай шиддатини билсалар, ҳеч қандай эътиroz билдирамайдилар. Ахир, ота-онаси ўз ўғилларининг душмани эмас-ку, ахир уларнинг орзулари уни бахтиёр кўриш эмасми, зеро шундай экан, Заур умрида илк бор ҳақиқий маънода бахтиёр экан, улар нима ҳам дер эдилар? Бу бахтиёрлик наинки ота-онасига, ҳатто қўшниларига, Олия хонимларга ҳам таъсир этадигандек эди. Заур ишонар эдики, Муртузовлар Фарангизни Заурга беришни ҳар қанча орзу қылсалар ҳам, унинг ушбу бахтиёргили олдида чекинадигандек, «такдир шу экан-да», дея Заур билан Таҳминага узундан-узоқ қўша умр тилайдигандек эдилар. Ва бошқа барча таниш-билишлар ҳам... шу жумладан, Таҳминанинг эри Манноп ҳам... «Мен билан бахтли бўлмади, майли, Заур билан бахтли бўлсин», дея Манноп чеккага чиқиб турадигандек, бошқалар ҳам, умуман ҳамма ушбу дунёда бу қадар нодир нарса бўлмиш ҳақиқий соадатни кўриб, унга таъзим қила-дигандек эдилар. Фарангиз, чиндан ҳам яхши қиз, шўрлик... Уйланса бўларди унга, олишим мумкин эди уни, яхши оила куришимиз мумкин эди. Аммо на иложки, бу дунёда Таҳмина бор эди ва Заурнинг бошига ана шундай чалкаш, бахтиёр севги савдоси тушган эди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

*Ёр ила ағёри ҳамдам кўрмага ўлсайди сабр,  
Тарки ғурбат айлаюб азми диёр этмазмидим??*

Кечкурун тўққизда Заур Шаболовкага келиб, телестудиянинг қаршисида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Студиянинг ташқари эшикларидан одамлар тинимсиз кириб-чиқишаради. Заур ҳам чорак соатча ташқаридан кутди-да, сўнг ичкари кирди. Фойеда одам жуда кўп эди, темир панжаранинг ёнида турган милиционер фойенинг нариги томондагиларнинг рухсатномасини текширади. Заурнинг, таби-

ийки, рухсатномаси йўқ эди, шу боис у фойенинг бу томонида қолди. Фойенинг бу томони тутунга тўлиб кетган эди, ҳатто девордаги лавҳа ҳам бу ер чекиш жойи эканлигидан далолат берарди. Лавҳанинг остида, тош тўшама устида лента сақланадиган рух қути қўйилган бўлиб, энди унинг ярми кулдонга айланган, ичи папирос ва сигарет қолдиқлари билан тўлган эди. Кишилар тез-тез бу кутининг ёнига келаар, тутунни ютоқа-ютоқа тортиб, сигаретни деворгѓа-босиб ўчирап (девор қоп-қора доф билан тўлган эди) ва қутига ташлар эдилар.

Елкасига пальто ташлаб олган қора жемперли бир қиз ташқарига чиқиб кимнидир излади, яна ортига қайтди... Бошқа бир кўзойнакли қиз телефонда қаергадир қўнғироқ қилишга уринарди. Қора жемперли қиз навбатчи милиционер ёнига бориб унга бир қоғоз берди ва:

— Вот, пожалуйста, список актёров, они сейчас пройдут, — деди.

Мўйловлари осилган бир йигит фойега чиқди ва ташқаридан кирган чарм камзулли, ўзиники каби мўйловлари осилган йигитни кўриб:

— Привет, старина, — деди, — угости сигаретой. Какие у тебя?

— Бете. Ну как тебя?

— Что?

— Ну вчера. Феллини.

— Ну, стариk, грандиозно. Я очумел, стариk, сцена в туннеле — этой обалдеть можно.

— Да, конечно, стариk... Но все же знаешь, по-моему, Феллини от барокко пришел к рококо...

- Негадир бу жумла Заурга айрича бир лаззат берди, пиқиллаб кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди... Кўзойнакли қиз ниҳоят ниятига етди, телефонда ўзига керакли кишининг товушини эшишиб:

— Ир, это я, Юлька, — деди. — Битый час торчу здесь, не могу до тебя дозвониться.

Таҳмина фойенинг у томонидан келмоқда эди, у дароз кўйлак кийиб олган эди; унинг ёнида икки эркак ва узун, сарғиши сочли бир аёл бор эди. Бу аёл Заурга таниш кўринди, бирдан эсига тушдики, уни экранда кўрган — Москва телевидениесининг диктори эди у. Эркаклардан бири

ҳам кўринишидан москвалик эди, иккинчиси эса... Заур бу одамни ҳеч қачон кўрмаганди, аммо уни таниди, кимлиги-ни аниқ билди. Шубҳасиз, Боку телевидениесининг режиссёри, оти Таҳминанинг тилидан тушмайдиган Мухтор Мұхаррамов худди шу киши эди. Мухторнинг ёши у қадар катта бўлмаса ҳам, аммо соchlари оқаринқираган, чаккала-ри батамом оппоқ, тепасида ҳам қорасидан оқи кўп эди. Тўлиқ гавдаси уни анча лоқайд кўрсатар, замш камзули, гижим кўйлаги ва бўш боғланган галстути бу таассуротни янада кучайтирас, уни кўрган киши бу одам кийинишига ҳам парво қилмас экан, деган хаёлга бораради. Нигоҳдари теран ва ҳазин эди. Мухторнинг кўриниши ҳорғин эди. Бу ҳорғинлик бир серташвиш куннинг, бир уйқусиз кечанинг эзгинлиги эмас, узоқ йиллар қолдирган ҳорғинлик эди. Бу ҳорғинликда гарчи ҳаётдан безиш аломатлари бўлмаса-да, ҳар ҳолда, дунёнинг таг-тугини англашдан туғилган бир паришонлик бор эди. Бу одам гўё дунёда ўз ёшидан бир неча баробар ортиқ яшаган, инсонлар ҳақида ҳамма нарса-ни миридан-сиригача биладигандек эди.

Кўринишидан Мухтор Мұхаррамов ўта босиқ, дунёнинг ҳеч бир ажойиботидан таажжубланмайдиган киши эди. Бу тоифа одамларнинг ҳеч нарсага чин дилдан севина олмаслиги – баҳтисизлиги, ҳеч нарсага юрак-юракдан қайғурмаслиги – баҳти эди... Қизиги шундаки, одамларнинг боши ҳам ҳар хил оқаради: баъзиларининг боши қордек оқарса, баъзилар-ники секин-аста бўзариб боради... Мухторнинг соchlари кулранг эди, фақат соchlари эмас, балки бутун юзи кулранг эди, пешонасида ва лабларининг четида чуқур ажинлар, кўзлари-нинг атрофида қорамтири ҳалқалар бўлиб, улар Мухторга ичидан бўғилган одам қиёфасини бериб турарди. Фақат тишлари оппоқ эди ва Мухтор кулганда нозик қоп-қора мўйловлари орасидан оқариб кўринган тишлари уни анча хушсурат кўрсатарди...

Таҳмина Заурни кўриб қўл силкиди, аммо у сари келмай, дўстлари билан сухбатлашишда давом этди... Негадир сухбатлари чўзилгандан-чўзилар, аммо Заур ҳам сабр билан кутарди; унинг имони комил эдики, Таҳмина улар билан хайрлашади, Заурнинг ёнига келади ва иккаласи кечаги каби тағин Москва кўчаларида сайру саргардон кезадилар. Фойега турли-туман одамлар кириб чиқар, рухсат-

номаларни кўрсатишар, шунингдек Заурнинг қулоғига узук юлуқ жумлалар, сўзлар чалинарди: «тракт, монитор, Хутсиев, Хесин, Феллини...»

Ниҳоят, Таҳмина дўстлари билан хайрлаша бошлади, аввал қўлини москвалик эркакка узатди, у Таҳминанинг қўлидан ўпди, сўнг диктор аёл билан қучоқлашиб ўпишилар, сўнг ҳар иккисига қўл силкиб эшикка томон юрди. Мухтор ҳам москваликлар билан хайрлашиб, Таҳмина билан бирга келарди. Заур бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

— Танишинглар, — деди Таҳмина. — Заур — Мухтор... Ҳар иккингизга бир-бирингиз ҳақида шунчалик кўп гапириб берганманки, гўё аввалдан танишдексизлар.

— Жуда хурсандман, — деди Мухтор қўлини узатаркан.

Заур ҳам қўлини узатиб одоб билан:

— Мен ҳам хурсандман, — деди.

Таҳмина:

— Кетдик, — деди ва улар кўчага чиққач, ҳар иккаласини қўлтиқлаб олди.

— Қаерга борсак экан энди? — Таҳмина ҳеч бирига қарамай сўради, аммо биринчи Мухтор жавоб берди:

— Сенинг кўнглинг қаерни хоҳласа...

Таҳмина:

— Биласанми, Заур, — деди. Заур Мухторнинг ёнида менга «Заурик» деб эмас, Заур деб мурожаат этяпти дея кўнглидан ўтказди, — Мухторнинг миясига гўзал бир фикр келган, у бизни овқатга таклиф этяпти. Менимча, жуда доно фикр бу, сен нима дейсан?

Заур гангид қолди, ахир у бу оқшом ҳам кечаги каби иккаламиз бирга бўламиз деб ўйлаган эди... Аммо бу Мухтор-пухтёр дегани қаердан ҳам ўртага тушди мошхўрдага қатиқ бўлиб. Энди эса Таҳмина унинг номидан овқатга таклиф қилмоқда: гапига қараганда, Мухторнинг ҳисобидан... Хўш, ўзи нега индамаяпти?

Мухтор:

— Заур, — деди, — агар кечқурун зарурроқ ишингиз бўлмаса, бирон жойда ўтирасак ёмон бўлмасди, менимча?

«Масалани қўйишини қара! Зарурроқ ишингиз бўлмаса... Бу ерда менинг Таҳминадан бўлак қандай зарур ишим бўлиши мумкин?.. Нима, бизнинг Таҳмина билан муносаба-

батларимизни билмайдими бу?.. Таҳмина тушунтириб қўймаганми бунга?» Заурнинг хаёлига ёмон фикрлар кела бошлади: «Балки менинг ўзим ҳам Таҳмина билан манови Мухторнинг асл муносабатларидан бехабардирман... Йўқса: «зарурроқ ишингиз бўлмаса...» дегани нимаси? Мабодо менинг зарур ишим бўлганида ҳам, Таҳминани бу билан қолдириб кетармидим...» Аммо ёмони шу эдики, Заур Мухтордан эмас, кўпроқ Таҳминадан асабийлашарди... бу иккюзлама муносабатлар учун асабийлашарди... Бир хаёли, ҳа зарур ишим бор демоқчи бўлди, бироқ улар ўзлари билан қолишга уни қистамасликларидан, жумладан, Таҳминанинг ҳам, модомики, зарур ишинг бор экан, боравер, хуш кўрдик, дейишидан кўрқди...

Заур:

- Йўқ, айтарли ҳеч ишим йўқ, – деди.
- Жуда яхши. Унда кино уйига борамиз.

Такси тўхтатдилар – Мухтор олдинда, Заур билан Таҳмина орқага ўтиришди. Мухтор бориладиган жойни айтди.

Етиб ҳам келдилар. Мухтор такси ҳақини тўлаганда Заур алланечук бўлиб кетди, энди бу ерда ўртага тушиш, «йўқ, мен тўлайман», дейиш кулгили бўларди, ахир ҳали овқатнинг анча катта харажати ҳам Мухторнинг зиммасида эди. Айни пайтда Мухторнинг ҳисобидан ҳам таксида келиш, ҳам овқатланиш Заурга ботмаёттан эди: кечқурунги овқатга тўлаш учун эса унинг ҳеч бир имкони йўқ эди, ёнида ҳаммаси бўлиб ўн сўмча пули қолган эди.

Таксида келишаркан, Заур миқ этмасди. Мухтор билан Таҳмина суҳбатлар, кўрсатувлар ҳақида, Москва телевидениесининг имкониятлари ҳақида, ҳар иккаласини бир неча муддатга маҳкам боғлаб қўйган умумий ишлари борасида гаплашардилар. Бу ерда ростдан ҳам имкониятлар бутунлай бошқача. Бокуда икки тракт машқ ола билсак, худога шукрлар қиласр эдик, бу ерда режиссёр етти-саккиз тракт ола билади... Аппаратлари ҳам нақадар мукаммал, анови синхрон видеоёзув аппаратидан бизнинг студияда ҳеч бўлмаса биттагина бўлслайди. Аммо бу суҳбатларнинг замирида бир фурур ҳисси ҳам бор эди: бу етишмовчиликларга қарамасдан, яхши бир кўрсатув тайёрлаган эдилар. Ҳатто Таҳминага ярим ҳазил, ярим чин қилиб бу ерда қолиб ишлашни ҳам таклиф этишди. Мухторни эса анчадан бери бу

ерга таклиф қилиб келардилар. Кино уйининг эшигига Мухтор аъзолик билетини кўрсатди: — Булар ҳам менинг меҳмонларим, — деди.

Ичкарига кирдилар. Зинапоялардаёқ Мухтор аллақандай танишларига дуч келди, қуюқ кўришиб ширин сұҳбатга тушиб кетдилар... Таҳмина тошойна қаршиисига бориб соchlарини тузатди, сўнг лабларини бўяй бошлади.

Заур эса нима қилишини билмасди, сигарет чеккиси келар, аммо бу ерда чекиш мумкинми ёки йўқлигини билмасди... Гёё уни бутунлай унугтган эдилар. Мухторнинг янги-янги танишлари келмоқда, Таҳмина ҳамон кўзгунинг олдидаги машгул эди.

Фойедаги одамларни Заур умрида илк бор кўриши эди, бироқ кўпчилигини қиёфаси жуда таниш бўлиб, уларни экранда кўрган эди. Улар машхур, номи тилларда достон актёрлар эмас эди, бироқ ҳар ҳолда жуда кўп фильмларда ўйнашган, шу боис қиёфалари ҳам хотирада ўрнашиб қолган эди. Заур манови замонавий модада кийиниб олган аёлни қайси фильмда кўрганлигини эслай олмасди, содда рус қишлоқ аёли кийимида эди ўша фильмда... Манави катак камзулли йигит эса қайсиdir фильмда немис зобити ролини ўйнаган эди...

— Хўш, Заурник, кутиб қолдингми? — Таҳмина унга яқинлашди. Заурнинг хаёлидан, Мухтор бўлмагандан Таҳмина одатдагидек «Заурник» деб атайди, деган фикр кечди.

— Ёки кино юлдузларини томоша қиляпсанми?

— Ҳа, — жавоб берди Заур, — жонли Ларионовани энди кўрдим.

Таҳмина ҳам айни шундай ҳазиломуз оҳангда:

— Мен ҳам жонли Тихоновни кўрдим, — деди.

— Дўстлар, худо ҳаққи, мени кечиринг, — Мухтор улар томон келаркан, яна қандайдир танишини учратиб қолди, саломлашдилар, кучоқлашиб, ўпишиб кўришдилар.

Таҳмина:

— Ажойиб киши, — деди. — Телевидениеда ҳам шу аҳвол. Ҳамма танийди уни, ҳамма жони-дилидан яхши кўради, кўрган киши бағрига босиб ўпади... Нега қовоғинг осилиб кетди, Заурник?!

Заур:

— Йўқ, — деди, — бошим осмонда. — Ва қўққисдан аҳмоқона савол берди: — Мени энди севмайсанми?

Таҳмина кулди:

— Жинни, албатта севаман... Ахир, сени кун бўйи кутдим-ку... Хўш, ўзинг уззукун нима қилдинг?

Заур жавоб бергани мажол топмади. Мухтор қайтиб келди ва Таҳмина энди унга мурожаат қилди:

— Мухтор, у еллигичли аёл ким?

Мухтор аёлнинг исмини айтди.

— Анови ёнидаги ёш йигит унинг эрими?

— Аввалги эри... Уларга кофе келтирган нариги йигит эса ҳозирги эри... Қани, кетдик ресторанга.

Ресторан қарийб бўм-бўш эди. Катта салонда атиги уч-тўрт стол одамлар билан банд эди, холос. Столларнинг устида кичик чироқлар ёқилган, ресторандаги бошқа чироқлар ёқилмаган, салонда олатўронлик ҳоким эди. Бурчакда, деразанинг ёнида ўтирилар — ўнгда Таҳмина, ўртада Заур, чапда Мухтор. Официант муқовасида тотли овқатлар сурати солинган таомномани олиб келди. Таҳмина ўқий бошлади, гўё овқатларнинг номидан мазали ҳид келарди, шундагина Заур қаттиқ очиққанини сезди — ахир кун бўйи у туз тотмаган эди.

— Кўнглим нима тусаётганини ўзим ҳам билмайман, — дея Таҳмина таомномани Мухторга узатди, — сен танла...

Мухтор:

— Суюқ овқат ичамизми? — деб сўради.

Таҳмина:

— Йўқ, албатта, — деди, — кечқурун шўлдир-шўлдир суюқ овқатни нима қиласиз?.. — Мен товуқ ейман.

— Табака?

— Ҳа.

— Сиз-чи, Заур?

Заур елка қисди.

Мухтор:

— Шахсан мен яхши бир бўлак гўшт емоқчиман, — деди ва официантга мурожаат қилди: — Поджарку у вас также вкусно готовят, как прежде?

Официант боши билан тасдиқ қилди.

— Тогда давайте нам две поджарку, майлими, Заур?

— Аҳа.

Мухтор газакка ҳам у-бу олиб келишни буюрди.

— Хўш, нима ичамиз?

Таҳмина:

— Сизнинг нима ичишингизни қайдан билай? — деди.

Мухтор конъяк буюрди.

Официант буюртмаларни ёзиб кетди... Ўртага сукут чўқди, сўнг Мухтор:

— Эътибор бердингизми, кўзлари нақадар фамгин? — деди. — Официантни айтяпман...

Заур бу сўзларга таажжуб қилди, чунки у боя Мухторнинг кўзлари ҳақида худди шу фикрни хаёлидан ўтказган эди.

Мухтор:

— Мен жуда кўп разм солиб шу фикрга келдимки, официантлардан, хусусан, ёши ўтган официантлардан кўпчилигининг кўзлари фамгин бўлади... Фамли ва ақлли... Бу хусусият уларнинг касби билан боғлик бўлса керак... Официант ҳам Оллоҳ каби фамгин ва доно бўлади. — У кулимсиради.

— Ҳали сен Оллоҳни кўрибсанми? — деди Таҳмина. — Унинг доно ва фамгин эканлигини қаердан биласан?.. Майли, доно ҳам дейлик, ҳар ҳолда бу фикрга рози бўлиш мумкин, лекин Оллоҳ нега энди фамгин бўлар экан?

— Сабаби битта. Официантлар ҳам шу сабабдан фамгинки, Оллоҳ ҳам, официант ҳам инсонларни жуда яхши биладилар, уларнинг барча заиф, ноқис жиҳатларини яққол кўриб турадилар, шунинг учун ҳам фамгиндиirlар...

Заур ҳам бирор маъноли, мароқли нарса дейишини, Мухторга эътиroz билдиришни истарди. Лекин бундай бамаъни, мароқли эътиroz топа олмас, зеҳни музлаб қолган эди. Шу топда сўзлашга, бирон нарсани топиб айтишга иқтидори йўқ эди, бутун вужудига гўё қўроғшин оғирлиги чўккан, тили ҳам оғзида қотиб қолгандек эди: Ўзини жуда ноқулай ҳис этар, қўпол ҳаракат қилиб қўйишдан, пичноқ билан санчқини чалкаштириб юборишдан, қўққисдан бирон нарсани синдириб қўйишдан қўрқарди. Қофозсочиқни қаерга қўйишни билмас, ҳатто қўлларига ҳам жой топа олмасди. Унинг бу безовталигини Таҳмина ҳам, Мухтор ҳам (айниқса Мухтор!) сезиб тургандек эди гўё. Заур Мухторнинг ўзига аҳён-аҳёнда зимдан қараб қўяётганини, хатти-ҳаракатларини кузатаёт-

ганлигини, бутун борлигини, ичини рентген нури каби кўриб турганини сезди. Заурнинг ҳозирги аҳволига у катта одам ёш болага боққан каби енгил истеҳзо билан боқарди...

Официант таом келтирди, конъякни қадаҳларга сузди. Мухтор овқатдан олдин қадаҳ сўзи айтмай туриб бир қултум конъяк ичди, кейин узоқ муддат қадаҳни гёй илитаётгандек ҳовучлаб тутиб турди, сўнг яна бир қултум ичди... Заур ҳам ичишни истарди, аммо нима қилишини билмасди. Мухтор каби қадаҳ сўзини кутмай майдамайдан хўплайверсинми?..

Таҳмина:

— Менга жиндай салат бер, — деди.

Заур палағда кайфиятда Мухтор меҳмон қилаётган овқатларни Таҳминанинг товоғига соларди. Сўнг у қадаҳни кўтариб:

— Сенинг соғлиғинг учун, Таҳмина, — деди.

— Раҳмат, азизим, — деди Таҳмина ва конъяқдан бир қултум ичди.

Мухтор Таҳминага қараб қулимсиради ва у ҳам бир қултум хўплади. Сўнгра:

— Аммо, ростини айтсам, конъяк чиндан ҳам зўр экан-а, — деди.

Заур тасдиқ қилди.

Мухтор қўққисдан:

— Касбингиз нима? — дея сўраб қолди Заурдан.

Заур:

— Геологман, — деди ва бир оз сукутдан сўнг илова қилди. — Аммо нашриётда ишлайман... Таҳмина билан бир ерда ишлар эдик.

— Шунақами, ҳа, Таҳмина ҳам айтарди... Геолог...

Романтик касб. Ҳамиша тоғ-тошда...

Заур тутилди — Мухтор унинг нозик ерига тегиб кетган эди. Барча курсдошлари орасида фақат Заургина асл касби — геология билан шуғулланмас, нашриётда геология ҳақидаги китобларни таҳrir қиласи ва бундан у кўп хижолат чекарди. Нашриётга эса онасининг гапи билан кирган эди. Чунки аспирантурага кириш учун стаж керак эди. Тўғри, ҳеч қанақа аспирантурага кирмади, тагин онасининг қистови билан эркин тема устида ишлай бошлади, аммо, ҳар ҳолда, мана, иккинчи йилки, нашриётда

қолиб келмоқда эди. «Тоғлар, ўрмонлар...» Мухтор атайданми ёки тасодифанми унинг энг нозик ерига тегиб кетган эди. Романтик касб... Ҳар ҳолда Таҳмина унинг бу заиф жиҳатини билар, аммо у ҳам Мухторнинг сўзларига гўё эътибор бермаётгандек эди. Ҳечқиси йўқ, Заур ҳам қарз бўлиб қоладиганлардан эмас.

— Ўзингизнинг касбингиз нима? — дея Мухтордан сўради у. Албатта, унинг касби нималигини жуда яхши биларди, нега билмасин, ахир боядан бери фақат Мухторнинг касбкори билан боғлиқ ишлар ҳақида суҳбат кетарди.

Мухтор кулди ва зайдунни оғзига солиб:

— Мен телевидение режиссёriman, — деди, — аммо бу менинг асл касбим эмас... Маълумотимга кўра, мен кинорежиссёrmан. Бир вақтлар Москвада Кино институтини тутатган эдим. Бунинг тарихи узун...

Мухтор буни шундай оҳангда айтдики, Заур бу оҳанг маъносини дарҳол тушунди. «Мен ҳам ярангга тегиб кетдимми?» — дея ич-ичидан мамнун бўлди, аммо бу сафар суҳбатга Таҳмина ҳам аралашди:

— Институтни тутатганидан кейин Мухторни бу ерда, «Мосфильм»да олиб қолмоқчи бўлишган... Ўшанда бекор қилгансан қолмай. Қолганингда ҳозир қанчадан-қанча катта фильмлар суратга олардинг...

Мухтор:

— Эҳ, Таҳмина, гап фильмнинг катта-кичиклигига эмас, — деди. — Ҳаётда ҳамма нарса жуда мураккаб. Айни пайтда жуда содда. Ҳам жуда мураккаб, ҳам жуда содда, — дея яна қайта такрорлади. — Инсоннинг умрида бир сарҳад бор, кўринмас ёш сарҳади, албатта сен ҳам, Заур ҳам бу сарҳаддан ҳали жуда узоқдасизлар, аммо мен бу сарҳадни кечиб ўтганман, шунинг учун ҳам у ҳақда гапира оламан... Бу сарҳадга етгунча ҳамма нарса олдинда кўринади, умидлар, орзулар, хаёллар билан яшайсан, фалон нарсани фалон қиласман, фалон ишни пистон қиласман дейсан. Аммо бу сарҳаддан ўтганингдан кейин — хоҳласанг бизнинг анови Шерали бобомиз каби нақ юз эллик йил яша — ҳамма нарса ортда қолади, фақат хотиралар, ушалмаган орзулар, пуч бўлган ниятлар ҳақида эсдаликлар қолади, вассалом.

У конъякдан бир қултум ҳўплаб, Заурга боқди:

— Биласизми, Заур, лента, плёнка — катта нарса. Лента

қолади, катта фильмми, кичик фильмми, фарқи йўқ, плёнкага, лентага кинофильм ёки телефильм олдингми, бас, – у қолади. Аммо менинг ҳозирги касбимнинг хурсанд бўладиган жойи йўқ. Телевизион кўрсатувларнинг, фильмларнинг эмас, кўрсатувларнинг режиссёри... Кўрсатувни тайёрлайсан, эфирга берасан, тамом-вассалом, энди у кўрсатувдан ному нишон ҳам қолмайди, шунчалик заҳматлар, азоб-укубатлар беҳуда кетади... Тушуняпсизми?

Заурнинг ўрнига Таҳмина жавоб берди:

– Худди менга ўхшаб. Эълон қилиб, экрандан кетаман, тамом, мендан изу асар ҳам қолмайди.

Мухтор:

– Шундай, – деди, – ростдан ҳам қадарли иш. Қанчалик меҳнат сарфлайсан, кечани – кеча, кундузни – кундуз демайсан, фикру қалбингда нима бўлса, ҳаммасини тўкиб соласан, асабларинг, соғлиғинг ҳисобига кўрсатув тайёрлайсан, баъзан ҳафталаб, ойлаб бу ҳақда ўйлаб юрасан, бутун истеъдодингни – яъни, айтайлик, истеъдод анча баландпарвоз сўз, – қобилиятингни деймизми, иқтидору тажрибангни деймизми, қисқаси, бор-йўғингни сарфлаб кўрсатув ҳозирлайсан, у эса ярим соат, қирқ минут, нари борса бир соат эфирда янграйди, кейин, – у сигаретани қаттиқ сўрди ва оғзини очди, тутун бурала-бурала юқори қалқди, – мана бу тутун каби тарқаб кетади ҳаммаси, ҳеч нарса қолмайди... Ҳа, чиндан ҳам жуда қадарли касб бу...

– Худди официантларнинг касбига ўхшабми? – дея Заур унинг бояги гапини ёдига солди.

Таҳмина дарҳол:

– Фақат официантларнинг эмас, Оллоҳнинг ҳам, – деди.

Мухтор кулимсиради:

– Ҳа, ғамимиз Оллоҳники қадар, бироқ Оллоҳдай доно эмасмиз.

– Мухтор, кел, биргаликда биронта фильмни суратга олайлик, – таклиф қилди Таҳмина. – Сен суратга оласан, мен эса унда роль ўйнайман. Ўйнаганда ҳам сенинг бутун актрисаларингдан яхши ўйнайман. Ҳўш, нима бўпти, кел бир ташаббус кўрсатайлик, ахир... кела қол, сен билан бир-

га жиддийроқ бир иш қиласи өтти. – Заурга Таҳмина-нинг бу жумласи сирли туюлди.

– Мен сенга худди шуни қачондан бери таклиф қиласи-ман-ку, – Мухтор ҳам сирли жавоб қайтарди.

Таҳмина:

– Жиддий айтяпман, – деди. – Нима, сен фильм оламан десанг рухсат бермайдиларми?.. Нега бу ишга киришмайсан, ахир? Ҳеч бўлмаса мен учун, менинг хурматим учун... Менга бош ролни берасанми?

Мухтор:

– Энди кеч бўлди, – деди. – Бу ёшда мен ҳаётимни ўзгартира оламанми энди?.. Сенинг ҳам вақтинг ўтди.

Таҳмина:

– Вой уятсиз-ей, – деди, – менга бундай дейишига қандай тилинг борди. Кинода роль ўйнашни ўлгудай истайман. Бир кун бу дунёдан кўзимни чирт юмиб кетганимда мендан ҳам бир хотира қолсин дейман... Ўзиям айни ҳозир кинода ўйнашни истайман, чунки кейин, сен айтганингдай, кеч бўлади, вақти ўтади. Кино юлдузи бўлишни, суратларим журнallарда босилишини хоҳлайман. Севган рангим? – Мовий... Севган фильмларим – режиссёр Мухтор Муҳаррамовнинг асарлари... Хоббим? Менинг хоббим чиндан ҳам нима бўлди экан?

– Ясаниб-тусаниш, – жавоб берди Мухтор.

Таҳмина:

– Эҳ, сиз эркаклар бу дунёда ҳеч нарсага тушунмайсиз, – деди. – Билмайсизки, гўзал аёллар ҳам нодир дараҳтлар каби, фойдали қазилмалар каби, тарихий обидалар каби миллий бойликдир...

Мухтор:

– Бу камтарлигинга гап йўқ, – деди.

Таҳмина:

– Нима, гўзал эмассан демоқчимисан. Ҳали менинг гўзал эканлигимдан ҳам тонмоқчимисиз?

– Йўқ, тонмайман, – деди Мухтор. – Аммо аниқлик киритмоқчиман. Сен чиндан ҳам жуда гўзал эдинг. Так-пор айтаман: э-динг...

Таҳмина:

– Нахал, – деди ва Мухторга ҳазиломуз бармоқ ўқталди, сўнг Заурга юз бурди. – Ҳўш, Заур, сен нега оғзингга

талқон солиб олдинг, қанақа жентльменсан ўзи, мени ҳимоя қилсанг-чи манови одобсиздан.

Аммо Заур оғиз очиб ултурмаган ҳам эдики, Мухтор:

— Мухтор Мұхаррамовнинг асарлари ҳақидаги истех-зонгга қараб жавоб бердим-да, — деди.

— Вой, Мухтор, ҳазилниям тушунмайсан-а?

— Хүш, ўзинг-чи? Сенинг гўзаллигинг ҳақида ҳеч маҳал мен ўтган замонда гапира оламанми?

Заур Мухтор билан Таҳмина ўртасида бўлиб ўтган бу ярим ҳазил, ярим жиддий мубоҳаса остида уларнинг олис йиллар мобайнидаги яқин муносабатлари, дўстликлари ётишини — буларнинг ҳаммаси бутун бир олам эканлигини ва ўзи бу оламдан бехабар эканлигини ҳис этарди...

Официант иссиқ таом келтирди; улар овқатдана бошладилар, аҳёнда бесёз-бетилак конъяқдан ҳам ҳўплаб қўярдилар, ичимлик хумори секин-аста Заурнинг фикрларини туманлаштирап, қаттиқ сиқилар, бу ўтиришда ўзини ноқулай ва ортиқча сезарди. Истар-истамас ўзини Мухтор билан таққослар, Мухторнинг ҳозиржавоблиги, улфатижонлиги, ҳатто майин бир маҳзунлиги олдида Заур ўзини ниҳоятда одамови, беўхшов, ҳатто бефаҳм ва ўта жўн бир кимса каби ҳис этарди...

Таҳминанинг кечаги сўзларини, тунги навозишларини эслар, агар уларнинг ҳаммаси ёлғон бўлмаса, унда Таҳмина нега, нега ахир мени севади, дея ўйларди. Таҳмина каби бир аёл қайси жиҳатлари, қандай фазилатлари учун Заурдай бир кимсани севиши мумкин? Шунчаки, Заурнинг зоҳирий кўриниши, бўй-басти, юз-кўзи, ёшлиги, бақувватлиги учунгинами? Агар шундай бўлса, демак, уларни бирдан-бир боғлаб турган нарса ҳирсу шаҳват экан-да? Хўш, унда Домодедово хиёбонида чаҳ-чаҳ урган қушлар, Москва кўчалари бўйлаб кечаги тентирашлари, муносабатларидаги нафосат — буларни нима деб аташ мумкин, ёки буларнинг ҳаммаси фақат шаҳват ўйинлари учун шунчаки бир ҳозирликмикан?

Мухтор тинимсиз сўзларди. Заурни фикрлар оламига, ғам дарёсига гарқ этган ичкилик Мухторни, аксинча, нашъалантириб юборган, унинг лаби лабига тегмасди. Энди у ўз касбини ёмонламас, аксинча, зўр бериб таърифларди, бу касбни дунёдаги бошқа бир касбга алмашмайман, дерди у, тўғри-да, ёлғиз бир одамнинг хаёлига келган фикрлар

аввал қоғозда моддийлашади, эртаси куни эса бу фикрлар ўнлаб, юзлаб кишилар иштирокида қиёфалар, ранглар, овозлар, лавҳалар шаклига киради, жонли ҳаётнинг бир парчасига айланади ва бу ҳаёт режиссёрнинг кафтида ҳаракат қилади. Бу ҳаётни ойнаи жаҳон орқали минглаб, миллионлаб кишилар кўради, уларнинг ёдида, зеҳнида муҳрланиб қолади. Кўрсатувдан кейин у битиб-йитиб кетса, бу сўзлар, бу қиёфалар гайбга кетса нима бўпти? Бу дунёда мангу устувор нима бор ўзи? Ширин тушдан қолган таассуротга ўхшайди бу – хотирамизда, қалбимизда муҳрланиб қолади. Ширин бир тушдан, яхши бир кўрсатувдан хотирамизда қолган таассурот инсонга ҳаётнинг бошқа моддий лаззатларидан озроқ завқ берадими, ахир? Мухтор ниятларидан, рўёбга чиқмаган орзуларидан, алоҳида-алоҳида саҳналар, парчалар, образлардан сўзларди...

– Ичаришаҳар ҳақида фильм яратмоқчиман, – дер эди у. – Ичаришаҳарнинг уйлари ёдингиздадир... бутун воқеалар ўша уйларда, ҳовлиларда, тор кўчаларда кечади, финалда эса – фильмнинг финалини жуда аниқ тасаввур қиламан, ҳатто бу кадрлар тез-тез тушларимга ҳам кириб чиқади – финалда Ичаришаҳар уйларининг томларини кўрсатаман; томлардан бирида қоп-қора либосли ёшгина гўзал бир қиз дорга кир осмоқда... Дорда чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жиллари ёйилган. Уларнинг ҳаммаси оппоқ, шамол уларни елвийди, қоп-қора либосли қиз эса бу оппоқ ашёлар орасидан йитиб-кўриниб юради, осмон очиқ, узокларда эса мовий денгиз... бу ўзига хос бир рақс – оппоқ чойшабларнинг, қоп-қора либосли қизнинг, шамолнинг рақси... Аммо айни пайтда дордаги чойшаблар бамисоли бир елкан, уйлар эса елканти қайиқлардир, улар олисдаги мовий денгиз ичида сузиб бормоқдалар... Тушуняпсизми, камерани шундай бир нуқтага қўяманки, уйларнинг томи кема саҳнига ўхшаб қолади, чойшаблар эса денгиз фонида елканга ўхшаб кўринади – бу ҳам пластик, ҳам рамзий образ... Биз кўлинча елканларни кўрпажилларга айлантириб қўямиз, аммо мен кўрпажилларни елканга айлантироқчиман. Бироқ бу рамзнинг бошқа маъноси ҳам бор. Томлар устида ҳилпираган чойшаблар айни пайтда таслим байроқларидир... Ичаришаҳарнинг кўҳна уйлари замонавий бульдозерларга қаршилик кўрсата олмайдилар, улар йиқилишга, бузилишга маҳкум-

дирлар ва шунинг учун ҳам кўрпажилларни, чойшабларни томларнинг устига таслим байроби каби кўтариб чиқадилар... Кимнингдир шу мавзуда шеъри ҳам бор эди... «Оппоқ кўрпа жиллари не кўрар тушларида? Кўуруларки, узоқ жануб денгизларида елканлардир...» ёки «узоқ жануб денгизларига кўлка тушар бу елканлардан...» – эсимда қолмаган.

**Таҳмина қўққисдан Мухторнинг узун нутқини бўлди:**

– Кел, сенинг соғлиғинг учун ичайлик, Мухтор, – деди. – Заурга сен ҳақингда жуда кўп гапирганман. Заур ҳам мен учун азиз одам.

Заур: «Заур ҳам», дея дилидан ўтказди.

– Мен айтмоқчиманки, Заурик, – «Заурик» – Мухторнинг соғлиғи учун ичайлик бу қадаҳни. Мухтор – ҳақиқий дўст, шундай дўстки, энг қийин дақиқаларда, энг оғир вазиятларда ҳам ундан ёрдам кутиш мумкин ва у ҳам қўлидан келганини аямайди. Ҳеч қачон фалон-пистон қилганман деб юзингга солмайди... ё бирор ғарази ҳам йўқ... қисқаси...

– Қисқаси, қўй бу гапларни, – дея Мухтор унинг сўзини бўлди. – Роса кўпиртиридинг... Қаердан биласан ғаразлимани ёки йўқ, балки менинг ҳам юрагимда ғараз бордир. Гапнинг қисқаси, келинглар, шунчаки ичайлик, вассалом, соғлиқ бўлсин.

**Таҳмина сархуш бир ўжарлик билан:**

– Йўқ, – деди, – мен бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман, гапимни бўлмай тур... Мен айтмоқчиманки, дўстлар ҳам ҳар хил бўлади. Шундай дўстлар борки, яхши кунингнинг дўсти, фақат яхши кунингда ўтингдан кириб, кулингдан чиқади – уч пулга қиммат бунаقا дўст. Яна шундай дўстлар борки, ёмон кунингнинг дўсти, бундай дўстни бошга кўтарсанг арзиди. Аммо агар бу ёмон кунингнинг дўсти фақат ёмон кунингга ҳамдард бўлса-ю, яхши кунингда ўзини четга тортса, менимча, бу ҳам бир тарафлама дўстликдир. Одамнинг юраги сиқилиб кетади бундай дўстликдан, гёё бундай дўст ўз садоқатини кўрсатиши учун ёмон куним қачон келади дея кутишинг керак... Йўқ, бу ҳам бир нав ярим дўстликдир. Аммо яна бошқа бир дўстлик ҳам борки, менимча, асл дўстлик худди ана шу... Бу дўст ёмон кунингда сени ёлғиз қўймайди, бироқ яхши кунингда ҳам қанотингда бўлади. Сенинг

дардингдан дард чекади, севинчингдан севинади. Сенинг севинчинг – унинг севинчи, унинг севинчи – сенинг севинчинг, нима демоқчийдим... чалкашиб кетдим... кўп ичиб қўйдим, шекилли... Қисқаси, сенинг соғлиғинг учун, Мухтор!

Ичдилар, сўнг Мухтор қаергадир туриб кетди, Таҳмина:

– Биласанми, бу қандай ажойиб одам, – деди. – Санъаткорлигига ҳам гап йўқ – худо берган-да бир...

Заур, бу золим худо менга нега ҳеч нарса бермаган, дея кўнглидан ўтказди.

– Заурик, негадир бугун кўзимга анча паришон кўринасан? Нима бўлди?

Заур:

– Қизиқ, – деди, – қараб турсам, Мухторнинг ёнида сен мени «Заур» дейсан, у бўлмаганда – «Заурик».

Таҳмина қаҳ-қаҳ уриб кулди ва:

– Вой тавба, фирт тентакнинг ўзисан, – деди.

– Биз қайдан ҳам ақдли бўлайлик? Ҳамма ақл худода, официантларда, режиссёrlарда бўлса...

– Бунча заҳар бўлиб кетдинг, Заур... Сен мени кимдан рашқ қиляпсан, Мухторданми? Вой-бў-ў! Хоҳласанг Мухторнинг ёнида сени қучоқлаб ўпишм мумкин, Заурик ёки «Зауржонгинам» деб айтаман, истайсанми?

Заур:

– Истамайман, – деди. – Кел, бу ердан чиқиб кетайлик.

Мухтор:

– Знакомтесь, – деди, у бир эркак билан аёлни столга бошлиб келган эди. Мухтор Заур билан Таҳминани уларга русчалаб танишитирди, келган меҳмонларнинг оти Саша ва Лена эканлигини айтди. Сўнг албатта, Саша билан Ленани таниширишнинг ҳожати йўқ, бу машхур эр-хотин кино актёрларини ким ҳам танимайди, ахир, дея илова қилди.

Мухтор Саша ва Ленани тавозе билан ўтиришга таклиф қилди.

Эр-хотин иккаласининг ҳам кайфи баланд эди, Саша ўтирар экан, курсидан йиқилиб тушишига оз қолди.

– Пардон, – деди, – очень рад... – Сўнгра: – Мадам, – дея Таҳминага мурожаат қилди, – вы не возражаете если я сяду рядом с вами?

Таҳмина эътиroz билдиrmади, Саша ундан, сиз актри-  
самисиз, деб сўради. Йўқ, телевидениеда дикторман, деди  
Таҳмина.

Лена:

— Ах, да, я же видела вас по телевизору, — деди, —  
позавчера это было.

Саша Таҳминадан, ажабо, сиз нега актриса эмассиз,  
деб сўради, Таҳмина буни режиссёрлардан, масалан, Мух-  
тордан сўраш керак, деб жавоб берди.

Мухтор, ижозатингиз билан аввал мен нима ичишин-  
гизни сўрасам, деди.

Саша:

— Да теперь все один хрен, — деди. — Ну давай  
водки...

— А вы, Лена?

— Мне тоже все равно, водка, так водка...

Сўнгра Лена Заурдан, отингиз нима, деб сўради.

— Заур.

— Заур! Красивое степное имя! А как зовут меня?

Заур, буни ўзингиз яхши биласиз, деди.

— О, не будьте грубым, человек со степным именем, —  
деди Лена, — вы должны знать точно: Ле-на...

Ароқ келтирилди, Мухтор меҳмонларнинг қадаҳларига  
кўйди.

Саша:

— Вы пьете коньяк, а мы водку, — деди. — Какая  
анаquia получается у нас за столом.

Мухтор:

— Нет, у нас за столом не анаquia, а монаquia, —  
деди, — поскольку есть королева. И даже две королевы.

Лена:

— Вот это я понимаю — восточная галантность, —  
деди.

Саша, келинг, унда шарқ аёлларининг соғлиғи учун  
ичайлик, паранжини ташлаб, коньяк ичаётган аёллар учун  
ичайлик, деди. Сўнг Таҳминадан, паранжи ёпинганмисиз,  
деб сўради.

Таҳмина бизда ҳеч қачон ҳеч ким паранжи нималиги-  
ни билмаган, деди.

Мухтор, бизда чодра бўлган, у бутунлай бошқа нарса,  
деди.

Лена, мен биламан, паранжи Ўзбекистонда бўлган, деди. Сўнгра, бултур Тошкент фестивалида иштирок этган эдим, Тошкентда ажойиб палов пиширадилар, деди.

Заур, бизнинг паловимиз яна ҳам лаззатлироқ бўлади, деди. Заур жим ўтиришим буларнинг диққатини жалб этмасин деган маънода сұхбатга қўшилди, аммо буни Саша дарҳол пайқади ва:

— Браво, браво, сфинкс заговорил, — дея бақириб юборди. — Вы молчали долго и загадочно, и наконец решили раскрыть уста, чтобы защитить честь национальной кухни.

Лена унинг сўзини бўлиб:

— Ну хорошо, не... — дея болохонадор сўкинди.

Таҳмина ўзини ёшитмаганга олди-ю, Заур қизариб кетди. Мухтор эса мулоиймлик билан сўкинмасликни илтимос қилди ва бизларнинг одатимизда аёл кишининг олдида сўкинмайдилар, деди.

Саша, унда яшасин қўёшли Озарбойжон республикаси, деди ва хотинига изоҳ берди:

— У них насчет этого знать как сторого, чуть что, если честь задета, сразу пирнут ножом в сердце и пулю в лоб.

Сўнгра Заурни кўрсатиб, кўряпсанми, бу хонимнинг, яъни Таҳминанинг ёнида қанақанги ҳимоячиси ўтирибди, дея илова қилди.

Мухтор, Саша, менимча, сен Бокуда бўлган эдинг ва у ердан соғ-саломат қайтгандинг, у ерда сени на бирор пичоқлади, на ўқ узди, деди.

Саша:

— Да, потому что я был там ниже травы, тише воды, — деди.

Мухтор:

— Не, насчет воды ты излишне скромничашь, — деди, — по-моему ты там пил все, что угодно только не воду.

— Да, стариk, я действительно пробыл там три дня не просыхая, — деди ва Бокуда бўлгани ҳақида сўзлай кетди, тайёрдан тушишим биланоқ мени сизлардаги раҳбар кино ходимлари кутиб олдилар, деди, сўнгра қаергадир кетдик, қандайдир учрашув бўлди, кейин нималар бўлгани ёдимда йўқ, фақат шуниси эсимдаки, уч кундан сўнг кимдир

олиб келиб мени Москва тайёрасига босди... Саша бошқа нарсаларни эслай олмасди. Қадаҳни кўтариб:

— Ну, хорошо, вздрогнули, — деди, сўнгра яна Таҳмина га боқиб, — билмайман бу Озарбайжон режиссёrlарининг кўзи қаерда, шундай бир дунё гўзалини кинога олмай бўладими, деди.

Таҳмина, улар кинога олмаса, сиз олинг, деди. Саша, бажонидил деди ва Таҳминанинг адресини, телефонини сўради. Таҳмина адреси ва телефонини бермади, аммо, истасангиз мени Мухтор ёрдамида осонгина топиб олишингиз мумкин, деди.

Саша:

— Он что, ваш любовник этот чертов, персюк? — деди.

Таҳмина қуруққина қилиб:

— Нет, — деди.

— А кто ваши любовник?

Таҳмина:

— А у меня нет любовника, — деди. — У меня есть муж.

— А кто ваш муж?

Оний бир тарафдан сўнг Таҳмина Заурни кўрсатди...

Орадан анча вақт ўтгач Заур билан Таҳмина бу сўздан кейин ким кўпроқ тошдек қотиб қолди — Заурми ёки Мухтор, дея баҳслашар эдилар... Кейинчалик Таҳмина, Саша мени тинч қўйсин деб шундай дедим, дея Заурни ишонтироқчи бўларди.

Ростдан ҳам Саша уйқудан уйғонгандек бўлди, сўз оҳангини ўзгартириди. Заурга қараб, умид қиласманки, менинг кўл-қовурғамни синдиримассиз, шундай қиласлигингизга юз фоиз ишонаман, мен умуман хотинбоз эмасман, алкогольман, керак бўлса буни хотиним ҳам тасдиқлади, деди.

— А пошел ты... — Лена эрйни болохонадор қилиб сўкмоқчи эди, бирдан эсига Мухторнинг танбеҳи тушди, кўли билан оғзини тўсиб, узр сўради.

Саша Мухторга қараб:

— Старикан, а давненько мы с тобой не пили, — деди, вақтида бир курсда ўқиган институтларининг декани Пал Палични эсга олди.

Пал Палич Мухторнинг ёдида қолган-қолмаганини сўради.

Мухтор, албатта ёдимда, деб жавоб берди. Саша Мухтордан Пал Паличнинг вафот этганидан хабаринг борми, деб сўради. Албатта, ҳатто таъзия билдириб телеграмма ҳам жўнатганман, деди Мухтор.

Саша, мен ҳатто телеграмма ҳам жўната олмадим, Канида эдим, фильмимизнинг премьерасига кетган эдим, қайтганда эшидим, деди.

Таҳмина Кани Сашага ёқсан-ёқмаганини сўради. Саша Кани фестивалида учинчи марта иштирок этганини, аллақандай қабуллар, прессконференциялар, коктейллар роса меъдасига текканини, аммо мундоқ бемалол ичиш мумкин эмаслигини айтди... Бироқ бу сафар омади келганини, Феллинининг янги фильмини томоша қилганини, ҳали бизда бундай фильм яратилмаганини сўзлади, сўнг Мухторга қараб:

— Ну, стариқ, — деди, — это обалдеть можно, скажу тебе.

Заур кўққисдан:

— А по-моему, — деди, — Феллини от барокко пришел к рококо...

Заурнинг бу изоҳи шу қадар кутилмаган эдики, ҳамманинг оғзи очилиб қолди, ҳамма бир муддат лол бўлиб зимдан бир-бирига боқди, ниҳоят Саша:

— Ну, ты, видешь, стариқ, — деди.

Таҳмина ҳам шараклаб кулиб, Заурга «офарин» деди.

Заур эса кичик қадаҳни бир чеккага суриб қўйиб, йирик бир фужерни олди, лиммо-лим конъяк қўйиб, кўз очиб-юмгунча бир томчи қолдирмай сипқорди. Ичиб бўлгач, менинг фикримча, дунёда энг яхши фильм «Тарзан» деди.

Заур ўзининг қолоқлигига, маҳдуд дидига ўтирганларнинг кулишини истарди, аммо аксинча, Лена Заурнинг фикрини ёқлаб чиқди, мен бунга тўла қўшиламан, Тарзан ҳеч бўлмаганда соғлом эркак, деди... Сўнгра қўлини Заурнинг сочига узатиб:

— А вы сами похожи на Тарзана, — деди, — такое же дикое первобытное существо с лесным именем...

Таҳмина:

— Со степным — говорили вы, — деди.

Лена, ўрмон, дала, тоғ – ҳаммаси бир... деди ва дарҳол узр сўради, ортиқ сўкинмаслигига онт ичди... Сўнгра Лена ҳам Бокуда бўлганидан сўз очди, киностудияда кичик бир роль йўнаганини, у ерда ажойиб бир режиссёр билан танишганини айтди. Балки танирсиз, деди ва отини алоҳида оҳангда талафғуз қилди: **Оғамеҳди!**

Мухтор шундай исмли бир одамни танишини айтди. Лена унинг жуда мароқли мавжудот эканини, Лена бутунлай Бокуда қолиши учун катта нарсалар ваъда қилганини сўзлади.

Саша Заурдан, режиссёrmисиз, деб сўради. Заур, йўқ, режиссёр эмасман, шунчаки бир дардисарман, ота-онамнинг бўйнига юкман, деди. Саша юмшоқ қилиб, бу ҳам ёмон касб эмас, ҳам ўзинг ота-онангнинг елкасига ўтиришинг, ҳам у ерга хотинингни жойлаштиришинг учун катта маҳорат керақ, деди.

Таҳмина, нега бундай дединг, дегандек Заурга норози бош тебратиб қўйди. Заур жавоб берди:

– Шу сабабдан шундай жавоб бердимки, бу суҳбатларингиз менинг жонимни бўғзимга келтирди – Канн фестивали, Феллини, оқ елканлар, билмайман яна алламбалолар. Сўнгра илова қилди: – Я самый обыкновенный, простой человек...

Лена:

– Ну, это уже скучно, – деди, – какая-то демагогия пошла. Давайте лучше выпьем.

Саша:

– Искусство принадлежит народу, – деди ва Заурга мурожаат қилди: – А между прочим, представитель простого народа, где это вы достали такие шикарные туфли, я их даже в Париже не мог купить? Посмотри-ка, Лен...

Ҳамма Заурнинг пойабзалига қаради. Заур эса бир оз тарааддуланиб, сотаман, ўзиям яп-янги, деди. Саша, қанчага, деб сўради, Заур қирқ сўмга, ўз нархи, деди. Маълум бўлдики, Саша билан оёқларининг размери ҳам тенг экан – 42. Заур қараса, Саша ростдан ҳам пойабзални олишга мойил, фақат бир шартим бор, деди Заур, савдони пишириб олишимиз керак. Мен ўз пойабзалимни сизга сотаман, сизнигини эса ўзим кияман, устига яна менга қирқ сўм берасиз...

Саша бир оз ўйланиб туриб, розиман, деди.

Мухтор ҳам, Таҳмина ҳам, ҳатто Лена ҳам улар ҳазиллашяптими ёки жиддий гапиришяптими – билолмай турар эдилар, аммо бу пайт Заур билан Саша пойабзалларни алмашиб кийиб олган эдилар. Саша:

– Лен, давай ему сорок рублей, – деди.

– Да не чуди ты...

– Дай говорю. Туфли же блеск, это он по пьянке отдает, проторзвеет ещё передумает.

Лена чиндан ҳам сумкасидан қирқ сўм чиқариб Заурга берди ва Мухторга, келинг, Сашанинг янги пойабзали шарафига ичайлик, деди... Таҳмина, Заурнинг ҳам янги пойабзали учун, деди...

Заур узр сўраб, ўрнидан турди, секингина официантни бир чеккага чақирди, ҳисоб-китоб қилиб пулинни тўлади. Сўнг ўз ўрнига келиб ўтириди.

Саша, вақт бўлди, яхши ўтиридик, едик-ичдик, ўртада ажойиб пойабзалга эга бўлдим, энди эса уйга кетиш лозим, ҳадемай чироқларни ҳам ўчирадилар, деди.

Ҳамма ўрнидан турди.

Мухтор:

– Сизлар бораверинг, – деди, – мен етиб оламан. Заур секин чиқар экан, ортига бурилиб қарап, Мухторнинг официантни чақиришини лаззатланиб томоша қиласади... Кўчага чиқдилар. Бинонинг эшиги олдидаги бир қанча машинани эгалари ўт олдириб, моторини қиздирадилар. Бир машинадан Лена билан Сашани чақириб қолишиди.

Саша ва Лена Заур билан қўл бериб хайрлашдилар, чақираётган ўз қўшнилари эканини тушунтирдилар. Аэропорт метроси томон юришларини, шусиз ҳам йўллари бошқа-бошқа эканини айтдилар. Мухторга салом айтинг, афсуски, эртага Киевга кетяпмиз, йўқса кўришар эдик, Москвага тагин йўлингиз тушганда, кўнфироқ қилинг, албатта кўришишимиз лозим, дедилар. Бориб машинага чиқдилар ва унинг ойнасидан қўл силкидилар, машина йўлга тушиб, аста-секин узоқлашди... Мухтор худди шу пайт бинодан чиқиб келди.

– Уят эмасми, Заур, – деди. – Ахир ресторанга мен таклиф этган эдим, нега сиз тўладингиз?

Заур:

— Янги пойабзалимни ювдим, — деди.

Таҳмина:

— Нима? Демак сен... — дея сўз бошлади ва дарҳол ҳамма нарсани тушунди, — тентак...

Сўнгра гапини тугатмай, Заурнинг бўйнига осилди, оёқларини ҳам ердан узиб, ҳавода силкина бошлади. Заур ҳам уни бағрига босиб чир айлантирас, гўё Мухторнинг бу ердалигини унутган каби болалардек қийқириб кулишарди.

Мухтор:

— Метрога тушасизми? — деди. «Сиз» — яъни Таҳмина билан Заур.

— Йўқ, — жавоб берди Заур, — пиёда кетмоқчимиз.

Мухтор шошиб хайрлашди. Жадал одимлаб метро бекати томонга кетди. Заур орқадан унинг бир оз букилган ҳорғин елкасига боқар ва Мухтор ҳақида ўйлар экан, унинг ўзи топган образлари кўз олдидан ўтарди: йиртилиб-эзғиланган елкан, энди ҳеч қачон елкан бўлолмайдиган оқ лахтак... елканлигини, қайиқлигини, олис жануб денгизларини эса энди фақат тушда кўриши мумкин... Ўзга шаҳарда, гариб отелда, ёлғиз хонада ётиб кўрадиган тушларида...

## САККИЗИНЧИ БОБ

*Бу на сирдур, сирри ишқинг демадан бир кимсая,  
Шаҳра душмуш ман сани севдим деян овозалар.*

Телефон дастагини Таҳминанинг ўзи кўтарди.

— Хуш кўрдик. Хуш келибсан.

— Раҳмат, — деди Таҳмина, овозида на севинч бор эди, на соғинч. Гўё Заур билан жиндай олдин кўришгандек эди. Ҳолбуки, охирги марта кўришгандаридан бери бир ҳафта ўтган, бир ҳафта олдин Заур Москвадан Бокуга учиб келган, Таҳмина тагин уч кун Москвада қолиб, сўнг Бокуга поездда қайтган эди. У кечагина келиб тушган, бугун эса Заур қўнғироқ қилмоқда эди.

— Ахир, боришим биланоқ қўнғироқ қиласман деган эдинг-ку! Кеча келган экансан, қўнғироқ ҳам қилмайсан?

— Билмабман, — деди Таҳмина совуқ оҳангда. Ҳазин

шамол эсаётган ёқимсиз куз куни бўлиб, гўё бу совуқдик, бу тундлик Таҳминанинг овозига ҳам кўчгандек эди.

— Мени севасанми?

— Аҳа, — деди, аммо бу сўзни шундай бегона оҳангда айтдики, айтганидан айтмагани яхши эди.

— Қачон кўришамиз?

Бир оз сукутдан сўнг Таҳмина:

— Мен ўзим сенга қўнғироқ қиласман, — деди. — Идорангга...

— Қачон?

— Билмайман... кўраман-да...

— Бугунми?

— Йўқ, бутун эмас, эрта ҳам, индин ҳам эмас... бир неча кундан кейин...

— Нега, нега ахир?.. Нима гап ўзи, балки бирон кори ҳол бўлгандир?

— Йўқ, Заур, ҳеч гап бўлгани йўқ. Озгина ишим бор, бир масалани ҳал қилишим керак. Сендан ҳам илтимос қиласман, менга қўнғироқ қилиб юрма. Бир неча кундан сўнг, тахминан бир ҳафтадан кейин ўзим сени топаман, бўйтими?

Заур руҳсиз:

— Бўйти, — деди. — Ўзинг биласан...

Заур шоша-пиша яна:

— Мени севасанми? — деб сўради.

Таҳмина шошиб:

— Ҳа, ҳа, севаман, — деди, бу сўзларни у гўё Заурдан тезроқ қутулиш учун айтиётгандай туюлди Заурга. Таҳмина яна такрорлади. — Ўзим сенга қўнғироқ қиласман. Ҳозирча хайр.

Заур ҳам:

— Ҳозирча, — деди. Таҳмина дарҳол дастакни қўйди.

Телефондан қисқа товушлар эшитила бошлади: ту, ту, ту...

\* \* \*

Кунлар ўтар, уйда ҳам, ишда ҳам телефоннинг ҳар бир қўнғироғидан Заурнинг юраги орзиқиб кетар, дастакка отиларди, аммо Таҳмина қўнғироқ қиласман, ҳамон жим эди.

Заурнинг асабий аҳволини онаси ҳам ҳис этар... ва

буни айрича шархлар эди... Заурнинг Москвага кетишдаги қатъийлиги, терслиги, ўжарлигини кўрган Зевар хоним ўёлига зўрлигу зорлик билан таъсир этиб бўлмаслигини тушунган, энди бошқача йўл тутиш керак, ишни зимдан битказиш лозим деган қарорга келган эди. Зевар хоним энди Таҳминани очиқ ёмонламас, узоқдан гап бошлаб, Заурни унга қарши қўймоқчи бўларди. Гап айланиб-айланниб Таҳминага келганда Заурнинг жаҳл билан суҳбатни бўлиб хонадан чиқиб кетишини ҳам билар, аммо Зевар хоним битта гап билан катта гапни айтишнинг ҳадисини олган, ўғли суҳбатни кесиб хонадан чиққунича бир жумла, бир маълумот билан унинг дилига шубҳа уруғларини сочиб ултуради...

— Эшитишимча, Москвада сенга рақиб ҳам топилиби, — дерди. — Ким эди анави телевизор режиссёри, Мухтор Муҳаррамовми? Жиққамушт бўлиб қолмадингларми? Машади Ибод айтишича, қизнинг иккита эри бор эмиш...

— Бас қил! — дея Заур отилиб чиқиб кетар, аммо янаги сафар онаси атай тағин телевизор кўрсатувларидан гап очар, гўё тасодифан Мухторни тилга олар, сўнг бу орада «сенинг рақибинг» деб ишора қиласади.

Бошқа бир сафар онаси:

— Ҳар бирининг ўз ўрни бор, — дерди, — эри номига эр, холос, бошқалар, эри бор, турмушга чиққан, дейишлиари учун, Спартак едириб-кийдириш учун, Мухтор ишхонада қўлтиғига кириш учун, сен... сен эса, аммамнинг бузоги, шунчаки кайфичноғлик учун кераксан унга. Энг ёмони сеники, бугун сен билан дилхушлик қиласади, эртага бошқа билан...

Баъзан эса бутунлай фалати мулоҳаза юритарди: «Сенга нима учун чиппа ёпишиб олганини биламан, — дерди, — ўйлайдики, биз ўламиз, бутун уй-жой, мол-дунё ўзига қолади... Ҳай-ҳай... катта тишлама, бўғзингга тиқилиб қолади...»

Бу жудаям кулгили фикр эди, Заур асабийлашишдан кўра кўпроқ мароқланиб сўрарди:

— Тушунмадим, сизнинг уй-жойингиз қандай қилиб унга ўтиши мумкин?

— Буни нимасини тушуниб бўлмасакан?.. Унинг фикрича, биз ўламиз, у сенга тегиб олади, бу уй-жойга эга бўлади... Катта тишлама, бўғзингга тиқилиб қолади...

Заур бу алмойи-алжойи мuloҳазаларни муайян бир мантиққа боғламоқчи бўларди:

- Ўзининг эрига чипқон чиққанми?
- Ел олсин унақа эрни... Ундан ажраш нима бўпти, бунақанги хотинлар учун бир қултум сув ичгандай осон иш бу.

– Демак, сенинг гапингдан шундай маъно чиқади: ҳозир Таҳминанинг уйи ҳам, эри ҳам бор. Бироқ, худо кўрсатмасин, сизлар ўлгандан кейин бизнинг уйга қўчиб ўтиш учун эридан ҳам, уйидан ҳам кечади? Сендан бошка ким ҳам ишонади бу гапга?

– Сен, бола, қари деб ота-онангни лақиллатиб юравер... Таҳмина хоним сенга лақиллатишдан бўлак нимани ҳам ўргатарди? Албатта, у очиқ айтмаса ҳам, кўнглига шу фикрни туғиб қўйган-да! У турадиган вайронани бизнинг кошонага ким жон-жон деб алмашмас экан? Ҳатто эрини ҳам кўндиради, у хотин учун бу хамирдан қил суғургандай гап... Отанг иккимиз игна билан қудуқ қазгандек неча йиллар давомида тиклаган уйимизга ҳозири нозир Таҳмина хоним келадилару, бутун молу давлатга эга бўлиб оладилар. Зевар лақма ҳали ўлгани йўқки, сен унинг насли-насабини иснодга қўйсанг... Мабодо ажалим етиб ўлсам ҳам, гўримдан, етти қат ер тагидан чиқиб келаман уни ўз қўлларим билан бўғиш учун...

Онасининг ҳавои тахминлари Заурга фоят кулгили тюолар, ҳам кулгилик, ҳам йиғлатулик эди, аммо у бир томондан севинарди: зеро, онасининг фараз-гумонлари ҳақиқатдан шу қадар узоқ экан, унда, демак, унинг Заур юрагига ҳар куни томчи-томчи заҳар каби тўкиб келган барча хабарлари, ҳамма маълумотлари ҳам шу қадар маънисиз ва пуч бўлиб чиқар эди... Зевар хоним Москвада Таҳмина билан Мухторнинг муҳаббат мажаролари ҳақида сўз очганида Заур бу гапларнинг ҳаммаси шунчаки уйдирма эканлигини билар, аммо Таҳминанинг Москвада ўтказган ҳар сонияси, ҳар соати, ҳар кунига кафолат бўла олмайман-ку, деган хаёлга борарди. Онаси, Таҳмина Бокуга Мухтор билан бир купеда келибди, дер экан, бу гапнинг чинлигини Заур билар, аммо онаси тағин «икки кишилик купеда келибдилар», дер экан, бу гапнинг фирт ёлғонлигини ҳам аниқ биларди. Таҳмина, Мухтор ва телевидениеда

ишлайдиган икки қиз – тўрт киши бир ерда – бир купеда жой олгандилар Заурнинг ёнида.

Аммо балки... Нега, нега ахир Таҳмина билан бирга бўлганида унинг вафодорлигига, сўзларининг рост эканлигига Заурда заррача шубҳа-гумон қолмайди, аммо, мана, уч-тўрт кун кўришмаган эдиларки, «бутун шаҳарда дув-дув гап» бўлган, онаси унга муфассал етказиб турган нарсалар Заурнинг ичини итдай тирнамоқда, миясини пар-маламоқда... Домодедово хиёбонида Таҳмина «қара, биз ҳозир, ушбу дақиқада энг баҳтиёрмиз ва буюк ҳақиқат ҳам ана шу», – деган, Заур ҳам ўшандада бу сўзларни ҳақиқат деб қабул қиласан эди, аммо «ҳозир, ушбу дақиқадан» бошқа вақт ҳам бор эди, ахир. Хўш, унда ўша вақтнинг, Таҳмина билан кўришмаган дақиқаларининг ҳақиқати, Таҳминанинг усиз, Заурсиз бўлгани ва ким билсин, ким билан бўлгани дақиқаларнинг ҳақиқати нимада? Балки ўша дақиқалар ҳам кимдир бошқа бирор учун буюк ҳақиқатдир, Таҳмина билан бошқа бирор учун... Заурни даҳшатга солган ҳам худди шу фикр эди.

– Мен ўларман, сен қоларсан, – дерди Зевар хоним, – ўшандада кўрасан уни, эридан чиқиб олади. Ўз планлари бор унинг. Олиянинг айтишича, Мухторни ҳам авраб йўлдан чиқариш учун, унга тегиб олиш учун телевизорга ишга ўтган эмиш... Майли, қаерга боради, кимга тегади – бу ўзининг иши, лекин сендан алоқасини узсин.

Заур «балки ростдан ҳам шундайдир, – деб ўйларди. – Балки Таҳмина Заурни танласамми ёки Мухторни деб иккиланган, ниҳоят, Мухторни танлагандир... Зарур иши ҳам шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам «сен менга қўнгироқ қиласа, ўзим қўнгириш қиласаман», деганича ҳамон қўнгириш қиласаманти...»

Орадан ўн кун ўтди. Ўн кун мобайнида Заур Таҳминани фақат бир марта – у ҳам бўлса телевизор экранида кўрди, холос...

\* \* \*

Таҳмина охири бир қарорга келди, дастакни кўтариб рақамларни терди.

Аёл овози эшитилди:

– Лаббай... – Таҳмина жим эди, аёл овози такрорланди: – Эшитаман...

Таҳмина дастакни осмоқчи бўлди, аммо бундай қилмади, нафасини ичига ютди, ҳозир айтадиган сўзлари билан ҳамма нарса бутунлай ҳал бўлишини биларди:

— Маннопни чақиринг... — деди.

Энди нариги томондаги аёл сукутга чўмди, шунда ТАҲМИНА САҲАРДАН БЕРИ ЎЗИГА-ЎЗИ ТАҚРОРЛАБ КЕЛГАН ЖУМЛАНИ АЙТДИ:

— Модомики мен бу номерга телефон қилаётган эканман, демак, Маннопнинг сизникида эканлигини биламан. Илтимос, уни телефонга чақирысангиз.

Афтидан, у ерда узоқ баҳслашув бўлди, сўнг қадам товуши эшитилди, кейин эса Маннопнинг овози, ўзини бутунлай йўқотиб қўйган, ўз номидан ҳам тонишга тайёр бўлган бечора бир кимсанинг овози келди:

— Лаббай...

— Бу мен, Манноп, Таҳминаман, — у Манноп ўзидан кетиб қолади, деган оний қўрқувга тушди. Аммо энди орқага йўл йўқ эди. — Манноп, менинг ҳамма нарсадан хабарим борлигини энди тушунгандирсан? Сенинг Тбилисида эмас, Бокуда эканлигинги биламан, ҳатто қаерда эканлигиндан ҳам воқифман, кўриб турибсанки, телефон қиляпман. — У Зоянинг исми шарифини, аниқ адресини ҳам айтмоқчи бўлди, аммо бу ортиқча дея ўйлади. — Анчадан бери билардим, — дея илова қилди.

Манноп ютинди...

ТАҲМИНА:

— Сен билан ҳеч қачон даъво-жанжал қилмаганмиз, ҳозир ҳам бу фикрда эмасман. Аммо, илтимос, яrim соатта уйга келиб кетсанг, муҳим бир масалани ҳал этишимиз лозим. Биз ажралишимиз керак.

Манноп лом-мим демасди, фақат Таҳмина: — Яrim соатта кела оласанми? — дея такрор сўраганда у эзгин бир оҳангда:

— Майли, — деди.

ТАҲМИНА КЎНГИРОҚ ҚИЛГАНДАН СЎНГ ЙИГИРМА МИНУТ ЎТГАЧ Манноп етиб келди. Унинг ранг-рўйи мурда тусида эди...

Агар у Таҳминанинг кўзларига бу қадар мискин ва ирганч кўринмасайди, ҳатто унга раҳми келган бўларди.

— Биз ажрашамиз, Манноп, — деди Таҳмина, — ортиқ бундай яшаб бўлмайди... Менинг судда бир танишим бор, гап-сўзсиз тез ажратиб юборади...

Манноп ҳамон жим эди, фавқулодда бошига тушган бу кулфатнинг даҳшати унга босиринқи туш каби туюларди. Ахир, умрининг аниқ-тиниқ кўриниб турган ва ўз назарида гўё месъерида кетаётган мароми энди бор бўйи билан остин-устун бўлмоқда эди.

— Сенинг Зоя билан ёки бошқа аёллар билан алоқанг... мен уларнинг ҳам отини биламан, ишонавер бунга, қисқаси, бутун бу хиёнатларнинг ҳеч бир дахли йўқ... Сен кўпдан бери, неча йиллардан бери мени алдаб келасан, аммо кўриб турибсанки, ҳозиргача парвойимга келгани йўқ бу. Чунки сени севмайман, Манноп. Қачонлардир севғанману, энди севмай қолдим демоқчи эмасман, йўқ, сени ҳеч қачон севмаганман... Биламан, буни эшитиш сен учун оғир, аммо рости ҳам шу. Бизнинг турмуш қуришимиз энг катта хато эди... Ҳар ҳолда менинг ҳаётимдаги энг катта хато эди...

Манноп ҳалидан бери унинг сўзларини эшитиб турган бўлса-да, ҳеч нарсани идрок этолмасди. Таҳмина қўнфироқ қилгандан бери унинг миясида Таҳмина ҳамма нарсани қаердан билиб олибди, ким айтдийкин унга, барча гапларни қаердан бу қадар муфассал, ҳатто телефон номе-ригача аниқ билиб олдийкин, бундан бошқа яна нималарни биларкин, асосийси — ҳали бирон иложини топса бўлармикан, оиласизни, никоҳимизни сақлаб қолиш мумкинмикан, деган фикрлар чарх урап эди. Балки ялиниб-ёлвориши, ёки аксинча, дўқ-пўписа қилиши, Таҳминанинг аёллик бурчини таъкидлаши лозимдир? Агар булардан ҳеч бири бирон натижа бермаса, улар муқаррар ажralадиган бўлсалар, унда Маннопнинг келажак ҳаёти не кечади, ўзи билан Зоянинг ё бошқа аёлларнинг муносабатлари қандоқ бўлади? Ёлғиз ва озод қолганидан сўнг ҳеч нарсани яшириш ҳожати қолмайдими, ёки аксинча, ҳамма нарсани янада қаттиқроқ яширишга тўғри келармикан, ёлғизлик унинг олдига юзлаб янги-янги муаммоларни кўндаланг қўярмикан?..

Уй Таҳминанинг отасидан қолган ва Таҳминанинг номида эди, Таҳмина:

— Сендан ягона илтимосим шуки, — деди, — бу уйни бир хонали уйга алиштиргунга қадар сен Зояниридами ё кўнглинг тусаган бошқа жойда туриб тур... Шу илтимосимни бажара оласанми?

Худди ана шу сонияда Манноп ҳамма нарсани охиригача, сўнгги нуқтасигача англаб етди. У англадики, энди ажралишлари аниқ, бу ишни энди ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди ва бирга кечирган турмушларида нимаики бўлган бўлса, масалан, мана шу уй, энди ҳеч вақт, ҳеч қачон бўлмайди...

Таҳмина энди Манноп учун мутлақо бегона бўлиб қолади, энди ҳеч вақт, ҳеч қачон улар бир диванда ёнмаён ўтириб телевизор томоша қилмайдилар, ошхонада биргаликда чой ичмайдилар, бир-бирларига эшик очмайдилар, бир-бирларига телефон қилмайдилар... Маннопнинг вужудини аста-секин оғир, вазмин бир қўрқув қамраб борарди: у энди Таҳминани мовий матодан тикилган халатда ҳаммомдан чиқиб нам соchlарини тараётган ҳолда кўра олмаслигини аста-секин аччиқ эътироф-ла идрок этарди.

У ҳамиша – аввал ҳам, ҳозир ҳам – ўзи алоқада бўлган ҳамма аёллардан – дунёнинг барча аёлларидан ҳам кўра Таҳминани кўпроқ севишини аччиқ бир пушаймон билан ҳис этарди. У Таҳминага чиндан мафтун эди, неча йилдан бери эр-хотин бўлиб яшасалар-да, аслида ҳеч бир кун, ҳеч бир кеча, ҳеч бир соат Таҳминага молик бўлолмаган эди. Балки Маннопнинг бошқа аёллар оғушига отган нарса ҳам Таҳминанинг ана шу совуқлиги, бегоналигидир?.. Бошқа аёлларнинг навозиши унда ўз-ўзига ишонч ҳиссини уйғотарди, Таҳмина билан бўлганда эса бу ҳисни йиттирап, тўғрироғи, у билан бўлганда ҳеч қачон туймас эди бу ҳисни. Энди, ушбу сонияда Маннопда телба бир эҳтирос уйғонган, Таҳминани ўз бағрига босишни, кийимларини тортиб йиртишни, талпинчоқ ялангоч баданларини оғушига маҳкам босишни, ўпичлар, эркалашларга гарқ этишини истарди! Аммо ушбу дақиқаларда ер юзида бундан ҳам мушкуроқ иш йўқлигини, ўзининг бегонага айланган хотини Таҳмина дунёдаги барча аёллардан ҳам узоқ, қўл етмас даражада олислаб кетганини ҳис этарди. Буларнинг барчасини у идрок этиб турган бўлса-да, ишонишни истамас, яқин бир одамингнинг ўлганига ишонмаслик истагига ўхшарди бу истак... Йиллар бўйи бирга яшаганлари ушбу хонанинг у ёқ-бу ёғига жовдираб қарапди: деворларда Таҳминанинг фотосуратлари, отасидан қолган каттакон девор

соати, қизил пуфак – уни Таҳмина Булғориядан келтирган эди – ва пакана, жудаям кичкина анжир бутаси – табиатнинг ғалати мўъжизаси бўлмиш тоғларда битган бу жажжи бутани уларнинг умумий дўстлари – алпинистлар Маннопларнинг тўйидан сўнг бир неча ой ўтгач совға сифатида келтирган эдилар – шуларнинг ҳаммаси унинг кўз олдидан ўтарди. Ўша пайтлар, турмуш қуришган илк йилларида ораларида умумий бўлган нимадир, масалан, умумий дўстлари бор эди. Кейинчалик ҳаммаси ўз аравасини тортиб кетди... Мана, Таҳминанинг сабр косасини тўлдириган сўнгти томчи нима экан! Манноп ана шу ҳақда ўйлар экан, беихтиёр Таҳминанинг кийимидағи тугмаларни санаради, бу тугмалар энди унинг учун очилмас муҳрга айланган эди...

Девор соати ўн бир марта занг урди...

\* \* \*

– Хўш, ман нима деган эдим. – Зевар хонимнинг ҳаяжондан кўзлари ёнарди, – бу дунёда фақат ўладиган кунимни билмайман мен... Айтгандим-ку сенга эридан чиқади деб, айтгандимми, йўқми, а?

– Ким?

– Ким, ким? Сенинг ўйнашинг... Ҳали хабаринг йўққа ухшайди... Олия келган эди... У шўрликнинг ҳам дарди меникидан зиёда, қаерга мурожаат қиласамикин, ЦКга ёzsами ё «Правда»га дейди.

– Мундоқ тушунтириб гапирсанг-чи, нима гап ўзи?

– Нима бўларди, бир валади шарманда ҳамма ўзига тинч оиласарни бузадиган кўринади... Олиянинг айтишича, яна Спартакка қўнгироқ қилишни бошлабди, йигит шўрликка тинчлик бермас эмиш. Билмайман кимга айланишган эди, ҳар ҳолда бир неча ой қулоғимиз тинчib қолгаңди, дейди. Олия менга шама қилди... Сенинг нағмаларингдан унинг ҳам хабари бор. Москвага бирга кетганингизни ҳам билади. Энди, дейди, Москвадан қайтгандан бери Спартакнинг ёқасига ёпишиб олди, на тургани қўяди, на юргани, дейди... Ҳа, бу томондан яна бир масала кўтарибди – эрдан чиқармиш, дейди. Ўғлимнинг кекирдагидан оладиганга ухшайди, дейди Олия шўрлик. Спартакнинг пулига тама қилиб, тузуккина оиласа суқилиб кирмоқчи... Вой, мурдашўй ювсин унинг юзини, дейди Олия... Аммо мен бир

томондан севинаманки, Спартак билан у хотин иккаласи бир гўр. Оқ ит, қора ит – бари бир ит... Фақат сендан қадамини узса бўлгани, лекин бир томондан Олияга ҳам раҳмим келади... Э худойим, она бўлиш ҳам бир баҳтсизлик экан бу дунёда.

Заурнинг қулоғи чиппа битди, телефонни олиб, қўнғироқ қилди... Илк бор Таҳминага ўз уйларидан қўнғироқ қилиши эди. Ҳеч ким жавоб бермади.

Зевар хоним зимдан жилмайиб:

– Қайдан ҳам жавоб берсин? – деди. – Эрталаб Спартак «Волга»сини гараждан чиқараётганини кўргандим... Ҳозир ҳам ўша билан ялло қилиб юрибди-да... Спартакнинг «Волга»си сенинг «Москвич»ингдан афзал-да... – аммо бирдан Зевар хоним жимиб қолди, диққат билан Заурнинг юзига тикилди ва тамомила бошқача, юмшоқ, ҳалим бир оҳангда: – Кўй, ўелим, – деди, – ўзингни қийнама, онанг айлансин. Сенинг тенгинг эмас ахир у... Қурбонинг бўлай, у ким бўлибдики, сен бу гаплардан бунча қийналасан, қайгу чекасан... Дардингни олай, унут ҳаммасини... Кел, сенга дўлма пишириб қўйганман, эрталабдан бери очсан, ишдан келдинг, бир парча нон е ҳеч бўлмаса, кел, жоним...

Заур онасининг овозини эшитмаслик учун кўчага чиқди. Ҳозир унинг юрагига на кинояли, на меҳрибон, на ширин сўзлар сифарди...

Кўчада кетар экан, миясида шундай саволлар чарх уради: энди бу гап қаердан чиқди... Таҳминанинг яна Спартакка қўнғироқ қилгани ростмикан, нима иши тушибидийкан?.. Ҳўш, нега Заурга қўнғироқ қилмайди? Эрдан ажраши ҳақидаги гап қаердан чиқди? Бунга Спартакнинг нима дахли бор? Мухторнинг-чи? Мухтор бу ҳақда бирон нарса билармикан?.. Таҳминанинг ўзи ҳозир қаерда экан, кеч соат тўққиз бўлди, ахир... Тағин қўнғироқ қилди. Кейин яна, яна... Телефон жим эди... Кеч соат ўн бирдан ўтди. Телефон жимлигидан Заурнинг безовталиги тобора ошиб борар, агар шу оқшом Таҳмина билан учрашиб, барча нарсаларни ойдинлаштириб олмаса тинчий олмаслигини ҳис этарди. Кўчаларда тентирай-тентирай Таҳминаларнинг уйи ёнидан чиқиб қолди.

У Таҳминаларнинг уйини ҳам, деразаларини ҳам яхши

биларди; мана, ўша деразалардан ҳозир нур ёғиларди. Бу шуъаларни кўрган Заур жаҳд билан телефон хоначасига кирди – Таҳмина уйда эканлиги аниқ эди, бироқ телефонни яна ҳеч ким кўтартмади. Заур телефон хоначасидан чиқсан ҳам эдики, кўзи пориллаб турган жигарранг «Волга»га тушди, Спартакнинг «Волга»си эди бу: машина нақ Таҳминалар дарвозасининг ёнида турад, икки гилдираги – бир томони супача устида эди.

Гўё Заур учун ҳамма нарса ойдин бўлди-қолди: «демак, у шу ерда» деб ўйлади... Энди аён бўлдикি, Спартак Таҳминаларницида! Таҳмина ҳам уйда, ҳар иккиси анови шуълавор деразаларнинг ёнида ўтиришибди, телефон қўнфироқларига атай жавоб беришмаяпти, онасининг, Олиянинг, «бутун шаҳарнинг» гап қилиб юришида, шубҳасиз, жон бор экан-да... Эридан ҳам чиқади Таҳмина, Спартакка ҳам, шубҳасиз телефон қиласди. Мухторга ҳам... Буларнинг ҳаммасига чек қўйиш лозим, – деб ўйлади Заур, – ҳозирнинг ўзидаёқ чек қўйиш керак. Ҳозир уларнинг уйларига кўтарилиб, эшигини қоқаман, телефонни кўтартмаганлариdek, эшикни ҳам очмайдилар, жаҳл билан ўйларди Заур уйда ўтирганлар ҳақида, аммо Таҳмина билан Манноп ўтиргани учун эмас, Таҳмина билан Спартак ўтиргани учун очмайдилар, ҳечқиси йўқ, тениб синдираман, майли, шовқин-сурондан қўшнилар югуриб чиқишин, шундоқ ҳам шаҳарда расво бўлдик, шарманда бўлсак охиригача бўлайлик, лекин бир йўла барча ҳақиқат юзага чиқсин. Заур гўё иситма ичиди ўз-ўзича алаҳларди. Ташки эшикдан кирди-да, югуриб учинчи қаватга кўтарилиди ва қўнфироқни босди... Эшикнинг ортидан ҳеч қандай сас эшитилмасди. Заур бармогини қўнфироқ тугмачасидан олмасди – қўнфироқ тинимсиз жарангларди. Бир оздан сўнг эшик ортидан шошилинч қадам товушлари, кейин Таҳминанинг таажжубга тўла овози эшитилди:

- Ким у?
- Мен, Заурман, – деди.
- Эшик очилди ва лол-ҳайрон қолган Таҳмина:
- Сенми? – деди.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

Васл қадрин билмадим ҳижрон балосин чекмадан,  
Зулмати ҳажр этди чўх кори ниҳон равшан манга.

Заур бўғиқ овозда:

— Ҳа, менман, — деди. — Кутмаганимидинг?

Таҳмина елкасини қисиб:

— Ичкари кир, — деди.

Ичкари юрдилар. Хонадан майин музика садолари, ошхонадан эса қовурилган шобалид<sup>1</sup> ҳиди келарди.

— Сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Телефонни нега кўтармайсан?

— Телефоним бузилган. Кечадан бери ишламаяпти.

Пулини кечроқ тўлагандим, кесиб қўйибдилар шекилли...

Бу ерда нега турибмиз ўзи, ичкари кир.

Заур илгари тасаввурнида Таҳминанинг уйини жуда кўп жонлантирган бўлса-да, аммо бу уйга умрида илк бор кириши эди.

Энди эса у қайта-қайта, бутун тафсилотлари билан тасаввур этган Таҳминанинг буюмларини кўриб турарди — бир хил нусхадаги румин мебели, деворларда Таҳминанинг йирик фотолари, бурчакда қизил пуфак, пастда табиатнинг гаройиб мавжудоти — пакана анжир бутаси, вазмин капкирли девор соати — ҳамма-ҳаммаси бор эди хонада, аммо тасавир ва тасаввур қилиб бўлмайдиган, изоҳларга сифмайдиган бир ҳаво, қандайлир алоҳида бир дид, алоҳида бир завқ — Таҳминанинг завқи, Таҳминанинг шахсияти ҳам бор эди бу хонада... Торшернинг заиф шуъласида, кичик думалоқ стол устида икки стакан чой, конфет, мураббо ва уч қадаҳ бўлиб, улардан иккитаси бўш, учинчиши эса тўла эди.

Таҳмина:

— Ўтир, — деди.

— Меҳмонларинг борми?

— Қанақа меҳмон... Қўшнимиз Мадина...

— Конъякни иккалангиз ичяпсизми?

— Ҳа. Энди сени ҳам меҳмон қиласиз, — Таҳмина буфетни очиб, конъякни чиқарди. Шиша яримлаб қолган эди.

<sup>1</sup>Шобалид — каштан.

— Иккингиз ярим шиша конъяк ичдингизми? — Заур қаттиқ ва кескин гапирар, жиноятчини фош этган терговчи оҳангি бор эди гап оҳангига.

— Заур, бир оз мулойим бўл. Сенга конъяк бердиларми — ич, бутилқанинг ярмини ким бўшатгани билан ишинг нима?

— Шундай де... Жуда яхши... Кўриниб турибдики, бошқа меҳмонинг ҳам бор экан. Фақат ёлғиз қўшнинг Мадина эмас.

Таҳмина таажжуб билан:

— Бошқа ким? — деб сўради.

Заур ўзини зўрға тутиб:

— Манови учинчи қадаҳнинг эгаси... Аммо тўғри айтдинг, унинг кимлигини суриштириб менга нима.

Таҳмина гўё бу учинчи қадаҳни энди кўрди, бир муддат ҳайрон бўлиб бу қадаҳга боқди, сўнг қаттиқ кулиб юборди:

— Нақ нишонга урдинг, — деди. — Ростдан ҳам бу қадаҳнинг эгаси менинг учинчи меҳмоним.

Заур чидай олмади:

— Сўраганнинг айби йўқ, ким экан у?

— Ким деганинг нимаси? Сен.

— Мен? — «нима, мени очиқдан-очиқ лақиллатмоқчи-ми?»

— Ассалому алайкум. — Мадина хонага кириб келди. Унинг кўлида бир ликопча, ликопчада қоврилган шобалид бор эди.

Заур Мадина билан кўришиди.

Таҳмина:

— Ростдан ҳам бутунлай ёдимдан кўтарилиди, — деди, — сизлар ахир танишсизлар. — Заурга «Ронсон» ўтoldиргични Мадина келтирган эди.

Таҳмина:

— Кўрдингми, Мадина, — деди, — билмайман Заурни қайнанасими ё бошқа бироми қаттиқ яхши кўрар экан, ҳар ҳолда айни вақтида келди. Ахир у ҳам қоврилган шобалид жинниси.

Заур билдики, ҳамма нарса Таҳминанинг ёдида турибди. Бир сафар, ҳали яқинликлари бошланишидан анча олдин Заур нашриётга қоврилган шобалид олиб келган,

Таҳминага ҳам манзират қилган ва унга қоврилган шобалидни жуда хуш кўришини айтган эди...

— Қани, ўтири-чи, Мадина.

Таҳмина икки бўш қадаҳга коњяк қўйди, учинчи — лиммо-лим қадаҳни эса Заурнинг олдига қўйди.

— Биласанми нима муносабат билан ичяпмиз? — дея Заурдан сўради.

— Йўқ, — деди Заур.

— Бир иш бўлди, шуни нишонлаяпмиз.

Заур бу оқшом Таҳмина алланечук ҳаяжонли, бир оз ҳорғин ва асабий эканлигини ҳис этиб турар, аммо сабаби не — Заурнинг пинҳона кириб келишими ё бошқами — билмади. Балки бир оз ортиқча ичгандир.

Таҳмина асабий жилмайиб:

— Одатда одамлар қувончли ҳодисаларни нишонлади-лар, — деди, — аммо биз Мадина билан менинг ажрашга-нимни нишонлаётган эдик.

Мадина:

— Сен ҳам қўшилдинг бизнинг даврага, — деди.

Заур Мадинанинг бундан бир неча йил аввал эридан ажрашганини, ёқимтой ўғли ҳам борлигини биларди. Таҳмина бу бола ҳақида кўп гапиравди...

Сукут чўқди. Сўнг Таҳмина:

— Бугун суд бўлди, Заур, — деди. — Расман ажрашдик.

Заур нима дейишини билмасди. «Нега? Нима сабабдан?» деган саволлар ҳам, таассуф ёки таажжуб ҳисларини изҳор этиш ҳам, севиниш ҳам, қайфуриш ҳам баб-баравар ўринисиз эди.

Мадина бу ноқулай вазиятга барҳам бериш учун шобалидли ликопчани Заур томон сурди. Таҳмина бошини куйи согланича қадаҳга тикилиб қолган эди.

Кўзларидан сизиб чиққан томчи ёш ёноқларидан думалади. Заур унинг йиглашини илк бор кўриб турар эди.

— Майли, баҳайр бўлсин, — деди у ва ўрнидан туриб, Таҳминанинг елкаларидан кучоқлади. Таҳмина бир бор, факат бир бор ўқраб юборди ва дарҳол ўзини қўлга олиб, ич-ичидан тошиб келаётган ўқрагини бўғди, ёноқларидаги, кўзларидаги ёшни артиб, кулимсиради:

— Бўлди, эътибор берманглар, — у қадаҳни кўтарди. — Келинглар, ҳаммамизнинг соғлиғимиз учун ичайлик.

## Ичдилар.

- Нега ахир қўнғироқ қилмадинг? — деб сўради Заур.
- Билмадим... шунчалик истардимки... балки эртага қўнғироқ қилардим... — яна унинг бўғзига нимадир ти-қилди, ийғламсиради, овози титраб кетди, бироқ яна дар-ҳол ўз заифлигидан уялган каби қулимсиради.
- Асабларим қаттиқ толиқибди, — деди. — Кейинги кунларда гўё нуқул иситма билан юрдим... Келганинг жуда яхши бўлди-да, Заурик.

Мадина чойдан бир қултум ичиб:

- Бўгти, менга рухсат, — деди. — Кеч бўлди...

Таҳмина:

- Қаёққа шошиляпсан? — деди. — Шунча овора бўлиб шобалид қовурдинг. Жуда ажойиб бўлибди, тўғрими Заур?
- Аҳа...
- Ҳеч бўлмаса ўзинг ҳам мундоқ тузини тот, Мадина, ҳар қалай ўз молинг, — сўнг Заурга қараб деди: — Шобалидларни Мадина олиб келибди мен учун. Ҳар ҳолда буям бир тасалли.

Заур:

- Мен ҳам ёмон безовта бўлдим, — деди. — Бугун эшитдим сенинг ажрашганингни... Телефон қиласман, ҳеч ким жавоб бермайди. — Заур учинчи меҳмон ҳақида гапирмас, энди уйда улардан бошқа ҳеч ким йўқлиги аён эди. Жавоннинг ичига яшириб қўймайдилар-ку уни. Балки Заур келгунга қадар чиқиб кетгандир бу номаълум шахс.

Таҳмина Заурга эмас, Мадинага мурожаат-ла:

- Спартакнинг оғзида гап турмаслигини билардим, — деди. — Тўғрироги, Спартакнинг ўзигина эмас, онаси ҳам...

Мадина боши билан тасдиқлади.

- Гап шундаки, — дея энди Таҳмина Заурга мурожаат қилди, — районимиз судининг раиси Спартакнинг энг яқин дўсти бўлади. Спартакка қўнғироқ қилиб, айтгин, масалани кўп чўзмасинлар, дедим. Биласанки, «Балки яхшилаб ўйлаб кўрарсизлар, оилани бузманглар, боринглар, фалон вақтдан кейин келинглар» ва шу каби гаплар билан одамни роса сарсон қилишади. Шу тариқа ойлаб овора бўлиб юраверасан... Бизнинг масала эса, ўйлаб кўрамизми, йўқми, ҳал бўлиб бўлган эди, энди уни пайсалга солишнинг нима маъноси бор, ахир... Спартак барака топсин, чиндан ҳам

ёрдам берди. Аммо бу гап ичидагу турармили унинг? Энди қарийб бутун оламга жар солиб чиқди.

Ўзини босиб олган Таҳмина туриб пардан туширди.

— Бўлти, кеч бўлиб қолди, энди мен борай, — деди яна Мадина.

Бу гал Таҳмина уни ўтиришга қистамади. Эшиккача кузатиб борди. Иккаласи даҳлизда нималарни дир анча пи-чирилашишиди. Заур ўзидан қандай ҳислар кечаёттанини, хаёлидан нелар ўтаёттанини ўзи ҳам билмас, эзгин бир ҳолда хона деворининг мовий фонига оқ-пушти чечаклар нақши туширилган нафис гулқоғозларига тикиларди...

Таҳмина қайтиб келди.

— Деворларга нега бунча синчков тикиляпсан?

— Зўр обойлар экан. Чечаклари жудаям нафис.

Таҳмина дафъатан:

— Заурик, — деди, — сен келганинг учун бу чечаклар очилди. Менинг уйимга биринчи келишинг, шунинг учун ҳам обойлар гул ёзди.

...Бироқ Заур Таҳмина бу сўзларни самими, уни севгани учун айтяптими ёки лақиллатяптими, риёкорлик қиляптими — аниқ билмасди...

— Келганинг қандай яхши бўлди, Заурик, сени худонинг ўзи етказди бу оқшом. Юрагим сиқилиб, жумлаи жаҳон кўзимга қоронги кўриниб турганди. Нуқул ҳозир Мадина чиқиб кетса, мен ўлиб қоламан, деган фикр миямда чарх уради.

— Ахир, нега менга қўнғироқ қилмадинг? Нега мен бу воқеалардан бехабар қолишим керак? Гарчи судда яқин дўстим бўлмаса-да, ҳар ҳолда сенга бирор ёрдамим тегиши мумкин эди.

— Катта раҳмат, Заурик. Аммо дунёда шундай ишлар борки, уларни инсон ёлғиз, бир ўзи ҳал этишига тўғри келади. Бошқа ҳеч кимни аралаштирмаслиги керак бу ишларга... Сенга қўнғироқ қилмадим, чунки бу ажрашиш савдоси кўл-оёғимни боғлаб кўйган эди, бу даҳшатдан бир йўла кутулишни истардим... Ҳозирга қадар қанчалар азоб, безовталик ичидаги яшаганимни билсайдинг, баъзан ўзимдан ўзим нафрatlаниб кетардим... Шунчалар ҳам ёлғон, риёбўлар экан-да оламда... Ҳайрият, шукрлар бўлсинким, ҳаммаси тугади, бир йўла тамом бўлди. Ўзимни қанчалик

озод-осуда ҳис қилаётганимни биласанми? Аммо, ҳар ҳолда бу озодликка дарров кўникиш ҳам осон эмас экан. Бунинг устига, кейинги кунларимнинг асабий таранглиги... Эрталаб турдим, бутун суд бўлиши керак, менинг ичимда эса нимадир узилиб тушаётгандек эди. Бир хаёлим – судга ичиб бормоқчи бўлдим, бироқ, сўнг буни ҳам гап қилиб юборадилар ё бўлмаса шу баҳонада бизни ажратмай судни орқага сурадилар, деб ўйлаб бу фикримдан қайтдим. Хуллас, ичмасдан кетдим, бизни ажратдилар, уйга қайтиб, каравотнинг устига йиқилдим, роса тўрт соат юзтубан ётибман... Сўнг туриб ича бошладим, аввал ёлғиз ўзим, кейин Мадина ҳам ишдан келди. Мадина ичгани йўқ, у мендай пиёниста эмас... Аммо ҳар ҳолда туяга «ҳайт» деган мадад деганларидаи, мен билан тўқишириб турди. Ярим шишани ичиб қўйибмиз, сўнг...

Заур ўз қадаҳини кўрсатди:

– Унда бу меҳмон ким эди? Спартакми?

– Эсинг жойидами, Заур? Спартак умрида менинг остонамга оёқ босгани йўқ. Айтдим-ку, ахир, сенинг қадаҳинг деб.

– Қанақасига меники бўлсин? Ахир мен келганда бу қадаҳ столнинг устида лиммо-лим турганди-ку. Сен қаердан билардинг менинг келишимни?

– Нега менга ишонмайсан, ахир, Заурик?.. Ёлғиз ўзим ичганимда ҳам ҳамиша бир қадаҳни ортиқча қўяман, бу Заурнинг қадаҳи, деб дилимда тутиб қўяман... Эски бир латифани эшитганмисан? Бир пиёниста ҳамиша икки қадаҳда иchar, гўё бири ўзиники, иккинчиси дўстиники экан... Хотини ёзғирган экан, битта қадаҳда ича бошлабди. Мен ичишни ташладим, бу ичаётган – дўстим, деган экан... Мен ҳам худди шу. Шунақа бир оз жиннилигимни ҳалигача сезганинг йўқми, Заур? Сен билан илк бор чўмилгоҳга борганимиз эсингдами, ўшандан бери қачон ичсан: ортиқча бир қадаҳни тўлдириб қўяман – бу Заурнинг улуши дейман... Менинг бу жиннилигимни Мадина ҳам билади...

Заур кулимсиради, хайриҳоҳлик билан, аллақандай ҳазинлик билан, айни пайтда бугунги кун мобайнода илк бор ички бир ишонч билан жилмайди. Ва бу табассум бир муддат – оний бир муддат – ҳар иккисининг қайгулари-

ни, катта-кичик барча ғам-ғуссаларни унут этди, юракларини гарчи саодат деб бўлмаса-да, ёқимли, илиқ меҳрга, сокинликка тўлдирди.

— Заурик, нега энди сен ҳамиша мени ёлғончига чиқаришга уринасан... Гўё мен қандайдир айбни яширмоқчи, изини йўқотмоқчи бўлган жиноятчиману, сен минг хил тузоқ куриб, минг хил саволга тутиб мени фош этишни истайсан? — Таҳмина бошини Заурнинг кўксига қўйди. Сўнг унга юзланиб илова қилди: — Тушунгин, Заур, азизим, ҳеч бўлмаса бир марта тушунгин ахир, севаман сени, севаман. Ёлғиз фақат сени севаман... Биламан, меники эмассан, сенга ҳеч ҳаддим сифмайди, сенинг ёш умрингни алғов-далғов қилишга ҳаққим йўқ менинг... буни яхши биламан... Аммо сенсиз ҳам тура олмайман. Бу ғавғоли кунларда сени деб дали-девона бўлдим. Ҳар куни идорангиз ёнидан минг мартараб ўтардим ва ўзимча: салом, Заурик, дердим. Билмайман, Заурик, энди нима бўлишини, ҳолимиз не кечишини билмайман. Нима исташимни ўзим ҳам билмайман. Калавамнинг учини йўқотиб қўйдим, Заурик, гангид қолдим...

Шу пайт Заурнинг ўзи истамагани ҳолда, оғзидан беихтиёр чиқиб кетди:

— Мен машинаси пастда турганини кўриб, Спартак шу ерда бўлса керак деб ўйлабман.

— Машинаси пастда турибди? Вой догоули-ей... Ростдан ҳам, бир томондан менга кўп ёрдами тегди, аммо, иккичи томондан, бунаقا мурдор ишлари ҳам бор. Эримдан ажralишим ҳаммага овоза бўлишини билиб, атайлиб машинасини уйимнинг олдига келтириб қўйган... Унга айтган эдим-ку... Тунов кун телефонда сўзлашганимизда гапдан гап чиқиб, Спартак, нега бундай қиласан, дедим. У, бунинг сенга нима дахли бор, балки сизнинг уйларингизда менинг бошқа танишларим бордир, деди. Ким ўша танишинг, десам, ҳамма нарсани айтавермайдилар, деди... Билиб турибманки, ёлғон гапирияпти, бу уйда бошқа биронта таниш-паниши йўқ... — Таҳмина жим бўлиб қолди, сўнг қўшиб қўйди, — аммо ким билади, балки ростдан ҳам бу ерда биронта таниши бордир, ахир унинг танишбилишлари шунчалик кўпки... Нега менга бу қадар синча соляпсан, Заурик? — Таҳмина ҳам нигоҳини Заурнинг

кўзларига тикди, — Заурик, худо ҳаққи, менга бундай қарама, менга ишон, Заурик... Ҳали келганингда ҳам кўзларингда ўт ёнарди... Менга ишон, Заурик, — дея ишонч билан таъкидлади у.

Заур ўрнидан туриб эшик томон юрди.

Таҳмина шошиб:

— Заурик, қаёққа? — деб сўради.

— Ҳозир келаман, — Таҳминанинг безовталанганини кўриб, — қўнғироқ қиламан, — деб қўшиб қўйди, — автоматдан қўнғироқ қилиб келаман.

Эшикдан чиқиб, зинапоялардан катта-катта сакраганича пастга тушди. Спартакнинг жигарранг «Волга»си аввалги жойида турарди — бир томони супачада, иккинчи томони йўлда, гўё икки филдираги супачага, нариги икки филдираги эса кўчага эгалик давъосини қиласиди.

Заур қаламтарошини чиқариб, «Волга»нинг орқа филдиракларини тешди, сўнг зиналардан бамайлихотир юқорига кўтарилиди.

Таҳмина деразанинг олдида ўзини кулгидан зўрга тийиб турарди.

— Кўриб турдим, — деди у, — Заурик, сендан ҳам кўрқиш керак.

— Ҳали эртага уни бир ўқитиб қўяман, — деди Заур.

— Қўй, жонгинам, худо ҳаққи, унга гапирма... Сен менинг рицаримсан... Эй менинг содиқ рицарим, қайси асрдан ташриф буюрдинг? Жавоб бер?

Заур:

— Ўн олтинчи асрдан, — деди.

— Рост, менинг ўзим ҳам ё ўн бешинчи, ё ўн тўртинчи асрданман. Аммо, не баҳтки, йигирманчи асрда учрашдик... Балки ҳамма favғолар шу боисдандир...

Кўйидан машина овози эшитилганда тун ярмидан оққан эди. Спартак машинани юргизди, машина олдинга интилди, аммо дарҳол тўхтаб, эшиги очилди.

Заур ва Таҳмина кулиб юбордилар.

\* \* \*

Спартак билан эрталаб ҳовлида қўришдилар. Заур ўз «Москвич»и томон бораради, чарм камзул ва кўқ спорт шалвори кийиб олган Спартак эса ўз «Волга»сини юваёт-

ган эди. Заурга ҳамиша Спартакнинг феъл-атвори гүё унинг «Волга»сига ҳам кўчган қаби туюларди. Гүё машинанинг ҳам ўз феъли бордек, ушбу «Волга» ҳам табиатан такаббур туюларди. Спартак ҳамиша, ҳамма ерда машинасининг тумшугини юқори қилиб кўяр, балки бу таассурот ҳам ана шундан туғилганди...

Заур:

— Менга қара, Спартак, — деди, — кеча кечкурун уйга қандай келдинг?

— Бу нима деганинг?

— Филдирагинг тешилган эди-ку, ахир.

Спартак таажжубланиб:

— Сен қаердан била қолдинг? — деб сўради.

— Қаердан билардим, ўзим тешган эдим-да.

— Сен?

— Ҳа, мен.

Спартак таажжуб билан:

— Нега? — деб сўради.

— Шунинг учунки, бундан кейин машинангни қаерга кўйишни билиб кўй.

Спартак дарҳол ҳаммасига тушунди ва бепарволик билан:

— Машина меники, кўнглим қаерни тусаса, ўша ерга кўйиб кетаман, — деди

— Ўзинг биласан, — деди Заур босиқ оҳангда. — Мен айтдим-кўйдим-да... Ҳозирча фақат филдирагини тешдим. Аммо янаги сафар машинани яна ўша ерда кўрсам, тўртала филдирагини ҳам тешаман, бунинг устига орқа ойнаси билан ён ойналарини ҳам чил-чил қиласман. Биласман, пулинг кўп, тузатиб оласан, бироқ кейин афт-башарангни шундай ҳолга соламанки, қайтиб ҳеч ким тузата олмайди.

— Менга қара, кўп дағдаға қиласверма. Сендан кўрқадиган тентак йўқ бу ерда. Жа қўрқитиб юбординг-ку. Сендан кўрқадиган аҳмоқ йўқ бу ерда...

Спартак шундай деса-да, Заур унинг кўзларида жиндай ҳадик пайдо бўлганини кўрди. Болаликда, бирга ўйнаб юрган пайтларидаги Заурнинг асов табиати, қизиқонлиги ҳали Спартакнинг ёдиди эди.

Аммо Заур машинасига ўтириб, ҳовлидан чиққанида миясига яна бошқа бир фикр келди. Спартакнинг унга жавоб қайтармагани, ўчакишмаганининг сабаби фақат ун-

дан кўрқиши эмас эди. Спартак, афтидан, ўз оиласидаги режалардан огоҳ, синглисини Заурга бермоқчи бўлиб юрганларининг бир учини эшитиб қолган эди. Балки бу ният рёёбга чиқиб қолар, деб гумон қиларди Спартак. Модомики шундай бўлса, бўлажак куёви билан орани бузишда не маъно бор?

\* \* \*

Зевар хоним:

— Энди менинг сенга гапим йўқ, — деди. — Энди сен билан дадангнинг ўзи гаплашсин. Уят деган нарса борми ўзи сенда, бет деган нарса борми? Тариқчаям ор-номус қолмабди сенда, уйга эрталаб қайтибсан-а, уятдан ер ютмайдими сени... Эридан ҳам шу учун, сени эрталабгача ёнида олиб қолиш учун чиқдан... Суф сенга... Ҳечқиси йўқ, энди отанг ҳам ҳаммасини эшитди, сен билан қай алпозда гаплашишни отангнинг ўзи билади.

Кечкурун отаси Заурни ўз хонасига чақирди. У вазмин, осойишта, хотиржам оҳангда гапиради. Суҳбатлари чўзилгандан-чўзилар ва суҳбатдан ҳар иккиси — отаси ҳам, Заур ҳам эзилгандан-эзилар эди. Заур инсонларга энг оғир жароҳатларни энг яқин кишилари етказа олиши мумкинлигини англади. Албатта, отасининг гапларида онасиникдек дод-войлар, бақириқ-чақириқлар йўқ, сўзлар, ифодалар, оҳанглар бутунлай бошқача эди, аммо маъноси, мағзи бир хил эди. Заурнинг эътиборини бир нарса тортди — отасининг нутқида тиниш белгилари — нуқта, вергул, ундовлар йўқ, шунчаки чек-чегарасиз, мудоваматли, узун, яхлит бир монолог эди... У на овозини кўтарар, на ҳаяжонланар, на нафас ростлаш учун тўхтарди — нуқтасиз, вергулсиз, нотамом бир жумла — секин оққан сойнинг вазмин оғирлиги: «Агар у аёл бизнинг беҳисоб мол-дунёмиз, пулимиз бор ва буларнинг ҳаммасига мен эга бўламан деб ўйласа, қаттиқ янгишади».

Отаси айтган гапларнинг содда ва муҳтасар маъноси шу эдикки, гўё Заур ўз-ўзича ҳеч нарса, бирор кимсанни жалб этишга қодир эмас, агар кимдир унинг оловидан кириб, тутунидан чиқаётган экан, бу ерда бошқа бир мақсад, тўғрироғи, фақат бир мақсад — моддий манфаат бор, тамом-вассалом. Бу фикрни қайта-қайта турли йўсинг

ларда такрор этгандан сўнг отаси бошқа бир мақсадга кўчди:

— Сен кап-катта йигитсан, ҳаётингни қандай қуришни ўзинг биласан, ҳатто ўша хотинни олишинг ҳам мумкин, чунки унинг эридан ҳам ажрашганини эшитдим, модомики шу ҳол рўй берар экан, унда сен бизнинг ўғлимиз эмассан, ёлғиз боламиз бўлсанг-да, онанг ҳам, мен ҳам ҳеч қачон бунақанги фарзандимиз бўлмаган деб ёки қачонлардир бўлгану, сўнг ўлган деб ҳисоблаймиз. Бу қанчалик оғир бўлса ҳам, ҳар ҳолда беномусликдан, шармандаликдан кўра яхшироқдир. Аммо масаланинг яна бир томони бор... Айтайлик, сен ҳам биздан юз ўғирдинг, яъни биз ота-оналиқдан воз кечганимиз каби сен ҳам фарзандликдан воз кечдинг, бетимизга оёқ қўйдинг, гўё ота-онанг йўқ, ўлган деб ҳисобладинг. Жуда яхши. Айтайлик, олдинг ўша хотинни, хўш, сўнг ҳолингиз не кечади, қаерда, қайси пулга яшайсизлар? Онангнинг айтишига қараганда, у хотин ясан-тусанни яхши кўрар, шаҳарма-шахар кезишини севар экан, саёқ ҳаётга мук кетган экан, сен қайси сармоянгга қоплайсан унинг бу эҳтиёжларини? Қоплай олмайсан, тўғрими, у эса ўзи мук кетган турмуш тарзига чек қўйишни истамайди, унда, демак, — отаси афтини буриштирди, — буни айтишга тил ҳам бормайди. Демак, шундай бўлган тақдирда сенинг хотининг бошқа кимсаларнинг ҳисобига ясаниб-тусанади, шаҳар кезади, бошқаларнинг ҳисобига — тушуняпсанми? Сен бу номусга қандай чидайсан, одамларнинг кўзига қандай қарайсан, — бу Зевар хонимнинг нутқи эди, аммо бу гал жумлалар тиниш белгиларсиз, эркак кишининг овозида жарангламоқда эди.

— Сен, йўқ, менинг у аёлга уйланиш фикрим йўқ, бу щунчаки муваққат, ўткинчи алоқа дейишинг мумкин. Жуда яхши, лекин шундай бўлганда ҳам сенинг ишинг эркакнинг иши эмас. Ахир, балки унинг ҳам ҳаёти сен туфайли остин-устун бўлиб, бузилиб кетар, уни ҳам тушунишинг керак. Алоқангиз муваққат бўлса, ҳар бир муваққат нарса эртами-кечми тугайди, вақти келиб бу алоқа узилса, унинг ҳоли не кечади, ахир у ҳам инсон-ку, уни ҳам ҳисобга ол, уни ҳам тушун-да, ахир.

Отасининг гаплари Заур учун ҳам кутилмаган бир оҳанг касб этди, энди унга отаси муайян бир мулойим-

лик билан аяб, ҳатто жумлалар орасида тўхталиб, тиниш белгиларини ҳам ўз ўрнига қўйиб гапираётгандек туюлар эди.

— Гапимга қулоқ сол, ўғлим, у аёл ҳақида кўп гап юрибди, қайси рост, қайси ёлғон — буни билмайман, бу менинг ишим ҳам эмас. Аммо менга бир нарса аён — у бизнинг тенгимиз эмас. У бутунлай бошқа уянинг қуши. Сенинг қаршингдан бундай аёл чиқмаслиги керак эди... Онанг билан мен сени шу мақсадда улгайтиргаган эдик... Биз — онанг ҳам, мен ҳам — фақат сенинг келажагингни ўйлаймиз, сенинг баҳтли бўлишингни истаймиз, ҳаётда бундан каттароқ мақсадимиз ҳам йўқ... Баҳтли бўлишнинг эса битта йўли бор: ҳаётда инсон ўз олдига аниқ мақсадлар кўймоғи ва бу мақсадларга ноил бўлиши учун жон куйдирмоғи керак... Бу мақсадлар нима — иш, фойдали меҳнат, шунингдек покиза, мустаҳкам оила... Оила сени ишдан, фаолиятдан чалғитмаслиги, аксинча, ишингнинг, фаолиятингнинг самарали бўлиши учун ҳар тарафлама шароит яратмоғи лозим... Мен тушунаман, йигитчилик, фалон-пистон дейсан, аммо, менингча, сен йигитчилик кайф-сафосини керагидан ортиқроқ сурдинг. Мен на сенинг ёшингда, на ундан кейин сен кўрганларни кўрганим йўқ... Аммо ҳар бир нарсанинг ўз вақти, ўз мөъёри бор... Сен энди бу кайф-сафолар, дилхушликлар билан бутунлай видолашмогинг, ўз келажагинг ҳақида жiddий ўйлаб кўрмогинг керак. Биринчи навбатда кандидатлик диссертацияси ҳақида... Шуни яхши билки, гёё бир ярим йил арзимас фурсат, аммо ҳамма нарса ана шу кечикишдан бошланади, кандидатликни кечиктирсанг, докторлик ҳам фалон йил сурилади, келажак илмий карьеранг ҳам фалон йил кейин кетади... Оила дегани ҳам шундай... Ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши. Бир ойдан кейин уйинг битади. Онанг билан менинг орзум — бу уйга сенинг янги оиласи билан бирга кўчишингни, пок, номусли бир қиз билан турмуш қуришингни кўриш.

Балки отасининг бу сўzlари вақти келиб унут бўлар, аччиқ хостираплар ҳам эсдан чиқарди, жароҳатларнинг ўрни ҳам аста-секин битиб кетарди, аммо отаси охирида бир жумла илова этдики, шу бир жумла ҳамма нарсани ҳал қилди — айтмаслиги, гапирмаслиги керак эди отаси бу жумлани:

— Менга «Волга» ваъда беряптилар, — деди отаси, — машинани сенга тўй совфаси сифатида оламан. Умид қила-манки, тўйингни ҳам узоқ кутмасак керак.

Айтмаслиги, гапирмаслиги керак эди отаси бу сўзларни. Ахир Заур «Волга»ни кўпдан бери орзу қилиб юрганини биларди у, ҳатто кечалари унинг тушларига кираарди бу машина. Айтмаслиги керак эди отаси бу жумлани. Таҳмина-дан воз кечиш баҳосига бериладиган порани таклиф қил-маслиги керак эди.

— Яна бирор гапинг борми, ота? — сўради Заур.

— Қанақа гапим?

— Менга айтадиган яна бошқа гапинг йўқми, деялман?

Мажид шубҳа билан:

— Йўқ, — деди.

— Жуда яхши. — Отасининг севимли ифодасини та-  
рор қилди у. — Мен сенинг гапларингни диққат билан  
эшитдим. Мен сизнинг ўғлингизман, ҳар иккингизни —  
онамни ҳам, сени ҳам жуда яхши қўраман. Аммо на илож,  
тақдир шу экан. Ким нима деса деяверсин, менга ҳеч  
дахли йўқ. «Волга» таклиф этганинг учун катта раҳмат.  
Аммо мен сенинг «Москвич»ингни ҳам қайтариб бера-  
ман, мана калитлари... Эгнимдаги мана шу костюмдан  
бошқа ҳеч нарса олмайман... Яхши қолинглар...

Мажиднинг ранги пахтадек оқарди, тили тутила-ту-  
тила:

— Даф бўл, — деди, — йўқол кўзимдан, даф бўл ўша  
фоҳишшанинг ёнига!

Заур онаси билан хайрлашмай чиқиб кетди...

## ЎНИНЧИ БОБ

*Эй маҳ, манимла дўстларим душман айладинг,  
Душман ҳам айламаз бу ишиким, сан айладинг.*

Тупроқ бағридан, ернинг қаъридан ёруғликка бўй чўзган  
майса каби, гиёҳ каби Заур уйқунинг ғофил, рўёли огушидан  
тонгга талпинарди...

Тўр пардали деразалардан қўёшнинг қия шуъласи тим-  
солида хонага кириб келган эди субҳи анвар... Ошхонадан  
лаззатли ҳидлар тимсолида хонани тўлдирган эди субҳи

анвар... Қаердандир эшитилаётган шивир-шивирлар, кулгилар, севинчли саслар билан, радионинг тонгги концерти билан қорилиб, хонага тўлиб борарди субҳи анвар. Таҳмина эди шивирлаётган, кулаётган... Қўшни Мадина эди шивирлаб гапираётган, кулаётган... Тонг отганди, Таҳмина ошхонада қўймоқ пиширар, чой дамлар, Мадина билан лақиллашарди. Улар Заурдан гапирадилар. Овозининг ҳар бир товланишида сурур бор эди Таҳминанинг, кулгисида, навозишида баҳтиёрик бор эди Таҳминанинг. Унинг барча бу тонгги севинчлари Заур билан боғлиқ эди...

— Танбалнинг танбали экан Заур, — дерди у, — сира тургиси келмайди, — дея хонага кирди у. — Танбал, танбал, танбал ҳой, ётсанг ишинг бўлар вой, тур, Заурик, кун пешин бўлди-ку.

Заурнинг кўзлари ҳамон юмуқ эди, гарчи батамом уйғонмаган бўлса-да, ухлаётгани ҳам йўқ — нимхоб — нимбедор бир ҳолатда ётарди. У маконни, қаерда ётганини, бугун қайси кун эканини, ўз аҳволини аниқ тасаввур этолмас, айни пайтда қалбини ёқимли бир тонг ҳисси, эркинлик, софлик, покизалик туйгуси тўлдирган, руҳида қандайдир енгиллик, нур бор эди, гўё ичиди ажойиб бир қўшиқ янграрди унинг. Таҳминанинг овози яна узоқлашиб, энди ошхонадан эшитила бошлади:

— Уйқудан зўрга туради, ишга кечикмай деб қўл-юзини чала-чулпа ювганича кўчага отиласди. Боланинг ўзгинаси дейсан. Худди болага қарагандай қарааш керак, ўзига қолса, эрталаб нон-чойга ҳам қарамайди... — овози тағин яқинлашди. — Хон ҳазратлари, марҳамат, турсинлар, нонушта тайёр.

Заур кулимсираб кўзини очди, керишди.

— Йўқ, жуда ёмон ўргатибдилар, эрка қилиб қўйибдилар, — яна Таҳмина ошхонада Мадинага Заурдан шикоят қиласди.

Дастлаб севишган пайтларида — инсоннинг бутун дунёсини остин-устун айлагувчи ёқимли довуллардан сўнг Заурда бир фалати истак — Таҳминадан айрилгандан кейин дўстлари, покиза кишилар даврасида ўтириш, еб-ичиш, ўйнаб-кулиш истаги уйғонарди. Баъзи кишиларнинг ўз ишқий можароларини очиқ-сочиқ сўзлаб ўтирганларига ҳаваси келарди унинг. Ўзи зинҳор бундай гапларни гапирмас,

бинобарин, Таҳмина ҳақида бирон-бир нарсани бирор билин бўлишмас, гурурланмасди. Аммо ишқий учрашувлардан кейин Заурни покиза кишилар даврасининг осудалиги ўзига тортар, чунки бу ерга — ўзига хос ҳазил-мутойибалари, умумий ёқимли суҳбатлари, муштарак хотиралари бўлган дўстлар даврасига — Заур ичини лиммо-лим тўлдирган сирру сеҳрлар, ҳеч кимса билан бўлишиб бўлмайдиган туйгулар билан келарди. У ҳам гарчи суҳбатларга, мубоҳасаларга, ҳазил-мутойибаларга қўшилиб турса-да, бироқ фикру ёди бутунлай бошқада — Таҳминада бўлар, Таҳмина ҳам қаерда эканлигидан қатъи назар, Заурни эсга олаётганлиги, учрашувларининг баҳтиёр онларини хаёлан жонлантираётганлигини, у ҳам ана шу комронлик билан яшаётганлигини ҳис этар экан, фараҳларга тўларди. Таҳмина ҳам тахминан худди шундай ҳолга тушишини, Заур билан бўлган учрашувлардан кейин, албатта, унда Мадина билан дардлашиш, ҳасратлашиш эҳтиёжи пайдо бўлишини энди Заур англаб ета бошлади. Ошиқ бўлган киши худбинлашади, ўзи кечираётган баҳтиёрлик, саодат онлари бошқаларга ҳам юқадигандек туюлади. Ҳолбуки, бошқаларнинг севинчи инсонни камдан-кам ҳоллардагина айни даражада севинтира олади, кўпинча эса инсон бошқаларнинг севинчига бегона қолади, баъзан ҳатто ўзганинг бу севинчидан қизғанади, ҳасад қиласди. Муҳаббат — икки юракнинг шахсий иши, учинчи киши ортиқча, деган гап бор, аммо баъзан ана шу икки севишганнинг саодатига шоҳид сифатида учинчи киши лозим бўлади. Бу шоҳид кўзгу каби лозим уларга — кўзгуга боқиб ўз баҳтларини кўриш учун лозим. Энди Заур билан Таҳминанинг баҳтиёр кунларининг ана шундай бир кўзгуси, ана шундай бир шоҳиди пайдо бўлганди, унинг оти Мадина эди... Мадина Таҳминаларникига ҳар куни неча мартараб, саҳармардонда ҳам, ярим тунда ҳам кириб келаверарди. Кўпинча сайрга ҳам учаласи — Таҳмина, Заур, Мадина бирга чиқардилар...

Кўчада тасодифан дуч келган бирор кимса умумий хотираларининг қаҳрамони бўлиб чиқарди: «Эсингдами, «Озарбойжон» кинотеатрининг ёнида анави оқсоқ вакил<sup>1</sup>-га дуч келган эдик: ўз-ўзига минғирлаб судда айтиладиган нутқини машқ қилаётган эди... Анави кекса аёл ёдингдами,

<sup>1</sup> Вакил — оқловчи, адвокат.

панжара ёнида ити билан сайр қилиб юрган эди, ити нақадар ўзига ўхшарди-я, ё тавба?»

Бир сафар ярим тунда кинодан қайтаётгандарида ёш бир йигитга дуч келдилар. У биноларнинг остидаги электр қутиларнинг қопқоғини очиб, нур сочиб турган рекламаларни ўчирап эди. Омонат кассалари, сугурта, янги фильмлар ҳақидаги йирик шаҳар рекламаларининг ҳарфлари бир-бир сўнарди. Шундай ғалати бир касб ҳам бор экан – кечалари шаҳар рекламаларининг шуълаларини ўчириб чиқиши касби... Мўтабар оила бошлиғи оила аъзолари ётгандан кейин хоналарнинг барча чироқларини текшириб, ёниб қолганларини ўчириб чиққани каби бу йигит ҳам шаҳар чироқларини ўчириб чиқарди. Таҳмина, Заур ва Мадина-нинг бу романтик касб ҳақидаги суҳбатлари анча давом этди. Таҳмина яна бошқа бир романтик касб эгасини танишини, у ҳам хиёбондаги фаввораларни тонгда ишга тушириб, кечқурун тўхтатишни айтди. Агар унинг тоби қочиб ишга чиқолмай қолса, ўша куни барча фавворалар отилмайди.

— Аммо энг мароқли касб қайси эканлигини биласизларми? — Таҳмина аввал Заурга, сўнг Мадинага боқди. — Об-ҳаво маълумоти идорасида ишлаш. Бир пайтлар мен метеоролог бўлишни қаттиқ орзу қиласдим. Тасаввур қиляпсизми, ёғин-сочиндан, шамолдан хабардор бўласан, булутлар қаёқдан келади, қаерда бўрон бўлади, қачон чақмоқ чақади...

Баъзан бу сайрларда улар танишларни учратиб қолардилар ва бу танишлар ҳар учаласига — Таҳминага, Заурга, Мадинага синчковлик билан боқардилар. Ва бу кимсалар Таҳминанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини Заурнинг онасига етказишар, Заур, Таҳмина ва Мадинанинг кечки сайрларидан уни батафсил хабардор қилишар, ярасига туз сепардилар. Зевар хонимнинг алами етти бўлиб, Таҳминага телефон қилас, оғзига келганини қайтармай тўкиб соларди... Заур буни онаси учинчими ё тўртинчи марта кўнғироқ қилганидан кейингина билиб қолди...

Бир сафар Таҳмина телефон олдига келиб, дастакни кўтарди ва: «Ҳа, мен», деди ва шу заҳоти ранг-рўйи бирдан оқариб кетди, тили тутилиб қолди, бир муддат эшитиб тургач, дастакни қўйди.

Заур:

— Ким экан? — деб сўради.

Таҳмина:

— Адашиб тушибди, — деди. Заур унинг ёлғонлаётганини тушунди, аммо ҳарчанд сўраса-да, Таҳмина бошқа ҳеч нарса айтмади. Онасининг кўнғироқ қилиши мумкинлиги Заурнинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг ёдини бутунлай бошқа нарсалар банд этган эди, у Таҳминани янада қаттиқроқ рашк қиласар, Таҳмина ундан ниманидир яшираётганини сезарди. Ҳақиқатан ҳам Таҳминага тез-тез кўнғироқ қилишар, тағин кўпчилиги эркак кишилар эди... Таҳмина телефонда жуда мулойим сўзлашар, сўнг эса минғирлай бошлаган Заурга:

— Жудаям ғалатисан-да, Заурик, — дерди, — тикувчимку, ахир бу. Сенга айттандим-ку пальтомни қисқартиришга берганман деб. Кечқурун примеркага бормоқчиман.

— Нима деяпсан, Заур, тиш дўхтири-ку бу. Кўрмаяпсанми, тишларимни даволатяпман, бугун келманг, ишим чиқиб қолди, янаги ҳафта келинг, деб кўнғироқ қилди.

Аммо иккинчи ё учинчи ҳафтасига Таҳмина дастакни кўтарди, ниманидир эшитиб дами ичига тушиб кетди, охиригача эшитмай дастакни қўйди ва бир муддат ҳолсиз, сурат бўлиб қолди.

— Яна адашиб тушибдиларми? — деб сўради Заур.

— Ҳа, — деди Таҳмина ва югуриб ваннахонага кириб кетди... Заурга у ердан ўксик йифи товуши эшитилгандай туюлди, аммо ярим соатдан сўнг Таҳмина ваннахонадан чиқиб келди, унинг чехраси бокира ва очик, қайғусиз юзларида табассум жилва қиласарди.

Эртаси кун яна кўнғироқ бўлди. Таҳмина дастакни олиб паришон бир ҳолда сукуттга чўмганидан Заур билдики, кўнғироқ қилган ўша одам, орқадан сездирмай Таҳминага яқинлашди, кўққисдан шиддат билан дастакни олиб ўз қулоғига тутди. Дастакдан аёл кишининг ғазабнок овози ва заҳарли сўзлар ёғиларди:

— Ҳой манжалаки, ҳой икки пуллик фоҳиша, сен болализни биздан тортиб оламан деб ўйлайсанми? Вой ўлигингни кўрай сенинг,вой мурдашўй ювсин ўша ҳаёсиз башарангни! — Заур дарҳол дастакни қўйди, бу овозни у дунёдаги бошқа ҳеч бир овоз билан адаштириб юбормасди — онасининг овози эди бу.

Таҳмина қўллари шалвираб ёнига тушган Заурга ғамгин кулимсиради:

— Энди қўнглинг жойига тушдими?

Заур хижолатдан нима қилишни, нима дейишини билмасди, зўрға мажол топиб:

— Кечаги ҳам шумиди? — деб сўради.

Таҳмина оғир-оғир бош силкиди, сўнг майин овозда қўшиб қўйди:

— Ҳар куни қўнғироқ қиласди. Сен бу ерга келганингдан бери ҳар куни.

У бир ойдан бери Таҳминаникода яшарди. Ўша совуқ ноябрь куни отаси билан гаплашганлари, ўз уйларидан чиқиб кетган оқшом ёдида эди. Отаси билан бўлиб ўтган ўша оғир суҳбатдан сўнг, онаси билан кўришмай, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқсан, бу ерга келган ва Таҳминага ҳаммасини гапириб берган эди...

Таҳмина:

— Заурик, — деди, — агар мен яхши одам, нажиб аёл бўлганимда эди, ўшанда сенга: йўқ, йўқ, азизим, ёш умрингни менга қурбон қилма, дейишим керак эди. Аммо мен ёлғон гапиришни истамайман. Мен билан қолишингни истайман. Ҳатто мана шундай оғир савдолар эвазига бўлса-да қоласан... Афтидан, мен жуда ёмон одамман, аёвсиз хотинман... На илож?..

\* \* \*

Фақат Таҳминанинг ёнида қолганидан кейингина Заур узун кечаларнинг Таҳмина учун нақадар азобли бўлганинги англади. Таҳмина ухлай олмас, уйқусизлик балосига дучор эди, тонгга етиш унинг учун ҳаётнинг энг оғир азобларидан бири эди. Таҳмина кечаларнинг бу танҳолиги ҳақида Заурга кўп гапирав, энг даҳшатли танҳолик — тунларнинг танҳолиги дер, эри билан яшаган пайтларда тунларнинг танҳолигини янада оғирроқ ҳис қилганлигини сўйлар, «Энди эса сен — тирик, ўтли бир вужуд — шу ерда, ёнимласан, энди мен ўзимни ёлғиз ҳис қилмайман», дерди...

— Хон ҳазратлари, марҳамат қилиб қўзингизни очинг, емагингизни ётоқقا келтирдилар.

Патнисда қўймоқ, қаҳва ва майдаланган каллақанд

туарди... Кеча оқшом каллақандлар йўқ эди, Заур кеч-қурун чой ичишаётганинида дастурхонга қўйилган қандни ёқтирмаслигини айтган, Таҳмина барвақт туриб дўконга тушган, Заур уйғонгунга қадар каллақанд олиб келиб майдалаган эди. Заур ана шуларни хаёлидан ўтказар экан, чексиз бир мамнуният билан каллақанд бўлагини кулимсираб оғзига соларди. Таҳмина унинг бу мамнун табассумини кўриб кулиб юборди:

— Вой худойим-ей, эркаклар худди гўдакларга ўхшашади-я... Арзимас бир орзунгизга етсангиз оғзингиз куло-фингизда. Мабодо кичик бир истагингизни бажо келтирсак, бу мен учун фидо бўлишга ҳам тайёр, деб ўйлайсиз. Шунинг учун ҳам дарҳол тўрга илинасиз.

Заур қандни ютди, қаҳвадан бир қултум ичib ютинди ва:

— Хўш, аслида ҳам шундай эмасми, мен учун фидо бўлмайсанми? — деди.

Таҳмина жавоб эвазига унга тилини кўрсатиб ётоқдан чиқди.

Заур қадам товушларини тингларди Таҳминанинг. Таҳмина ошхонага борар, ётоқقا қайтар, эгнидаги либоси каби одми ва енгил бир оҳангни хиргойи қиласади, қайдан унинг эсига тушди экан бу оҳанг? Бу оҳангда нурли бир саҳар ибтидоси бор эди, деворга қия тушаётган қўёш шуъалари, рангдор совун пуфакчалари бор эди, тоза, очиқ, мовий самода учайтган ранг-баранг варраклар бор эди — қайфусиз болалигининг бутун ёруғлиги, мусаффолиги бор эди ва декабрь кунларининг фавқулодда шуълавор қўёши деразадан хонани тўлдириб, гулқоғоздаги чечакларни ростдан ҳам очилтириб юборгандек эди... Қаҳва ҳам, нон ҳам иссиқ ва янги эди, қуймоқ ҳам мазали эди, Таҳмина ҳам одми оҳангни базавқ хиргойи қиласади, шуларнинг ҳаммаси Заурнинг саволига жавоб эди...

\* \* \*

Эрталаблари Таҳминанинг саранжом-саришта ошхонасида нонушта қиласади, баъзан ўз уйлари эсига тушиб кетарди. Таҳминанинг ошхонаси ҳамиша батартиб бўлар, поли қора-яшил чоркунжларга бўлинган, столнинг устида ҳам чоркунж Вьетнам қофозсочиqlари туар, гўё деразаси-

дан тушаётган қүёш нури ҳам тенг тўртбурчакларга бўлингандек эди. Бу ошхонанинг шинамлиги негадир Заурнинг ёлида онасининг ошхонасини жонлантиради. Уйларидағи ошхона столининг устида ҳамиша чиркли идиш-товоқлар қалашиб ётар, Заур нонушта қилмоқчи бўлганида бу ёғ босган чиркли идишларни нари-бери суриб кичкина жой очар, чой-нонни ўша ерга кўйиб анчайин тамадди қиласди. У жуда шошиб овқатланар, чунки атрофдаги ёғлоқи идишларга, қай гўрдан ҳам келиб бу идиш-товоқларнинг орасига тушган онасининг йирик тарофига боққанида егани оғзига келарди. Тароқда эса ҳамиша бир тутам соч пати бўларди...

Ошхонасининг, уйининг, уст-бошининг тозалигига, шинамлигига Таҳмина шу қадар кўп вақт сарфлардики, Заур бундан ҳатто таажжубга тушарди. Таҳмина: «Бўлмасам-чи, — дерди, — уйда тозалик энг муҳим шартдир, одамнинг аҳволи руҳияси ҳам, ўзини қандай ҳис этиши ҳам — барчаси ана шундан бошланади. Боладан тортиб каттагача — ҳамма уйнинг озодалигини кўзлаши керак. Гўдаклик пайтидан бошлабоқ тарбиялаш керак бу ҳисни».

Болалар тарбияси ҳақида у соатлаб сўзлай оларди... ўғли бўлганида уни қандай тарбиялашидан (албатта, спорт билан шуғулланарди, гўдаклигига ёқ сузишни ўрганарди), қизи бўлсайди, уни қандай улғайтиришдан (кўғирчоқдек безантириб қўярдим уни, қомати гўзал бўлсин учун уч ёшидан балет мактабига берардим) жуда кўп сўз очар, менинг болаларим дунёning энг озода, энг гўзал болалари бўлур эди, деб қўяди.

Аммо баъзан бутунлай бошқача гапиради... Жуда кўп болаларим бўлишини истайман, дерди, барчаси бетартиб, кир-чир бўлсин, бутун бу уйнинг тўс-тўзонини чиқарсинлар, айни пайтда бу болалар Заурники ҳам бўлсин. Ҳар иккаласи — Заур ҳам, Таҳмина ҳам — кун бўйи улар тўзғитган нарсаларни тартибга солсинлар, кирларини ювсинлар, ортларидан тозалаб юрсинлар, ҳолдан тойиб йиқилиб тушсинлар, лекин ана шулардан қатъи назар тагин бир-бирларини севсинлар. Уззукун болалар билан ўралашиб, охири уларни ухлатсинлар ва улар ётгандан кейин яна бир-бирлари билан қовушсинлар — ҳақиқий муҳаббат ана шунинг ўзи — турмушнинг, ҳаётнинг кундалик майдада

чуйда ташвишларидан, азоб-азиятларидан, кир-чирларидан, икир-чикирларидан холи бўлгач, аввалги қизғинлигига қолган муҳаббат ҳақиқий муҳаббатдир, йўқса шунчаки «мен сенинг қурбонинг бўлай» дейишнинг нима қадри бор?

— Сен ҳеч эшитганмисан, Заур, гўдаклар онанинг қорнида ётганда туш кўрар эмишлар... Нималарни туш кўришларини билсан эди, ахир улар дунёдан бутунлай хабарсиз бўладилар-ку, туш кўргулик на хаёллари, на тасаввурлари бор. Бироқ илмий, тиббий текширишлар гўдакларнинг она қорнида ётганларида туш кўришларини тасдиқлаган, ўзлариям, биласанми, қай тариқа уйқуга кетармишлар — она юрагининг гупиллаши остида... ёнгинасида... бу овоз нофора овозидек янграб туради. Шундай бир эксперимент қилибдилар: она юрагининг гупиллашини магнитофонга ёзиб, янги туғилган чақалоқнинг қулоғи тагига қўйибдилар, у эса ўша заҳоти ухлаб қолибди... Эҳ, Заурик, афсуски, мен ҳеч қачон она бўла олмайман.

— Унда нега бола асрмайсан? — деди Заур. «Асрмаймиз» эмас, «асрмайсан». Бу фикр ҳар иккаласининг — Заурнинг ҳам, Таҳминанинг ҳам айни бир пайтда хаёлидан кечди...

Таҳмина бир оз сукутдан сўнг:

— Биласанми, — деди, — менинг ҳам эсимга келганди бу. Аммо ҳеч қачон бундай қилмаслик қарорига келдим. Ахир биласанки, Заурик, мен бир жинниман, феълим ўзингга маълум, уч кун, бир ҳафта, қўйки, бир ой у болага боғланган бўлардим, ўз туққанимдан ортиқ кўрардим. Аммо ҳар сония, ҳар дақиқа у менинг болам эмаслигини ҳам ҳис қилиб турардим. Бунинг устига, бирдан у боланинг ўз отонаси чиқсаю, фарзандини, масалан, эртаклардаги каби курагидаги бир дона холидан таниб қолса, деган қўрқувдан юрагим ёрилган бўлур эди. Ёки ота-онаси ҳам чиқмади дейлик, аммо дилозор бир кимса кунларнинг бирида болага ҳақиқатни айтиб қўйса... Ёхуд ўғил бола бўлса, бир кун уйланади, ўшанда хотини унга албатта бу сирни очади — бу сенинг туққан онанг эмас дейди. Хотини бўлмаса бошқа бир кимса, ахир бундай «хайриҳоҳлар» оз эмас-ку, менинг хуш кўрмаган кишиларим, душманларим бор-ку ахир, масалан, сенинг онанг, — Заур қизарив кетди, — ёки бошқа

бир кимса мени куйдириш учун, қасос олиш учун ҳақиқатни албатта айтади болага. Тасаввур қиляпсанми, демак, мен умр бўйи игна устида тургандек яшайман, ҳар дақиқа, ҳар кун бугун ё эрта бола ҳақиқатни билиб қолади, деган ваҳимада яшайман... Демак, у ўз боламдек бўла олмайди. Мен эса у том маънода ўз болам бўлишини истайман, бироқ менинг... – У яна бир озсукутга чўмди, сўнг қатъий қўшиб кўйди: – Йўқ, бегонанинг боласи – бегона. Меники бўлолмайди... Худди сен каби, Заурик... ахир сен ҳам меники эмассан... Эртами-кечми сендан айрилиб қоламан... била-ман ахир...

Бу суҳбат Заур Таҳминаникига кўчиб келган илк кунларда бўлиб ўтган эди. Заур юрагининг қайдадир теранликларида яшириниб ётган бир ҳиснинг, қалбида мудраб ётган бир туйғунинг Таҳмина томонидан бу қадар аниқ ифодаланиши ғалати эди. Бир нарса дейиш маҳол эди... Улар икковлашиб ичкилик ичганларида ҳам Таҳмина ҳамиша стол устига учинчи қадаҳни қўйиб қўярди: бу сеники, бу меники, бу эса бизнинг айрилиғимизники... Учрашувларининг илк кунидан бошлабоқ истиқболдаги айрилиқлари ҳам улар билан бирга яшарди, бу айрилиқ кундан-кунга катталашар, кундан-кунга уларга яқинлашиб келмоқда эди.

Суҳбат бутунлай бошқа нарса ҳақида – ҳақиқий ва соҳта гурур ҳақида эди. Ҳақиқий гурур, менимча, бобонгнинг бобоси ким бўлғанлигига, авлод-ажодингга, қонингга боғлиқ эмас... – дерди Таҳмина. – Ҳақиқий гурур инсон кўзининг тўқлигидан, ўзини тутишидан, ички маданиятидан кўриниб туради. Ҳақиқий магрут ва зиёли кишини мен қадам олишидан танийман, одамнинг қадам босиши унинг борлиги, ўзлиги, инсонлиги ҳақида жуда кўп нарсаларни айтиб туради. Масалан, Мухторни олайлик.

Бирга яшаётганларидан бери Заурнинг қонини қайнатган нарсалардан бири Мухтор ҳақидаги суҳбатлар эди. Бунинг устига тинимсиз телефон қўнгироқлари. Ҳаммадан кўп қўнгироқ қиласидиган ҳам шу – Мухтор эди.

Заур таажжуб билан:

– Кун бўйи идорада биргасиз, кун бўйи гаплашганларингиз етмайдими, тагин уйга келишинг биланоқ яна бир соат телефонда лақиллашасизлар? – деди.

Таҳмина кула-кула:

— Заурик, нега тушунмайсан, ахир, — деди, — идорада ҳамма иш билан машғул, сұхбатта мажол ҳам қолмайды. Шунинг учун ҳам телефонда гийбатлашамиз. Мухторнинг ҳам гийбатта суюғи йўқ. Нима десанг де, бу орамиздаги гап, хотинлар ёмонотлиққа чиққан, аммо эркаклар гийбатни аёллардан кўра кўпроқ ёқтирадилар. Менинг дўстларимнинг кўпчилиги...

Заур унинг сўзини кесиб:

— «Менинг дўстларим, менинг дўстларим», — деди зарда билан, — жудаям кўп сенинг дўстларинг... Ёдда тут, одам кўп дўст орттиrsa, охирида биттаям ҳақиқий дўсти қолмайды.

Таҳмина совуқ бир тарзда:

— Нима, ўзингни назарда тутяпсанми? Бу менга таҳдидми? Ёки огоҳ қилиб қўяяпсанми? — деди.

Заур:

— Қандай хоҳласанг, шундай тушун, — деди. Бу уларнинг илк тўқнашувлари эди.

Таҳмина индамади. Жимгина кийиниб, ҳеч нарса демай чиқиб кетди. Заур унинг қаёққа кетганини биларди, кечқурун унинг кўрсатуви бор эди, ярим соатдан сўнг Заур телевизорни қўйди ва экранда Таҳмина пайдо бўлди. У тунги кўрсатувларнинг ҳаммасини томоша қилди ва кўрсатувлар орасида эълонларни ўқиган Таҳминанинг кўрди... Охирги кўрсатувнинг тугашига йигирма минутча қолганида Заур кийиниб кўчага чиқди, машина ушлаб, телестудияга келди. Биринчи қаватдаги хоналарнинг деразаларидан экраннинг зангори шуъласи кўринар ва Таҳминанинг овози эшитиларди... Таҳмина кўрсатувлар тугаганини эълон қилди, ҳаммага «тунингиз хайрли бўлсин» деди... Беш-үн дақиқадан сўнг Заур Таҳминанинг троллейбус бекати сари шошиб бораётганини кўрди. Заур уни чақирди, Таҳмина Заурни кўриб жилмайди. Улар қучоқлашдилар, ичида ҳеч кими йўқ тунги автобусга ўтиридилар, автобус уларни Таҳминанинг уйига — уларнинг уйларига олиб кетди...

\* \* \*

— Сен мени рашк қилмаслигинг керак, Заурик, — қоронгиликда унинг пичирлашлари гўё сўзларга алоҳида бир маъно бахш этар, ҳақиқат бор бўйи билан намоён

бўларди; бу сўзларга ишонмай бўлмасди, — рашқ қилиш, биласанми, нимани кўрсатади, бу билан сен ўз заифлигингни эътироф этган бўласан. Ҳеч кимдан рашқ қилмаслик — ҳаммадан кучли бўлиш демакдир. Мен сенинг кучли бўлингни истайман, Заурек, ҳаммадан кучли... Ўзингга ишонишинг керак... Менга ҳам, Заурек... Ишон менга... Мен сенга хиёнат қилмайман... То биз бирга эканмиз...

\* \* \*

Оқшом чоғлари кўпинча музика тинглардилар. Таҳминанинг жуда кўп музика ёзувлари бор эди, аммо уларнинг ёзилишида ҳеч бир тартиб-қоида йўқ эди. Таҳмина турлитуман мусиқий парчаларини — фақат ўзи севган музикаларни ёзиб олган эди. Кўпинча у ёлгиз классик музикани ҳамда «Лайли ва Мажнун» операсини тинглашни яхши кўрарди... Ҳар оқшом бир оз рақс қилишни ҳам севар, вазмин оҳангли жаз музикаси — блузларни қўяр ва хонанинг торгина саҳнида Заур билан қўлтиқлашиб узоқ рақсга тушардилар. У кўзларини юмиб олар, узун соchlарини Заурнинг елкаси оша куракларига ташлаб, қўллари билан Заурнинг бўйнидан қучоқлаб оларди.

Кўпинча халқ қўшиқларини қўяр, ҳар бир қўшиқ унинг қайсиdir бир хотираси билан боғлиқ эди... Музикага алоҳида бир эътибор билан қарап, Заур уни ташлаб кетгач, музика ўзининг охирги ва ягона паноҳи бўлиб қолишидан сўз очарди. «Ўшанда мени музика қутқарип қолади, — дерди у, — йўқса ё ўламан, ё ичкиликка берилиб кетаман». «Кўчаларга сув сепаман», «Сендан менга ёр бўлмас», «Омон овчи», «Панжарадан тош келур», «Кирдим ёрнинг боғчасига», «Гапирсанг ёна-ёна», «Қорағила» кўшиқларини, кўпинча эса «Лочин» қўшигини соатлаб тингларди... Қалбининг энг теран, энг сирли ҳисларини, сўз билан ифодалай олмайдиган туйгуларини гўё бу қўшиқларнинг оҳанглари, сўзлари ифода этарди. Бу сўзлар — муҳаббат, айрилиқ, қайғу, умид ҳақидаги қўшиқларнинг бу сўзлари, дунё каби қадим ва абадий бу сўзлар гўё Таҳмина юрагининг, вужудининг тубидан, энг теран, энг сирли гўшаларидан қайнаб чиқарди.

— Заурек, қара, қанчалар содда ва гўзал: «Кўчаларга сув сепаман, ёр келганда чанг бўлмасин». Заурек, қара,

бир пайтлар қандай севганлару энди қандай севадилар. Масалан, сен мен учун чанг бўлмасин деб кўчаларга сув сепа оласанми?

Заур:

— Бокуда бу мумкин эмас, — дерди, — кўчанинг бу бошига сув сепиб келгунингча хазри<sup>1</sup> нариги бошини тўзонга тўлдиради.

— Эҳ, руҳинг йўқ сенинг.

Бошқа қўшиқ янграр, Таҳмина ҳам энди бошқа савол берарди:

— «Қўй мени ўлдирсинглар бир қоракўз қиз сабаб». Заурик, бир қоракўз қиз учун сени ўлдиришларига рози бўласанми? Ўлимни қўйиб турайлик, худо сақласин, ўлдириш ҳам ишми, аммо айт-чи, масалан, севган қоракўз қизинг учун жиндай қийинчиликка, азоб-уқубатларга рози бўлармидинг?

— Маълуминг бўлсинким, мен бир қоракўз қиз учун кўпгина қийинчиликларга, азоб-уқубатга чидайман...

— Эҳ, Заурик, ҳеч нарсага тушунмайсан. Қалбнинг бепоёнлигига қара: «Қўй мени ўлдирсинглар Бир қоракўз қиз сабаб». Манави сўзларни биласанми, эшит: «Бир уйда-ки сендеқ гўзал бўлмаса, ул уй вайрон бўлиб, таланмоқ керак». Заурик, бу сўзлар халқнинг тафаккурини юзлаб қалин илмий китоблардан ҳам яхшироқ ифодалайди...

Магнитофондан қўшиқ янгради: «Сендан менга ёр бўлмас» ва Таҳмина Заурнинг кўзларининг ичига тикилиб тақрор этарди: «Сендан менга ёр бўлмас». Заур чиндан ҳам таажжубланарди. Ўзи севган, аммо ҳозиргача бу қадар диққат қилмагани халқ қўшиқлари Таҳмина билан муносабатларидаги энг теран, энг мубҳам туйғуларни шу қадар очиқ-ойдин, шу қадар таъсирили ва ёниқ, шунчалар тўғри ва аниқ ифода эта олишидан таажжубланарди. «Панжара-дан тош келур, ой бари боқ, бари боқ, Хумор кўздан ёш келур, ой бари боқ, бари боқ, Сени менга берсалар, ой бари боқ, бари боқ, Оллога ҳам хуш келур, ой бари боқ, бари боқ...»

Таҳмина бу сўзларни ҳам тақрорлади:

— Ростдан ҳам, Заурик, сени менга берсайдилар, Ал-

<sup>1</sup>Хазри — шимолдан эсадиган шамол.

лоҳга ҳам хуш келарди, — дерди, — аммо на иложки, сени бермайдилар менга, икки дунёда ҳам бермайдилар, буни биламан, ахир...

*Папиросинг ёна-ёна,  
Ўт тушди ширин жона.  
Бир куни ташлаб кетарман, ай гулим,  
Қоларсан ёна-ёна...*

Бу қўшиқдаги таҳдид ҳазиломуз бир таҳдид эди, аммо бу ҳазилнинг остида аччиқ ва муқаррар бир ҳақиқат бор эди.

Наҳотки, қачондир, жуда олис пайтларда яшаган инсонлар уларнинг – Заур билан Таҳминанинг ҳозир кечираётган туйғуларини айнан улар каби туйғанлар, шу қадар гўзал ва содда сўзлар билан, аниқ ва боқий мусиқаларда ифода эта олганлар?.. Ҳисларнинг ёши, тарихи йўқдир, инсонлар ҳамиша ҳамма ерда айнан бир хил туйғанлар, муҳаббат, рашқ, оғриқ, севинч, гумон, изтироб, умидсизлик, ҳасрат каби айнан бир хил туйғуларни бошларидан кечирғанлар ва айнан бир хил натижаларга – «сендан менга ёр бўлмас» деган қарорга келганлар, бу қарорнинг ўзида аччиқ бир ёлғон, тескари бир ишва бор, нега энди сендан менга ёр бўлмас, менинг сендан бошқа, сенинг эса мендан бошқа ёринг бўлиши мумкинми, албатта йўқ, биз бир-биrimiz учун яратилганмиз, ким ҳам бизни ажрата олади, албатта биз бир-биrimiznikimiz, «сендан менга ёр бўлмас...»

«Лочин» қўшиғи янграганда эса Таҳмина ҳамиша йифларди, бу қўшиқ қалбининг Заурга маълум бўлмаган қайсиdir ришталарини титратар, қўзлари тўлиб келар, ёноқларидан томчи-томчи ёшлар оқарди. Нега, нима учун ахир бу сўзлар Таҳминага бу қадар кучли таъсир қиласди: «Совчилари ўлибди. Ўзи совчи бўлган ёр...»

\* \* \*

Таҳминаникига келгандан бери илк бор маошини олиши биланоқ Заур бозорга тушди... Маошнинг teng ярмини харжлаб мева, писта-бодом, кишиши, гул ва ҳатто гўшт ҳам олди. У қандайдир ҳозиргача туймагани бир ҳис – рўзгордорлик ҳиссини туяр, зинапоялардан севиниб, шоша-

пиша кўтарилиб борарди. Таҳмина севинчига сув сепмасмикан? Таҳмина икки кило гўштни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди, афтини буриштириб:

— Одам ҳам шунаقا гўшт оладими, — деди, — турган-битгани шақиллаган сүяқ билан чандир. Бозор қилиш қаердан ҳам эсингта тушиб қолди? Менга айтганингда-ку, Фозил деган танишимнинг олдига юборардим, у доим менга гўштнинг яхши жойидан олиб қўяди... Уйда сени ёмон ўргатган эканлар, умрингда бозор қилмаган бўлсанг керак?

Заур жаҳл билан:

- Рост, — деди, — бозорда таниш қассобим йўқ.
- Йўқлиги кўриниб турибди, бўлганида бола каби алдаб қўлтифингта тўртта сүякни солиб юборармиди?

Заур индамади, қовоини солиб олганича оқшомга қадар Таҳмина билан гаплашмади.

Оқшом телевизор кўриб ўтирганларида ҳам бир-бира гинг дейишмади. Телевизорда тўй ҳақида кўрсатув бериларди... Таҳмина қўққисдан Заурга мурожаат қилиб қолди:

— Заурик, биласанми, менинг ҳам тўйим бўлишини истайман. Бўлганда ҳам худди ота-боболаримиз одати бўйича: аввал совчилар келсин, розилик олсинлар, кейин унаштириш, сўнг тўй... Узун оқ кўйлак, чолғучилар, келин ҳаваси, кўзгу, шамлар...

У Заурнинг кўзларининг ич-ичига боқиб жим қолди, сўнг яна сўзлай бошлади. Заур шунисига лол қолдики, Таҳмина унинг хаёлидан кечётган энг оний фикрлар, тушунчаларни ҳам моҳирлик билан очиқ китоб каби ўқий олар, бу фикрлар, тушунчаларни ҳатто Заурнинг ўзи ҳам бу қадар очиқ-равшан ифода эта олмасди.

— Заурик, биламан, сен буларнинг барчасини бошингдан кечирасан. Совчи ҳам жўнатасан, унаштириш ҳам, тўйинг ҳам бўлади. Аммо, худо ҳақи, сенинг Спартак билан қайноға-куёв бўлишингни ҳеч тасаввур қила олмайман.

Заур юзини четга бурди.

Таҳмина жиддий туриб:

— Бир нарсани айтами? — деди. — Кўп ҳам юзингни бураверма. Нима бўпти, айтишларича, ростдан ҳам гулдай қиз эмиш. Ҳалолинг бўлсин. Умуман, сиз эркакларнинг феълингизга ҳеч тушунмайман, ўзларингизни гўё

осмону фалакда деб ҳисоблайсизлар, «ййланаман, уйлан-майман, ёқтираман, ёқтирмайман...» Гүё уйланиш билан аёлларни бахтиёр қилиб қўядигандай.

Заур сигарет чиқарди, гугурт чақди, гугуртнинг сиридан бир зарра чақнаб чиқиб, уйнинг бурчагидаги каттакон қизил пуфакка тегди. Таҳмина:

— Вой, нима қилиб қўйдинг, — дея сапчиб турди, пулфак ёрилган эди.

\* \* \*

Кейинчалик Заур буларнинг барчаси қай пайт, қачон бошланганини аниқлашга уринар, бироқ муаяйн бир фикрга келолмасди. Балки навбатдаги телефон қўнгироқларидан бири бўлганида бошлангандир. Таҳмина қайсиdir таниши билан узундан-узоқ гаплашар, Заур эса ошхонада сигарет чекар, ғазабини ичига ютиб, Таҳминанинг дангал ҳазиллар қилишига, жарангос кулгиларига қулоқ соларди... Ўшандан бошландими? Ё бошқа бир гал — Таҳмина ўзини ёмон ҳис қилас, мазаси қочган эди, бозорга Заур борадиган бўлди, ҳамма нарсани олиб қайтгач эса, Таҳмина унинг харжидан кула бошлади, «қўлингдан ҳеч иш келмайди, — деди, — нималарни кўтариб келдинг, сенга айтгандим-ку, ахир, Фозилнинг олдига бор, менинг номимдан илтимос қил, яхши еридан берсин деб...»

Заур ўлиб қолганда ҳам Фозилнинг олдига бормасди. Таҳмина унинг номини айтгандан бери Заур бу гардани йўғон, юзидан қон томиб турган, мўйловдор қассобни кузатарди, келишганроқ аёлларга, қизларга гўшт берганда Фозилнинг оғзидан сўлаги оқиб кетарди.

Баъзан Заурга Таҳмина қасдан унинг ярасини тирнаётгандек, заиф жойига тегиб кетаётгандек туюларди... Кўчада Заур бирон-бир машинага узоқроқ тикилиб қолдими, Таҳмина дарҳол масхара қилишга тушарди. «Ҳа, нима бўлди, «Москвич»инг эсингта тушиб кетдими? Падари бузрукворлари эрка ўғилчаларини жазоладилар — овунчогини тортиб олдилар шўрлик болакайнинг». Бу жумлаларнинг ифода тарзи, «ўғилча, болакай» сўzlари Заурни жаҳл отига миндиарди. У жаҳли тобора ортиб бораётганини, ичидагутаб ётган ғазаб уни қаттиқ бўғаётганини ҳис этар, бундай дақиқаларда у, ҳатто, Таҳминадан ҳам нафралланарди. Балки бу ҳис бошқа бир кун — Таҳмина Мадинанинг ёнида Заурнинг

онасидан сўз очган кундан, онаси энди Таҳминани уйдагина эмас, балки идорада ҳам тинч қўймаётганидан, у ерга ҳам телефон қилаётганидан гап очган кундан бошлангандир. Мадина, Зевар хоним қўнгироқ қилганда кошки бирон марта телефонни мен олсайдим, жазосини берган бўлур эдим, деди. Заур ўзини зўрга тутиб қолди, бутун вужудини ғазаб чулғаб олган эди, у фақат Мадинага эмас, Таҳминага ҳам оғзига келганини тўкиб солишини истарди – ахир, ҳар ҳолда, гап онаси ҳақида кетаётган эди-да... Тўғри, онасининг қилмишлари одобдан эмасди, аммо ҳар ҳолда уларнинг ички оиласиди масалаларига аралашиш Мадинадек бутунлай бегона аёлнинг ҳам иши эмасди. Яхшики, Мадина ортиқ бирор сўз айтмади ва умуман бу мавзуга қайтмадилар, аммо ўшанда Мадина унинг онаси ҳақида яна бир оғиз бирон нарса деса эди, Заурнинг ғазабдан портлаши тайин эди...

Буларнинг барчасидан аста-секин муайян бир фикр, бир ҳис уйғониб келар, айтгандаридек, тома-тома қўл бўлаётган эди. Бир кун Заур негадир онасини қаттиқ соғинди, кўнгли паришон бўлди. Таҳминанинг шинам, озода ошхонасида кечки овқатни еркан, кўз олдига онасининг чиркли, файзсиз ошхонаси намоён бўлди, хаёли қочиб кўзлари йўл кетди. Таҳмина дарҳол буни пайқади, аммо Заурнинг руҳини кўтариш, тасалли бериб, овутиб, унинг кўнглини овлаш ўрнига аксинча, терслиги тутиб, истеҳзо билан масхара қила бошлади:

– Ҳа, нима бўлди, болакайнинг кўзлари йўл кетяпти?  
– деди, – «Москвич» ёдларига тушди, шекилли?

У қасддан шундай дер, атай Заурнинг интизорлигини, ота-онасига бўлган соғинчини «Москвич» билан, маҳрум бўлган роҳат-фарогатлари билан, кезиб юришлари билан боғламоқчи бўларди.

Заурга Таҳмина гўё уни фақат «Москвич»дан рашк қилаётгандек туюларди. Ўзи Таҳминани бу қадар азобазият билан ҳаммадан рашк қилгани ҳолда, Таҳмина уни ҳеч кимдан рашк қилмаслиги гарифона бир ҳол бўлиб туюларди. Заур яна шуни ҳам билардики, Таҳмина унинг ўтмишидаги муҳаббат тарихидан, ҳатто Тания исмли спортчи қиздан ҳам хабардор эди, аммо ҳеч қачон Заурнинг на кечмишдаги, на ҳозирги, на келажакда рўй бериши мумкин бўлган алоқаларидан заррача рашк қилмасди.

Бунинг сабаби нима бўлдийкин? Баъзан Заурга Таҳмина уни севмайдигандек, шунинг учун ҳам ўзини бегона каби тутаётгандек туюларди. Гоҳида эса, йўқ, Таҳминанинг феъли шунақа, у умуман, рашк қилишга қодир эмас, деб ўйларди. Бир гал бу ҳақда гап очилганда Таҳмина ҳазилга бурди:

— Биласанми, Заур, — деди, — мен шунақанги аёлларданманки, ҳеч кимни рашк қilmайман, аксинча, ҳамма мени рашк қилади... Масалан, дейлик, сен бошқаси билан бўлиб кетдинг, хўш, ўшанда мени унута оласанми?

Дарҳақиқат тўғри, деб ўйларди Заур, эркакни бир хотин дардидан бошқа бир хотин қутқара олади, дейдилар. Таҳминанинг дардидан қутқарадиган хотин бор эканми бу дунёда?

Баъзан муқаррар айрилиқлари ҳақида Таҳмина совуқ-қонлик билан очик-ошкора гап очиб қоларди... Оқшомларнинг бирида Таҳмина ким биландир телефонда узундан-узоқ гаплашиб бўлгач, Заур яна уни сўроққа тутди: ким билан гаплашдинг, нега бунчалик узоқ сўзлашдинглар, нима ҳақда бу қадар кулишдинглар?

Таҳмина ўзини тутолмай қолди:

— Менга қара, Заур, — деди, — роса тинкамни қуритдинг. Бас-да энди... Жонимни бўғзимга келтирдинг бу шубҳаларинг билан. Мендан нима истайсан, жоним? Бирга яшаяпмиз, менинг уйимдасан, ҳамиша ёнингдаман, яна сенга нима керак, ҳеч тушунмайман... Балки мени қулфлаб қўярсан, остонаядан кўчага чиқармассан, а? Бир йўла телефонни ҳам кесиб ташларсан? Нима қарзим бор сендан? Оила қурдингми мен билан. Уйландингми менга, ё болам борми сендан? Менинг йўлимда қандай қурбонлар бердингки, бу қадар кўп нарсани талаб қиласан? Уйингни ташлаб келганинг билан кўп фуурланма. Машинадан кечганинг — зўр фидокорлик! Кўрқма, қайтасан ўша уйингга, машинангни ҳам қайтариб берадилар сенга, онаси ўпмаган қизга уйлантириб ҳам қўядилар сени, — Заур умрида Таҳминани бу қадар аччиқ, тили заҳарга айланган ҳолда кўрмаган эди, гўё унинг юз-кўзидан олов саҷрарди. Аммо у бирдан жим бўлиб қолди, ўзини босиб олди, суст тортди ва ҳоргин қиёфада, юмшоқ овозда гапини якунлади: — Чиқиб кетганингдан сўнг нима қолади сендан менга? — Кўзи Заур гугурт чаққанида ёрилган, бир чеккада

бужмайиб ётган пуфакка тушди, — фақат мана шу шар, — дея қулимсиради, — уни ҳам ёриб қўйдинг...

Заурнинг ҳаёт-мамоти қуриб қолган, нима қилишини билмасди. Ҳозир нима қилса тузукроқ бўлишини билмасди; туриб Таҳминани эркаласинми, ундан узр сўрасинми ёки бир сўз ҳам демасдан бу уйдан чиқиб кетсинми...

Таҳмина сигарет ёндириди, ичига ютоқиб тортиб, тутунни ҳавога пуфлади ва Заур томонга ўтирилиб:

— Бизнинг муносабатларимиз мана шу тутунга ўхшайди, — деди ва қўл силкиб тутунни ҳайдади, — кўряпсанми, ҳеч нарса йўқ...

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

*Кўнгилда минг гамим вордурки, пинҳон айламак ўлмаз,  
Бу ҳам бир гамки, эл таъниндан ағфон айламак ўлмаз.  
На мушкул дард ўлурса вор эрур оламда дармони,  
На мушкул дард эмиш ишқингки, дармон айламак ўлмаз.*

— Неча ёшдасиз?

— Бунинг нима дахли бор?

— Даҳли бор-да. Ёш бола эмассиз, ўз хатти-ҳаракатингизни назорат қилишингиз, жамият олдидаги масъулиятни ҳис этишингиз керак.

— Жамиятнинг бу ерда нима дахли бор, ахир?

— Нега даҳли бўлмас экан. Биз ҳар хил сигналлар оляпмиз. Бу сигналлардан муайян хulosалар чиқаришимиз лозим. Бизнинг комсомол ташкилотимиз ҳатто сизнинг масалангизни бюрга қўймоқчи бўляпти... Сизнинг ўзингиз ҳам, менимча, бюро аъзосисиз, тўғрими?

— Ҳа.

— Кўряпсизми. Сиз комсомол бюросининг аъзосисиз, бошқаларга намуна бўлиш ўрнига ўзингиз бунақанги но-лойиқ ишлар қилиб юрибсиз. Фақат комсомолларгина эмас, идорамизнинг бошқа мўътабар ходимлари ҳам сизнинг хатти-ҳаракатингиздан жуда норози бўлишяпти.

«Дадаш», дея ўйлади Заур дарҳол.

— Ўртоқларнинг фикрича, сизнинг бу хатти-ҳаракатингиз коллективимизга доғ туширади, ёшларнинг ахло-

қий тарбиясига салбий таъсир кўрсаатади, умуман бу бизнинг ахлоқ кодексимизга зиддир.

— Мен ариза бериб ишдан кетишм мумкин.

— Ҳа бўлти, ҳаддингиздан ошманг. Мен колективнинг фикрига бефарқ қола олмайман... Сиз ҳам ҳали ёшсиз. Бутун ҳаётингиз олдинда, келажагингиз порлоқ бўлиши мумкин, агар ҳозирданоқ ақлингизни йигиб олсангиз, бемаъни ҳаракатларга йўл қўймасангиз, агар сиз...

Заур унинг сўзини охиригача эшитмай хонадан чиқиб кетди.

\* \* \*

Заур эшикни ўз қалити билан очиб ичкари кирди, ҳозиргина ёзиб келган аризасининг – ишдан бўшашиб ҳақидаги аризасининг ҳар бир сўзини қайта ёдидан ўтказди... Хўш, энди қаерга ишга киради? Ишга кириш учун унга ёрдам бериши мумкин бўлган таниш-билишларини эслашга тутинди... Геология экспедицияларининг бирига қўшилса бўлади, бу ҳақда ўйлаган заҳоти Озар Мардонов ёдига туцди. Улар университетда бирга ўқишган, ўшандан бери дўст эдилар. Озар ҳозир Филизчой деган томонларда, шекилли. Агар бу иш амалга ошса, Заурнинг тақдиди бутунлай бошқача бўлиб кетар, Таҳмина билан муносабатларида ҳам муайян бир бурилиш содир бўларди: ахир ҳар куни Таҳминанинг уйида – ҳар ҳолда, бир пайтлар Маннопнинг гўшаси бўлган уйда яшаш унга оғир эди... Манноп, албатта, Заурнинг бу ерда яшаётганидан хабардор эди, аммо у уйни алмаштириш ҳақидаги қарорни ижро этиш учун Таҳминани бирон марта ҳам шошилтиргани йўқ эди. Таҳмина ҳам бу олижанобликни тушунар, кўпроқ унинг ўзи шошилмоқда эди. У зудлик билан бу жойни иккита алоҳида алоҳида жойга алмаштиришни истар, бироқ қилинаётган таклифларнинг ҳеч бири унга ёқмасди. Ана шу мақсадда у кўпинча телефонда узундан-узоқ гаплашар, турли-туман жойларни бориб кўтар, ҳатто қайситир бир жойга – Заур буни билганда жинни бўлиб қолаёзган эди – Спартак билан бирга борган эди. Буни Заурга Таҳминанинг ўзи айтиб берганди...

Телефон жиринглади, Заур дастакни олди:

— Заур? Салом, мен Мухторман.

Заур:

- Танидим, – деди. – Таҳмина уйда йўқ.
- Қачон келади?
- Билмайман.
- Кечирасиз.

Заур диваннинг устига чўзилиб шифтга тикилганича сигарет тортарди. Қаерда бўлиши мумкин Таҳмина? Ҳар ҳолда ишда эмас, йўқса Мухтор қўнғироқ қилмасди. Унда қаерда? Бу ҳақда ўйлашдан маъно йўқ. Ўзидан сўрасанг, тикувчиникида эдим, этикдўзникида эдим, тиш дўхтирига боргандим, дугонамникида эдим, уй кўргани кетгандим, деган юз хил важ-корсон келтиради, бу важларнинг қай бири рост, қай бири ёлғонлигини суриштириб бўлмасди, суриштиришни истамасди Заур, аммо ҳеч бирининг юз фоиз тўғри эканлигига ҳам ишона олмасди.

Телефон жиринглади. Заур дастакни кўтарди:

- Эшитаман.

Дастакни дарҳол қўйиб қўйдилар: ту-ту-ту...

Заурнинг миясидан, тез орада яна телефон қиласидилар, деган фикр кечди, ҳар сафар дивандан туриб телефон олдига боришга эринарди, шунинг учун телефонни таглиги билан диваннинг ёнига келтириб қўйди, энди ётган жойидан чўзилиб бемалол дастакни ола биларди.

Ярим соат ўтгач, тагин телефон жиринглади. Заур дастакни олди, ҳозир қўйиб қўядилар, деб ўйлади, бироқ телефондан Мухторнинг овози эштилди:

- Мени кечиринг, Заур, Таҳмина ҳали келмадими?
- Йўқ.
- Қаерда бўлиши мумкин?
- Билмадим.
- Илтимос, келган заҳоти менга қўнғироқ қилисин. Зарур ишим бор. Ўзим ҳам ҳар замон қўнғироқ қилиб тураман.

Заур ҳеч нарса демади...

Анжир бутасига тикилиб қолди. Таҳмина бу анжир ҳақида жуда кўп гапирав, тўғрироғи, бу бутани уларга совға қилиб келтирган альпинист дўстларининг суҳбатларини такрорларди: қайдандир Нахичевон тогларидан, Кемақоянинг ёнидан топган эканлар бу бутани. Кемақоя деган ерда, ривоятларга кўра, Нуҳнинг кемаси лангар

ташлаган экан. У жойларда, альпинистларнинг айтишича, қояларга Гўбустон қояларидаги каби ажойиб расмлар чизилган эмиш...

Телефон жиринглади:

— Эшитаман.

Яна қўйиб қўйдилар: ту-ту-ту...

Заур эрталабдан бери туз тотмаганди, аммо ўрнидан туриб ошхонага боришни, эрталабки овқатни илитишни ҳам истамасди. Кўнглига ҳеч нарса сифмасди. Умуман, фақат шу алфозда чўзилиб ётиш, сигарет чекиш ва ҳеч нарса ҳақида ўйламасликни истарди. Ҳатто геология экспедицияси ҳақида, Филизчой партияси, Мардонов Озар тўғрисида ҳам ўйлашни истамасди. Унга бу геологик экспедиция гўё аслида мутлақо йўқ каби туюлар, бўлганда ҳам Заурнинг у ерга тушиши амримаҳол бўлган бир хаёлга ўхшарди... Умуман, унга ўз ҳаётида нажот йўли йўқдек туюлар, ҳозирги ҳаётига алмашадиган ва айни пайтда уни ўтмишга қайтармайдиган учинчи бир йўл, учинчи ҳаёт тарзи йўққа ўхшар, гўё унинг учун ҳамма нарса битъ тутаган, бутун йўллар боғланган, барча эшиклар ёпиликан эди...

Тагин қўнғироқ бўлди. Заур кулимсиради, чунки бу жавобсиз қўнғироқлар аниқ ва муайян бир изчиллик билан — ҳар ярим соатда жарангларди...

— Алло...

Қўйиб қўйдилар.

Соат тўққиздан ўтганда Заур безовта бўла бошлади. Заур Таҳминанинг бугун ишламаслигини, ишламаган кунлари эса бу вақтга қадар қолиб кетмаслигини биларди. Балки жадвал ўзгаргандир. Таҳмина бирорнинг ўрнига ишлаётгандир. Буни билиш жуда осон, туриб телевизорни қўйса кифоя эди, бироқ туриб хонанинг нариги кунжига боришга, телевизорни қўйишга ҳам ҳафсаласи йўқ эди. Мабодо у ишда бўлганида, Мухтор уни сўраб юрмасди... Деразадан Мадинаникига бўй чўзиб қаради, унинг ҳам уйида чироқ йўқ эди...

Соат ўндан ўтганида жиддий ташвишлана бошлади, Таҳминанинг бошига бир фалокат тушмадимикин, дея кўркувга тушди. Рона соат 11да яна қўнғироқ қилиб, бир сўз айтмай, дастакни қўйиб қўйдилар. Мухтор қўнғироқ қilmay қўйган эди. Албатта, агар бир сўз айтмай дастакни

қўйиб қўяётган Мухтор бўлмаса. У эмасдир-ов. Унақанги кишилардан эмасди Мухтор. Агар у бўлмаса, «зарур бир иш учун» қўнгироқ қилмай қўйган бўлса, демак, Мухтор Таҳминани топган ва Заур ортиқча ташвишланмаса ҳам бўларди. Таҳминанинг бошига ҳеч қандай фалокат тушу́ масди.

Таҳмина ўн икки яримда кириб кёлди, даҳлизда пальтосини ечаётганида тагин телефон жиринглади.

Заур:

— Телефонни ол, — деди.

Таҳмина:

— Ўзинг ол, — деди.

— Мен олсам қўйиб қўяяптилар, — деди Заур.

Таҳмина ҳорғин-ҳорғин:

— Биламан, — деди. У жуда эзгин кўринарди.

Телефон эса тинимсиз жирингларди.

Заур:

— Мухтор телефон қилди, — деди, — жуда зарур иши бор экан. Бу хабарни эшиттач, Таҳмина хотиржам телефонга яқинлашди, дастакни кўтарди, ниманидир эшитиб дарҳол қўйиб қўйди ва оғир бир қиёфада курсига чўқди.

Заур диққат билан унга тикилди.

— Қаерда эдинг?

— Жонимни онангнинг қўлидан қутқариш учун қочиб кетгандим, — жавоб берди Таҳмина ва бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Заур ўрнидан туриб Таҳминанинг ёнига борди, қўлларини унинг елкасига қўйиб:

— Сенга нима бўлди? — дея сўради.

— Чидай олмайман ортиқ, Заур, чидай олмайман...

Мадорим қолмади. Ҳар куни менга қўнгироқ қилиб, кўча сўкишлари билан сўгади, бошимга ағдармаган мағзаваси қолмади... Сен ишдан бўшаш учун ариза ёзган бўлсанг, бунда менинг нима гуноҳим бор ахир? Менинг ҳатто хабарим ҳам йўқ эди бундан. Онанг эса, судга бераман, мелисага хабар қиласман, ундоқ қиласман, бундоқ қиласман деб менга пўписа қиляпти... Менинг нима айбим бор, худойим? Худо ҳаққи, Заур, қайт уйингга, менинг ҳам қулогум тинчисин. Тинч қўйинглар мени, худо ҳаққи, сен ҳам, онанг ҳам. Ортиқ сабрим қолмади, тугади сабрим, худо ҳаққи...

Чопиб ваннахонага кириб кетди...

Заур деворнинг гулқоғозларига – Таҳминанинг таъбирига кўра Заур келган куни чечак каби очилган гул-қоғозларга тикилди, тунчироқнинг хира ёғдусида бу гул-қоғозлар энди бутунлай бошқача кўринарди... Заур сигарет чекар, миясида турли-туман фикрлар чарх урар, ўзи ҳақида, Таҳмина ҳақида, онаси ҳақида ўйларди.

Таҳмина ванинадан чиқиб келди, эгнида ҳаворанг ҳалат, қиёфаси ҳамиша ҳаммомдан чиқиб келгани каби сокин, хотиржам, покиза эди; гўё бутун қайгуларини, дарду фамини, азоб-азиятларини ювиб ташлагандек эди.

Телефон жиринглади. Заур телефонга ташланди, дастакни кўтариб яна қўйиб қўйишларини билгани учун шошганича:

– Ҳой ойи, нега ахир бундай қиласан? – деди. Телефоннинг нариги томонидагилар жим эди, бу сукут бир муддат давом этди. Заур тағин тап бошламоқчи эдикি, бандоғ дастакдан кулгу товуши эшитилди – эркак кишининг овози қаҳқаҳа уриб куларди...

Заур дастакни қўйди, Таҳминага ҳеч нарса демади. Нима маъноси бор эди бирон нарса дейишнинг. «Унинг кимлигини мен қаердан биламан, – дерди Таҳмина, – мен бу барча телефон хулиганларини қайдан танийман?»

Кейинги кунларнинг аччиқ тазийқларидан, гиди-бидиларидан, таънали сўзларидан, заҳарли кинояларидан, шубҳаларидан, асабийлигидан сўнг илк бора Заур Таҳминани ана шундай сокин, хотиржам ҳолда кўриб турарди. Ҳаммомдан кейин доимгидек фоят гўзал эди у. Сочларини шампунъ билан ювган, қайсиdir ўрмон гиёҳларининг, қандайдир дараҳт япроқларининг атри бор эди бу шампунда ва бу атир Таҳминанинг соchlарига, бутун баданига сингган эди.

Заур уни ўпичларга кўмиб ташлади, гўё улар илиқ бир баҳор куни ўрмондалар, атроф яшилликка, саринликка, қалин япроқлар орасидан тушаётган күёш нурларига гарқ бўлган, муҳаббатларининг илк кунларидаги каби баҳтиёр ва ҳамма нарсадан фориф эдилар... Таҳминани силаб-сийпар, эркалар – бу навозишлар, эркалашлар, ўпишларнинг охири йўқ, чўзилгандан-чўзиларди, иккаласининг ҳам юрагида бир оғриқ ҳоким – гўё бу ёнишларнинг тугашига оз, жуда оз қолган эди...

\* \* \*

- Сакина, аризамни директорга бердингми?
- Йўқ, мендан Дадаш олди.
- Дадаш? Дадашнинг бунга нима дахли бор?
- Директор билан ўзим гаплашаман, деди. Унинг ёнига киришингни илтимос қилди. Дадашнинг...

Дадаш:

- Яхши, сен бир оз тўхтаб тур, — деди ва бурчакдаги столда ўтирган Курбон томонга қараб-қараб қўйди. — Аризанг шу ерда, менда турибди.

— Мен ахир сизга ёзмагандим-ку аризани.

- Биламан, биламан, бироқ сен билан жиндай гаплашиб олмоқчиман. — Яна ўқрайиб Курбон томонга қаради. Курбон бошини қуии согланича гўё ўз иши билан машғул, аммо қулоқлари динг эди. Дадаш аризани Заурга узатди. — Ма, ол аризантни, қачон истасанг мудирга олиб киришинг мумкин. Аммо сенга кичик бир илтимосим бор, иккаламиз жиндай гаплашиб олсак, сўнг хоҳлаган пайтинг киравер директорнинг олдига, директор қочиб кетмайди-ку, ахир, куннинг охиригача шу ерда бўлади. — Дадаш Курбонга қараб деди: — Курбон, малол келмаса, бирпас чиқиб тур. Менинг Заурга шахсий гапим бор.

Курбон қовофини солиб судрала-судрала хонадан чиқди, чиқишдан аввал столининг ғаладонлари билан овора бўлди: очди, ёпди, қофозларни тартибга солди, кўтарди, қўйди, қисқаси, хийлагина уларнинг, хусусан, Заурнинг асабларини ўйнади. Ниҳоят, хонадан чиқиб эшикни ёпди.

— Биламан, Заур, — гап бошлади Дадаш, — мен билан муносабатинг унча яхши эмас. Сабабини ҳам биламан. Аммо, имонинг комил бўлсинким, мен сенга ёмонликни рано кўрмайман, эртами-кечми буни ўзинг ҳам англаб етасан. Мен аризантни онангнинг хоҳишига кўра олиб қолдим. У қаердандир тасодифан билиб қолиб, менга кўнгироқ қилди. Гал шундаки, отангнинг мазаси қочиб қолибди.

Заур ҳаяжондан сапчиб туриб кетди.

— Йўқ, йўқ, ташвишланма, жиддий бир гап йўқ. Кон босими бир озибди, аммо менинг ўзим дўхтири билан гаплашдим, у қўрқадиган жойи йўқ, деди. Асабдан, холос, бир-икки кун ичига аслига қайтади, ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб кетади. Энди сендан илтимосим шуки, бир-икки

кун сабр қил, отанг эшитмасин бу гапни, эшитса тағин асабийлашади, ҳозирги вазиятда эса, ўзинг тушунасанки, у асабийлашмаслиги керак... Онанг ҳам худди шуни илтимос қилган эди мендан. Аввал отанг тузалсин, ана ундан кейин аризангни олиб кир, ишдан кетсанг кетавер, бу ёғи ўзингнинг ишинг.

— Отам ётиб қолибдими?

— Йўқ, онангнинг айтишича, уйда юрган эмиш, аммо ишга чиқишга дўхтирлар ижозат беришмабди. Эртага кўргани бораман уни... Истасанг, бу аризанг ҳам менда қолсин. Ҳеч бўлмаса душанбагача кут. Мен директор билан гаплашдим, анови муовин ҳам бир оз қўпол киши, сенга бир оз дағаллик қилган экан, бу масалани ҳам директорга етказдим, бунақа бўлмайди ахир, дедим, бунақанги нозик масалалар ҳақида бу тарзда гаплашиб бўлмайди, ўзи ёш мутахассис бўлса, дедим. Ахир ёшни, тажрибани ҳам мундоқ ҳисобга олиш керак.

Заур:

— Ёшнинг бунга ҳеч дахли йўқ, — деди.

— Йўқ, шу маънода айтдимки, бироннинг ишига бундай қўполлик билан бош суқиши одобсизлик, жоҳиллик бўлади, дедим. Наҳотки, бу масалани қўполлик, расмий маъмуриятчилик йўли билан ҳал этиб бўлса? На илож, шунақанги ҳовлиқма одамлар ҳам учраб туради...

Кўйлагининг терли, кир ёқаси, у ер-бу ерида сигарет чўғидан ҳосил бўлган тешикчалар — бу кимсанинг бутун қиёфаси Заурнинг кўнглини айнатарди. Қўллари нақадар калта, бармоқлари нақадар қисқа бу одамнинг, ё тавба, гўё у илк бор кўраётган эди Дадашнинг қисқа бармоқларини.

Заур ўрнидан турди:

— Яхши, — деди, — душанбагача кутаман.

Дадаш:

— Ўтири, — деди, — сенга яна бир-икки оғиз гапим бор. Аммо охиригача тинглашингни истардим... Кеча Таҳмина билан гаплашган эдик. — Бу жумлани у шошиб-пишиб айтди, гўё ҳозир Заур унинг оғзига бир тушириб, чиқиб кетади-ю, сұхбатлари чала қолишидан қўрқаётгандек эди.  
— Кеча оқшом бўйи Таҳмина билан сұхбатлашдик. Кўнглингга бошқа гап келмасин тағин...

Заур негадир Дадашнинг қисқа бармоқлари ҳақида, кичик қўллари ҳақида ўйларди. Бундай кичик қўллар билан Таҳминани қандай қилиб қучоқлаш мумкин, ажабо?

— Сен менинг унга муносабатимни биласан. Нима бўлганида ҳам менинг унга муайян хайриҳоҳлигим бор ва унда, дарҳақиқат, анча-мунча яхши жиҳатлар мавжуд.

«Қўллари ҳам, бармоқлари ҳам кичик, ниҳоятда кичик». Заур лом-мим демай ўтиради.

— Ҳа, айтмоқчи эдимки, мен кеча Таҳминага қўнғироқ қилдим. Учрашдик ва ҳамма нарсани атрофлича гаплашиб олдик.... Заур, менга ишон, ораларингизда неки бўлган бўлса, ҳаммаси ўтди, бари тугади. Таҳмина-ку буни англаб етибди, тез орада сен ҳам англаб етасан, аммо анча кечанглайсан ва то ўшанга қадар ҳам ўзинг азоб чекасан, ҳам бошқаларга, шу жумладан, ота-онангта азоб берасан... Илтимос қиласман, сўзимни бўлма, охиригача эшиш мени. Мен ҳаммасини яхши тушунаман — бир-бирингизни учратиб қолгансиз, бир-бирингизни ёқтиргансиз, бир-бирингизга боғланиб қолгансиз, буни муҳаббат дейсизми, севги дейсизми, қандай атасангиз атанг, менинг эътироғим йўқ. Иккингиз ҳам ёшсиз, соғломсиз, кўрса-кўргуликсиз, бир-бирингизни жалб этгансиз, бунинг нимаси гуноҳ?.. Биласман, ҳаммасини биласман. Москвада ҳам бирга бўлгансиз, ҳозир ҳам бир жойда яшаяпсизлар. Аммо, йигит, ишон менга, бир кун ҳаммаси ниҳоясига етади, энг қизғин эътироғлар ҳам тугаб бўлади. Агар эркак кишини аёл билан эътироғдан бошқа боғлаб турадиган нарсалар, яъни оила, болалар, никоҳ кабилар бўлмаса, унда бу алоқалар даҳшатли оқибатларга олиб борадики, буни гапиришнинг ўзи ортиқча.

Заур Дадашнинг нутқидаги ҳар бир оҳангни яхши англарди; ишқдан, муҳаббатдан сўзлагандаги — кинояларини, ёшликтан, гўзалликдан гап очганда — ҳасадини, ораларида ҳамма нарса тугаб бўлганидан гап очганида лаззатларга тўлишини — ҳамма-ҳаммасини илғаб турар эди. Заур шуни ҳам билардики, бу кексаларга хос вазминлик, бу ҳалим муомала, бу ўйтит-насиҳатлар — барчаси бир мақсадга қаратилган эди: Заурни эгиш, қайириб олишни, таҳдид-пўписалар, таъналар, маъмурий тадбирлар билан

эриша олмаган мақсадларга Дадашнинг муғамбirona до-  
нолиги, мўътабар маслаҳатлари, қўймижоз феъли билан  
эришишни истардилар. Ҳали бу ҳам ҳолва эди. Энг даҳ-  
шатлиси ўзу эдики, Заур ич-ичида Дадашнинг айтганлари  
тўғри эканлигини, унинг сўзлари чин, омонсиз, яланғоч  
ва ягона ҳақиқат эканлигини чуқур ҳис этарди. Фақат бир  
нарсани – бу гапларнинг барчасини, эҳтирослари тутаб  
битганини, биргаликдаги ҳаётлари ниҳоясига етганлигини  
Дадашга Таҳминанинг ўзи айтганмикан ёки буларнинг бар-  
часи Дадашнинг гумонлари, рост чиққан фаразларимикан  
– у ана шуни билмасди. Ҳар ҳолда Таҳминанинг Дадаш  
билан учрашганига шак-шубҳа йўқ, эди.

– Ҳамма нарса сенга бу қадар даҳшатли фожиа каби  
кўринавермасин энди, – деди. – Қиёмат деб билма ҳар  
нарсани. Умрингнинг охири эмас-ку, ахир бу, нари борса,  
анчайин бир эпизод, холос. Ҳаёт нақадар узунлигини  
билсанг эди. Заур, умр қисқа деб ёлғон айтадилар, биз  
жуда узоқ яшаймиз, жуда узоқ, шу қадар кўп нарсаларни  
кўрамиз, шунчалик кўп воқеаларни бошимиздан кечира-  
мизки, умримиз бўйи кириб-чиққан кўчаларимизнинг  
ҳисобига етиб бўлмайди, кексалар айтганидек, дунёни  
тишимида кўтариб катта қиласми. Ҳозир ажралиб кет-  
сангиз, умрингизнинг бу кунларини ҳамиша ёқимли бир  
таассурот, енгил бир ғусса билан ширин туш каби эслаб  
юрасиз, аммо алоқаларингиз давом этса, бу беҳудуд бир  
азоб-азиятга айланади... Роса еб бўккандан кўра ҳар нар-  
садан оз-оз тотишнинг ўзгача лаззати бор, ишон менга. –  
Бу сўзларни айтгач, Дадаш илжайди, бу сўзлардан сўнг  
Заурнинг кўзи олдида қачонлардир кўргани бир манзара  
жонланди: Дадаш миқти, калта бармоқлари билан яхна  
тovуқни майдалаб оғзига тиқмоқда, ҳаво жуда иссиқ, тер  
ва ёф бир-бирига қоришиб иягидан бақбақасига, кир ёқасига,  
томогига, кўкрагига оқиб тушмоқда...

Заур ўрнидан турди, ҳеч нарса демай эшик сари юрди.  
Дадаш унинг ортидан:

– Бугунми, эртагами отангдан бир хабар ол, – деди. –  
Сени кўриши биланоқ бутун дард-алами тарқаб кетади...

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

*Фатҳи майхона учун ўқир эдим фотиҳалар,  
Зораким биза сори очила бир ёниғ эшик.*

Нашриётдан чиқиб аста-секин кўча бўйлаб кета бошлади. Уйларига боришни истамасди. Ўз-ўзидан кинояли кулди: «Уйимизга...» Унинг уйи борми энди. Унинг «уйим» дегани – Маннопнинг олдинги гўшаси эди.

Бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилди. Бошқа нарсалар билан чалғимоқчи бўлди ва бирдан қаттиқ очиққанини сезди. Таҳминанинг ошхонасини эслади, тушундики, ҳозир уйга борса Таҳмина овқат пишириб унинг олдига қўяди, Заур ҳам индамай овқатни ейди, ҳар иккаласи ҳам ломмим демайди, чунки иккаласи ҳам биладики, ҳар қандай суҳбат охир-оқибат уриш-жанжал билан якунланади ва бу жанжал, эҳтимолки, охирги жанжаллари бўлади... Мабодо жанжаллашмай, шунчаки суҳбатлашсалар, бир-бирларини англашга, тушунишга ҳаракат қилсалар, вазиятларини, муносабатларини, ҳислари ва фикрларини бир-бирларига оғир-вазмин изҳор этсалар-да, бунинг ҳам ягона натижаси айрилиқ бўлади, ҳар иккаласи ҳам қатъий ана шу қарорга – ажралиш қарорига келишади...

Троллейбусга чиқмади, хиёбон оралаб кетди. Хиёбонда ҳеч ким йўқ эди. Ҳаво мулойим, агар дараҳтлар яланғоч бўлиб қолганлигини айтмаса, куз эндигина киргандек туюларди. Аммо дараҳтларнинг урён новдаларигина эмас, тезда қош қорайиб қолиши ҳам кузнинг сўнгги кунлари кечётганидан, қиши кириб келаётганидан дарак берарди. Одамлар идораларидан чиққанларида ҳали атроф ёруғ бўлар, аммо уйларига йўл олишар экан, троллейбус ёки автобусда кетаётганида қўққисдан атроф қорайиб қоларди. Бу ҳол, айниқса, метрода юрувчиларга аниқ билинарди. Улар атроф ёруғ бўлган бир пайтда ер остига тушиб кетар, ер юзига чиққанларида эса қоронгилик шаҳарни ўз оғушига олган бўларди...

Заур хиёбон ичидан юриб борарди. Соҳил бўйи хиёбонида қатор тизилган ойнаванд кабобхона, чойхона, қандолат дўконларидаги чироқлар атрофга ҳазин ва мулойим нур сочарди. Бу ойнаванд емакхоналарда – гўё аквариум

иҷидаги каби – яккам-дуккам одамлар ўтиришар, улар худди шуъла, ҳарорат атрофида тўплангандар ўхшардилар. Улар бир-бirlари билан майин-майин сұхbatлашишар, гўё бу ердан чиққилари келмасди. Ўчоқ бошидаги сұхbatлар каби ўзига жалб этарди бу ўтиришлар. Баъзан инсон бегона шаҳарнинг меҳмонхоналарида ана шундай бир илиқ нафасга, ўтиришга эҳтиёж сезади – бунда ҳам инсонларнинг ичиди, ҳам улардан айри бўласан – сен ҳеч кимни билмайсан, сени ҳам ҳеч ким танимайди, аммо ҳар ҳолда, қайдадир жуда яқинда сенга ўшаган инсонлар бор, сенда улар билан сұхbatлашиш, савол-жавоб қилиш мажбурияти йўқ, айни пайтда уларнинг илиқ қаҳ-қаҳаларини эшитиб турасан...

Кабобхонанинг мўрисидан тутун чиқар, лаззатли ҳидлар димоққа урилади. Заур ҳам бурилиб кабобхона сари юрди.

Одам сийрак эди. Тўрт киши бир-бири билан қизғин мубоҳаса қилар, бир-бirlарига Аҳмадов чиндан ҳам ифлоснинг ифлоси, аммо Оғаев ундан ҳам баттар киши эканлигини исботлашга уринардилар.

Бошқа бир столда иккита ёш йигит, бурчакдаги тўртинчи столда эса бир жуфт йигит-қиз ўтиради.

Заур эшикка орқа ўтириб ўтиради. Пештахта ортидаги буфетчи радио қулогини буради, ниҳоят, у концерт берадётган Эрон станциясини топди... Бошқа икки хизматчи ошхона эшигининг олдида валақлашарди. Заур анча ўтириди, ниҳоят, хизматчилардан бири элан-қаран унинг олдига келди. Заур кабоб ва икки юз грамм ароқ буюрди. Бир оздан сўнг хизматчи кўкат, пишлоқ, бир шиша «Бодомли», устига кунжут сепилган нон ва кичик ноксимон графинда ароқ келтирди.

Заур ароқни қалин, қиррадор стаканга сузиб, бир кўтаришда бўшатди... Оч қоринга ичилган бу ароқ дарҳол ўз таъсирини кўрсатди, Заурнинг боши айланиб, бу ихчам кабобхонанинг, кучли электр печка билан яхшигина иситилган бу ойнаванд гўшанинг маҳрамлиги, ойналар ортида зулматга фарқ бўлган хиёбоннинг, оғир, қуюқ зулмат денгизининг дилга яқинлиги – буларнинг барчаси юрагини орзиқтириди: гўё бу ерда уймалашган одамлар ҳам, хизматчилар ҳам, семиз буфетчи ҳам унга азиз ва туғишгандек эдилар. Нигоҳини пештахтанинг нарёғидаги деворларга тикиди

— унда «Огонёк»дан кесиб олинган рангли суратлар, Зайнаб Хонларова ва Муслим Магамаевнинг портретлари, Стадиннинг генералиссимус формасида онаси ва ўғли билан бирга тушган суратлари, «Нефть» футболчиларининг фотосуратлари ёпиширилган эди... Тағин бир неча киноактисаларнинг сурати ҳам бор эди, Заур уларнинг отини билмаса-да, юзлари таниш эди. Заур жаҳд билан уларни қайси фильмларда кўрганлигини эслашга уринарди. Ленани, Москвада кино уйида танишгани Ленани таниди, шу заҳоти Москва саргузаштлари ёдига тушди. Мухторни эслади, худи шу пайт қулоқлари остида таниш бир овоз эшитилди:

— Хуш кўрдик!

Бошини кўтариб стол ёнида кулимсираб турган кишига кўзи тушди, бу — Мухтор Муҳаррамов эди... Фалати бир тасодиф эди. Гёё Мухтор Заурнинг ҳозиргина суроётган хаёлидан жонланиб чиққандек, қайсиdir жиннинг амри ила пайдо бўлгандек эди... Заур ўрнидан турди, қўл бериб кўришдилар.

— Марҳамат, ўтиринг, — деди Заур. Мухтор дарҳол стулни суриб ўтирди.

— Эндиғина сизга қўнғироқ қилмоқчи эдим, — деди Мухтор.

— Бизга, яъни Таҳминага, — дея ойдинлаштириди Заур.

— Йўқ, сизнинг ўзингизга, — деди, — Таҳмина билан телефонда гаплашдим, ҳали сизни ишдан келгани йўқ, энди келади, деди...

Заур: «Таҳмина мунча ўзига ишонмаса, — дея ўйлади, — шунчалик ишонадики, мени албатта келади деб ҳисоблайди».

— Сиз эса бу ерда, кабобхонада кайф-сафо қиляпсиз,

— Мухтор ароқ графинига ишора қилди.

Заур кулимсиради, ўз стаканига ва иккинчи тоза стаканга Мухтор учун қуиди.

— Ташвиш қилманг, — деди Мухтор. — Мен ҳозир айтаман, Ориф! — дея хизматчини чақирди.

Хизматчи дарҳол югуриб келди. Семиз буфетчи ҳам Мухторнинг овозини эшитиб пештахта ортидан бош силкиганча ҳол-аҳвол сўрашди.

Ориф:

— Мухтор муаллим, хуш келибсиз, — деди. — Анчадан бери қорангизни кўрсатмайсиз?

Мухтор:

— Ишлар кўп, — деди. — Нодир кўринмайди?

— Нодир ҳозир келади. Ўзимиз шу ерда, қандай хизмат бўлса, бизга айтаверинг.

— Яхши, биз учун яхшилаб қовурма тайёrlа, икки сихдан ёғли гўштдан қовурға кабоб бўлсин.

— Бош устига!.. Нима ичмоқчисиз?

— Йўқ, кўрсатувим бор, мен ичолмайман.... Майли, икки юзта ароқ келтира қол. Заур муаллим билан бир ҳазми таом қилайлик...

Хизматчи кетди. Мухтор:

— Нодир бу ернинг каттаси, — деди. — Фалати йигит.

Заур:

— Мени нега ахтардингиз? — дея сўради.

Мухтор жавоб бериб улгурмай, Заурнинг боши устидан очилган эшик томон боқди. Сўнг ўрнидан турди.

— Ҳе, Хизрни йўқласак бўларкан, — деди. — Нодир домланинг ўзлари ҳам келиб қолдилар.

Заур ҳам орқага ўгирилди ва эшик олдидағи басавлат, қориндор, юзларидан қон томиб турган кишини кўрди.

Нодир Мухторни кўриб тиржайди, оғзидағи тишларининг ҳаммаси тилла эди... Нодир шошиб уларнинг столи томон юрди.

— И-е, Мухтор муаллим, қадамларига ҳасанот... Кўпдан бери кўринмайсан, дўстим?

Мухтор:

— Танишинглар, — деди. — Менинг дўстим Заур.

Нодир бош силкиди, Мухторнинг дўсти эканлиги унинг назарида Заурни анча юқори мартабаларга кўтариб юборган эди.

— Нима гаплар, Мухтор муаллим?.. Кутамиз, интизор бўлиб кутамиз кўрсатувларингизни... Ҳам севинамиз, ҳам ҳасад қиласиз.

— Нимасига севинасану, нимасига ҳасад қиласан? — деди Мухтор.

— Ҳозир ҳаммасини битта-битта тушунтириб бераман.

— Нодир йўғон бўйини буриб ўтирамай елкаси оша бар-

моқларини қарсиллатган эди, Ориф югуриб келди. Мухторга қовурма ва ароқни ҳам ола келган эди. Нодир товоқقا кўз қирини ташлаб сўради:

— Ўша гўштданми?

Ориф:

- Биз ўз одамимизни танимасак айб бўлади, Нодир ака, Мухтор муаллимни ҳаммамиз жуда ҳурмат қиласиз.
- Нодир мамнун илжайди, бироқ графиндаги ароқни кўриб қошлири чимирилди.

— Бунинг нимаси? — деди.

Мухтор узроҳлик билан:

— Ишим бор, Нодир, кетишим керак, — деди.

Нодир:

- Йўқ, азизим, мен хафа бўламан, — деди ва Орифга,
- уберите эту мензурку, — дея мурожаат қиласр экан, қўшиб қўйди: — Ҳозирча кечаги экстрапардан биттасини олиб кел, биттасини холодильникка қўйиб қўй... У ерда — холодильнике пиво ҳам бор, қайсиини эканлигини билаётгандирсан, ҳозирча ўшандан уч-тўрттасини олиб кел, кетини яна ўйлаб кўрамиз.

Ориф топшириқни бажаргани кетди, Нодир вазминлик билан кабобхонада ўтирганларни кўздан кечирди. Сўнг:

— Шунаقا ишлар, Мухтор муаллим, — деди.

Ориф беш шиша чех пивоси келтиргандан кейин Мухтор:

- Бу яхши эмас, — деди, — қадрдон дўстларингни эсдан чиқариб юбординг.

— Йўқ, азизим, каминанинг заҳарига кеча кечқурун ўн яшик олган эдик, бугун сенга қўнғироқ қилмоқчи эдим, сен эса ўз оёғинг билан келиб қолдинг. Бир қутисини атай сен учун ажратиб қўйганман, сенинг ҳам мен каби чех пивосига ишқибозлигингни биламан-да, агар хоҳласанг ҳозир олиб кет.

— Йўқ, ҳозир ишга бораман, аммо эрта аzonда келиб олиб кетаман.

— Кўявер, овора бўлиб нима қиласан, ўзим жўнатаман уйингта.

Ориф қизил «Экстра» ёрлиқли ароқ шишасини очди,

янгидан олиб келган уч нозик қадаҳга қуиди-да, ўзи нари кетди.

Нодир:

— Ҳа, Мухтор муаллим, нега севинишм, нега ҳасад қилишимни сўрадинг-а? — деди.

Мухтор бу суҳбатни аллақачон унугтган эди, аммо Нодир вазминлик билан ўз фикрини шарҳдай бошлади:

— Шунинг учун севинамизки, Мухтор муаллим, сиз бизнинг фаҳримизсиз, бошимизга кўтаргулик одамсиз... Сиз — санъат кишилари — биз учун қуийб-пишасиз, бизнинг завқимизга завқ қўшасиз, шунинг учун ҳам сизларни хурмат қилиш бизнинг бурчимиздир, чунки сиз бизнинг фаҳримизсиз... Ҳасад қилиш масаласига келсак, бу масала бир оз бошқачароқ. Гап шундаки, ахир биз ҳам телевизор томоша қиласми. Уйда учта телевизорим бор — бизнинг шайтончалар нуқул Москвани томоша қилишни истайдилар, мени менсимайдилар, папа, русчани тўғри гапиролмайсан, дейдилар, мени итариб чиқариб юборади шайтонваччалар, ҳа, гап унда эмас, айтмоқчиманки, улар учун ҳам алоҳида телевизор олиб берганман, тўйгунингизча томоша қиласверинг Москвани, эшитсангиз эшитаверинг жаз-пазларни, менга Боку бўлаверади, ҳалиги комедия артистларимиз бор-ку, худо ҳаққи, уларни дунёнинг ҳеч бир Райкин-пайкинига алишмайман, дейман... Хотин шўрликнинг боши эса ошхонадан чиқмайди, унинг учун ҳам ошхонага битта телевизор қўйиб қўйганман, пиёз тўғраётганда кўрсин, маза қилсин, нима дедингиз? Ҳа-ха-ха! Бу ерда ишхонада ҳам битта телевизор қўйганман, ошхонанинг орқасида чоғроқ хосхонам бор, — негадир у Мухторга қараб кўз қисди, — ҳа, сенми, Мухтор муаллим, жуда доно одамсан, ернинг тагида илон қимирласа билсан, ҳа, хуллас, ўша ерга битта телевизор қўйиб қўйганман, ҳар замонда ўзим томоша қилиш учун... Дарвоқе, айтмоқчиманки, ҳар гал телевизорни қўйганимда, не кўз билан кўрайки, кўрсатув режиссёри Мухтор Мұҳаррамов деб ёздилар, экранда эса диркиллаган бир жонон пайдо бўлади. Қандингни ур, Мухтор муаллимнинг янги ўлжаси бу, дейман. Дикторми, артистками, бошқами — ҳар ҳолда ҳамиша бир тозасини, свежийсини, ҳалиги нима дейдилар, товада жизиллаб турганини чиқаради Мухтор муаллим...

Энди ўзинг айт, бунга ҳасад қилмай бўладими, биз бундай оғатижон билан танишиш учун минг ўлиб, минг тириламиз, Мухтор муаллим эса кунини ана шу гўзалларнинг ичидагузказади. Бу қандай гап, ахир? Яхши, ол буни, Мухтор муаллим, ҳалолинг бўлсин, гап бор-ку, беш кунликдир бу дунё, эплаганга жон фидо... ол қани...

Мухтор секин Нодирнинг қўлига қўлини қўйди...

— Айтмоқчиманки, ушбу қадаҳларни сенинг соғлиғинг учун олайлик, Мухтор муаллим. Умрингнинг охиригача ана шундай кайф-сафода яшагайсан. Биз ҳам сенинг соянгдан бебаҳра қолмайлик... Аммо ўртоқчиликда бу яхши иш эмас, аҳён-аҳёнда дўстларингнинг кўнглини ҳам шод қилиб тур-да, ахир. Ўша гўзаллардан бирини биз билан таништириб қўйсанг бирор жойинг камайиб қолмайди-ку.

Мухтор ҳазиломуз бир оҳангда, аммо айни пайтда анча жиддийлик билан:

— Хом гапларни гапирияпсан, Нодир, — деди. — Мени бирор билан адаштираётганга ўхшайсан.

Нодир дарҳол оҳангини ўзгартириди.

— Бўпти, бўпти, хафа бўлма, ҳазиллашдим, нима, эрким сифмайдими? Айтмоқчиманки, мен чех пивоси олганим заҳоти сени эслайман. Энди сен ҳам ҳамкасларингни, орасига ўша гўзаллардан ҳам қўшиб, Нодир оғайнингнинг олдига бир меҳмонга олиб келсанг осмон узилиб ерга тушмайди. Сен учун шундай дастурхон тузайки, лаззати бир умр оғзингдан кетмасин. Кейини билан сенинг нима ишинг бор?.. Бўпти, бўпти, энди бу борада оғиз очмайман, қани, олдик сенинг соғлиғинг учун.

Ичгандан кейин Нодир бу гапларни Заур бошқача тушунмасин дея изоҳ бера бошлади:

— Сиз бизнинг Мухтор муаллим билан анчадан бери дўст эканлигимизни билмасангиз керак. Кўнглингизга гёй бу йигит ўзига бирорта жонон тополмас экан, аёллардан касод экан, деган гап келмасин тағин. Вой-бўй, дўстгинам, бу аёлларнинг дастидан қайга қочиб яширинишимни билмайман. Қарға-қузғун каби бостириб келадилар устимга ҳар томондан. — Нодир бу сўзларни айтар экан, Заурдан кўз узмас, ногаҳон бу қорақош йигит мени лаққи деб, хотин учун ўлиб турган, кимнингдир ёрдамига муҳтоҷ экан деб тушунмасин, дея хавотирда эди.

— Биласанми, Нодир, — деди Мухтор, — иккаламиз-нинг ёшимиз имкони қадар аёллардан узокроқ юрадиган жойга бориб қолди.

Нодир Мухторнинг сўзларини эшитмаган каби суҳбатини давом эттириди:

— Яқинда бу ерга икки йигит билан бир қиз келди. Бизникларга ўхшамайди, бошқа шаҳардан эканликлари-ни дарҳол пайқадим. Йигитлар қилтирабгина туришибди — бирининг боши қал, кўзойнак таққан, иккинчиси ҳам ушоққина — «пүф» десанг қулаб тушади. Аммо қиз, худо ҳаққи, шунақсанги оғатижонки, термулиб кўз тўймайди. Баланд бўйли, қомати дуркун, юзи сутга чайилгандек, оёқлари шунақсанги узунки, худо ҳаққи, нақ елкасидан бошланган дейсан. Негадир булардан кўз узолмай қолдим. Ориф уларга хизмат қилиб туришибди, мен эса кўриб турибманки, қизнинг кўзлари олмакесак теряпти, атрофга шунақсанги жавдираб боқадики, менинг эса сочим ана шунақа ишларда оқарган... Кўриб турибманки, бу гўдакларнинг ҳеч бири қизнинг tengi эмас, иккаласининг ҳам қиз учун сўлаги оқиб ўтиришибди, аммо қиз уларни тирноқча менсимайди. Хийла камхаржроқ эканликларини ҳам кўриб турибман. Уч порс шашлик, битта вино буюрдилар. Ориф апельсин таклиф қилган экан, узундан-узоқ ҳисоб-китоб қилиб, ахийри, йўқ, керак эмас, дебдилар. Қарс урдим, айни пайти келди, дедим. Хуллас, ўзиям ноябрь ойи денг, дарҳол уларнинг столига ажойиб парник бодринглари, помидорларини жўнатдим, тасаввур қиляпсанми, ноябрнинг охирида янги помидор, бодринг... Уларнинг ёнида бир шиша антиқа конъяк... Аввал анави икки гўдак ичгандан сўнг гилдираб қолсин, дея икки шиша жўнатмоқчи бўлдим, мундоқ ўйлаб қарасам, бир шишага ҳам иккаласи чулдираб қоладиган. Хуллас, охирида катта бир даста ловуллаб турган қип-қизил чиннигул жўнатдим, бориб уларга, кабобхонанинг хўжайини сизларни меҳмон қиляпти, элизизнинг одати шунақа, деб айтгин дедим. Қарасам, учаласининг ҳам, айниқса, қизнинг кўзлари ёниб кетди... Бирдан миямга бу қиз тушмагурнинг ўзи ичиб, кайфи ошиб қолади-ю, гап нимадалигини тушунмай қолади, деган фикр келди. Ўзимнинг хусусий француз ликёrim бор эди. Мухтор муаллим, сен унинг қанақалигини яхши

биласан, аёл оғзига олиши биланоқ ўзини эркакнинг устига отади, ха-ха-ха,вой ярамас-ей... Хуллас, ана шу ликёрдан жўнатдим, аёл фақат шу ликёрдан ичсин, элимизнинг одати шунаقا деб айтгин, дедим... Хуллас, Ориф келиб, Нодир ака, қиз сени кўрмоқчи, бу саховатли, ажойиб инсоннинг ўзи қаерда деб сўрайпти, деди. Мендақа ажойибни кўрмагансан! Вой сенинг ўша... Йўқ, аҳмогинг бозорга кетган, дедим, ҳали вақт бор, ошнам, менинг афт-ангоримни кўриб еган-ичганинг бурнингдан чиқади, менинг сарфу харжим ҳам бир пул бўлади. Ҳозирча анави ликёрдан жиндай-жиндай ичиб тур, бирпастдан сўнг дунё кўзингга жаннат бўлиб кўринади. Падари қусур француzlар бунақанги ишларнинг пири бўлиб кетишган-да... Хуллас, мен бир бурчакда яширин кузатиб турибман, йигитлар роса чулдираб қолишиди. Орифга, бориб билгин-чи, улар қаерга жойлашишган экан, мудиримиз сизга меҳмон бўлмоқчи, шаҳримизнинг сувенирларидан тақдим қилмоқчи, деб айт дедим... Хуллас, Ориф уларнинг Прибалтикандан келишганини, «Боку» гостиницасидан жой олганликларини билиб келди. Табиийки, йигитлар бошқа хонага, қиз эса бир аёл билан бошқа хонага жойлашишган. Буни мен ҳар эҳтимолга қарши суриштириб олган эдим, аммо ҳамма иш ўйлаганимдан ҳам осон кўчди... Йигитлар чулдираб қолишиди. Уларни машинамга ўтқазиб, биласанки, ошхонанинг орқасида «Волга»м ҳамиша тайёр туради – гостиницага олиб бордим, қиз билан бирга йигитларни одобу назокатлар ила номерларига элтдим, каравотларига текисгина қилиб ётқиздим. Ҳаммасини шунақанги культурний қилдимки... Энди қизга келсак, у анча ҳушёр, аммо ликёр таъсиридан кўзлари сузилиб турибди, хуллас, одоб билан, лутфу назокат билан, афсус, дедим қизга, йигитларингиз анча заиф экан, бироқ сиз бутунлай ҳушёrsиз... Энди тунда шаҳарга чиқишингиз яхши бўлmas. Хонада ҳам зерикиб қоласиз, агар сизни машинада айлантириб, шаҳримизни кўрсатсан, нима дейсиз?

Қиз севинчдан ўзига сигмайди, кошкийди, сиздан жуда миннатдор бўлур эдим, дейди. Бу ерда менинг кўринишими, афт-ангоримнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Асосий гап шундаки, менинг машинам бор, ўзим ҳам жуда назокат билан, культурний муомала қиляпман. Бегона бир аёл

билан диққинафас хонада қолиб нима ҳам қиласы шүрлік, юраги торс ёрилиб кетади. Хуллас, ҳаммаси хамирдан қил суғурғандай кечди. Аввал Киров паркига олиб бордим, шаҳарни сайр қилдирдим, сүнгра «бир оз нарида, Бузовнада боғим бор», дея қизни сұхбатта чалғитиб, секин машинани шаҳарнинг четига бурдим.

Заур: «Муртузовларники каби, – дея ўйлади. – Ахир, уларнинг боғи ҳам Бузовнада-ку».

– Хуллас, боққа келиб етдик... Қолгани ўзингизга маълум...

Заурнинг эътиборини шу нарса жалб қилдики, бошида барча тафсилотларни миридан-сиригача сўзлаган Нодир ҳикоясининг охирини негадир юмалоқ-ёстиқ қилиб якунлади. Сабаби не экан? Нодирнинг уятчанлиги, ор-номусимикан ёки бошқа бирор гап борми? Балки устомонлик билан қилинган бу тузоқларга, конъякларга, ноябрда столга тўкиб ташланган парник помидорларига, бодрингларга, чиннигуллар ва француз ликёрларига қарамай, воқеа мутлақо Нодир орзу қилган натижага билан тугамагандир? Нодир ҳикоя қилган воқеа охирининг узилиб қолишига сабаб ҳам, эҳтимол, ана шу эди.

Тағин қадаҳларга Нодир қуйған ароқларни ичдилар. Мухтор соатига қаради. Нодир эса бошқа бир аёл билан боғлиқ янги ҳикояни айта бошлади. Бир аёл хушимни ўғирлади, деб бошлади у, бу жонон билан танишиш учун ўтидан кириб кулидан чиқишига тайёр эдим. Ниҳоят, умумий бир танишимиз топилди ва илк танишувимиз шарафига у аёлга кремплин парча совға қилмоқчи бўлдим. Бир дўстим мени складга олиб бориб, уч хил – кулранг, яшил ва ҳаворанг кремплин қўрсатди... Аввал учаласидан ҳам олиб жўнатмоқчи бўлдим, кўнглига ёққанини танлаб олсин, дедим, аммо бу латтапараст учаласини ҳам олиб қолса, ҳолим нима кечади деб қўрқдим, йўқ, бунақада хонавайрон бўламан, бошидан бунга ўргатсам, кейин унинг юки остидан қандай чиқаман, деб ўйладим. Ўзим ҳаворантлисини танлаб жўнатдим, хуллас, кечқурун меҳмонга боришимни билдиридим. «Монолит»дан бир кўча нарида ёлғиз яшар эди... Адресини кўпдан бери билардим, кечқурун яхшигина бир тугун тайёрладим – тўрт-бешта свежий табака, ичимлиги ичиди, апельсин, бир даста гул – ҳамма-

си рисоладагидай... ҳа, тағин янги помидор билан бодринг...  
Ўзиям ноябрь ойлари эди...

Заур шу нарсага эътибор бердики, Нодирнинг барча муҳаббат мажаролари ноябрь ойида содир бўлади ва йилнинг ана шу пайтида помидор, бодринг топа олиши билан Нодир алоҳида фахрланади... Нодир кимгадир жуда-жуда ўхшаб кетарди, аммо кимга, Заур ҳарчанд уринмасин, буни ҳеч топа олмас эди.

Нодирнинг бу ҳикояси ҳам аввалгиси каби қўққисдан, юмалоқ-ёстиқ натижа билан тутади ва у тағин бошқа бир воқеани ҳикоя қила бошлади... Энди хусусий каюта олиб, бир таниши билан кемада Красноводскка борганидан сўзлар эди. Бу таниши бигта узукни уч марта олдирган эмиш Нодирга. Биринчи марта қимматбаҳо бир узукни Нодирга кўрсатиб, «Бу узукни менга келтирибдилар, ҳайронман, олсаммикан, олмасам» – дебди. Нодир: «Кўнглингга ўтираса, албатта ол», – дея пулини чиқариб берибди. Бунда илк бора – бошқа-бошқа каютада Красноводскка боришлари экан... Орадан ярим йил ўтгач, у (Нодир бу воқеани унутиб юборган бўлса керак деган хаёлда) худди ўша узукни Нодирга иккинчи марта кўрсатиб, аввалги гапларини такрорлабди: «ҳайронман, олсаммикан, олмасам». Нодирнинг кайфи бор эканми ёки ростдан ҳам эсидан чиқарган эканми, ҳар ҳолда бу сафар ҳам фарқига бормасдан «албатта ол», деб пул чиқариб берибди ва улар иккинчи марта кемада Красноводскка борибдилар. Бироқ орадан уч ой ўтгач, Нодирнинг кайфи таранглигига тағин ўша узукни кўрсатиб, айни аввалги сўзларни такрорлаган экан, Нодирнинг тепа сочи тикка бўлиб кетибди: «Менга қара, ҳой манжалаки, – дебди у, – истасанг ўнта бармоғингга ҳам худди шунақанги узук олиб бераман, аммо мени лақиллатишинг нимаси?.. Мен сенинг душманингманмики, менга бу узукни учинчи марта олдиряпсан?»

– Шунақа, хотинларнинг қиссаси узун, – дея ўз сўзини якунлали Нодир, – гапирган билан адо бўлармиди?

Заур ҳар қанча қилса ҳам, бу одамнинг кимга ўхшашини эслай олмасди. Гапиришлари, афт-ангори ўхшамас, аммо нимасидир кимгадир жуда-жуда ўхшаб кетарди. Тўхта, тўхта... Гўё алланарса Заурнинг идрокида ойдинлаша бош-

лади, аммо Нодир дарҳол унинг фикрларини тўзғитиб юборди. У Заурга қараб:

— Келинг, мана шу қадаҳларни сизнинг соғлиғингиз учун ичайлик, — деди. — Кечирасиз, сиз қайси соҳада ишлайсиз?

— Нашриётда ишлайман, — жавоб берди Заур.

Нодир:

— Яшанг, — деди, — нашриёт ходимлари барчамизнинг фаҳримиздир, бошимизга кўтаргулик кишиларсиз... Сизлар бизга маънавий озиқ берасизлар, сизларни қанча ҳурмат қилсан оз... Нашриётда китоб чиқарасизлар-да, ё адашдимми? Ҳа, раҳмат... Китоб — билимнинг онасидир. Энди китобсиз бир қадам ҳам юриб бўлмайди... Отам раҳматлик — ўтганларни худо раҳмат қилисин, — менинг ўқиб олим бўлишимни, китоблар ёзишимни орзу қиласарди. Амаким ҳам мени кўрдими, бас, ўша заҳоти, оиласизнинг номига фақат сен доғ туширдинг, дея дийдиёсини бошлайди. Ҳақиқатан ҳам наслимизнинг ичидаги энг ношуди мен бўлдим. На илож, вақтида ақлим кирмади, ўқиб бирор шаҳар ололмадим, мана энди амаллаб тирикчиликни ўтказиб юрибмиз-да. Қариндош-уруғларимнинг барчаси ўқиган кишилар, аммо бир нарсага сира тушунмайманки, бу ўқиган кишилар кунда-кунора менинг олдимга келиб, пулга зориқиб қолдик, озроқ қарз бераб тур деб сўрайдилар, — дея Нодир қаҳ-қаҳа урди. — Ҳой Мухтор муаллим, бу бир ҳазил, кўнгилхушлик-да, ўзимизни ўзимиз хурсанд қилалими-да энди. Аммо амаким чиндан ҳам буюк одам. Манман деган олимдан зўрроқ... Ҳа, ўрни келганда айтай, у ҳам нашриётда ишлайди, балки танирсиз? Ислами — Дадаш.

Заур: «Дадаш-ку ахир, — дея ўйлади, — наҳотки шунчайтаб тополмаган бўлсам бу одамнинг кимга ўхшашлигини? Манави кичкина қўллар, бу қисқа, миқти бармоқлар — ҳаммаси худди Дадашники-ку».

Заур савол эмас, тасдиқ оҳангиди:

— Жабборов Дадаш, — деди.  
— Танийсизми?

Заур:

— Бир жойда ишлаймиз, — деди ва англадики, тамом, ҳамма нарса бир нуқтага келиб етди. Бутун иплар бир-бири

билин боғланиб бўлди. Ҳозир Нодир яна янги ҳикоясини бошлайди ва бундан унинг Таҳмина билан танишлиги маълум бўлади.

— Тасодифни қаранг-а, — деди Нодир. — Йўқ, бу масалани бундай енгил-елпи ҳал қилиб бўлмайди. Бу воқеани биз бошқача нишонламоғимиз керак. Ҳой Ориф! — деда чақирди у, — қани ҳалиги ароқдан олиб кел-чи.

Аммо Мухтор:

— Йўқ, йўқ, — деди, — мен энди ичмайман, кетишим керак. Шошиб турибман. Бошқа галга қолдирайлик. Тағин ўзингиз биласиз, балки Заур билан иккалангиз ичмоқчилирсиз? Ҳар ҳолда, мен кетаман.

— Йўқ, — кўнмади Заур, — мен ҳам шошиб турибман.

— Йўқ, сиз менинг дилимни ранжитяпсиз, — деди Нодир. — Келинг, дастурхонни янгилайлик, бир-икки сих иссиқ кабоб келтирсинг, битта ароқ, осмон узилиб ерга тушмас, иш қочмайди-ку, ахир... — аммо Мухтор унга қулоқ солмай секин ўрнидан турди, «кечирасиз, бир минутга» — деда қаёққадир чиқди ва бир оздан сўнг қайтиб келиб:

— Заур, кетасизми? — деди.

— Албатта, кетаман, — ўрнидан турди Заур ва Нодирга қараб: — Қанча бўлади? — деб сўради.

Мухтор:

— Етади, — деди.

— Қанақасига? — Нодир сапчиб ўрнидан турди. — Ҳой Ориф,вой ҳаромзода, Мухтор муаллимдан пул олгани уялмадингми?

Ориф елкасини қисиб:

— Мен нима қиласай, ахир, Нодир ака, — деди. — Мухтор муаллим, агар олмасанг бу ерга зинҳор бошқа оёқ босмайман, деди.

Нодир:

— Мухтор муаллим, ғашга тегишни яхши кўрасан-да, — деди, — буюртмани мен берайину, харжини нега энди сен тўйлар экансан? Мен сизларни меҳмон қилмоқчиман.

Мухтор:

— Биз хонимлар эмасмизки, сен меҳмон қилсанг, — деди кулимсираб. — Бунинг устига, — у Заурга қаради, — мен Заурнинг усулини қўлладим, бир сафар у Москвада

мени ҳудди ана шу тарзда мәҳмон қилган эди, мен ҳам қаңдар бўлиб қолишни хоҳламадим. Нодир, саломат бўл, демак, пивони кутаман.

— Албатта, — деди Нодир. У ўзини йўқотиб қўйганлиги шундоқ кўриниб турарди. Ахир на Мухторга, на Дадаш амакисининг ҳамкасби бўлмиш Заурга ўз саҳоватини, қўли очиқлигини истаганчалик намойиш эта олмай қолаётган эди-да.

...Заур билан Мухтор хиёбоннинг хилват йўлкаларидан кетиб борардилар. Сукутни Мухтор бузди:

— Сиз таажжубланаётган бўлсангиз керак... Менинг бунга ўҳшаган — Нодирни айтяпман — бунақанги одамлар билан танишлигимдан ажабланаётгандирсиз. Гап шундаки, мени ҳар хил одамлар қизиқтиради — яхшиси ҳам, ёмони ҳам, аҳмоғи ҳам, ақллиси ҳам, покизаси ҳам, майшатбози ҳам... Ҳар хил одамлар билан учрашиш, бирга ўтириш, сўзларини эшитиш, уларнинг фикри ва турмуш тарзини англашга интилиш — менга теккан бир касаллик.

Заур:

— Нега ахир? — деб сўради.

— Билмайман, — деди Мухтор, — билмайман... Аммо йиллар ўтгани сайин ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам англашим қийин бўлиб боряпти. Одамларни ҳам, ўзимни ҳам тушунолмай қоляпман. Фақат шуни англадимки, бу дунёда савол кўп, жавоб эса оз.

Хиёбондан чиқдилар...

Мухтор:

— Таксини қаердан топдик энди? — деди. — Бу ердан барча таксилар Байил томонга кетади.

Заур:

— Дарвоқе, менга нега қўнгироқ қилганингизни айтмадингиз-ку, — деди.

— Э, ҳа, ниманидир унутиб қўйдим десам... Масала шундаки... Ҳой, такси-и! — дея қичқирди у. — Такси! Тўхта!

Машина ўларнинг шундоқ ёнига келиб тўхтади.

Мухтор:

— Худо ҳаққи, кечиринг, — деди ва машинага чиқди,

— жуда шошиб турибман, тўғрироги, анча кечикдим, кечаси сизга қўнгироқ қиласман, гаплашамиз. Бўптими?

Машина юриб кетди. Заур ичкиликнинг оғир тумани бошини тобора қаттиқ айлантираётганини ҳис қиласади. Оғир-оғир қадам босиб уйга томон юриб кетди. Таҳминанинг уйи томон...

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

*Оҳ эди ҳамнафасим, оҳки, ул ҳам охир  
Чиқди икроҳ қилиб кулбайи аҳзонимдан.*

Ҳеч қачон ушбу зинапоялардан бу қадар оғир бир ҳисда, бу қадар мashaққат билан чиқмаган эди. Эшикнинг олдида ҳам хийла туриб қолди, киссасидан чиқарган калит қулфга ҳеч тушмас эди.

Ниҳоят, эшикни очиб, уйга кирди. Таҳмина уйда эди. Заур бориб қўлларини ювди, у ерда ҳам анча тараффудланиб қолди. Сўнг хонага кириб курсига ўтириди. Таҳмина ҳам қаршидаги курсида ўтириб сигарет чекарди.

— Овқат ейсанми? — деб сўради у.

— Йўқ, овқатландим, — деди ва у ҳам сигарет чиқариб ёндириди... Ҳар иккаласи ҳам лом-мим демай сигарет чекар, ҳеч бири ҳам сўз бошлашни истамас, лекин ҳар иккаласи ҳам эртами-кечми албатта сўз очилишини билиб турарди.

Ниҳоят, Заур бир қарорга келди:

— Кеча Дадаш билан эдингми? — деб сўради.

Таҳмина боши билан тасдиқлади:

— Дадашни менга элчи қилиб жўнатибдилар, — деди.

— Сенинг ота-онанг... Савдолашиш учун. Яъни, мен сени уларга қайтараман, эвазига улар мени тинч қўядилар, ортиқ қулогимни батанг қилмайдилар.

— Ажабо, — деди Заур. — Мен гўё анчайин бир жонсиз ашёман, сизлар мени айирбош қиласиз.

— Бу сенинг ўзингга боғлиқ. — Бу гапидан Таҳмина тагин менинг нозик жойимдан тутмоқчи, деб ўйлади Заур. Ахир Таҳмина жуда яхши биладики, Заурнинг энг ожиз жойи ана шу — унинг мустақиллиги, эркинлигининг шубҳа остига олиниши; ҳозир миясини туман қоплаган бир пайт-

да Таҳминанинг бу нияти унга янада аниқ ва ойдин кўринарди.

Таҳмина:

— Ҳар ҳолда, — деди, — мен сени зўрлаб ушлаб туриш фикрида эмасман. Менинг уйимга ўзинг ўз оёғинг билан келгансан, қачон истасанг, ўша заҳоти ўз оёғинг билан чиқиб кетиш ихтиёри ўзингда.

— Эҳтирослар тугаб бўлдими? — Заур киноя билан Дадашнинг сўзларини такрорлади.

Таҳмина асабий бир ҳолда:

— Эҳтироснинг бунга нима дахли бор? — деди. — Дунё фақат эҳтирослар пойдеворига курилган эмас-ку.

«Айни Дадашнинг фикрлари».

— Бир нарсани тушунолмаяпман, — деди Заур. — Нега сен биз иккаламизга оид масалалар ҳақида Дадаш билан музокара қилиб юрибсан? Дадаш сенинг киминг бўлади? Амакингми, отангми?

Таҳмина ғамгин:

— Менинг на отам бор, на онам, — деди. — Сенсан у, кўз тегмасин, ота-оналик тўқис.

Заур қўллари билан соchlарини чангллади, сўнг юзи ни, кўзларини ишқалай бошлади:

— Ахир нега келиб-келиб Дадаш билан гаплашасан бизнинг ишларимиз ҳақида?

— Айтдим-ку сенга, бу онангнинг ташаббуси деб. Фақат Дадашнинг ўзи бўлса, гўргайди. Қаердандир Мухторга ҳам воситачи топибдилар. У ҳам кеча кечкурун шу масала учун мени ахтарган экан.

Бу Заур учун кутилмаган хабар бўлди. Ҳали Мухтор, сенга гапим бор, деганда Заурнинг юрагида бир хижиллик пайдо бўлган эди. Ахир Мухторнинг Заурга шундан бошқа нима ҳам гапи бўларди?

— Ҳатто онанг Мадинага ҳам қўнгироқ қилибди.

— Мадинага?

Таҳмина:

— Мадинага, — деди, сўнг кинояли оҳангда илова қилди, — аммо Мадинага қўнгироқ қилгани яхши бўлибди, Мадина қойилмақом қилиб жавоб берибди. Обрўсини ер қилибди... Ҳали онанг танимайди Мадинани... тилини тишлиб турадиганлардан эмас Мадина, сўкишга келганда онангни ўтқазиб қўяди.

— Менинг онамни ҳақорат қилишга Мадинанинг нима ҳаққи бор? — Заур ўз асаблари чатнаб, ҳиддати ошиб бораётганини, айни пайтда бу жizzакилик Таҳмина ҳам юқаётганини ҳис қилиб турарди. Ёки аксинча, Таҳмина-нинг ҳирсу ҳиддати, асабийлиги Заурга таъсир қилаётган эди.

Таҳмина:

— Мадинани кўшмачи-янга деб аташга онангни нима ҳаққи бор? Бундан ортиқ беҳаёлик бўладими?.. Нима эмиш — Мадинанинг эри йўқ эмиш. Эри йўқ бўлса, унга оғизга келганини айтавериш мумкин экан-да? Нима бўпти, Мадинанинг нимаси кам экан онангдан, ўз кунини ўзи кўради, боласига қарайди... Аввал билмас эканман, сенинг онанг ҳам ёшлигига худди Мадина каби машинисткачилик қиласар экан, фақат онангнинг баҳти чопиб мўътабар одамга эрга теккан, Мадинанинг эса омади келмаган, холос.

— Бас, ўчир овозингни, — деди Заур, — онам ҳақида бўлар-бўлмас гапларни айтаверма, — унинг қичқириб юборишига оз қолди.

— Йўқса, нега онанг Мадинани таҳқирлайди, ким берибди бу ҳуқуқни унга? — Таҳмина ҳам қичқираар, асабдан дир-дир титрарди... — кўшмачи-янга.

— Тўғри айтибди онам, Мадина қўшмачи-янганинг ўзгинаси.

Заур ҳеч қачон Таҳминани бу аҳволда кўрмаган эди, гёё унинг юзи қийшайиб кетди.

— Шунаقا де. Қўшмачи... мен ҳам, демак, унинг кадри эканман-да.

— Мен бундай деганим йўқ.

— Нима бўпти айтмаган бўлсанг? Кўнглингдан ўтган. Ҳамиша шу фикр билан ящагансан. Алоқаларимизнинг дастлабки кунларидаёқ мени шунаقا деб ўйлагансан, фоҳиша деб ҳисоблагансан. Шунинг учун ҳам менга яқинлашиш пайига тушгансан. Нима бўпти, қўнимсиз, суюқ-оёқнинг биттаси-да, деб ўйлагансан... Кейинроқ, энг баҳтиёр кунларимизда ҳам ана шу фикр ич-этингни кемирган, ҳамиша шубҳаланиб юргансан мендан. Хиёнат, беваволик қилишимни кутгансан. Юрагингнинг туб-тубида мени ахлоқсиз хотин деб ҳисоблагансан ҳамиша. Ҳозир

ҳам сени бу фикр тинч қўймайди. Щунинг учун ҳам она сути оғзидан кетмаган ғўдаксан, эркак бўлганинг йўқ ҳали.

Заур бутун захрини тилига йигиб:

— Албатта, — деди, — сен учун Дадаш — эркак, Спартак — эркак, Фозил қассоб — эркак...

Таҳмина бўздек оқариб кетди:

— Тур, чиқиб кет бу ердан, — деди. — Бор онангнинг қошига, «Москвич»ингнинг қошига.

Заур ўзи ҳам билмагани ҳолда Таҳминага шапалоқ тортиб юборди. Таҳмина қўллари билан юзини тўсганича сапчиб ўрнидан турди ва хонадан қочиб чиқди. Заур ҳам ўрнидан туриб даҳлизга чиқди. Аста-секин кўча эшиги томон юрди, сўнг яна хонага қайтди, чўнтағидан эшикнинг калитини чиқариб хонтахтанинг устига қўйди. Қайтиб даҳлизга чиқаёттанида гайриихтиёрий равишда ошхонага қаради: Таҳмина ошхона столининг ортида қотиб турар, юзларини қўллари билан бекитиб олган эди.

Заур эшикни юлқиб очди-да, чиқиб кетди...

\* \* \*

Бу шунчаки ўйин эканини унумаслик керак, унумаслик керак, унумаслик керак!.. Балоғат чоғларида, аёллар дунёсига қадам қўйган илк ойларида, илк йилларидаёқ буни идрок этган, англаб етган, ўзига ўзи тавсиялар берган эди, ахир. Жиддий ёки ножиддий, қисқа ёинки узоқ муддатли, тасодифий, ўткинчи ёхуд мустаҳкам, мудовоматли алоқаларнинг ҳеч бирида Заур бу сабоқни, бу қонунни унумаган эди... нега энди эр етилган бир пайтда бу муҳим ҳаёт тажрибасини ногаҳон унутиб қўйди? Нега ахир жиловсиз бир туйгунинг бутун борлиғига ҳоким бўлишига, иродасини эгиб олишига, бошига бу қадар азоб-уқубатлар солишига йўл қўйиб қўйди. Унумаслиги керак эди, буларнинг барчаси фақат анчайин бир ўйин, муваққат, ўткинчи дилхушлик эканлигини бир лаҳза ҳам унумаслиги керак эди. Бироқ унуди ва мана энди жазосини тортмоқда... қандай қилиб у алданди, қандай қилиб у бу ўйиннинг қонуниятларини бузди, бу ўйинни муҳаббат деб билди? Муҳаббат деб билган заҳоти бу ўйин шафқатсизлашди, майшатга эмас, кулфатга айланди... Гўё мўъжиза рўй берди деб ўйлаган эдингми? Севги ундоқ,

севги бундок... бироқ бу фақат китоблар ва кинолардагина бўлади, агар ҳаётда рўй берса, фақат 17 – 18, нари борса 19 ёшда рўй беради, холос. Сен эса 24 ёшингда шундай алданиб қолдинг... Ўз ҳаётингнинг аччиқ, аммо вожиб сабоқларини не сабабдан унудингки, бу савдолар бошингга тушди, эй бадбахт?

Миясида гужгон ураётган ана шу фикрлар билан шаҳар кўчаларида тентирай-тентирай хилват, қоронғи, боши берк кўчалардан келиб чиқди. Шаҳар шу ерда тугар, нарёғи дашт эди...

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

*Марҳам қўйиб ўнгарма сийнамда қонли доги,  
Сўндирма ўз алингла ёндиридинг чироги.*

Аввал у ўз «Москвич»имни ҳайдаб боряпман, деб ўйлади, сўнгра билдики, йўқ, ўз машинаси эмас, «Москвич» ҳам эмас, бу машина – жигарранг «Волга» эди. «Волга»нинг рулида ўтиради Заур, яланғоч бўлиб олган, эгнида фақат битта майка бор, холос, бироқ шу алфозда машинани кенг ва гавжум кўча бўйлаб ҳайдаб борарди. Аввал бу кўчани Москванинг Ленинград проспекти деб ўйлади, кейин қараса, йўқ, Бокунинг Наримонов проспектида кетмоқда... Муюлишдан милиционерлар чиқиб, Заурга, тўхтат, дея ишора қилдилар. Заур тўхтатмади, тўхтата олмас эди ҳам, ахир, биринчидан, бошқа бирорнинг машинасини олиб қочаётган эди, иккинчидан, машина ҳайдаш гувоҳномаси ёнида йўқ эди, учинчидан, яланғоч эди, ҳатто трусиги ҳам йўқ, эгнида фақат бир майкаси бор, шу майка билан ҳамма жойини бекитишга ҳаракат қиласади, тўртинчидан, ўзи гирт маст, кабобхонада «Экстра» ароғи билан чех пивоси ичган эди, бешинчидан, буларнинг барчаси камлик қилганидек, машинани кўча ҳаракатига тескари йўналишда ҳайдаб борарди, олтинчидан... еттинчидан... саккизинчидан... кимдир унинг боши узра буни ҳисоблаб борар, Заур туш кўряпман деб ўйлар, аммо бу фикр миясига келиши билан уйқудан уйғониб кетгандек туюларди, уйқусида эмас, ўнгидан даҳшат билан шуни ҳис қиласади, у ёлғиз эмас, машина ичида тагин кимдир бор, уни қачон минганини

эслай олмасди, йўқ, ҳеч кимни миндиргани йўқ, аммо машинанинг орқа ўриндигида кимдир ўтирас, Заур қайрилиб бу йўловчига қарамаса-да, уни кўрмаса-да, нафасидан кимлигини билиб турар – у Таҳмина эди. Милиционерлар икки мотоциклда Заурнинг машинасини қувардилар, аммо дунё тўнтарилиб кетса ҳам Заур уларнинг таъқибидан кутулиб кетиши керак эди, чунки қўлга тушса обрўси тўкиларди: профессорнинг ўғли машина ўғирлабди, тагин кимнинг машинасини денг – ўз қўшниси Спартакникини... Тасавур қиляпсизми ўзи, шаҳарнинг ичида, айни туш маҳали яланғоч ҳолда машина ҳайдаб боряпти, бу кифоя қилмаганидек, бегона аёлни – бошқа кишининг хотинини миндирib олган – ахир Таҳмина Дадашнинг хотини эди-да. Бир оз илгари у суд орқали аввалги эри – Мухтордан чиқсан, Дадашга теккан, бироқ Дадаш ҳам ёлғиз эмас, яна кимдир бошқа бирор бор эди, у айнан Дадашга ўхшар, Дадаш каби бақалоқ, қориндор, бурни сертук, қўллари ҳам Дадашнинг қўли каби кичик, бармоқлари ҳам калта ва йўғон: аммо бу кимса Дадаш эмас, унинг иккинчи нусхаси эди. Ким эдия, бу одам, ким бўлганида ҳам ноябрда помидор ва бодринг ери, мана ҳозир ўша одам милтигини Заурнинг энсасига тираб турар, машина бир оз секинлашишини кутар, машина секинлашиши биланоқ тепкини босмоқчи эди бу одам – бу иккинчи Дадаш, Заур буни билгани учун ҳам тезликни муттасил ошириб борарди, ниҳоят, газни охиригача босди, оёғи темир чегарага қаттиқ тиради – машина энг юқори тезликка чиқсан, бундан тез юра олмасди... аммо, аксинча, тезлик аста-секин пасая бошлади ва шу пайт орқадан кетма-кет ота бошладилар. Отаётганлар милиционер ки-йимидағи иккала Дадаш эди, шуниси ғалати эдики, милтиқдарнинг патронлари питра билан эмас, уруф билан тўлдирилган эди, бу – гулнинг уруғлари, деди Таҳмина. Шу пайт уларнинг қаршисидан ҳам мотоциклчилар кела бошлади, ҳамма – Спартак ҳам, унинг отаси Муртуз ҳам, Мадина ҳам, Мухтор ҳам, улар орасида эди...

Бирдан Таҳмина орқадан Заурнинг бўйинини қулоқлади, тўғрироғи, қўлларини узун шарф каби Заурнинг бўғзига чирмади, Заурни бўға бошлади, Заур халос бўлиш учун қўлларини рулдан олди. Таҳминанинг қўллари унинг бўғзини қаттиқ сиқа бошлади. Таҳмина эса шу пайт шиддат билан

рулга ёпишди ва кескинлик билан рулни сўл томонга буриб юборди, машина йўлдан чиқди ва ҳар иккаласи ҳам йўлнинг четидаги тубсиз жарни кўриб қолди, машина ана шу жарга қулаг бормоқда эди...

— Нима бўлди, дўстим, нега бўкирятсан? — Заур бу овоздан ва хонани ёритиб юборган шуъладан уйғониб кетди. Эшик олдидা йўл-йўл пижама кийиб олган Озар Мардонов туради. Озар жилмайиб:

— Бунча бўкирятсан? Босириқдингми? — деди.

Заур:

— Бўкирдимми? — деб сўради.

— Қичқирганда қандоқ? Нариги хонадан эшитиб уйғониб кетдим.

Заур ётган каравотнинг бош тарафида дераза бўлиб, унга майда-майда ёмғир томчилари уриларди...

— Кечир, сениям уйғотиб юбордим, — деди Заур ва қўлини чўзиб сигарет олди.

Озар чироқни ўчириб ўз хонасига кетди, Заур сигарет тутатди...

Кеча у кўчаларда тентирай-тентирай бу ерга — дорил-фунунда бирга ўқишиган дўсти Озар Мардоновнинг уйига келиб қолди. Бахтли тасодифни қарангки, Озар экспедицияга кетиб қолмаган, Бокунинг ўзида эди. Заурнинг можароларидан унинг хабари йўқ, Заур ҳам бу ҳақда ҳеч нарса демади. Фақат имкони бўлса, Озарни бу безовта қилмаса, маълум сабабларга кўра бир неча кун уницида қолишини айтди...

Озар:

— Безовталиги бор эканми, дўстим, нималар деяпсан ўзи, истасанг бир йил қолмайсанми, — деди. — Шундоқ ҳам уч кундан кейин экспедицияга кетяпман.

Заурнинг бу ерга келиб қолиши тасодифий эмас эди. Озарнинг бўйдоқликда ҳаёт кечиришини ҳам, меҳмондўстлигини ҳам яхши биларди, аммо бу ерга келишидан асосий мақсад Озар ёрдамида экспедицияга кириб олиш эди... Тунда шу мавзуда анча гаплашдилар. Озар: «Мен Идрис билан бир гаплашиб кўрай-чи, нима дер экан», — деди. Идрис дорилфунунда уларга сабоқ берган таникли геолог бўлиб, Озар ишлайдиган экспедициянинг бўшлифи эди: «Идрис сени унутмаган бўлса керак, менимча, бу ишни

тўғриласа бўлади. Ҳар ҳолда, мен имкон топилиши биланоқ гаплашиб кўраман», — деди.

«Содилли» виносидан ичиб, Озар пиширган қўймоқдан еб, дунёнинг келди-кетдисидан узоқ гаплашиб ўтирилар. Озар иштирок этаётган экспедициядан, умуман геологиядан, университетдаги йилларидан, кўхна ўртоқларидан, футбол бўйича жаҳон чемпионатидан, аёллардан, оила қуришнинг зарурлигидан, бола-чақали бўлишнинг ўзига хос лаззатларидан ва ҳоказолардан сўз кетди. Бироқ Заур ўз ҳаётининг сўнгги ойларида рўй берган воқеалар ҳақида лом-мим демади. Гёё бу воқеалар оламда ҳеч қачон рўй бермагандек эди...

\* \* \*

Заур Дадашдан ўз аризасини қайтиб оларкан:

- Мен сизнинг ўтитингизга амал қиляпман, — деди.
- Мана, уч кун ўтди, бугун душанба, энди аризамни директорга олиб кирмоқчиман.
- Демак, ҳар қалай, ишдан бўшамоқчисан? — сўради Дадаш. — Хўш, кейин қаерда ишлашингни ўйлаб кўрдингми?
- Безовта бўлманг, ўйлаб қўйдим. Мени геология экспедициясига олишяпти.

Дадаш узоқ сукутга кетди, сўнг Заурга ўйчан тикилиб:

- Яхши, ота-онангга энди бу хабарни қандай тушунирай? — деди.

Заур:

- Тушунтиришнинг ҳожати йўқ, — деди. — Кечкурун дадамнинг олдига бораман, ҳаммасини унга ўзим тушунириб бераман.

\* \* \*

Ҳатто футбол ўйнаётган болакайлар ҳам уни қўрган заҳоти тўхтаб қолдилар, улардан энг кичкингитои бу хабарни етказиш учун уйига югарди... Заур ўта хотиржам эди. Ҳовлида, футбол ўйнаётган болалар орасидан ўтиб, зинапоялардан аста-секин кўтарила бошлади. Бундан аллақачон хабар топган қўшнилар қаршидаги деразалардан ўғринча мўралар эдилар. Ҳатто Заурга Муртузовларнинг

деразасидан шахсан Муртуз Балаевичнинг ялтири боши ҳам кўрингандек туюлди.

Мис лавҳага «Професор М. Зайналли» деб ёзилган эшик-ка яқинлашди. Қўнғироқни босганда ҳам тамом хотиржам эди, аммо ичкаридан шошилинч одимларни – онасининг қадам товушларини эшитганда юраги гупиллаб ура бошлиди.

Эшик очилди, Заур онасига тикилди ва ўзининг бу келишидан онаси бохабар эканлигини дарҳол англади: «Дадаш огоҳ қилган», деган фикр ўтди хаёлидан.

– Хуш кўрдик, ойи! – деди.

Онаси хотиржамлик билан:

– Хуш кўрдик, – деди ва, – ичкари кир, – дея илова қилди. Бу жумла узоқ вакт тентираб юрган саёқ ўғилнинг ўз уйи – ўлан тўшагига қайтганини ифода қиласарди. Зеро, доимо шу ерда яшаб келган одамни ичкарига алоҳида таклиф қилишнинг не ҳожати бор? Даҳлизга кириб, пальтосини ечар экан, онасининг рафтторидан таажжубга тушарди – онаси на «оҳ-воҳ» қиласар, на қичқирав, на йифлар, на унга танбеҳлар берар, на бағрига босиб эркаларди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, жуда оддий ва соддагина кўришиш эди бу.

– Отам қалай? – деб сўради Заур.

– Ҳозир тузук, – деди онаси, сўнг қўшиб қўйди: – Бизни жудаям қўрқитиб қўйди, қон босими ошиб кетди, юраги ҳам хуруж қилиб қолди.

Заур отасининг хонасига кирди. Столда ишлаб ўтирган Мажид Заурни кўриб ўрнидан турди ва қўл узатди.

Сўнг ҳар иккаласи ҳам ўтириди, Зевар хоним чой дамлагани кетди.

Сукутни Заур бузди:

– Қалайсан?

Мажид ўз хасталиги, дўхтирларнинг консилиуми, улар буюрган дорилар ҳақида тиниш белгиларни ишлатмасдан узундан-узоқ гапирди, бу муфассал сұхбатдан асосий мақсад ўрталаридағи бегоналикни бартараф этиш, аввалги яқинликни янгидан тиклаш эканлигини ҳар иккиси ҳам яхши тушунар, бунинг учун эса вақт, муайян муддат ўтиши лозим эди, ораларидағи бу вақт жарлигини, фурсат ўпқонини майдада-чуйда гаплар, асл мақсадга дахли бўлмаган сұхбатлар билан тўлдириш керак эди.

Зевар хоним хонага кирди, унинг кўзлари қизарган бўлса-да, юзлари кулиб турарди. Улар Зевар хоним нокси-мон стаканларда келтирган чойни хўплаб-хўплаб ичишар ва учаласи Мажиднинг касал бўлиб қолганидан сұхбатлашар эдилар. Зевар хоним ҳар замонда кичик изоҳлар ила оиласда рўй берган сўнгти воқеалардан хабар берар, кимлар келиб-кетганини, кимлар кўнғироқ қилганини, кимлардан хат келганини айтарди. Гап орасида у Заурнинг кооператив уйи тайёр бўлганини, яқинда топширилажагини қистириб ўтди. Ордерлар тап-тайёр, ўз кўзим билан кўрдим, деди у.

Бу сұхбатдан отаси толиқди шекилли, столи томонга, очиқ қолган китобларга, қофозларга тез-тез қараб қўярди. Заур ўрнидан турди ва нариги хонага ўтди. Зевар хоним ўғлининг ортидан чиқди. Заур онасига тикиларкан, унинг кўзларида қўрқув, ҳадик шарпасини кўрди. Бу ҳадик ушбу вазиятнинг мубҳамлиги, Заурнинг келишидан мақсад ҳали ойдинлашмаганлиги билан боғлиқ эди. Ҳали отаси ҳам, онаси ҳам Заурнинг қанча вақтга келганини билмасди — у хаста отасини шунчаки бир кўриб кетиш учун келганми ёки бутунлай қолиш учунми?.. Таҳмина билан алоқани узил-кесил кесиб келганми ё қисқа бир муддатта рухсат олиб, бадбаҳт ота-онасининг ҳолини кўриш учун келганми? Зевар хоним ўғлининг ҳаракатларини зимдан синчковлик билан кузатарди: Заур қаёққа, қайси томонга юаркан — кўча эшиги томонгами ёки ўз ётогига? Балки шу хонада ўтириб бирор егулик сўрар? Заур эса деворларга тикилар, гўё бу гулқоғозларни энди кўраётгандек эди.

Ўртага оғир сукут чўккан эди. Ниҳоят, Зевар хонимнинг сабри чидамади:

— Жойингни солиб қўйдим, — деди. — Чўмилиб оласанми?

Заур фақат бу саволгагина эмас, берилмаган, аммо онасининг кўнглида ётган бошқа саволга ҳам жавоб берди:

— Ҳа.

\* \* \*

Ваннадаги сувэлакдан игнадек тизиллаб урилган иссиқ сувдан кейин, товоңқайроқнинг дағал ишқовларидан кейин, суюқ сочсовуннинг юмшоқ кўпирishларидан кейин

покиза, шинам хонада чўзилиш, таниш хонанинг қадрдон деворларига – ҳар бир қаричи, ҳар бир чоки, ҳар бир ашёси, чизифи, ҳар бир нуқтаси таниш бўлган деворларга боқиши нақадар ёқимли! Деворларга қачонлардир Заурнинг ўзи олган фотосуратлар ёпиширилган, каравотнинг ёнида, кичик столча устида сигарет қутиси, ўтолдиргич, кулдон, япон транзистори ва магнитофони қўйилган эди, у ўрнидан турмай қўлини шунчаки чўзиб музика эшитиши, сигарет чекиши, хаёлларга берилиши мумкин эди. У бир пайтлар майда-чўйда нарсаларнинг жинниси бўлиб, соатлаб овоз ёзадиган аппаратлар билан машғул бўлар, фотосурат<sup>4</sup> ишлашни жуда севар эди. Кейинчалик, машина ҳайдай бошлагандан сўнг бу ҳаваслар назаридан қола бошлади, бъязиларидан эса бутунлай воз кечди. Машина моторини ковлаш асосий машғулоти бўлиб қолди. Шу ҳаваслар соясида спортни ҳам унугди, эндиликда гантеллар, эспандерлар хонанинг бир кунжида уюлиб ётарди. Аммо спортни ташлагани ёмон бўлди, агар спорт билан мунтазам шуғулланмаса, бир куни Дадаш каби қорни осилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Дадашнинг номи хаёлига келган заҳоти телефон жиринглаб қолди, Заур чўчиб тушди. Аммо дарҳол ўзини тутиб олди, энди ҳар бир телефон қўнгириғидан безиллаб туришга сабаб йўқлигини у яхши тушунарди: энди на Таҳминани чақирган эркакларнинг товушларини эшитади, на онасининг Таҳминага қиласиган таҳдидларини, ҳақоратларини, энди ҳеч ким Заурнинг «алло»сига жавобан дастакни жимгина илиб ҳам қўймайди.

Дастакни кўтарди:

- Лаббай.
- Заур??
- Ҳа, менман, – Мадинанинг овозини таниган эди у.
- Бемалол гаплаша оласизми ёки чиқиб автоматдан телефон қиласизми менга?
- Йўқ, нега энди, bemalol гаплаша оламан, хизмат? – совуқ бир назокат билан айтди у бу сўзларни.
- Уч кундан бери сизни излайман, бироқ на ишхонангиздан топа оламан, на уйингиздан.
- Нима гап ўзи? Нима бўлди?
- Билолмай қолдим, Заур – деди у ҳаяжон билан, –

билмадим телефонда буни айтиб бўладими-йўқми. Телефонларингиз параллел эмасми?

— Йўқ.

— Биласизми, Таҳминанинг аҳволи жуда ёмон.

— Нега, нима бўлибди?

— «Нима бўлибди», деганинг нимаси? Жудаям мазаси қочиб қолган шўрликнинг... Менинг сизга телефон қилганларимни билмайди, албатта, йўқса қўймасди, аммо сиз кетгандан бери дали-девона бўлиб қолди. Ўзини бир нарса қилиб қўймаса деб кўркяпман.

— Нималар деяпсиз? — Заурнинг овозида истеҳзо бор эди, у атай истеҳзо қўлмаётган бўлса-да, беихтиёр гап оҳангидан бу нарса сезилиб турарди.

— Кечакун алламаҳал бўлиб қолганда уйғондим — соат учмиди, тўртмиди, ёдимда йўқ — қарасам, чироги ёниб турибди. Музика эшитиляпти. Ҳайрон бўлдим. Туриб уйига чиқсан, диваннинг устида тиззаларини қучоқлаганича музика эшишиб, ичиб ўтирибди... Ёлғиз ўзи бир шиша конъякни ичибди.

— Бунинг нимасига ҳайрон бўласиз, — деди Заур, — бундан ҳам яхшироқ маишат бўладими?

Мадина сабрсизлик билан:

— Вой, Заур, — деди, — нега ўзингизни билмаганга соласиз? Тушунинг ахир, аҳволи жуда ёмон Таҳминанинг, менга ўзимни ўлдиргим келяпти, деди.

Заур жим эди.

— Нега тушунмайсиз ахир? У сизни севади. Ҳаммадан ортиқ севади...

Заур:

— Ҳа, балли, «ҳаммадан ортиқ», — деди, — гап шундаки, «ҳаммадан»... ҳамма бало ана шу «ҳамма»да...

Мадина бу сўзларга парво қилмади:

— Сизни деб эридан ажралди, ахир! Наҳотки билмсангиз?

— Бўпти, қўйинг энди бу гапларни, — деди Заур. У бу машмашаларга яна қайтишни истамасди, аммо бутунлай хотиржам бўлиши учун Таҳминанинг не аҳвolda эканлигини ҳам билиши лозим эди. Албатта, Мадина бир оз бўрттираётган бўлса керак. Айрилтнларидан сўнг дастлабки қунларда Заурнинг ҳам юраги торс ёрилгудек бўлди, аммо бир неча кун ўтгач, аста-секин босилиб, ўзини ўнглаб олди.

**Мадина:**

— Эртага кечқурун бизникига келинг, — деди. — Таҳминаникига эмас, менинг уйимга. Ўтириб бафуржа гаплашиб олайлик. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик рўй берган, худо ҳаққи, кимдир орангизни совутган... Жуда раҳмим келяпти шўрлик қизга...

**Заур:**

— Бўпти, — деди, — яхши дам олинг.

— Хайрли тун. Аммо менинг телефон қилганимни зинҳор ҳеч ким билмасин.

Бўлмасам-чи, бажо келтирамиз... Уйга қайтган илк оқшомини, роҳатда ўтказмоқчи бўлган илк тунини ҳам бурнидан чиқардилар. Бутун бўлган-кечгандарга бир йўла чек қўяман дея аҳд қилган эди ўзига, наҳотки, яна ҳаммаси бошидан бошланса? Албатта, эртага Мадинаникига кириб-нетиб юрадиган аҳмоқ йўқ... Заур сигарет тутатди, бошқа нарсаларни ўйлаб чалғишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, бўлмади. Кўзлари олдидан Таҳмина кетмасди. Унинг хонаси.. дивани.. Таҳмина эса тиззаларини қучоқлаб диван устида ўтирибди, музика тингляяпти; конъяк ичяпти ва... ўксиб-ўксиб йиғлаяпти. Балки унга телефон қилишим керакдир. Мана, телефон шундоқ қўлларимнинг остида, дастакни кўтариб, олтита рақамни тераман, вассалом. Телефонда гаплашиб ҳам ўтирмайман, қўнғироқ қилиб, овозини эшитаману дастакни қўяман. Борди-ю, телефонга жавоб бермаса-чи? Уйида бўлмаса-чи?.. Бугун душанба, ишламайдиган куни, уйда бўлиши керак. Хўш, мабодо уйида бўлмаса-чи?.. Бу маҳалда уйида бўлмай қаерда бўларди? Демак, мана шу ҳақда — Таҳминанинг қаерда эканлиги ҳақида ўйлаяпти, демак ҳамон унга бегона эмас, ҳамон ҳаяжонга тушмоқда. Яхшиси, телефон қилмаіман. Эртага қўнғироқ қиласман... Ростдан ҳам эртага телефон қилиш мумкин-ку... Бу фикрдан Заурнинг юраги енгиллашган-дек, ичидаги оғир тош узилиб тушгандек бўлди. Эртага, албатта, қўнғироқ қиласди — бу фикрдан у шу қадар севиндики, гўё анчадан бери қўришмаган, учрашиш умидини узиб қўйган қадрдон кишисига қўққисдан дуч келиб қолгандек эди... Эртага қўнғироқ қиласди — ярим ҳазил, ярим чин қилиб узр сўрайди — ҳар ҳолда ноҳақ шапалоқ тортиб юборди — ҳазилга олиб кечирим сўрайди, сўнг

учрашувга таклиф этади. Агар Таҳмина бу айрилиқни чиндан ҳам ўзига қаттиқ олган бўлса, бундан изтироб чекаётган бўлса, унда учрашувга албатта рози бўлади... Умуман келажакда ҳам тез-тез учрашиб туришлари мумкин, аммо энди бутунлай бошқа мақомда учрашадилар, энди Заур хушёр бўлади, тузоққа тушиб қолмайди. Шўрлик ота-онасини ранжитмаслиги керак энди... Ёшлари ҳам бир жойга бориб қолди қарияларнинг, соғликлари ҳам аввалгидай эмас. Заур энди ҳамиша хушёр бўлиши керак. Айрилишни истамас экансан, учрашиб туришни хоҳлар экансан, жуда яхши, мен ҳам розиман, аммо энди ҳар бир учрашувимиз пинҳона бўлиши лозим, оламга жар солмайлик. Ҳар иккаламиз яна шуни ҳам яхши билиб олишимиз керакки, бу учрашувларимизнинг ишқ-муҳаббатга ҳеч дахли йўқ, аёл билан эркакнинг жинсий эҳтиёжлари бу, тамом-вассалом... Ва модомики шундай экан, Таҳминага ким қўнғироқ қиласдию, ким қилмайди, у ишда бўлмаса, қаерда юради, нима қиласди — булар билан Заурнинг неча пуллик иши бор? Қисқаси, уларнинг муносабати дастлабки пайтларда, илк учрашувларида қандай бўлган бўлса, ўшандай давом этиши лозим, Заурга муҳаббат ҳам, садоқат ҳам керак эмас. Фақат шунчаки лаззатли учрашувлар. Таҳмина ҳам шунга рози бўлса, нур устига нур, учрашиб турадилар, агар рози бўлмаса... Нега рози бўлмас экан. Эртага ишда бўлади, кечқурун телефон қиласман. Демак, эртага қўнғироқ қиласман... Ана шу ширин хаёллар билан Заур уйқуга кетди.

\* \* \*

Эрталаб вақтли уйғонди, қўл-бетини ювиб, ошхонага кирди. Зевар хоним ўғлига чой сузаркан:

- Биласанми, отанг сенга совфа олиб қўйган, — деди.
- Сен уйга қайтиб келган куниёқ бермоқчиди, аммо тортиняпти шекилли. Ўзинг айта қол, деди менга.

Зевар хоним ихчам калитни Заурга бераркан:

- Бориб кўр, — деди. — Гаражда турибди.

Гараж томон югуриб бораракан, Заурнинг юраги терак япроги каби титради, йўқ, янглишмаган экан, гаражда эски «Москвич» ўрнида учишга ҳозирланган кийикдай яп-янги «Волга» турарди.

Тушлиқда отаси билан жиндай мусаллас ичдилар. Мажид қадаҳга бир қултум мусаллас қўйиб гап-сўз айтиб ўтири-

май, Заурнинг қадаҳига тўқишитирди. Заур отаси бу бодани унинг уйга қайтганлиги шарафига кўтараётганини тушунди. Сўнг отасининг тезроқ соғайиб кетиши учун ичдилар. Шу қадар лаззатли палов пиширган Зевар хонимнинг соғлиги учун кўтардилар. Ҳатто кооператив уй шарафига ҳам ичдилар.

Сўнг отаси ўз хонасига кетди. Заур эса, мен бир машинанинг йўлини кўриб келай, деб ўрнидан турди.

Онаси шоша-пиша:

- Ичгансан-ку, ахир, — деди.
- Ичганда қанча ичдим, икки-уч рюмка енгил мусаллас ҳам ичимлик бўлдими? Тез қайтаман.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

*Гайд ила ҳар дам надур сайри гулистон этдингинг,  
Базм эдив, хилват қилиб юз лутфу эҳсон этдингинг.  
Аҳд бунёдин мурувватдурми вайрон этдингинг,  
Қони, эй золим, бизимла аҳду паймон этдингинг.*

*Журмимиз нўлдики, биздан айладинг безорлиғ,  
Биз ғаминг чекдик, сан этдинг ўзгая ғамхорлиғ.  
Сизда одат булмидур? Бўйла бўлурму ёрлиғ?!  
Қони, эй золим, бизимла аҳду паймон этдингинг?*

Бирдан озиб қолган кишига эски камзули кенг келгани каби Заур ҳам ҳайдаб бораётган машинасининг ўлчамлари ўзгариб қолганини ҳис қиласди. Гараждан ҳамишагидек «Москвич»ни эмас, янги «Волга»сини чиқарар экан, гаражнинг эшиги пориллаб турган машинанинг қанотларини чизиб қўймасин дея тоза ҳалак бўлди. Сўл тараф – руль томондаги оралиқ жуда тор, нариги томондаги оралиқ эса кенгроқ эди. Чиндан ҳам гаражнинг эшиги «Волга» учун хийла торлик қилас, машинанинг эшикка тегиб чизилиши ҳеч гап эмас эди, бироқ, бундоқ олганда, «Волга» гаражнинг ичига шу эшикдан кирган, кирганда ҳам ҳеч қаери кирилмай-чизилмай кирган эди. Ким кириптган экан уни гаражга? Бирдан эсига тушди: Спартак. Шубҳасиз Спартак киритган. Спартак эски «Москвич»ни сотишга (табиийки, магазин орқали, тағин ўз баҳосида) ёрдам берганини онаси айтган эди-ку, ахир, «Волга»ни ҳам отаси Спартак билан

бирга бориб танлаган. Машинани уларнинг ҳовлисига Спартак ҳайдаб келган, гаражга киригтан, номер олишга ҳам елиб-югуриб ёрдам берган.

Заур шаҳар қўчаларидан елиб бораркан, бу катта ва бақувват машинага аста-секин кўника бошлаганини, унга тобора қаттиқроқ боғланиб қолаётганини ҳис қиларди. Тўғри, ҳали бу машинага бутунлай ром бўлгани йўқ, ҳали қўл-оёқларининг ҳаракатида «Москвич» кўникмалари ҳоким эди. «Москвич»нинг педалларига, рулига ўхшаган руль ва педалларни «Москвич»га кўниккан оёқлари, қўллари билан бошқарар, аммо бу ҳаракатлардан у анча катта тезликларга, кучли натижаларга эришарди. Заур бир оз муддат ўтгач, бу машинага ҳам бутунлай кўнишиб кетишини, унинг ҳар бир икир-чикирини ўрганиб олишини ва келажак ҳаётининг энг улкан севинчлари айнан шу «Волга» билан боғлиқ эканлигини яхши биларди.

«Москвич» ҳайдаб юрганида унга ниҳоятда таниш бўлган кўчалар энди гёй бирдан тор ва қисқа бўлиб қолгандек эди. Заур маనави муюлишдан чапга бурилиб, йўлни қисқа олсан, «Волга»нинг қўйруғи тротуардаги газета киоскасига тегиб кетмасмикан деган хавотирга тушар эди. Шаҳар қўчалари, чорраҳалари, жинкўчаларининг чалкаш тўридан, шўрлик пиёдалар, хом ҳайдовчилар, қизил светофорлар, тақиқловчи белгилардан кутулиш учун машинани шаҳар четига бурди. Машина тобора ўз иродасига бўйсuna бораётганини завқ билан ҳис этар, кенглика, қатнов кам бўлган катта йўлга чиқиши биланоқ тезликни оширгандан-оширап, бошқа машиналардан бир-бир ўзиб борарди. Кенг, осойишта аэродром йўлидан борар экан, кўнглини фараҳ ва осудалик ҳисси қамраб олган, ўзи ҳам сезмаган ҳолда шаҳардан узоқлашиб, Абшероннинг шимолий соҳиллари томон елиб борарди. Анчадан бери, тўғрироғи, ёз ойларида Таҳмина билан бирга чўмилгоҳдан кетганидан бери бу йўллардан юрмаганлиги эсига тушди. Кейинги ҳафта ичida у илк бор Таҳминани сокин, ҳаяжонсиз, изтиробсиз эсламоқда эди. Кечаги оқилона қарорини яна бир карра хаёлидан ўтказар экан, жуда ақлли фикрга келганига тобора амин бўларди; Таҳмина билан алоқани, муносабатларни бутунлай узиш шарт эмас, аммо энди аввалги дали-девоналигига, мажнунлигига қайтиб бўпти!

Ҳар бир нарса ўз андозасида бўлгани, етти ўлчаб бир кесилгани маъқул; ҳар замонда Таҳминага телефон қилади, аҳён-аҳёнда кўришиб турадилар, вассалом, бундай алоқа иккаласи учун ҳам яхши бўлади. Аслида ҳам уларнинг дастлабки муносабатлари худди ана шундай бошланган эди, ҳаммаси сокин, тинчгина, ўз йўлидан кетаётган эди, аммо келиб-келиб Заур ўз аҳмоқлиги ва лақмалиги натижасида хом хаёлларга берилди, ҳақиқий муҳаббат бу, уни чиндан ҳам севаман, деган бемаъни гапларни ўйлаб чиқарди. Рашк қилди, қийналди, оқибатда боши не-не тошларга тегди. Қаердан ҳам унинг миясига «саодатга эришдим» деган фикр келди, ахир? Ва охир-оқибатда, бу саодат эмас, алдандим, мени алдашди деган фикрдан қўрқиб, титроқларга тушди. Ахир, саодат фақат кайф-сафо сонияларигина эмас... Айни пайтда саодат даҳшатли қўрқув дақиқаларидир, бу саодатни йўқотиб қўйиш даҳшатидан қотиб қолган дақиқаларинг...

Бир неча баҳтиёр дақиқаларнинг таҳликасини, интизорлигини соатлаб, кунлаб, ҳафталаб, ойлаб чекиб юрганидан кўра бутунлай баҳтсиз-саодатсиз яшаш яхшироқ. Авваллари шунчаки учрашганларида ва бу учрашувлардан сўнг айрилганларида бир-бирлари учун ортиқ мавжуд эмасдек эдилар. Аммо кейинчалик – бу айқаш-уйқаш туйғулар унинг қалбига ҳоким бўлиб олганидан сўнг Таҳминани кўрмаган, уни қаерда эканлигини билмаган дақиқаларда юраги минг хил шубҳа-гумонларга тўлиб кетадиган бўлди...

У машинани соҳил бўйидаги қасабалар орасидан ҳайдаб борарди. Туя ўркачини эслатувчи қўшҳари томлар, шамол тегирмонлари, ғадир-будур тошлардан тикланган деворлар, тиканакдан қилинган деворлар, ҳавозаларга тортилган ток занглари, шамол учирив келиб деворлар тагига уйған қум уюмлари – бу гариб, ҳазин куз манзаралари ўтган кунларни – уларнинг илк учрашувларини, изтиробизиз, осуда, баҳтиёр кунларини эсга соларди...

Узоқдан Муртузовларнинг боғлари, уларининг сўйри айвони кўриниб турарди. Бир пайтлар Таҳмина билан бу ерга келганлари ёдига тушди, деворнинг ёнидан бурилиб, тормозни босди: дарвоза олдида турган бошқа бир машинага – жигарранг «Волга»га урилиб кетишига оз қолди.

Муртузовларнинг дарвозаси олдида турган бу жигарранг «Волга» Спартакнинг машинаси эканлигини Заур дарҳол таниди. Заур ўз машинасини бу тор кўчада турган Спартакнинг «Волга»си ёнидан эҳтиёткорлик билан олиб ўтди.

Тор кўчадан кенг кўчага чиқиб олгач, йилнинг бу пайтида Спартакнинг боғда нима иши бор экан, деб ўйлади. Сўнг, балки Спартак ёлғиз эмасдир, сон-саноқсиз жононларидан бирини олиб келгандир, деган фикр кечди унинг хаёлидан... Заур денгиз соҳилига етиб келди... Ҳаво очиқ бўлса-да, декабрь денгизи, кимсасиз соҳил кузнинг сўнгги нафасидан, қишининг ибтидосидан дарак берарди. Соҳилнинг бир томонида балиқчиларнинг кулбалари турарди, соҳил совуқ бўлмаса-да, бу кулбаларнинг печкалари ёқилган эди, бу кулбаларнинг ичидаги ўтириб, деразаларидан денгизга термилишнинг айрича гашти бор, деб ўйлади Заур... У соҳил бўйлаб анча юргач, тағин катта йўлга чиқди. Қумлоқ соҳилда ботиб қолиш хавфидан кутулиб, бетон йўлга чиқиб олгач, унинг кўнгли таскин топди, текис ва қаттиқ йўл тезликни тобора ошириш истагини уйғотарди. Йўл деярли бўм-бўш, ҳар замонда яккам-дуккам машиналаргина учраб қоларди. Йўлнинг ҳар икки четига плакатлар, шиорлар, суратли диаграммалар қоқиб ташланган эди. Улардан бирида бўйи-эни бир хил дараҳтлар чизилган бўлиб, остига «Қишлоғимиз намунавий бўлсин!» деб ёзилган эди... Заур узаниб ётган кенг йўлда машина тезлигини муттасил ошириб борар экан, олисдан ўзи томон келаётган машина унинг зътиборини тортди. Машина яқинлашиб келар экан, қўққисдан Заурнинг назаридаги ҳамма нарса тушда рўй бераётгандек, гўё у секинлаштириб кўрсатилаётган фильм томоша қилаётгандек туюлди – фурсат гўё бошқа ўлчовлар, бошқача ранглар, бошқача шуълаларда оқа бошлади – қаршидан келаётган Спартакнинг жигарранг «Волга»си эди. Рулда Спартак, Спартакнинг ёнида бир аёл ўтирган бўлиб, жигарранг «Волга» ёнидан ўтаётганда Заур бу аёлнинг кимлигини таниб қолди... Заур ҳамон ўз йўлидан борар, бироқ юраги қинидан чиққудек потирлар, кўрганларини ҳамон тасаввурiga сифдира олмас, энди нима қилишини, нима қилиш лозимлигини билмасди. Фақат икки юз-уч юз метр ўтгандан кейингина машинани кескин тўхтатиб, орқага бурди.

Жигарранг «Волга» хийла олислаб кетган бўлиб, темир йўл кесишган жойга етиб борган эди. Спартак мени таниб қолиб, тезликни оширган, деб ўйлади Заур. Ҳар ҳолда бир неча лаҳза ичидан Заур уларни қувиб етиши мумкин эди, бироқ, Спартак ўтиши билан темир йўл кўтармаси бекилди ва Заур узун поезднинг ўтиб кетишини кутишга мажбур бўлди. Энди Заурга ҳаммаси ойдин эди. Жигарранг «Волга» йилнинг бу маҳалида нега дала ҳовлининг дарвазаси олдида турғанлиги ҳам, Заурни қўриши биланоқ тезликни ошириб, ундан қочиб кетишининг сабаби ҳам аён бўлди. Улар кўтарма тўсиқ туша бошлаган пайтда унинг остидан ўтиб кетган эдилар – ниятлари, мақсадлари аниқ – қочиб қолиш, вақтдан, масофадан, қисқаси, ҳамма нарсадан ютиш эди. Ҳаёт деб аталган бу йийнда Заурни ютиш, ундан ғолиб келиш эди уларнинг мақсадлари. Ғолиб келиш ва кулиш – лақма ва ҳар нарсага ишонувчан Заурнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулиш, унинг соддалигини масхара қилиш – «ишонасанми, Заурик, сен меникига келганда гёй гулқоғозлар чечак очиб юборди, эҳ, Заурик, сени шундай севаманки... сенга содиқман», яна алламбалолар. Ҳаммаси, ҳаммаси, айтган барча сўзлари, навозишлари, кўз ёшлари – ҳаммаси ёлғон экан, бузуқ, ахлоқсиз хотиннинг усталик билан қилинган ишвалири, алдовлари, тузоқлари, ҳийаллари экан, холос...

«Чоршанба кечкурун машғулотим бор». Бугун ҳам чоршанба, демак, машғулоти мана шу – Спартак билан боқقا бориш экан-да! Ҳар чоршанба куни кечкурун машғулот баҳонасида шу боқقا келар экан-да, аҳмоқ Заур эса диваннинг устида чўзилиб ётганича уни кутарди, ҳой тентак... Баттар бўл бу кунингдан, ҳе лақма. Сен у ёқда диваннинг устига чўзилиб сигарет чекардинг, улар эса бу ерда, бу боғдаги ўша хонада – иккаласи танҳоликда... Таҳмина билан Спартак... Бу фикрлардан, тасаввурида жонланаётган бу манзаралардан Заур ақлу ҳушини йўқотиб қўйган, ўз машинасини қаршисидан тизилиб келаётган машиналар қаторига буриб, улар билан тўқнашиб парча-парча бўлгиси келар, бироқ айни пайтда анави иккаласидан қасдини олмай туриб бу дунёдан кетишини ҳам истамасди. Ўтиб бораётган вагонларнинг эса кети узилмасди. Заур бу вагонларга маъносиз тикилар экан, тағин ўща

боғдаги хона, Спартакнинг қучоғида юлқинаётган Таҳмина кўз олдида жонланар, қачон бу поезд ўтиб бўлади, қачон манави тўсиқдан ўтиб, уларни қувиб етаман деган сабрсиз фикрдан тоқати тоқ бўлиб бораради. Ҳаммаси учун, бутун изтироблари, таҳқирланганлиги учун, кўрган барча ёмонликлари учун ўч олади. Унинг газаби асосан Таҳминага қаратилган, ажабланарлиси шундаки, Спартакка нисбатан унинг кўнглида деярли кин йўқ эди. Спартак менга қараганда кўпроқ нарса кўрган, мендан айёрроқ, фаросатлироқ, тажрибалироқ йигит, холос. Спартак ҳар қандай ширин гапга лаққа тушадиганлардан эмас. Заур каби ҳар гапга ишонадиган, сохта меҳрибончиликни ҳақиқат санайдиган, ҳийлани чин деб биладиган аҳмоқлардан эмас у. Таҳминанинг барча айёрликларидан, мушукдек суйкалишларидан, эркаланиб шивирлашларидан Спартак фақат кулган бўлур эди. «Мени қийнама, мени тинч қўй» дерди ва тўғри қилган бўлур эди. Спартак, офарин сенга, Спартак, Спартак каби бўлиш лозим Таҳминаларга нисбатан... Эндиликда Заур Таҳминанинг ҳар бир ҳаракатини, ҳар сўзи ни, уйда бўлмаган ҳар бир соатини ёлгон билан, айёрлик, сохтакорлик, риёкорлик билан боғлар, хотираси эса қасдма-қасдига янгидан-янги воқеалар, далиллар, эсадликларни ёдига соларди.

Нихоят бу лаънати поезд ҳам ўтиб бўлди...

Қалин қавима камзул кийиб олган семиз аёл йўғон арқон ўралган чархни айлантира бошлади. Йўлтусиқ астасекин кўтарилиди. Заур машинани юргизиб, йўлтусиқ остидан ўтди. Тезликни кўрсатувчи мил 130 билан 140 рақами ўртасида ликиллаб турарди. Бир оздан сўнг жигарранг «Волга»нинг олдинда, аэропортга борадиган йўлнинг бурилишида кетаётганини кўрди. Энди уларга етиб олишига ишончи комил эди, бироқ, айтидан, улар ҳам Заурнинг машинасини кўриб қолиб, тезликни оширган эдиллар, ўртадаги масофа қисқармас, гўё бир хил олисликда қотиб қолган эди бу масофа... Заур газни охиригача босди. Мана, ҳар икки машина бир-бирига тўқнашадиган даражада яқинлашди. Заур билдики, ҳозир рулни озигина ўнгга бурса, шу даҳшатли тезлик билан ўз машинасини жигарранг «Волга»га урса, иккала машина ҳам думалаб кетади ва ҳар учаласининг ҳалок бўлишига шак-шубҳа

йўқ. Учаласининг ўлими бу кулгили фожианинг мантиқий интиҳоси бўларди.

... Аммо бу интиҳо рўй бермади... Спартакнинг асаблари дош беролмади, тезликни пасайтирди. Заур уларни қувиб ўтиб, тахминан икки юз метрлар илгарилагач, суръатни кескин туширди, сўнг машинани йўлга кўндаланг қилиб қўйди.

Спартак ҳам кескин тўхтатди, жигарранг «Волга» чин-қириб, йўлда из қолдириб келганича Заурнинг машинасига урилиб кетишига бир баҳя қолди.

Заур машинадан чиқиб, улар томон юрди. Спартак ҳам машинадан тушди, аммо у турган еридан жилмади, «Волга»сининг қанотига тирсагини тирауб туриб қолди. Пальтоси йўқ, эгнига жигарранг костюм кийиб олган, кўйлагининг ёқаси очиқ эди. Куннинг гуруб бир пайтида Заур Спартакнинг барча тилла буюмларини аниқ кўрди – тилла соат, тилла узук, бўйнида сертуқ кўкрагига осилиб турган тилла занжир... Икки олдинги тиши ҳам тилла эди... Спартакнинг ранги учиб кетан бўлса ҳам, юзида зўраки табассум бор эди. У ёнидан портсигар чиқарди, лабига сигарет қистириб, ўтолдиргич билан тутатди, Заур ўтолдиргични ҳам эътибордан қочирмади: «Ронсон!» – балки бу ҳам Таҳминанинг совғасидир. Ушбу дақиқаларда энг кичик нарсаларга, майда-чуйда тафсилотларга ҳам жуда диққат билан қараётганлигидан Заурнинг ўзи ҳам ажабланди... Таҳмина томонга қарамас, аммо кўзининг қири билан уни кўриб турарди. Таҳмина машинанинг ичидагимирламай ўтирас, гўё музлаб қолган эди.

Спартак сигаретни тили билан юқори тишлари орасига қисиб олган, оғзи эса очиқ эди. Бир оз шошилинч, аммо ҳар доимги истеҳзоли табассум билан:

– Нима гап? – деди. – Янги машинанинг тезлигини синаб кўряпсанми? Чиндан ҳам ажойиб машина... Муборак бўлсин, яхши кунларингга ярасин!

Заур бу сўзлардаги мурдор бир истеҳзони ҳис этди ва ёндашиб бориб Спартакнинг жагига бир мушт туширди: Спартак гандираклаб кетди, бироқ йиқилмади, тишлари бир-бирига тегиб сигаретни кесиб юборди, унинг чўғланиб турган учи кўйлагининг очиқ ёқасидан кўкрагига тушди, чўғ кўксини, қорнини куйдирди. Спартак шоша-

пиша қўлини ёқасидан ичкарига тиққанича сигаретни ахтара бошлади: жуда мароқли эди унинг бу талвасалари. Спартакдан атир ҳиди келарди. Ниҳоят, сигаретни топди, ичидан чиқариб, бир четга улоқтириб юборди. Энди унинг юзида ҳалиги илжайишдан асар ҳам қолмаган эди, жаҳл билан машинасининг эшигини очиб, пальтосининг чўнтағига қўл суқди. Шу пайт машинанинг нариги эшиги очиби, ундан Таҳмина отилиб чиқди ва Заур томон югорди. Заур Таҳминага қарамас, пальтосининг киссасидан пичоқ чиқариб бостириб келаётган Spartakdan кўз узмасди. Spartakning қўлида тифи узун ва ўткир фин пичоги ялтиради. Spartak пичоқ кўтариши билан оқкорнидан тепаман, дея ўйлади Заур, бироқ айни шу дақиқада ўзи билан Spartak ўртасида мовийранг кўйлак кийиб олган Таҳмина пайдо бўлганини кўрди. Москвадаги Кино уйининг ресторанида ҳам у худди шу кўйлакда эди. Заур унинг бошқа кўйлакларига қараганда ана шу кўйлакни кийиб юришини кўпроқ ёқтиради.

Таҳмина Spartakни маҳкам қучоқлаб одди ва унинг пичоқ тутган қўлига ёпишганича жонҳолатда:

— Жон Spartak, мени ўлдира қол, — дея уни машина эшиги томон итара бошлади.

Агар истаса, Spartak Таҳминанинг қўлларидан юлқиниб чиқиши, уни бир четга осонгина итариб ташлаши мумкинлигини Заур тушуниб турарди, аммо, афтидан, унинг бунга рағбати йўқ эди, бироқ худди ҳозир Заурни чавақлаб ташлайдигандек тутарди ўзини... Ўнг қўли билан Spartakning пичоқ тутган қўлини ушлаб олган Таҳмина чап қўли билан машина эшигини очишга уринарди. Эшикни очгандан кейин эса чап қўли билан Spartakни силаб-сийпаб, ялиниб-ёлвориб, шоша-пиша унга нималарнидир уқтирганича машинага ўтқазмоқчи бўларди. Эланишлари, силаб-сийпашлари билан, Заурни ҳимоя қилаётган таранг гавдасининг бутун куч-куввати билан амаллаб Spartakни машинага ўтқазди ва дарҳол эшикни ёпди. Бошини кўтармай, лом-мим демай Заурнинг ёнидан ўтиб, ўнг томондан машинага чиқди. Машинанинг ичидаги тағин нималарнидир тортиша бошладилар. Заур эса ўрнидан жилмай турар, улардан илгари жўнаб қолишни истамасди. Ниҳоят, Spartak моторни юргизди, машинани жаҳд билан орқага —

денгиз тарафга, соҳил томонга бурди, эҳтимол, тағин сўйири айвонли дала ҳовлисига борар...

«Аҳмоқ эканман, худо ҳаққи, одам ҳам шунчалик аҳмоқ бўладими!» Шаҳарга яқинлашган сари Заурнинг юрагини турли хил хаёллар ўртаб борарди. «Шундай бир фоҳиша учун шунча изтироб чекдим, ҳамма нарсани ичимга олдим. Нима кераги бор эди? Бу аёлни севса бўлади, деган фикр қаердан ҳам миямга келиб қолди? Айтган барча ширин гаплари, ёғли сўзлари, ваъдалари – ҳамма-ҳаммаси фирибгарлик экан... Тағин ким билан денг – Спартак билан!!! Ё тавба, Спартак билан-а... Ҳийлагарлигини кўрмайсанми, ё қудратингдан, не-не ёлғонларни дўндириб ташламасди-я... «машинасини атай менинг уйимнинг ёнида қолдиради...» Вой сенинг... майли, ҳечқиси йўқ. Қасдимни олмасам, отимни бошқа қўйганим бўлсин... Ҳали уни шунақангиди ёндирайки, ҳасаддан куйиб жизғанак бўлсин... Гўё мени пичоқдан ҳимоя қилгандек Спартакни кучоқлаб олибди, тупурдим Спартакингга ҳам, пичогига ҳам. Аммо жағига боллаб туширдим, сигарет чўғи билан ичига тушиб кетди, роса маза қилдим... Қанжиқни кўрмайсанми... ҳечқиси йўқ... Ҳозир менинг устимдан кулишаётгандир, боқقا бориб олиб, эҳтиросларга кўмилиб... кайф қилиб ётишгандир... кулаверинг, ҳечқиси йўқ, кўрайлик-чи, охирида ким кимдан кулар экан... Гўё ўзингизча мени лақиллатдингиз-да?.. Кўрамиз ҳали, охирида ким кимни лақиллатар экан...»

Заур хаёлан олис келажакни кўз олдида жонлантирди, қачондир бир кун, жуда узоқ йиллардан сўнг Таҳминани учратиб қолади, ўшанда Таҳмина кексайиб, бели букчайиб қолган бўлали, Заурга ғамгин-ғамгин тикилиб: «Заурик, сен бизнинг барчамиздан айёроқ чиқдинг, ҳаммамизни лақиллатиб кетдинг», дейди... Заур ҳам шунда унга бошдан-оёқ разм солиб чиқади, сўнг сен Заурни ким деб ўйлаган эдинг, дегандек менсимайгина кулиб қўяди... Аммо бу ҳали олис йиллардан кейин бўладиган гап эди, хўш, ҳозир, эндиликда Таҳминани ёқиб-ёндириши, бағрини кабоб каби ўрташи учун нима қилиши керак, нима?

Машина шаҳарга кириб келди. Шаҳарга тун чўккан эди.

\* \* \*

Таажжубдан Зевар хонимнинг оғзи очилиб қолди.

— Жиддий айтяпсанми?

— Албатта, жиддий айтяпман, — деди Заур. — Бу масалада ҳазил қилиб бўладими? Охирги пайтларда бу ҳақда роса кўп ўйладим, жуда кўп мулоҳазаларга бордим... Ўй ҳам тайёр бўлди... Энди ишни бошлайверсангиз бўлади...

Зевар хоним:

— Жуда соз, — деди. — Унда эртагаёқ совчи юборамиз. Аммо кейин гапингдан қайтиб қолмайсанми? — Зевар хоним қулоқларига ишонмас, чунки Заурнинг дафъатан бу қарорга келишини у сира кутмаган эди.

Заур:

— Бола эмасман-ку гапимдан қайтиб юрсам, — деди. — Бунақанги нарсалар билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Онаси довдираб ошхонага кирди, лекин дарҳол қайтиб чиқди... Нимадир ахтарар, бироқ нима ахтараётганини ўзи ҳам билмасди. Шўрлик аёл ўзини йўқотиб қўйган, боши гангидан нима қилишини ҳам билмас эди... Ниҳоят, Заурга яқинлашиб, ўғлиниңг кўзларига диққат билан тикилди, сўнг уни ўпди:

— Вой менинг ақдлигина болам, — деди. — Мен Оллоҳ бизнинг бошимиздан бу савдоларни аритишини, ҳаммаси яхшилик билан тугашини билар эдим... Бўйгинангга қурбон бўлай... Отанг ҳам қанчалар севинишини билсайдинг... Қизнинг уйидагиларини-ку айтмай қўя қолай, нақ байрам бўлади улар учун. Олиянинг энг катта орзузи эди бу.

Заур телевизор қаршисига чўқди, хоккей олиб кўрсатилиши керак эди... «Аммо чиндан ҳам ажойиб нарсани ўйлаб топдим, — дея ўйларди ўз-ўзига у, — бу хабар энди бомба каби портрайди, баъзи кишиларни куйдириб кул қиласди... Ростдан ҳам, «эй ҳаёт, нақадар ажо-йибсан...» Нақадар гўзалсан; эй ҳаёт, навқирон, кучли, соғлом бўлиш, эркин, озод бўлиш нақадар гўзал... Истаган ишингни қиласан, ҳеч кимдан паст бўлмайсан, аксинча, бошқалар сендан паст бўлади. Ҳаммаси ҳали олдинда... Ажойиб...»

Чиндан ҳам унинг ҳаёти ажойиб, аълодан аъло эмасми

— антиқа янги машинаси бор, антиқа янги уйи бўлади, хоҳлаганича безаб ташлайди бу уйини — экспедициялардан ажойиб тошлар олиб келади, ўрмонлардан антиқа ўсимликлар топиб келади, магнитофонга қушларнинг, ўрмонларнинг, дарёларнинг, шамолнинг, денгизнинг овозини ёзиб олади, уйини табиатнинг гўзал бир гўшасига айлантиради. Олис ўлкаларга саёҳат қилади, у ерлардан гаройиб нарсалар — Африкадан ҳар хил ниқоблар, Япониядан қўғирчоқлар, Ҳиндистондан тахта нақшлар олиб келади... Бутун дунёни, барча ўлкаларни кезиб чиқади, уйда эса соғлом, баҳтиёр оиласи — гул каби покиза хотини, боодоб, тарбия-ли, соғлом, қувноқ болалари бўлади. Буни кўролмаганларнинг қўзлари кўр бўлсин, баҳилликдан, ҳасаддан куйиб кул бўлсинлар.

\* \* \*

Соат еттида йигила бошладилар... Бирин-кетин Мажиднинг амакисининг ўғли профессор Баҳром Зайналли, Шоҳин, Зевар хонимнинг тогаси кириб келишди... Заур Дадашнинг ҳам лўп этиб кириб келишидан таажжубга тушди, аммо Зевар хоним ўғлини ошхонага тортид:

— Жон болам, жаҳлинг чиқмасин, — деди. — Дадашни нега чақирганимизни биласанми? Шунинг учунки, қуда томонидан албатта Муртузнинг божаси, сизлар билан бир нашриётда, Дадашнинг кўл остида ишлайдиган Неъмат деган йигит бўлади; қуда томонидан оддий ходим бўлса, биз томондан ўща ходимнинг хўжайини боради, бунинг устига Дадашнинг гапга суюги йўқ, сенинг дадангга ўҳшаб ҳар сўзни ичидан арқон билан тортиб чиқармайсан, қўявер, у бориб бизнинг кимлигимизни айтсин, сенинг таърифингни келтирисин.

— Мени таърифлашнинг нима кераги бор, ахир? Нима, мени танимайдиларми?

— Танишга-ку танийдилар. Бироқ уларнинг ҳам фақат ўзлари бўлмайди-да. Улар томонидан бегона одамлар ҳам бўлади, уларнинг олдида сенинг ҳам, бутун оиласизнинг ҳам қанақалигини таърифлайдиган киши керак-да, ахир. Дадашга қовоқ-димоқ қилма, жон болам, ойнинг бўйларингга қоқиндиқ.

Заур ҳорғин бир тарзда:

— Нимасига қовоғимни соламан?.. Дадаш десандиз —  
Дадаш-да, нима фарқи бор, — деди.

Соат саккизда совчилар Муртузовларникига йўл олдилар. Заур эса кроссворд еча бошлади... Африкада «К» ҳарфи билан бошланадиган ўн ҳарфли шаҳарни ҳеч эслай олмади... Совчиликка, табиийки, фақат эркаклар кетган эди, қариндош аёллар эса Зевар хоним билан ошхонада лақиллай бошладилар. Заур уларнинг гапини илғаб ололмаса-да, аёллар нима ҳақда гапиришаётганини жуда яхши тасаввур этарди — улар гоҳ мамнун ҳолда қаттиқ қаҳқаҳа уришар, гоҳ се-кин-секин пичирлашар эдилар.

— Айтмоқчиманки, Заурни таърифлаб ўтиришга ҳеч ҳожат йўқ, — Дадаш гап орасида хўриллатиб чой ичар, куртуллатиб қанд чайнарди, — ҳаммамизнинг кўз олдимизда улғайди... Оиласини ҳам, худога шукур, жуда яхши биласиз. Кўшни қариндошдан авло, деган гап бор, аммо кўшни айни пайтда қариндошинг бўлса, нур устига нур... Ҳа-ҳа-ҳа... майли, ҳазил ўз йўлига. Мажид домла машхур олимларимиздан, ажойиб оила бошлифи, оиласи ҳам — таърифнинг ўзи ортиқча — энг яхши, ажойиб, маърифатли, тушунган, соғлом оилалардан. Биласизки, дараҳтнинг қандай ўсиши илдизига боғлиқ. Шундай бир оилада вояга етган ўғлон ҳам, нима деймиз, ажойиб йигит, қайси тарафдан олиб қараманг — хоҳ саводи, хоҳ билими, хоҳ тарбияси — ҳаммаси жойида, каттага — катта, кичикка — кичик. Мана, икки йилдан бери бир идорада ишлаб келяпмиз, ёш бўлишига қарамай коллектив орасида ҳам катта обрў қозонган. Феъли ипакдай майин, юраги тоза. Тажрибасига келганда, шахсан мен унинг тажрибасизлигини нуқсон деб ҳисобламайман, мабодо буни Заурнинг нуқсони деб билганлар бўлса, нима қипти, ёши улғайган сари, нима деймиз, оқ-қорани кўрган сари, шубҳасиз, тажрибаси ҳам ошиб боради. Ҳар ҳолда ажойиб келажаги бор Заурнинг. Биласизки, ёмон одам учун сиз каби ҳурматли кишиларнинг эшигини қоқиб келмаймиз. Бу ерда, мана, менинг дўстим Неъмат домла ҳам ўтирибди, у ҳам, нима деймиз, қиз томоннинг вакили, аммо айни пайтда биз ҳаммамиз ҳамкасб биродарлармиз, бино-барин, Неъмат ҳам Заурни яхши билади ва менинг гапларимни тасдиқлай олади.

Неъмат нимадир деб мингирлади, афтидан, Дадашнинг фикрига қўшилганини тасдиқлади.

Муртуз кўпчиб кетган, пишиллаб оғир-оғир нафас оларди. У бир оз тўлқинланган, ҳар ҳолда, илк бор совчи қабул қилаётган эди-да, ахир. Аммо нариги божаси – Жаббор ўзини анча фаол тутар, Дадаш галирар экан, «тўғри, тўғри, яхши, яхши» дея унга қўшилиб турарди. Ниҳоят Дадаш нутқини тўхтатди, Жаббор дарҳол Муртузга кўз ташлади. Муртуз билинар-билинмас бош силкиган заҳоти Жаббор шоша-пиша гапни илиб кетди:

– Сиз каби мўътабар кишиларнинг эшигимизга совчи бўлиб келишининг ўзи биз учун катта шараф. Заурни ҳаммамиз таниймиз, маърифатли, тушунган йигит. Сиз ҳам шубҳасиз, Муртузовлар оиласини яхши биласиз. Муртуз Балаевични республикамизда ким танимайди дейсиз? Ажойиб саркарда, катта ҳарбий ходим. Фарангиз қизимиз ҳам кўз олдимизда вояга етди. Ҳалигача мундоқ ғдамга тик боқиб гапирганини эшитганимиз йўқ, зинҳор Балахон Байгалнинг қизларига ўхшамайди, сал нарсага дув қизариб кетади, кўзини ердан узмайдиган уятчан бир қиз, айтишни истардимки, у ҳали бир ғунча, очилмаган бир гул... Биз ўйлаймизки, бу гўзал, ажойиб ёшларимиз баҳтиёр, яхши бир оила қурадилар. Баҳтли бўлишсин: «Омин!»

Ҳамма жилмайди, «Омин» дейишди ва бир оздан сўнг Олия, Тоҳира ва Сурайё ноксимон стаканларда чой келтиришди, бу галги чойларга ширинлик солинган эди.

Дадаш, бошқа совчилар, хонадон соҳиблари таомилга кўра қошиқларни стакан ичиди шақирлатиб айлантирганча ҳўплаб чой ича бошладилар. Ҳамма бир-бир Мажидни, Муртузни, Олияни табриклади. Дадаш билан Неъмат эса нашриёт ишлари ҳақидаги сухбатга берилиб кетдилар...

Соат тўққизда совчилар кула-кула, баланд-баланд гапириб ортга қайтдилар. Ҳаммадан олдин Дадаш ичкарига кирди, Заурни ҳам ҳаммадан олдин у табриклади... Афтидан, у Заурни чўпиллатиб ўпмоқчи ҳам эди, аммо Заур дарҳол юзини четга бурди ва шу заҳоти Африкадаги «К» ҳарфи билан бошланадиган шаҳар тўсатдан ёдига тушди – Касабланка. Ўнта ҳарф. Тўғри, Касабланка...

\* \* \*

Эртаси куни аёллар учрашдилар. Зевар хоним Олияларникига борди ва у ерда ҳамма нарсани атрофлича келишиб олдилар. Заур геологик экспедицияга қабул қилинган, бир ойдан сўнг жўнаб кетиши лозим эди. Ишни чўзиб юришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг устига, ростини айтганда, ҳар иккаласининг – Олия хонимнинг ҳам, Зевар хонимнинг ҳам юраклари така-пука эди; тагин қўққисдан бир гап чиқиб қолса, айтайлик, Заур бирдан ўз фикридан қайтиб қолса, унда нима бўлади? Шунинг учун ўн кун ичида ҳам фотиҳани ўтказиш, ҳам тўй қилиш қарорига келдилар. Ҳар икки томон ҳам кўпдан бери тараддудини кўриб келган, керакли ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди. Олия қизи дунёга келган кунидан бошлабоқ унга аста-секин сеп йига бошлаган – кийимликлар, кўрпатўшак, қимматбаҳо пардалар, кийим-кечак, ҳатто тузхалтага қадар – ҳаммасини расамади билан ҳозирлаб қўйиб, уларни кўз-кўз қиласидан кунни кутарди. Тўғри, баъзи йирик нарсаларни – холодильник, мебель кабиларни ҳали олганларича йўқ эди, аммо Спартак уч кун ичида нима лозим бўлса, ҳаммасини топишни ўз зиммасига олди. У сўзининг устидан чиқди – 12 ашёдан иборат араб мебели, фин ошхона гарнитури, ЗИЛ холодильнигининг харажатини Спартакнинг ўзи кўтарди. Жаббор билан Тоҳира телевизор, Неъмат билан Сурайё эса билур қандил олдилар... Зайналлилар ҳам қизга ва қизнинг қариндошларига қимматбаҳо ҳадялар (жумладан, Спартакка костюмбон мато) тайёрлаб қўйган эдилар. Каттакон ресторонда дабдабали тўй учун маблағ омонат кассасида тайёр эди, етмиш кишилик тўй қилиш ниятида эдилар. Олия хоним «Биз учун камида эллик ўрин керак, ёр-биродарларимиз кўпроқ», – деб қўйган эди. Таомилга кўра фотиҳа тўйини қиз томон, катта тўйни йигит томон кўтариши лозим эди.

Олия хоним билан Зевар хонимнинг дипломатик музокаралари дўстона ва ўзаро ишонч вазиятида ўтди, сұхбат охирида Олия хоним Заурларнинг оиласини эртага тушлик зиёфатга – йўл очдига таклиф қилди.

Заур ишдан қайтаётган эди. Ҳаво совуқ, суюқ-суюқдан ўтиб кетадиган хазри эсади. Майда қор учқунлай бошлади. Заур машинадан тушиб, ойнатозалагичларни ўрнатди, шу пайт автобус бекатида қунишиб турган Мадинани кўриб қолди ва:

— Мадина, — дея чақирди. — Келинг, машинага чиқинг, уйингизга элтиб қўяман.

Мадинанинг қўлида каттакон оғир халта бор эди, афтидан, одатдагидек ишдан сўнг бозорга тушиб, майдачыйда олган эди. Мадина шошиб келганича машинага чиқди ва:

— Заур, — деди, — сизни худонинг ўзи етказди менга. Қўлларим узилиб кетай деди. Автобусдан дарак йўқ. Бунинг устига қор-изгиринни айтмайсизми...

Заур табассум билан:

— Уйгами? — деди.

— Албатта... Бу оғир сумка билан уйгача бориб олишга кўзим етмай турган эди.

Заур:

— Қалайсиз? — деб сўради.

— Раҳмат. Ёмон эмас. Фақат ўғлимнинг бир оз мазаси йўқ.

— Нима бўлди?

— Грипп бўлса керак, тинимсиз йўталяпти.

— Ҳозир бутун шаҳарда грипп.

Мадина:

— Ҳа, кимга қарасанг — бир дарди бор, — деди. — Янги машина олибсизми? Кутлуг бўлсин, яхши кунларингизга буюрсин.

— Раҳмат.

Мадина жим қолди, сўз очайми дея тараддулланди, ниҳоят, Заурга қия ўтирилганича гап бошлади:

— Айтмоқчи, табриклайман, уйланяпсиз деб эшилдим.

— Раҳмат, — деди Заур сигарет тутатаркан.

Энди Заур савол беришга ўтди:

— Қўшнингиз қалай?

— Тахминами? — деб сўради гўё Заурни Мадинанинг бошқа бир қўшниси ҳам қизиқтириши мумкиндай. — У шўрликнинг ҳам мазаси йўқ.

— Нега? У ҳам грипп бўлганми?

— Йўқ, жигари оғрийди... Ҳозир айниқса аҳволи оғир, у бечорага, сенга ичиш тўғри келмайди, бас қил, деб неча марталаб айтдим, қулоқ солмайди. — Мадина жим қолди, бир оздан сўнг қўшиб қўйди. — Эътибор бермаяпсизми, телевизорга ҳам чиқмай қўйди-ку.

Заур:

— Мен телевизор қўрмайман, — деди.

— Жуда тўғри қиласиз, — қўшилди Мадина ҳавас билан. — Кўришга арзигулик нимаси бор ўзи. Нуқул бўлмағур нарсаларни кўрсатишади...

Мадина телекўрсатувлардан гапирав, уларни ёмонлаб бораради, бироқ Заурнинг Таҳмина ҳақида бирор нарса дейишини жуда-жуда истарди. Ўша куни йўлда бўлиб ўтган воқеаларни, Спартакларнинг боғидан қайтиб келишаётганида Заурга дуч келиб қолганларини Таҳмина Мадинага айтганмикан?.. Мадина ҳамон кечаги кўрсатувлар ҳақида сўзларди:

— Қанақа фильм ўзи бу? Ҳаётда сирам шунақаси бўлар эканми?

Заур:

— Таҳмина ётибдими? — деб сўради.

— Йўқ, бугун бир оз тузук, балки ишга ҳам чиққандир, — деди ва айёrona жилмайиб, — хоҳласангиз кечкурун телевизорда кўришингиз мумкин уни, — дея илова қилди.

Заур:

— Яшанг, бугун телевизор кўрсак бўлар экан, — деди.

— Ўзининг жигари оғрийди, унинг устига ҳар кеча ичади, — дея такрорлади яна Мадина. — Ичиб, музика эшигади. Ярим тунда уйғониб кетаман, қарасам, ҳамон чироғи ўчмаган бўлади, музика эшитилиб туради.

Заур жилмайди. Таҳминаларнинг қўчасига етиб келдилар. Мана шу боғнинг олдида бир пайтлар, Заур аниқ санасигача билади — 5 июлда илк дафъа мана шу ерда у Таҳминани бир соатдан ортиқроқ кутган эди. Ниҳоят, Таҳмина чиқиб келган, оқ тутмали қизил қўйлак кийиб олган эди ўшанда у, кейин денгиз соҳилига кетган эдилар, барча муносабатлари ана шундан бошланган эди... Заур машинани дарвозанинг олдида тўхтатди. Бир пайтлар

Спартак машинасини худди мана шу ерда қолдириб кетган, Заур тунда унинг филдиракларини тешиб қўйган эди... Мадина қўққисдан:

— Заурик, ишонинг менга, у шўрлик фақат сиз билангина баҳтиёр эди, — деди. Заур бу сўзлардан таажжубланди. Сўзлардан кўра кўпроқ Мадинанинг унга худди Таҳмина каби «Заурик» деб мурожаат қилишидан таажжубланиб, елка қисиб қўйди.

Мадина машинадан тушаркан:

— Катта раҳмат сизга, — деди. — Оғир ташвишдан халос этдингиз мени. Илоё бахтли бўлинг.

Заур:

— Арзимайди, нима хизмат қилибманки... — деди ва машинани секин-аста ҳайдаб кетди.

\* \* \*

Зевар хоним:

— Эртага ишдан вақтлироқ кел, — деди ўғлига. — Олия хоним бизларни меҳмонга чақирган.

Заур розилик билдириб бош силкиди.

— Бугун Олияларникига борган эдим. Ҳамма нарсани маслаҳатлашиб олдик. Бўладиган ишни чўзиб юришнинг нима ҳожати бор? Шоҳин ресторон билан йигирманчига гаплашсин. Йигирманчи шанба бўлади.

Заур бош силкиди...

— Фарангиз билан ҳеч кўришдингми?

Заур таажжуб билан:

— Йўқ, нимага эди? — деди.

— Нимага деганинг нимаси? Энди сенинг қайлифинг ҳисобланади у. Мундоқ учрашинглар, кинога, театрга, концертга олиб бор уни.

— Ахир ҳали расман никоҳдан ўтганимиз йўқ-ку, — деди Заур. — Кўрган-билган нима дейди... Яхши гап бўлмас...

Онаси ё унинг истеҳзосини тушунмади, ё тушунса ҳам сир бой бермай:

— Бу гапинг ҳам тўгри, — деди. — Эртага йўл очди қилиб биз уларникига борамиз, кейин тез-тез сен бориб турасан, у бизникига келиб турари, никоҳ тўйига ҳам ҳеч қанча қолгани йўқ, — онасининг кўзларида севинч, фараҳ,

түрур бор эди. Ҳатто Заурнинг бунга ғаши келди. Онаси ўзини тута олмай: «Эй худойим, бўйгинасига қурбон бўлай бунинг, эй парвардигор, бизга бу баҳтни кўп кўрма», – деб юборарди.

Ниҳоят онаси:

– Тунинг хайрли бўлсин, – дея ухлагани кетди. Заур эса телевизорни қўйди... Фильмнинг охирги кадрлари тугади, экранда Таҳмина пайдо бўлди... Йўлда рўй берган ўша воқеадан бери Заур Таҳминани кўрмаган эди, экранда уни кўриб лол қолди: Таҳмина сўлиб қолган, озиб кетган, томошабинларга хайрли тун тилар экан, юзлари кулиб турса-да, кўзлари ўта ғамгин, ўта кадарли эди.

«Тунингиз хайрли бўлсин...» Заур Таҳминанинг тонг отишини орзиқиб кутадиган, бедорлик азобида ўтадиган даҳшатли кечалар ҳақида сўзлаганларини эслади. «Тонгга қачон етаман, тонггача қандай чидайман, худойим», – дерди у... Фузулийнинг бир байтини бот-бот такрорлар эди:

*Эй Фузулий, шоми ғам анжомина<sup>1</sup> йўхдур умид,  
Бир масаллидир санга ул сўзки, дерлар вор субҳ.*

Балки бу сўзлар ҳам Таҳминанинг бошқа сўзлари каби сохта риё, ёлғон бўлгандир... Ким билсин...

Заур экрандаги Таҳмина кўзларининг ич-ичига, теранликларига боқишини истарди, балки ҳақиқат ана ўша теранликларда яшириниб ётгандир, аммо шу заҳоти Таҳмина гойиб бўлди, унинг ўрнида экранда зангори бўшлиқ қолди, сўнгра бу бўшлиқ ҳам қорайиб, нурли бир нуқтага айланаб қолди, ниҳоят, бу нуқта ҳам ўчди.

Қаерландир Заурнинг миясига ҳозир чиқиб машинага ўтираман, телестудия ёнига бориб Таҳминани кутаман, деган ғалати фикр келди. Оҳ, қанчалар севиниб кетарди Таҳмина, балки бу ёлғон севинч бўлар, аммо чинми ёлғонми, барибири фавқулодда рўй берадиган бу севинч Таҳминанинг бутун борлигини чироқ каби шуълаларга кўмиб юборган бўлур эди. Чинми ёки ёлғонлигидан қатъи назар, бу шуъла, бу илиқлиқ, бу севинчнинг шуълаларига, ҳароратига Заурнинг ўзи ҳам исинган бўлур эди... Ҳозир туриб кетиш, машинага ўтириб, телестудия ёнига етиш ва:

<sup>1</sup> Анжом – тугаш, тамом бўлиш.

— Хуш кўрдик, Таҳмина, — деб айтиш...

Бундан осон нима бор дунёда? Аммо Заур билардики, ўзи учун бундан ҳам мушкулроқ иш йўқ дунёда. Бу иш дунёнинг энг мушкул иши эди.

У туриб телевизорни ўчирди...

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Агар тутсам ғамил элдан ниҳон, сабру қарорим йўх,  
Ва гар шарҳи ғами пинҳоним этсам ғамгусорим йўх.  
Асири банди зинданам, алимда ихтиёрим йўх,  
Бу етмазмики, бир дард орттирурсан дардима сан ҳам?*

Зевар хоним:

— Дарду балонгни олай, Заур, — деб илтимос қилди. — Бўлгани бўлди, бўёғи сингди, энди Спартак билан ярашгин... Бир томони энди қариндошмиз, — улар Муртузовларнинг дарвозасига етиб борган эдилар: Заурнинг кўлида кеча Зевар хоним тайёрлаган йирик торт бор эди. Профессор эса каттакон гулдаста кўтариб олган эди.

Заур ҳеч нарса демади, Зевар хоним гапида давом этди:

— Олиянинг айтишича, қаердадир ёқалашиб қолган экансизлар.

Заур:

— Ёқалашганимиз йўқ, — деди. — Бор-йўғи жағига бир мушт туширдим, холос.

— Бўпти, энди буларнинг барчаси ўтмишда қолиши керак...

Эшикни очдилар. Олия хоним:

— Хуш келибсизлар, марҳамат, — деди.

Даҳлизга кирдилар. Заур тортни кийим жавонининг ёнидаги курси устига қўйиб, отаси билан ичкари хонага кирди. Зевар хоним эса аёлларнинг ёнига, ошхонага кетди. Хонада безатилган стол ёнида оқ кўйлак кийиб олган Муртуз Балаевич Жаббор билан нард ўйнарди. Столнинг ёнида Муртузнинг ҳарбий костюми осилган бўлиб, унинг олди орден-медалларга тўлиб кетган эди. Неъмат нард ўйинини шарҳлаб ўтирафди... Мехмонларни кўрган заҳоти ҳар учаласи ўринларидан туришди, қўл бериб кўришдилар.

Муртуз Заурнинг елкасига қоқиб:

– Ҳа, қочоқ, – деди.

– Марҳамат, ўтиринг, профессор, – таклиф қилди Жаббор.

Муртуз Жабборга қараб:

– Ҳозир бунинг адабини бераман, – деди. Неъмат Заурнинг янги ишидан гап очди.

Столнинг устида товуқнинг сугидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Кабобхона мудири Нодирнинг тили билан айтганда, йилнинг шундай бир пайтида тоза бодринг, помидор қўйилган, қадимий немис чинниларига турлитуман салатлар солинган, оғир, вазмин биллур графинларга ҳар хил ичимликлар тўлдирилган эди.

– Қани олинглар-чи, – Олия хоним ўтирганларни дастурхонга манзират қилди... Столнинг тўрига Муртуз билан Мажид, уларнинг сўл томонига Зевар хоним, Жаббор ва Неъмат ўтиришди... Ўнг томонда Заур ўтирас, унинг ёнидаги курси бўш эди. Бир оздан сўнг Олия Фарангизни бошлаб кирди. Фарангиз қизариб кетган, оппоқ кўйлаги унинг ёноқларини янада қизилроқ, соchlарини, кўзу қошларини эса зулукдек қоп-қора қилиб кўрсатарди. Соchlари йўғон қилиб ўрилган эди. У нигоҳини ердан узмасдан ҳамма билан саломлашди... Заур дарҳол оёққа қалқиб, Фарангизни ёнидаги бўш курсига ўтқазди... Сурайё, Тоҳира ва Олия столнинг қуий томонига ўтирдилар. Уларнинг ёнида Сурайёнинг уч қизи ва Тоҳиранинг ўғли ўтирди. Хонага Олия, Сурайё ва Тоҳираларнинг онаси Бека хола кириб келди. У Заур билан Фарангизни ўпиб, бугун умрининг энг баҳтиёр кунларидан бири эканлигини айтди, сўнг узр сўраб ошхонага йўл олди – паловни Бека хола пишираётган эди.

Муртуз:

– Спартак қаерда? – деб сўради.

– Ҳозир келади, – деди Олия.

Заур билан Фарангизнинг соғлиғи учун, ота-оналарининг соғлиғи учун, қариндош-уруғларнинг соғлиғи учун ичдилар. Заур Спартакнинг хонага кириб келишига алоҳида эътибор берди. Спартакнинг қараашларида алланечук безовталик бор эди... Заур унга қараб жилмайди. Спартакнинг кўзларидаги безовталик одатдагидек истеҳзо билди.

лан алмашди, келиб Заурга истамайгина қўл узатди, икка-  
ласи кўришишди...

Муртуз ширингина кайф қилган эди, навбатдаги қадаҳ  
сўзини айтиш учун ўрнидан турди. Муртузовлар оиласи-  
нинг соғлиғи учун Мажид айтган қадаҳ сўзларини мустас-  
но қилганда, барча қадаҳ сўзларини Муртузниң ўзи айт-  
моқда эди.

— Бугун, бу ажойиб ноз-неъматлар қўйилган дастур-  
хон атрофига энг яқин қариндош-уруғлар жуда ажойиб  
бир муносабат билан йиғилиб турибмиз, — деди Муртуз  
Балаевич. — Хой, Спартак, қани қадаҳингни тўлдир-чи.  
Аммо кайфинг ошиб қолмасин, сен ярамасни яхши била-  
ман мен. Ичишни бошласанг, ер-кўкни унутиб қўясан.

Спартак:

— Папаша, — деди — бу гапларни ўзингга айт.

Ҳамма кулди, Олия хоним мазаммат билан Муртузга  
қараб:

— Тўғри айтади, — деди, — сен ҳам ўзингни эҳтиёт  
қил мундок, юрагингнинг ёмонлиги ёдингдан чиқдими?

Муртузниң кайфи баланд эди, бошқа пайт бўлганда  
ўғли билан хотинининг бу гапларидан ғазабланиб кетарди,  
аммо бу гал жаҳли чиқмади, бу гапларга ҳатто парво ҳам  
қилмади:

— Ҳамма нарса менинг ёдимда, — деди. Сўнг шира-  
кайф одамнинг «маъноли» таъкидлари билан такрор қилди:

— Ҳамма нарса ёдимда менинг... Кулок солинглар, мен  
нима демоқчиман... Биз ўшларнинг соғлиғи учун ичдик,  
уларнинг келгусида покиза, ажойиб оила қуришлари учун  
ичдик. Аммо мен шуни айтмоқчиманки, — юзини Заурга  
бурди, — оила қургунга қадар, уйлангунга қадар нимаики  
бўлган бўлса, энди эркак киши уларнинг ҳаммасини эшик-  
дан ташқарида қолдириши керак. Нима бўлган бўлса бўлди,  
модомики уйландингми, энди оила ташвишини чек, тен-  
тираб юрма, оила мустаҳкам, соғлом бўлиши лозим.

Ҳамма ўзини бир қадар ноқулай ҳис эта бошлади,  
полковникнинг қочиримлари ўта ялангоч эди, аммо бу  
сўзларни рад этиш ёки унга бирон нарса илова қилиш  
билан ушбу вазиятдан чиқиб бўлмасди... Ўргага оғир сукунат  
чўқди. Фақат профессор ҳар замонда бир йўталиб қўяр,  
гарданларини артарди.

Мана, бир неча кунки, Заурнинг бутун вужудини ягона бир туйғу қамраб олган, бу – рўй берәётган барча воқеаларга, айтилаётган барча сўзларга батамом бегоналиқ туйғуси эди. Бу туйғу уни ҳар хил салбий ҳаяжонлардан, турли ғазаб-нафратдан ҳимоя қиласиди. Шу боис Муртузнинг гапларини ҳам у юзаки бир эҳтиром билан, аслида эса ичичидан тошиб келаётган аччиқ қулгу билан қабул қилди. Муртузнинг айтилаётган бу гаплари ўтиришнинг бошидаёқ, тўғрироғи, совчилар келган кунданоқ унинг мия-сида чарх уриб айланар, энди эса конъяк таъсирида дилидагиси тилига чиқмоқда эди.

Ичгани сари Муртузнинг бу борадаги фикрлари ойдинлашиб борар, афтидан, ҳозир ҳамма гапни бир йўла тўкиб солишни истарди...

– Ёшлиқда қайси биримизнинг бошимиздан бундай савдолар ўтмаган дейсиз? – У Мажидга кўз ташлади, профессор довдираб қолди, – йўқ, мен таъна қилмоқчи эмасман, аслида бу ҳам керак, ҳатто ёш йигит учун бу жудаям зарур... Хўш, айтмоқчиманки, ҳаётнинг ҳар бир лаззатидан баҳраманд бўлиш керак, ҳам тажриба учун керак бу, ҳам соғломлик, саломатлик учун... Табиат ҳам шуни тасдиқлади... Аммо бу ерда бир масала бор... хўш, қандай масала? Киши оила олдидаги, жамият олдидаги бурчини ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак...

Муртуз охирги гапларини пиҷирлаб, фақат Мажидга эшилтириб сўзлар, аммо Заур ҳар бир жумлани аниқ эшитиб туради:

– Эсимда, менинг ҳам бир Зойкам бор эди (Бу гапларни Олия эшилтмасин), аёл эмас, бир парча олов эди ўзиям... Ёш, думбулгина йигит эдим ўша пайтлар, илакишиб кетишимга оз қолди. Мени жуда ўзига ром қилиб олганди, ҳатто уйланиб қўйишимга бир баҳя қолган эди, энди ўйласам, ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди... Шукур, ўз вақтида айрилдим... Бу ҳам бошга тушадиган бир савдо-да... Аммо ҳозирги ёшлар бизга қараганда анча хушёр. Роса кайфини сурадилар, бироқ бизга ўхшаб кўзларини қон босиб қолмайди, анои эмас булар... Масалан, мана бизнинг Спартакни олайлик, ўзи-ку менинг ўғлим, аммо баъзи ишларда сени ҳам, мени ҳам, юзга кирган тажрибали кишини ҳам йўлда қолдириб кетади. Дунёning баланд-

пастини беш бармоғидай билади, хотин масаласида ҳам қилни қирқ ёрадиганлардан, хумпар.

Сўнг қайдандир Муртузнинг эсига Спартак билан Заурнинг муносабатлари тушиб қолди, орангиздан нима ўтган ўзи, айтинг, биз ҳам билайлик, дея узундан-узоқ саволини бошлади.

Спартак ҳам, Заур ҳам бир оғиздан:

— Ҳеч гап, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — дейишиди.

Муртуз эса ўз гапидан қайтмасди, охири:

— Яхши, агар ҳеч гап бўлмаган бўлса, унда туриб иккалангиз ўпишинг, — деди.

Заур ўпишмаса бўлмаслигини англади. Ўтмиш билан видолашганини, ўтмишда бўлиб ўтган савдоларни тагтомир билан кўпориб ташлаганини ўз-ўзига исботлаш учун бу синовдан ҳам ўтиши лозим эди. Лабларидаги паловнинг ёғини қофозсочиққа артди, Спартак ҳам унга тикилганича ёғли лабларини артди, иккаласи ўпишишиди. Ўша сафар йўлдаги каби ҳозир ҳам Спартакдан атир ҳиди келарди.

Чой келтирилди, дастурхонга кетма-кет тортлар, пи рожнийлар, мевалар тортилди. Муртуз тинмай жанг хотираларидан сўзларди. Заурнинг нигоҳи қўққисдан ўзига тикилиб турган ўйчан, ғамгин кўзларга тушди. Неъматнинг кўзлари эди бу ҳасрат тўла кўзлар... Уларнинг нигоҳлари тўқнашди ва Заур тушундики, бу ерда ўтирганлардан фақат Неъматгина ҳамма нарсани, шу жумладан, Заурнинг ҳақиқий аҳволини англаб турибди. Ҳа, ёлғиз Неъмат ҳамма нарсани тушуниб турарди. Заурнинг аҳволини ҳам, унинг қарорини ҳам, бу қарорга келишининг сабабларини ҳам, келажакда Заур кутаётган натижаларни ҳам...

\* \* \*

— Хайр, соғ бўлинг...

— Худо ҳаққи, алоҳида таклифни кутиб ўтиrmай кела-веринг.

— Орамиз жуда узоқ-да, зинапоянинг нариги чеккаси-гача, ха-ха-ха...

— Бундай дема...

— Вой, ёмғир ёғяпти-ку...

— Заур сизларни машинада элтиб қўяди.

- Спартак ҳам элтиб қўйиши мумкин.
- Ўқ, Спартак кўп ичиб қўйди.
- Ичганда қанча ичдим, қани кетдик. Ҳозир меҳмонларни Заур билан иккаламиз уйларига элтиб қўямиз. Кўрайлик-чи, кимнинг машинаси тез юрар экан.
- Заур, ўғлим, эртага бир келиб кет.
- Бош устига, Олия хоним.
- Профессор, нардда сизга қарздор бўлиб қолдим.
- Бўпти, саломат бўлинглар, ичкарига киринглар энди, ёмғирда ивиб қоласиз, хайр.
- Бунчалар қоронги, гугурт ёқсангиз-чи.
- Ҳозир машинани олиб чиқаман.
- Мен ҳам олиб чиқаман, бирпас кутинглар.
- Заур, тез қайт.
- Спартак, дайдиб юрма.

\* \* \*

Чўчиб уйғонди, дарҳол қўл соатига қаради, соат эрталабки олти эди. Балки бу овоз тушимда эшишилгандир, дея Заур таажжубга тушди, аммо телефон тағин жиринглади. Қўлини чўзиб каравот ёнидаги телефон дастагини кўтарди, уйқули овозда:

— Алло, — деди.

Телефон жим эди. Заур дастакни жойига қўймоқчи бўлган ҳам эдики, шу пайт телефонда музика янгради. Аввалига бу овоз жуда олислардан эшишилди, сўнг астасекин кўтарила борди. «Кўчаларга сув сепмишман» қўшифи янгради. Қўшиқни тинглаган сари Заур ҳущёр тортиб борар, бу ғалати тонгги концертдан таажжубланар эди. У бирдан гап нимадалигини тушунди:

— Алло, ким бу? — деб қичқирди, аммо қўшиқ тугади ва дастакни қўйиб қўйдилар...

Шу заҳоти Заур ҳамма нарсани англаб етди. У ким қўнғироқ қилганини тушунди, ҳозир соат олти эканлигини, қўнғироқ қилган киши бу қадар эрта турмаслигини, йўқ, у бу кеча ухламай чиққанини, музика, коњъақ, ҳасрат билан — Заурнинг ҳасрати билан лиммо-лим тўлган бу узун кечани бедор ўтказганини, тун бўйи киприк қоқмай чиққанини тушунди.

Гумони тўғри эканлигини тасдиқлаш учун энди Заур-

нинг ўзи телефон номерларини терди. Таҳмина дарҳол дастакни кўтарди, аммо у ҳам, Заур ҳам жим эди. Телефондан бошқа бир қўшиқ: «Ҳой бари боҳ, бари боҳ» янграиди:

*Панжарадан тош келур,  
Хумор кўздан ёш келур,  
Сени менга берсалар  
Оллога ҳам хуш келур...*

Қўшиқ тугади ва Таҳмина дастакни кўйди. Заур сигарет ёқди, у шундай чукур, шундай оғир бир ҳасратни туйдикни, инграб юборишига оз қолди. Таҳмина тунни қанчалар оғир ўтказганини тасаввур қилди, шу пайт телефон тагин жириングлади. Дастанни кўтариб қўшиқни тинглай бошлади:

*Умрим бўйи тош ташидим,  
Камим тўлмади.  
Ёшлигимдан бир қиз севдим,  
Маним бўлмади.*

«Таҳмина, ҳой Таҳмина, ахир нега бундай қилиб кўйдинг?» – демоқчи бўларди Заур, аммо ҳеч нарса демасди. «Ўзиям ким билан денг, Спартак билан!» – демоқчи бўларди Заур, аммо ҳеч нарса демасди. «Таҳмина, ахир мен сени чиндан ҳам севардим, сен билан бўлганимда чиндан ҳам баҳтиёр эдим», демоқчи бўларди Заур, аммо ҳеч нарса демасди. «Ҳаммаси ёлғон эдими? Мени севмасмидинг, севсанг нега қалбимни яралаб кетдинг?» демоқчи бўларди Заур, аммо ҳеч нарса демасди... «Ахир энди мен ҳеч қачон, ҳеч қачон баҳтили бўла олмайман, ўзинг яхши биласан-ку буни, энди мен яшай олмайман, ўламан, тирик мурдаман», демоқчи бўларди Заур, аммо ҳеч нарса демасди. Қўшиқ тугади. Таҳмина дастакни кўйди. Бир оз фурсат ўтди, Заур энди ҳамма нарса тугаб бўлганини тушунди, аммо шу пайт яна телефон жириングлаб қолди, у дастакни кўтариб, қўшиқка қулоқ солди:

*Қирмизи гул, сари<sup>1</sup> гул,  
Боғчаларнинг бори гул.*

<sup>1</sup> Сари – сариқ.

*Кеч очилдинг, тез сўлдинг,  
Очмагайдинг бори гул<sup>1</sup>.*

Бу «Лочин» қўшиғи эди... Таҳмина ҳар гал бу қўшиқни тинглаганида чинқириб йиғларди... Энди Заур ҳам йиғларди... олис болалик чоғларидан бери биринчи марта йиғлаши эди, сассиз-садосиз йиғлар, кўзларидан юзларига сизиб чиқаётган ёшларини артмай йиғларди. Бўғилиб-бўғилиб йиғларди, чунки билардики, бу уларнинг сўнгги видолашувлари, ер юзида фақат яккаю ягона бир аёл ана шундай видолаша олади... «Лочин» қўшигининг охирги банди янгарди. Заур бу Таҳминанинг кассетасидаги сўнгти қўшиқ эканлигини яхши биларди ва энди – Заур билан Фарангизнинг тўйлари арафасида Таҳмина унинг ҳаётидан абадий ўчуб кетмоқда эди...

*Ораз сабаб, муз сабаб,  
Кабоб ёнар кўз<sup>2</sup> сабаб.  
Кўй мени ўлдирсинглар  
Бир қора кўз қиз сабаб.*

Қўшиқ тугади. Дастак қўйиб қўйилди...

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Вафо ҳар кимсаданким истадим, ондан жафо гўрдим,  
Кими ким бевафо дунёда гўрдим – бевафо гўрдим.  
Манга гўстарди гардун тийра баҳтим кавкабин юз гез,  
Мане бадбаҳт тикилдим унга ҳар галким – қаро гўрдим.*

Истанбул туман оғушида эди... Ўйқудан уйғонган каби шаҳарнинг миноралари, куббалор масжидлари туман орасидан бирдан қалқиб чиқди... Тонг саҳарда Босфор устини қоплаган туман жигарранг уфқларга туташиб кетган эди.

Заур тун бўйи ухламаган, эндиликда кеманинг палубасига суюнганича ўзи илк бор кўраётган бу шаҳарнинг тонгги уйқудан уйғонишини томоша қиласиди. Денгиз оғир симобий тўлқинлари билан ўз сатҳини текисламоқчи бўлар, шаҳар кўрфазидаги кемаларнинг шарпалари,

<sup>1</sup> Мисранинг маъноси: Очилмаганинг яхши эди, эй гул.

<sup>2</sup> Кўз – чўғ.

биноларнинг чизгилари яширин сарғиш-жигарранг про-  
жекторнинг шуълалари билан ёритилган саҳнани эслатар,  
проҗекторнинг ўзи – қуёш эса олис уфқ ортидан юкса-  
либ борарди.

Қуёш шуълалари улар тушган кема палубасидаги тун  
чироқларини ҳам ёритиб юборган, кеча зулматида порлаб  
турган бу чироқлар эндиликда гўё сарғайиб-сўниб қолган-  
дек эди. Кема аста-секин Истанбул кўрфазининг кўприк-  
часига ёндашиб борарди, бир ойлик саёҳатларнинг охирги  
бекати эди бу шаҳар...

\* \* \*

Кемада Фарангизнинг кўнгли айнади, қайт қилди,  
сўнг тунда қаютада, кемалари Истанбулдан Одессага йўл  
олганда, Фарангиз ҳомиладор бўлиб қолганлигини айтди.

Одессага тушган заҳоти Заур самолётга билет олди.  
Муртузовларга ва ота-онасига, кутиб олгани чиқинглар,  
деб телеграмма берди. Самолёт Симферополга бир кўниб  
олгач, Бокуга қараб учди.

\* \* \*

Самолётдан тушиб, кутиб олгани чиққанларни кўрган  
заҳоти Заур нимадир рўй берганлигини фаҳмлади. Аммо  
нима гап ўтганлигини билмасди... Уларни кутиб олгани  
чиққанлар – Зевар хоним, Фарангизнинг отаси ва онаси,  
Спартак, Спартакнинг бир дўсти – Заур уни юзидан тани-  
са ҳам отини унугиб қўйган эди – жилмайганларича олис-  
дан туриб Заурга қўл силкирдилар, Заур билан Фира ҳам  
қўл силкидилар, бироқ Заур узоқдан туриб онасининг  
Муртузовлардан нарироқ турганини кўрди. Муртузовлар  
билан ўпишиб кўришиб (улар анча яқин турган эдилар),  
онасига яқинлашар экан, Заур унинг кўзларида аллақандай  
ранж, норозилик борлигини сезди. Зевар хоним Заур билан  
совуққина кўришди, келини билан эса бундан ҳам баттар...

– Отанг кела олмади, – деди ва илова қилди. – Мен  
сенинг машинангда келдим, қайтишда ҳам шу машинада  
кетаман. Ўзинг ҳайда, хўпми? – Заур бош силкиди. –  
Бағочларни олиб кел машинага.

Зевар хоним Заурнинг «Волга»сига, олдинги ўринди-  
фига чиқиб ўтириди.

Заур ўз машинасини бу ерга Спартакнинг дўсти ҳайдаб келганини, бу бежиз эмаслигини англади. Зевар хоним Муртузовларнинг машинасида, Муртузовлар билан бирга келишни истамаган, умуман, бу бир ой ичида, афтидан, икки оила ўртасидан қандайдир гап ўтган.

Олия хоним Фарангизни саёҳатлари ҳақидағи саволларга кўмиб ташлаган эди. Муртуз гердайганича атрофни томоша қиласади. Спартак билан дўсти эса негадир фалати бир тарзда гоҳ Заурга, гоҳ Фираға, гоҳ Зевар хонимга боқардилар.

Олия хоним билан Фарангиз чеккага чиқиб пичирлаша бошладилар. Фарангизнинг қизариб кетганидан Заур у ўз ойисига ҳомиладор бўлиб қолганлигини айтиётганини тушунди. Олия хонимнинг мамнун табассумидан бу хабар унга қанчалар лаззат баҳш этаётганини англаш мумкин эди...

Юкларни олиб келдилар, Спартак билан дўсти Заурга ёрдамлашиб, беш йирик чамадонни машиналарга жойладилар.

Олия хоним:

— Фира бизнинг машинада кетади, — деди ва Муртузовларнинг ҳаммаси жигарранг «Волга» томон юришди. Спартакнинг дўсти ҳам уларнинг машинасига чиқди.

Заур ўз машинасига ўтириди. Бир оз моторни қиздиргач, жигарранг «Волга»нинг ортидан ҳайдаб кетди... Ўша йўлга чиқдилар. Ху ўша, бундан бир неча ой олдин Заур жигарранг «Волга»нинг ортидан қувган йўлга... Бироқ Заур ҳаётнинг фалати ўйинлари ҳақида ўйлаш учун ўзида мажол топмади, Зевар хоним эса дарди дилини тўкиб солди...

Ха, Заур адашмаган эди... Одамнинг оласи ичида экан, деб гап бошлиди Зевар хоним, неча йилдан бери девори дармиён қўшни бўлиб, Муртузовларни эътиборли одам деб келган бўлсак-да, аслида Олия шайтонга шим кийдирадиганлардан экан. Ўзи ҳам, эри ҳам шунчалик кериладики, тумшуқларига хода етмайди. Қизларининг ҳам бу дунёда тенги йўқ эмиш уларнинг назарида, осмондан тилла бешикда тушган экану, биз билмаган эканмиз... Ҳали буям ҳолва. Анави жулик Спартакни таърифлаб, осмоннинг еттинчи қаватига чиқариб кўйганини кўрсайдинг Олия хонимнинг. «Спартак ундоқ, Спартак бундоқ»,

Спартак тилидан тушмайди у хотиннинг. Унинг беҳаёлиги-га қараки, кўзларимнинг ичига боқиб туриб, томдан тара-ша тушгандек, сен Заур билан Спартакни ноҳақ тенг ҳисоб-лайсан, Спартак қаерда-ю, Заур қаерда, Спартак мустақил йигит, бир уйнинг таянчи, Заур эса, ўзига қолса, ўз оила-сини ҳам эплай олмайди, дейди... Шу ерга келганда мен ҳам портладим. Нима бўпти, дедим. Заур сизнинг эшигин-гизга келиб бирон нарса тиландими, ҳали унинг ота-онаси ўлгани йўқки, сизларга муҳтоҷ бўлса... Заурнинг, дедим, орқасида тоғдай дадаси турибди... Энди у шаллақининг гап-ни қара — дадаси дунё тургунча турмайди-ку, дейди. Хўш, сенинг эринг-чи, сенинг эринг қиёмат қўпгунча яшайвера-дими, дедим. Ҳаммамизнинг охир-оқибат борадиган жойи-миз — қора тупроқ, сен Заурнинг отаси бемор эканини айтяпсанми, дедим, бу дунёдан қачон насибаси узилишини ҳеч ким билмайди, баъзан гулдираб юрган ёш-ёш йигитлар пуф деб жон беради, бироқ кекса, рамақижон одам мун-киллаб қолгунча яшайверади, дедим. Дўхтирларнинг айти-шига қараганда, профессор юз ёш билан соғ-омон юзлаша-ди, дедим. Олия билан гаплашганда атай профессор дей-ман, чунки ҳадеб полковник эрини тиқишираверади ғашим-га тегиб.

Заур бутун бу эҳтиросларни тамоман совуққонлик, лоқайдлик билан қабул қиласади. Энди бутун умри ана шу қўиди-чиқди фурбатлар билан ўтажагини у яхши англарди. Бир кун келиб худди ана шу можаролар бошига тушиши-ни у олдиндан билар, шунинг учун ҳам энди бу гаплардан на таажжубланар, на ғазабланарди. Албатта, киндик қони тўкилган шаҳарга қайтиб келишлари биланоқ унинг кай-фиятини бузиш онасининг феъл-авторига хос хусусият эди. Аммо бу ерга қайтишнинг ўзидан бирон севинч, бирон фараҳ бор эдими Заур учун? У қизиққанидан эмас, шунчаки расмият учун сўради:

— Бу ғавғоларнинг ўзи нимадан бошланди, ахир?

— Айтишга арзимайди... Уйларингизнинг калитини Олияга қолдирган экансиз. Нима ҳам дердим, бу ўз ишин-гиз, шуни лозим топган экансиз, майли, уй сизники, инон-ихтиёр сизники. Мен аҳмоқ уйни йигиб-йифиши-риб, чанг-чунгларини артиш керакдир, деб ўйладим... Се-кин қўнфироқ қилиб, камоли одоб билан, Олия хоним,

улар қайтиб келгунча уйни супуриб-сидириб, тартибга солиб қўйсак бўлармиди, дедим. Чунки сизлар кетаётганда уйда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб қолган эди... Олия хоним портлаб кетди-ку... Менинг гапим иззат-нафслариға тегиб кетибди хонимнинг: хўш, нима демоқчисан, дейди, нега ағдар-тўнтар бўлар экан Фиранинг уйи? Нима, уйга қарамайди, демоқчимисан. Нима бўпти, дейди, сизларга чўрилик қилиши учун шунча йил уни гулга ўраб ўстирганимиз йўқ. – Зевар хоним Олиянинг гапларини заҳарли киноялар тарзида айтар, ўз гапларини келтирганда овози юмшаб, ҳалим бўлиб қолар эди, – йўқ, синглим, тушунсанг-чи, нима кераги бор бунаقا гапларнинг, чўри, оқсоқ деганинг нимаси, ҳали ёш бола-да улар, ҳамма нарсани аста-секин ўрганади. Биз улардан каттамиз, тажрибамиз бор, уларниң қўлтиғига кирайлик, ёрдам берайлик, бориб уйларини йиғиштириб қўйсак, балки менинг ҳам бирор ёрдамим лозимdir, дедим. Йў-ўқ, дейди, ҳеч қанақа ёрдам-пордам керак эмас, мен то улар келгунча сингилларим билан бориб ҳаммасини тартибга солиб келаман, дейди. Сингилларининг қанақалигини билласан... Биттаси анави Тоҳира байтал, эрини гаҳ деса қўлига қўндиради. Тағин биттаси – Сурайё, унинг ҳам қайси иннинг қуши эканлигини яхши биламан. Апилтапил биринчи эрининг йилини ўтказиб, эртаси куни орқасида икки қизи билан Неъматга тегиб олган, эри ўзидан неча ёш кичик... Энди қизларини айтмай қўя қолай.

– Яхши, менга айт-чи, ойи, – дея Заур Зевар хонимнинг сўзини бўлди, – бу ҳангомаларнинг ўзи нимадан чиқди ахир?.. Уйни йиғиб-йиғиштиришданми?

– Гап йиғиб-йиғиштирища ҳам эмас... Қисқаси, бу кимсаларнинг кимлигини билиб олдим... Эрнинг бошида ёнгоқ чақиш бу уч опа-сингилнинг қонида бор экан. Тоҳираси ҳам шунаقا, Сурайёси ҳам... Олиянинг ўзиям! Сен Муртузнинг дўқ-пўписаларига, ҳай-хуйларига ишонма, хотинидан итдай қўрқади шўрлик, хотини бир имо қўлса, лаббай деб туради, бўлмасам-чи. Сени ҳам тряпка қилиб олмоқчилар, ҳар бир гапларига кўл қовуштириб туришинг керак, ота-онадан кечишинг керак – уларнинг муддаоси ана шу.

– Ойи, қўйсанг-чи бу гапларни.

— Ёлғонми?.. Олияниң ўз тилидан эшитдим. Аллада азиз, тўрвала майиз қизларини бериб гүё бизга жуда катта марҳамат қилган эмишлар. Сен гүё бу фариштанинг эри бўлишга сира лойиқ эмасмишсан.

— Хўш, энди бир-бирингиз билан юзкўрмас бўлиб кетасизларми?

— Гапимни бўлма... Хуллас, сизлардан хабар бўлавермагач, қаттиқ соғиндим, балки Олияларга бирон хат-хабар келгандир деб қўнғироқ қилдим. Одоб билан ҳол-аҳволини сўрадим. Соғлиғинг қалай, эринг тузукми, дедим... Энди унинг шаллақилик қилганини кўрсанг. Оғзидан боди кириб шоди чиқди.

— Нега ахир?

— Жим тур, гапиряпман-ку... Кўшнимиз Ситорани биласан. Ўша бир кун бизнигига келиб, Заур ажойиб уй олибди, зўр қилиб безатибсизлар деб эшитаман, улар келганда менга хабар қил, бориб бир кўрай, деди... Мен ҳам бир юраги покиза аёлман, бурганинг йўталидан бўрон қўптирадиган кишилар борлигини қаердан билай, калитлар Олияда, уй эгалари калитни унга қолдириб кетишни лозим кўрибдилар, уларнинг қайтишларини кутиб юрасанми, Олияга айтсанг, элтиб Заурнинг уйини кўрсатади, дедим... Билмайман Ситора бу гапларни қай тариқа етказган Олияга, энди Олияниң бир алами ўн бўлганини кўрсанг. Мени еб-ичишига оз қолди, калитни фалончи олди, уй фалончидаги қолди деб нега бутун оламга жарсолиб юрибсан, дейди. Спартакдан бериб юбораман ўша ордона қолгур калитларингни, унақа кулбага зор қолиб турганим йўқ, дейди... Фирочка агар истаса бундан минг чандон яхши жойларга тушарди, не-не совчилар эшигимзининг турумини бузиб юрган эди, дейди.

— Қайси совчилар?

— Э-э, ёлғон гап, хўjakўрсинга... Қайси аҳмоқ совчи экан уникига борган? Нима, мен билмайманми, халойиқнинг кўзи кўр, қулоги карми?.. Қизининг баҳти очилгани учун худога минг қатла шукр қилсин; нима бўпти, мен ҳам унга бир-икки оғиз «ёғлиқ» жавоб қилдим. Қиёматгача эсидан чиқмайди. Менга алам қиласидигани унинг эмас, ҳувари эрининг гаплари. Кўринишидан оғир-босик, бамаъни одамга ўхшайди, аммо хотинларнинг ишига бош

суққанига ўлайми. Телефонни олволиб, менга хезланишларини айтмайсанми...

— Отам ҳам Олия хонимга боплаб жавоб берган бўлса керак-да?

— Шуниси етмай турувди... Сенинг отанг асл эркак. Хотинлар билан пачакилашиб ўтирадиганлардан эмас. Аммо Муртуз билан гаплашди, гаплашганда ҳам ётиғи билан гаплашди.

— Кўриниб турибдики, биз йўқлигимиизда зерикиб қолмабсизлар.

— Нима, сенингча, менинг ҳам ҳақим унда қолиб кетсинми? Мени яхши билмас экансан. Ўзинг мундоқ холисанилло ўйлаб кўр, ахир...

Заур бу гапларнинг тагидаги маъносини яхши англарди, онасининг кўзларидағи илинж, қўркув, ёлвориши сабаблари ҳам ойдин эди унга. Онаси ишонмас, кўққисдан Олия билан қизи Заурнинг бошини айлантириб, бу ҳаётмамот жангидаги уни ўз томонларига ағдариб олишмаса эди, деб қўрқарди... Ҳали онаси улар олиб келган совфаларни кўрганда, яъни Зевар хоним билан Олия хонимга бир хил туфли, Мажид билан Муртузга бир хил кўйлак олганлари ҳолда, бу совфаларга қўшиб Спартак учун иккита зўр галстук олганларидан, бу галстукларни Заурнинг ўзи танлаганлигидан Зевар хоним хабар топгач, тағин не можаролар келиб чиқишини Заур яхши биларди. «Бизнинг пулимиизга сафарга чиққан ўз ўғлимиз бизга нимаики олган бўлса, кудаларимизга ҳам шуни олибди, бу ҳам етмаганидай, Спартакни ҳам эсидан чиқармабди, бундан-да оғирроқ мусибат бўладими?..»

Шаҳарга кириб келдилар. Заур жигарранг «Волга»нинг ўнгга бурилганини кўриб, Фарангизнинг ота-онаси ўз уйларига йўл олганларини англади. Хўш, Фарангизчи, балки у ҳам отасининг уйига кетар...

Балки Олия хоним Фарангизни Заурдан ажратиб олмоқчидир... Чунки нариги машинада Олия хоним худди шу гапларни айни шундай шиддат билан, аммо бутунлай бошқача оҳангда шарҳлаб кетаётганига шубҳа йўқ эди... Балки у машинада сұхбат бир оз хотиржам бораётгандир, чунки, ҳар ҳолда, у ерда бутунлай бегона киши – Спартакнинг дўсти бор эди. Аммо у ерда ҳам шу қадар қизи-

шиб кетган эдиларки, бегона кимса борлигини ҳам унтиб қўйгандилар... Ҳали самолётдан тушганларида Муртузовлар ҳар иккаласига – Заурга ҳам, Фирага ҳам бир хилда жилмайгандек эдилар, аммо яқин келганларида маълум бўлдики, бу табассумлар ёлғиз қизларига қаратилган экан. Заур билан юзакигина кўришдилар. Демак, чиндан ҳам Олияниг нияти уларнинг никоҳини бузиш экан-да? «Унда бола нима бўлади?» – дея ўйлади Заур. Аммо бу фикр бехуда эканлигини, уларни ҳеч ким ажратишни истамаётганлиги ни тушунди...

Уйларига етиб борганда Заур:

– Хўш, калитлар кимда ахир? – деб сўради.

Зевар хоним гуур билан:

– Кимда бўларди, албатта менда-да, – деди.

Заур чамадонларни машинадан тушириб бўлган эди ҳамки, Спартакнинг жигарранг «Волга»си етиб келди, Фарангиз ҳам машинада эди. Заур хотинининг келганига чиндан ҳам севиниб кетди... Спартак Заурга ёрдамлашди, юкларини 8-қаватга олиб чиқдилар. Зевар хоним эшикни очди, тўрталаси ҳам ичкари киришди... Зевар хоним Спартакка амирона тарзда буюрди:

– Чамадонларни анави бурчакка қўй! – У ўзини уйнинг соҳибаси деб ҳисоблар, бошқалар ҳам буни бир йўла тан олишини истарди.

Спартак:

– Бўпти, мен кетдим, – деди. Спартак бўшашиб қолган, жуда майнин гапирав, ҳамишаги дали-гулилиги йўқ, ҳатто кўзларига бир қадар қайғу чўккандек эди...

Заур уни эшиккача кузатиб чиқди-да, лифтнинг тутмасини босди, лифт саккизинчи қаватга кўтарила бошлади. Спартак унга ниманидир айтмоқчи бўлар, Заур ҳам унинг нимадир демоқчи бўлаётганини ҳис қилиб турарди. Шубҳасиз, икки оила ўртасидаги бу адоват тўрига Спартак ҳам тушиб қолган, балки унинг ўзи ҳам истамаган ҳолда Заурга Олия хонимнинг, ё бўлмаса Муртузининг қайсиdir гапини, уларнинг таҳдид ёки таклифини етказишни истарди. Гарчи ўзи истамаса-да, аммо шунга мажбурдек эди. Аммо бу гапни айтишни истамаётганлиги очиқ-ошкор кўриниб турарди, эҳ шўрлик... Мана, лифт ҳам етиб келди, эшиклари очилди. Ниҳоят, Спартак бўғиқ овозда:

— Биласанми, Заур, — деди. — Сенга бир нарсани айтмоқчи эдим... Таҳмина... ўлди...

Лифтнинг ичига кириб илова қилди:

— Церроз... Жигари... Йигирма кун ичидаги тамом бўлди шўрлик.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

*Ёнди жоним ҳажр ила, васли руҳи ёр истарам,  
Дардманди фурқатам, дармони дийдор истарам.*

Бинолар, кўчалар одамга шу қадар азоб беришини у ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бинолар, кўчалар, машиналар...

Хиёбон томон, ўша ажойиб июнь кунларида яшил «Москвич» ичидаги Таҳминани кутган хиёбон томон бурилди. Худди ўша ерда худди ўша рангдаги «Москвич» турарди, Заурнинг юраги портлагудек бўлди, хотиралар бостириб келаверди. Шу ерда, худди мана шу ерда Таҳминани интизорлик билан кутганлари, бетоқатлик билан рулни муштлаганлари, чеккан сигаретларининг тъми, ҳатто Таҳминанинг овози бир-бир ёдига тушди. Оқ тутмали қип-қизил кўйлак кийиб олган Таҳмина қўққисдан унинг ортида пайдо бўлган эди. Унинг қўлида сумка, сумкада эса «Камъю» конъяги, Заурга аталган конъяк бор эди... Таҳминанинг эшиги олдидағи супачани – ўша Спартакнинг «Волга»си турган (тунда Заур бу «Волга»нинг фиддиракларини тешиб қўйган эди) супачани кўриб баттар эзилди. Манави телефон будкаси. Ўша кеча Заур Таҳминага мана шу будкадан телефон қилган, телефонга ҳеч ким жавоб бермаган эди; кейин билса, чиндан ҳам пули вақтида тўланмаганлиги учун телефон кесиб қўйилган экан... Манави троллейбус бекати, Таҳмина ишга боришда ҳамиша мана шу бекатдан троллейбусга чиқар, Заур уни кузатиб қўярди. Таҳмина троллейбуснинг деразасидан Заурга қўл силкир, Заурга хуш ёқадиган бир ҳаракат билан соchlарини пешонасидан сидириб, жилмайиб қўярди.

Спартак Таҳминанинг ўлганини айтгач, бир муддат лифтнинг ичидаги лом-мим демай туриб қолди. Чунки энди айтгулик гапнинг ўзи йўқ эди, Спартакнинг ҳам, Заурнинг ҳам айтадиган гаплари тугаб бўлган эди. Ниҳоят, Спартак

лифтнинг тутгасини босди, эшиклари бекилган лифт пастга тушиб кетди. Заур эса хонасига қайтди, даҳлиздаги чамадонларни негадир хобхонага олиб кирди, хобхонасидаги чамадонларни даҳлизга олиб чиқди. Бир неча марта у хонадан бу хонага кирди. Ниманидир олди, ниманидир қўйди, сўнг онаси билан хотинига ҳеч нарса демай уйдан чиқди, лифт билан эмас, зинапоялар билан саккизинчи қаватдан пастга тушибди, дўкондан сигарет билан гугурт олди ва Таҳминаларнинг уйи томон яёв юриб кетди... Дастребу изтироб – оғриқ унчалик билинмаган экан, борган сари бу оғриқ кучая борди, ўша кўчага, ўша уйга етганда эса бу изтироб чидаб бўлмас азобга айланди. Заур ана шу азоб билан зинапоялардан, ўзига жуда таниш бўлган, охирги сафар асабий ҳолда тушиб кетган зинапоялардан кўтарила бошлади. Ва шунда бирдан англаб етдики, Таҳмина энди йўқ, энди ҳеч қачон қайтиб келмайди. Энди Таҳминани ҳеч қачон кўрмайди... Айни пайтда Спартак ҳам унинг хаёлидан кетмасди, унинг назарида гёй ҳозир қандайдир бир сир очилиб кетади-ю, Спартак билан Таҳмина ўртасида ҳеч қачон ҳеч гап бўлмаганлиги, Заурга бу шубҳалари бутунлай беҳуда эканлиги аён бўлади. Бу ҳақиқат шу қадар ойдинлашадики, Заурнинг пушаймонлиги ортиб, бир дардига ўн дард қўшилади. Бунда ўзини гуноҳкор деб ҳисоблайди. Таҳминанинг ҳеч қандай гуноҳи йўқлиги Заурнинг бағрини ўртаб юборади – ҳеч бўлмаса гуноҳини ювиш учун Заур ўзини ўлдиришни истайди... Шунда қўққисдан бир сафар Таҳмина уни Спартакларнинг боғига олиб борганлиги ва ўша ерда, бу ерга келишимизнинг тағин бир сабаби бор, деган гаплари ёдига тушади. Заур бу сабабни билса – кейинроқ билар, билмаса у абадий сирлигича қолади. Балки Заур ўша сабабни ҳозир, ушбу дақиқаларда билиб олар, балки ўша сабаб қўёш нури сингари ҳамма нарсани ойдинлаштириб юборар, ҳамма нарсага аниқлик киритар, балки ана шундан сўнг, ҳамма нарса аён бўлгандан кейин Заурнинг ҳеч қандай натижа бўрмайдиган сўнгги пушаймони унинг бутун ҳаёти давомида тузатиб бўлмайдиган азобуқубатта айланиб қолар...

Зинапоянинг иккинчи қаватида одамлар уймалашар, улар таҳтакач ичидаги йирик жавонни юқорига кўтариб чиқаётган эдилар, мўйна ёқали пальто кийган бир киши, афтидан жавоннинг эгаси, ҳаммолларга кўрсатма берарди:

– Чапга буринглар, бунақасига чиқариб бўлмайди деяп-

ман, чапдан кўтаринглар, чапдан. – Сўнг Заурни кўриб, ундан сўради: – Юқорига чиқмоқчимисиз? – ҳаммолларга: – Йўл беринглар, бу йигит ўтиб кетсин, – деди.

Заур уларнинг орасидан, жавоннинг ёнидан ўтиб кетди, мўйна ёқали одам тағин кўрсатма бера бошлади:

– Энди бир оз пастта туширинг, аҳа, ҳой полвон, бу томонидан кўтар!

Заур учинчи қаватга чиқди. Таҳминанинг эшиги ланг очиқ, эшикда эса янги лавҳа ўрнатилган эди: «Хизмат кўрсатган инженер-рационализатор Г. Каримов».

Эшикда бошяланг, гулдор халат кийган, афтидан, хизмат кўрсатган рационализаторнинг хотини турарди. Жавонни ҳам, чамаси, бу уйнинг янги эгалариникига олиб чиқаётган эдилар. Мўйна ёқали пальто кийган киши ҳам, афтидан, инженер-рационализатор Г. Каримов эди... Заур файриихтиёрий равишда ичкарига қаради-ю, ногоҳ юраги орзиқиб кетди. Таҳминанинг хувиллаб қолган хонасида бир неча стол ва стуллар турарди – Таҳминаники эмас, Каримовларнинг стол ва стуллари. Хонада на қадимий девор соати, на Таҳминанинг суратлари, на альпинистлар совға қилган пакана анжир бутаси қолган эди. Фақат деворларда ўша-ўша гулқоғозлар эди... Заур орқага ўгирилиб, қаршидаги эшик олдида тўхтади ва тутмачани босди.

Ичкаридан аввал ёш боланинг овози, кейин эса аёлнинг жаҳлдор товуши эшитилди:

– Шошма бирпас, кўрайлик-чи, ким келибди! – Мадина ўғлига қичқирап эди. Эшик очилди. Мадина:

– Заур, – деди ва ўпкаси тўлиб келди. Яна такрорлади: – Заур... – у йиғлар эди...

Заурнинг кўзларида ёш йўқ, у йиғлай олмас, аммо ичичидан бир дард тўлиб келар, бўғзига нимадир тиқилиб қолгандек эди.

Тувакда ўтирган беш ёшлар чамасидаги тўлагина болакай онасининг йиғлашига бир муддат ҳайрон тикилиб турди, сўнг қўрққанидан чинқириб йиғлай бошлади...

Қаршидаги эшикдан халатли аёл уларга бир таажжуб билан тикилиб турди, сўнг ичкарига кириб, эшигини бекитиб олди. Мадинанинг қия очиқ эшигидан кичкина телевизор кўриниб турар, бу ҳам Заурнинг ярасига туз сепарди. Бир ойдан ошиқроқ Таҳминаникida қолиб, Мади-

на билан қўшни яшаган бўлса-да, бирон марта ҳам унинг кирмаганлиги Заурнинг хаёлидан ўтди.

Мадина кўйлагининг этагига кўз ёшларини артаркан:

— Ичкари кир, — деди.

Заур ичкари кирди. Болакай ҳамон йигларди. Мадина ўғлини туваги билан бирга қайгадир элтиб қўйди ва уни овута бошлади. Заур кичик ва эски телевизорни, хонанинг арzon жиҳозларини кўздан кечирар экан, бу уйнинг эгаси қисиниб-қимтиниб, муҳтоҷликда яшашини англали... ниҳоят, бола тинчили, Мадина ёшли кўзларини арта-арта хонага кириб келди ва Заурнинг қаршисига ўтириди.

Заур сигарет тутатди. Мадина:

— Қачон келдинг? — деб сўради. У Заурни сенсирай бошлаган, гўё бу қайғу уларни яқинлаштириб, бир-бирига маҳрам қилиб қўйган эди.

Заур:

— Бугун, — деди, — бундан ярим соат илгари келдим.

Болакай:

— Мама, қачон борамиз ахир? — деди.

— Ҳозир, ҳозир, жоним, қарагин, амакинг бизнигiga меҳмонга келибди, — деди ва Заурга қараб изоҳ берди, — эрталабдан бери кинога олиб бор, деб ҳол-жонимга қўймайди... Менинг кинога боргулик ҳолим борми?

Бола йигламсираб:

— Айтинг, қачон кетамиз? — деди.

— Ҳозир борамиз, ҳозир, бор, сен коптогингни ўйнаб тургин, мен ҳам дарров чиқаман.

Бола оғриниб хонадан чиқди. Мадина:

— Шунаقا гаплар, Заурик, — деди. — Таҳминадан ҳам айрилиб қолдик... — деди ва яна йиглади...

Заур нима дейишини, нима қилишини билмасди. Мадинани овутай деса, ўзи ундан баттарроқ таскинга муҳтоҷ эди.

Нимадир дейиш кераклигини англаш:

— Менга Спартак айтди, — деди.

Балки энди, Спартакнинг номини тилга олгандан кеийин Мадина фавқулодда бир сирни очар, балки тирик қолганлардан ёлғиз Мадина бу сирни билар. Бу сир очилгач, эҳтимол, ҳамма нарса ойдинлашар ва шунда Заур ўзининг хато қилганлигидан минг афсус-надоматлар чекар.

Аммо Заур яхши англардикى, Мадина ҳеч қандай сир-ас-  
рорни ошкор этмайди, чунки у ҳеч қандай сирни билмайди,  
аслинин олганда тайин бир сирнинг ўзи йўқ... ҳеч қандай  
хато ҳам, ҳеч қандай гумон ҳам йўқ, ҳаммаси ўша-ўша,  
фақат энди Таҳмина йўқ, холос.

— Церроз, жигари оғриб, йигирма кун ичида тамом  
бўлди. — Мадина Спартакнинг сўзларини тақрорлади. Сўнг  
Заурга бутун тафсилотларни, Таҳмина қаттиқ азоб чекка-  
нини, шишиб кетганини бир-бир гапириб берди.

— Сираям ўлишни истамасди, шўрлик. Ётиб қолиши-  
дан илгари тез-тез, ўлгим келяпти, яшащни истамайман,  
деб тақрорларди, аммо бу шунчаки гап эди, холос. Чин-  
дан ҳам ётиб қолиб, оғриқлар хуруж қила бошлагач,  
шифохонага тушди. У ерда энди ўлишига кўзи етгач,  
мени олиб қолинглар, ўлишни истамайман, деб чунон  
ёлворди, чунон илтижолар қилдики шўрлик... Аммо то  
охирги нафасигача ўзини мардона тутди...

Болакай тагин хонага кириб, тихирлик қила бошлади:

— Ойи, кинога қачон борамиз ахир?

— Ҳозир, ўзимнинг аклли болам, ҳозир кетамиз... То  
жон таслим қилгунча Мухтор қадамини узмади, тез-тез  
хабар олиб турди... Манноп ҳам келиб турди. Жуда яхши  
одам экан у, биз билмаган эканмиз уни, Заур, барча дағн  
харажатларини ўша кўтарди, учини, еттисини ўтказди, яқинда  
қирқи бўлади, аммо энди у қирқини ўтказолмайди, уйни  
алмаштиришди... Уларнинг уйига бир инженер оиласи би-  
лан кўчиб келди, энди қирқини бериш қийин.

— Мама, кета қолайлик...

— Ҳозир, ўғлим, ҳозир, бирпас амакинг билан гапла-  
шайлик, кейин кетамиз.

Заур ўрнидан турди, энди тик оёқда гаплашардилар.

— Чунон озиб кетдики, кўрсанг танимасдинг шўрлик-  
ни... Оғриқ ёмон азоб берди, аммо ҳеч ҳазилини кўймас-  
ди... Қандай яхши, энди менинг қартайиб, мункиллаб  
қолганимни ҳеч ким кўролмайди, дейди... Дўхтири ёшги-  
на, хуббичимгина бир йигит эди. Ўлимидан бир кун  
олдин менга, афсус, шундай гўзал йигит менинг ўлиб  
ётганимни кўрадиган бўлди, деди. Тагин ҳазиллашиб, мени  
яланғоч ҳолда кўрганлар бор эди, бироқ ҳеч ким ўлик

холда кўрмаган эди, биринчи бўлиб мана шу йигит кўрадиган бўлди, деди.

Заур сигаретини ўчириб, янгисини тутатди.

Мадина:

— Заур, ўтиранг-чи, — деди, сўнг даҳлизга кўз қирини ташлаб илова қилди, — ўзи билан ўзи овуниб, бизни эсдан чиқарди. — Чиндан ҳам болакайнинг овози эшитилмай қўйган эди.

— Бирпас ўтири, ҳозир чой дамлаб келаман, — деди.

— Чойнинг кераги йўқ. Тағин гапир у ҳақда, — Заур ҳам Мадинани сенсирай бошлаган, Мадина унинг учун энг яқин, сирдош кишига айланаб қолган эди.

— Э воҳ, Заур, нимаям дейман.. Унинг яшаб ўтгани худди рўёга ўхшайди, бирон ном-нишон ҳам қолмади бадбаҳтдан. Аммо, биласанми, қандай ажойиб инсон эди. Юраги тилла эди унинг... Сени қаттиқ соғинарди... Чиндан ҳам сенсиз туролмасди... Сен кетиб қолганингдан кейин шўрликнинг не аҳволга тушганини билсайдинг.

Заур:

— Биламан, — деди. — Кўй, буни...

— Тушунаман, сенга ҳам оғир, албатта. Аммо сен ҳали ёшсан, бутун умринг олдинда. Ҳаммаси унутилиб кетади, эҳ, Заур, бу бевафо дунёning ишлари шунаقا экан.

Заур:

— Ҳа, — деди, — шунаقا...

Мадина хаёлга чўмди, сўнг ўзи билан ўзи гаплашаёт-гандек:

— Аммо шўрликни бекорга ранжитардилар, — деди.

Мадина бир оз тараддулланиб қолди, сўнг:

— Билмадим, — деди, — сизни килардан кимдир бўлса керак. Аччиғинг келмасин. Сен хотининг билан сафарга кетганингдан кейин кимдир бирор унга ҳар куни қўнғироқ қиласарди. Ҳа, қисир эчки, дерди, нима бўлди, дардаламинг ичингда қолиб кетдими? Ўйининг ўтмай қолдими? Заурнинг хотини ҳомиладор, яқинда фарзанд кўришади, дерди.

Мадина Заурнинг ранг-рўйини кўриб чўчиб кетди ва шошганича:

— Йўқ, онанг эмас, — деди. — Онангнинг овозини танирди Таҳмина, кимдир бошқа бирор эди.

Заур: «Олия, – деб ўйлади: – Ахир Олия унда ҳали бизнинг фарзандимиз туғилишини билмасди-ку. Бу ёлғон қаердан ҳам унинг хаёлига келди экан?»

– Чиндан ҳам бирон янгилик борми? – аёлларга хос қизиқиш билан ўсмоқчилаб сўради Мадина.

Заур қизариб кетди. Гёё Таҳмина унинг қонуний хотини-ю, Фарангиздан туғиладиган фарзанди унга хиёнат бўлиб туюларди.

– Шифохонада ҳам тез-тез сени эсларди... Энг охирги нафасигача...

– Нима дерди?

Мадина қулимсиради:

– Заур мени уларга сотди, дерди.

– Улар дегани ким?

Мадина елкаларини қисди:

– Қаердан билай...

Мадинанинг ўғли тагин қайтиб келди:

– Мама, қачон кетамиз ахир?

– Ҳозир, жоним болам, ҳозир.

Даҳлизга чиқдилар.

Мадина:

– Барака топсин Спартак, – деди, – жуда катта ёрдами тегди, қандай дори керак бўлса, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келди, қанақа дўхтир лозим бўлса ўз машинасига ўтқазиб олиб келди.

Заур:

– Қайси числода вафот этди? – деб сўради.

– 14-да...

«Ўша кун биз қайси мамлакатда эдик?» – деб ўйлади Заур, бироқ ҳеч эслай олмади.

Эшикка чиққач:

– Раҳмат сенга, Мадина, – деди.

– Нимасига раҳмат дейсан?

– Ойи, бора қолайлик, амаки ҳам кетяпти-ку.

– Ҳозир, ҳозир кетамиз, – бирдан Мадинанинг эсига нимадир тушиб қолди, – ёдимдан кўтарилаёзибди, сенга хат қолдирган эди.

– Хат? – Заурнинг юраги шиддат билан ура бошлади: балки ўша сирнинг қалити шундадир, эҳтимол, ана шу хат ҳамма нарсага ойдинлик киритар? Мадина уйга кириб кетди

ва бир оздан сўнг бир парча қоғоз кўтариб чиқди. Қоғозлардан бири квитанция эди. Кўзи тушган заҳоти Заур уни таниди – Москвада кўчани нотўғри кесиб ўтгандари учун сержант Трофимов уларга жарима соглан ва мана шу квитанцияни йиртиб берган эди. Мадина иккинчи қоғозни узатаркан:

– Ўлимидан икки кун илгари духиларнинг сирини ёзib қолдирди бу ерга, – деди. – Сенга бериб қўйишимни илтимос қилиб, «Заурнинг хотини ана шу атирларни сепиб юрсин, ўшанда ҳар сафар Заур мени эсга олади», деди.

Заур қалам билан ёзилган бу қоғоз парчасини чўнтағига солди. Мадина билан хайрлашиб, аста-секин зинапоялардан тушиб кета бошлади. Энди зинапоялардан учинчи қаватта пианино кўтариб чиқаёттан эдилар, хизмат кўрсатган инженер ҳовлиқиб кўрсатмалар берарди: «Эҳтиёт бўлинглар, бу пианино, ахир, ерга қаттиқ қўйманглар, секин, секин кўйинглар. – Заурга кўзи тушиб: – Ўтмоқчимисиз? – деди. – Йўл беринглар, бу йигит ўтиб кетсин...»

Заур ўгирилиб Таҳминанинг эшигига қаради, эшик яrim очиқ эди. Зинапоялардан оғир-оғир тушиб кета бошлади, у билардики, энди бу зинапоялардан ҳеч қачон, умр бўйи қайтиб кўтарилемайди.

Аммо билмасдики...

## ЭПИЛОГ

*Ўйла сармастамки, идрок этмазам дунё надур,  
Мен киму соқий ўлан кимдир, маю сабҳо надур.  
Гарчи жонондан дили шайдом учун ком истарам,  
Сўрса жонон билмазам коми дили шайдо надур.  
Ҳикмати дунёву мофиҳо билан ориф дагил,  
Ориф улдур билмая дунёву мофиҳо надур.*

...билмасдики, умрида Таҳминани тағин бир марта кўриш насиб этади... Билмасдики, бир кун кечкурун Таҳминанинг овозини эшлитиб титроқча тушади, дарҳол телевизор томон отилади ва экранда Таҳминага кўзи тушади – телевизорда Москвадаги ўша кўрсатувнинг видеоёзуви такрор кўрсатилаётган эди. Ўша кўрсатувда Таҳмина Заурни туғилган куни билан табриклаган эди, табрикни кесиб ташлаган эдилар, аммо Таҳминанинг Заурга бағишлаган имо-

лари – пешонасидаги сочларини қўли билан сидириб ташлагани қолган эди. Ўша оқшомда – Таҳминанинг ўлимидан хабар топган оқшомда – Бокуга қайтиб келган оқшомда Заур, қиз кўрсам отини Таҳмина қўяман деб қатъий аҳд қилган эди. Бу масалада оиласа норозилик, гап-сўз бўлишини билар, вақт ўтган сари бу ниятини амалга ошириш мушкул эканлигидан чўчир, чиндан ҳам, агар қиз кўрса, вазиятдан қандай чиқишини билмас, аҳдидан қайтишни истамас, айни пайтда баланд-паст гаплардан, гийбатлардан, ҳар хил миш-мишлардан ҳам қўрқарди. Не баҳтки, ўғил кўрди, ўғли туғилишидан икки ой олдин Фарангизнинг отаси Муртуз вафот этган эди, унинг хотирига боланинг исмени Муртуз қўйдилар. Муртуз Балаевич инфарктдан ўлди, чунки Спартак қўлга тушгандан кейин у бу иснодга чидай олмади. Спартак валюта масаласи билан ушланди ва беш йилга кесилди, суднинг ҳукми чиққандан кейин бутун Муртузовлар оиласининг, шу жумладан, Олия хонимнинг дами ичига тушиб кетди, қудаларининг бурни ерга текканини кўриб, Зевар хоним ич-ичидан севинди.

Заур эндиликда ота-онаси билан жуда кам кўришар, Муртузовларни кига эса ойда-йилда бир борарди, аммо бола туғилгандан кейин Олия қизи Фарангизга қўп ёрдам берди. Заур бир оз геология экспедицияда тентираб юрди, сўнг тагин Бокуга қайтиб, отасининг ёрдамида министрликка ишга кирди. Заур энди ҳеч қачон диссертация-писсертация ёзмаслигини аниқ биларди, шунинг учун ҳам унга министр референти вазифасини таклиф этишганда, у бунга мамнуният билан рози бўлди. Бу иш Заурни янги муҳитга олиб кирди, қачондир ёшлиқ пайтларида бундай вазифаларни масхара қилганлигидан эндиликда ўзи ҳам таажжубга тушарди. Эсида, бир пайтлар бошқа бир министрнинг ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган дўстининг кўзини очирмасди. Дўсти «эртага хўжайин билан Москвага учяпмиз», деганларида Заурнинг тасаввуррида министрнинг оғир чамадонини кўтариб юрган дўсти жонланарди. Заурнинг назаридага дўсти фақат министрнинг оғир чамадонинигина эмас, балки унинг хотинининг ҳаммом халтасини ҳам кўтариб юрадигандек туюларди. Нега бундай ўйларга боришини унинг ўзи ҳам билмасди, ахир, табиийки, министр хотинининг ҳеч қанақа ҳаммом халтаси

йўқ, чунки у ҳаммомга бормасди, ўзининг ажойиб ваннаси турганда у ҳаммомда нима қилсин? Бунинг устига халта билан?.. Заур бир сафар ўша дўстининг министр билан бозор қилиб юрганини кўриб қолган эди, балки бу тасаввурлар ана шу сабабдан туғилгандир. Заурнинг ўзи эса, табиийки, чамадон-памадон ташимас, бозор-ўчар ҳам қилмас, аммо ҳар замонда у ҳам министр билан бирга Москвага бориб турарди. Министрнинг ёши қайтиб қолган бўлиб, жуда назокат билан, лозим бўлганда навбатидан чой дамлаб келиш учун, Заурнинг ўз ёнида қолишини сўрар, баъзан Госпландаги мажлисларга шўнгигиб кетганида: «Модомики бўш экансан, магазинларни бир айланиб чиқ», деб илтимос қиласарди ва хотини ҳамда қизи берган рўйхат бўйича майдачуйдаларни олишни унга топширади. Табиийки, пулини министрнинг ўзи берарди. Министрнинг хотини ҳам жуда маданиятли, назокатли аёл эди. У Заурни ҳурмат қиласар, унинг иззат-нафсига тегиб кетмасликка интиларди, фақат бир-икки дафъа иложсиз қолганида Заурдан уста топиб келиб, ванналарнинг ишдан чиқсан колонкаларини тузаттиришни илтимос қилган, эримга айтай десам, иши шунчалик кўпки, бош қашишга ҳам вақт топмайди, дерди. Заур министрнинг аҳволини тушунар, аммо аслини олганда ўзининг ишлари ҳам бошидан ошиб ётарди, у министр учун турли-туман ҳужжатлар, васиқалар тайёрлар, министрнинг қабулига ёзилганларни унинг ҳузурига киритар, келган хатларни саралаб, тартибга солар, министр билан бирга районларга чиқиб турардилар, кундузи ишларни битказишгач, кечкурун меҳмонхонада ра-йон раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган хуфия ўтиришларда министр бир оз отиб олар, кайф қилганида Заурни сенсирай бошларди. Ҳамиша расмий гаплашадиган бу қаттиқўл, қуруқ кимса ана шундай пайтларда эшилиб кетар, оғзидан бол томарди. Заурга: «Сенинг ишингдан розиман, — дерди, — икки-уч йил ишлаб тур, кейин сени ўзим кўтариб юбораман, сен ҳақингда керакли жойларга щипшитиб қўйганман, вақти келиб мустақил, зўр ишга ўтасан...»

Аммо бадбаҳт қунларнинг бирида министрни ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга чиқариб юбордилар. Янги министр анча ёш киши эди, бу лавозимга тайинланганидан кейин бир оз вақт ўтгач, аста-секин аввалти министрнинг одамларини бир-бир тозалай бошлади, қунларнинг бирида Заурга унинг ўрнига

бошқа номзод борлигини шама қилди. Заур кетиш учун ари-за берди, бироқ отаси Мажид аллақачон дунёдан ўтганлиги учун ўзига бирор тузукроқ иш топа олмади. Фақат Дадаш-нинг марҳамати соясида яна ўша нашриётта – аввалги ишига қайтди... Заурнинг иккинчи фарзанди туғилди – бу ҳам ўғил эди, икки йилдан сўнг учинчи ўғли туғилди, ниҳоят, уч йил ўтгандан кейин қизи дунёга келди. Зевар хонимга бу неварасини кўриш насиб қўлмади, қизалоқ туғилишидан ўн кун аввал вафот этди ва чақалоқнинг исмини Зевар қўйдилар... Уч йилдан сўнг Олия хоним ҳам вафот этди, ўттиз йил ўтгандан кейин эса уларнинг даврасидаги одамлардан Да-даш, Сафдар тоға, Тоҳира, Жабборлар ҳам дунёдан ўтишган эди. Энди Мухтор ҳам йўқ эди. Таҳмина ўлган йили у илорасида қандайдир жанжал кўтарди, сўнг кўчиб кетиб, бир оз Москвада яшади, у ерда ишлари ёмон кетмаётган эди, бироқ негадир тагин Бокуга қайтиб келди ва бу ерда автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлди... XX асрнинг охирида уларнинг даврасидаги одамлардан фақат Неъмат, Сурайё, Заур ва Фарангиз ҳаёт эди. Дарвоқе, Спартакнинг ҳам беш йилни ўтаб озодликка чиққанига анча бўлган, қамоқдан чиққанидан кейин у батамом ўзгариб кетган, юввош тортиб қолган эди. Ҳа, бизга таниш бу одамлардан соғ қолганлари – Неъмат, Сурайё, Заур, Фарангиз ва Спартак бир кун ниманидир қайд этиш учун – агар саҳв бўлмаса, Муртузнинг – Заурнинг ўғли Муртузнинг туғилган кунини нишонлаш учун бир ерга йиғилишиди. Эҳтимол, туғилган кун учун эмас, бошқа бир муносабат билан йиғилишгандир, балки у пайтга, яъни XX асрнинг охирларига бориб туғилган кунларни нишонлаш урфдан чиқиб кетар, ким билсин тагин? Ҳар ҳолда муаллифнинг ўзи ҳам аниқ билмайдики, ўша вақтга бориб одамлар ҳозиргидек китоб ўқийверадими, севаверадими, ўлаверадими ёки бир амаллаб ўлимнинг чорасини топиб оладиларми? Эҳтимол, инсонлар ўшанда ўлимга чора топиб, боқийликка нойил бўлганларидан сўнг бу боқийлик уҳдасидан қандай қилиб қутулиш йўлини излаб қоларлар? Хулласи калом, нимадир сабаб бўлиб, бизнинг барча тирик қолган бу қаҳрамонларимиз бир ерга йиғилишган, ажойиб тушлик овқатни еб олгач, нард ўйнашга ўтирган эдилар (тотли таомлар ва нард, шубҳасиз, ўша пайтда ҳам бўлади), шу маҳал гап орасида кимдир, Неъмат эди, шекилли, Таҳминани ёдга олди. «Бу кечага ғалати туш кўриб-

ман, – деди у, – биласизми тушимга ким кирибди – Таҳмина. Ҳа-ҳа, Таҳмина, худди ўша пайтдагидек ёш, ҳаммамизнинг хотирамизда қолган ўша қиёфада – гўзал, хушрой, жозибадор...» Шу гапнинг устида, во ажаб, деди Спартак, мен ҳам яқинда кўчада бир аёлга дуч келдим, гўё Таҳмина билан бир олманинг икки палласи. Агар Таҳминанинг бола-чақаси йўқлигини аниқ билмаганимда, бу аёл унинг қизи эканлигига қасам ичиш учун тайёр эдим, одам ҳам одамга шу қадар ўхшар экан-да. Энг қизиги шунда эдики, у аёл бугунги урф бўйича эмас, ўша пайтдаги, Таҳминанинг ёшлик йилларидаи урф бўйича кийиниб олган эди, тапимга ишонмассиз, лекин у худди Таҳминанинг ўша пайтдаги кўйлакларидан бирини кийиб олгандек эди... Немат, кишилар дунёдан ўтганда бутунлай йўқолиб, номнишонсиз ўшиб кетмайдилар, уларни хотирлайдиган, овозларини, қиёфаларини ёдда сақладайдиган кишилар тирик экан, марҳумлар ҳам бу кишиларнинг фикрларида, хаёлларида, тасаввурларида яшайверадилар, деди... Биз, эҳтимол, деди у, Таҳминани хотирлайдиган охирги авлод, сўнгги насл бўлсан керак.

Бу сўзлар Заурнинг миясида қаттиқ ўрнашиб қолди, аммо соқقا отишда Спартакка икки хол ютқазиб, бу фикрни бутунлай унуди...

Заур билмасдики...

\* \* \*

*Хаёлила тасаллидур, кўнгил майли висол этмаз,  
Кўнгилдан дишра бир ёр ўлдигин ошиқ хаёл этмаз.*

... билмасдики, орадан кунлар ўтади, бир оқшом, ёмғирли бир оқшом, ёмғирли куз оқшомларининг бирида, қайгули, ёмғирли куз оқшомларининг бирида бели букчайиб қолган, кекса бир киши автобусдан тушади. Қўлтиғида нимдош портфели бўлади бу кишининг, портфелининг ичиди ҳар хил қофозлар, нон, колбаса, пишлоқ, шунингдек, кундалик майда-чуйда ташвишлари бўлади. Балки бу кимса бурчакдаги киоскага навбатда туриб газета олади... Балки сигарети билан гугурти тутаб қолганлиги ёдига тушиб, сочувчига пул узатади (ўша пайтларда ҳам пул ишлатилса, албатта), сигарет олгач, қайтимини ҳисоблаб ҳам ўтирмасдан чўнтагига уради. Сўнг уйи томон оғир-оғир юриб

кетади... Йўлда у кечқурунги телекўрсатувлар ҳақида (балки у пайтда телевизорлар ўрнини голографлар олар, ким билсин), эрганги ишлари ҳақида хаёл суреб боради. Ўслига ботинка, қизига пальто, хотинига ёмғирпўш олиш ҳақида, ўз ёмғирпўшини тозалашга бериш ҳақида ўйлади... Газ плитасини тузаттириш, томга мум қўйдириш, ёзда курортга бориш учун пул йигиш (ўша пайтларда ҳам пул ишлатилса, албатта) лозимлиги ҳақида ўйлади. Янги мудир билан тил топиша олмаётганлиги ҳақида, ҳаво жуда ёмонлиги ҳақида, бу дунёда ниҳоятда маънисиз бир умр кеирганилиги ҳақида ўйлади.

Ногоҳ у титраб кетади: назарида кўчанинг нариги бетида ёш бир аёл муюлишдан бурилиб, дарҳол фойиб бўлгандек туюлади... ва бу аёлнинг олис кўлкаси уйқудан уйғонган шамолдек унинг юрагида эса бошлайди, унунтилган бир ҳидни унинг димоқларига келтириб уради бу шамол. Қариянинг қалбига дунёда энг енгилмас қурратга эга бўлган ҳис – умид уйғонади. Умид бир лаҳзада уни жуда олисларда қолган ёшлигининг ачиқ-ширин кунларига қайтаради, у севган барча аёллар уммонда чўкиб кетган олис ороллар каби бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлайди. У муюлишда фойиб бўлган ўша кўлкани қувиб етмоқчи, уни тўхтатмоқчи бўлади, бироқ дарҳол бу фикрни миясидан қувиб чиқаради ва хотиржам ўз йўлида давом этади. Муюлишга етганда нафасини ростлаш учун тўхтайди, чунки нишабликдан кўтарилар экан, унинг ўлкаси оғзига тиқилиб қолгудек бўлади. Ўзини бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга мажбур қиласди, анчайин кечқурунги телекўрсатувлар (ёки голокўрсатувлар) ҳақида, об-ҳаво ҳақида, белидаги бод касаллиги ҳақида ўйлай бошлайди... Шундоқ ёнгинасидан тириллаб ўтган мотоцикл унинг устига кўлмак сув сачратиб кетади. Мотоциклда ёш йигит ва қиз ўтирган бўлиб, қиз йигитнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган эди. Қария учун ҳамиша қизил кўринган светофор бу икки ёш учун яшил чирогини ёндиради... Қария... қаердан ҳам билардик...

\* \* \*

*Ҳақ билур, ёр дагил жону дилимдан фойиб,  
Нўла гар фойиб эса дийдайи гирёнимдан.*

...Заур қаердан ҳам билардики, орадан неча-неча кун ўтади, ой ўтади, ой кетидан йил ўтади ва у яна кунларнинг бирида – бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ – у яна кунларнинг бирида Таҳминани учратиб қолади... Улар – Заур ва Таҳмина – бир-бирларига тўқнашиб кетишларига сал қолади... Таҳмина Заурни кўриб жилмаяди – ҳамон ўша либосида, оқ тугмали қизил қўйлагида эди Таҳмина, шунда Таҳмина-га вақтнинг ҳеч қандай дахли йўқлиги маълум бўлади, унинг на ҳусну жамоли ўзгарган, на қомати, на ёши... У ўттиз йил аввалгига ўхшаб Заурга қараб жилмаяди, Заур, жисму жони титроққа тушиб, Таҳминанинг номини тилга олади, бироқ унинг исмини тилга олиши биланоқ Таҳмина кескин бурилади, кўчадаги издиҳомга қўшилиб, йитиб кетади. Бир оздан сўнг Заур тагин уни метронинг ёнида кўриб қолади, дарҳол ортидан югуради ва метро вагонининг ичидаги унинг қизил қўйлагига кўзи тушади... Эшиклари бекилган, ҳаракатга келган поезднинг деразасидан Таҳмина унга қўл силкийди ва жилмайиб қўяди. Заур кейинги поездга миниб унинг кетидан кувади. Энди Таҳминага ётишдан бутунлай умидини узади, лекин бари бир кейинги бекатда тушиб, бутун перронни изғиб чиқади, сўнг эскалатор билан юқорига – ер юзига кўтарилади, кўчада у ёқ-бу ёққа аланглаб қарайди ва ниҳоят, тагин унинг янги меҳмонхонага кириб кетаётганини кўриб қолади... Дарҳол ортидан югуради ва шу пайт Таҳмина лифтнинг эшиги томон отилади, аммо ултуролмай қолади – эшиклар бекилиб бўлади. Заур девордаги электр таблога тикилади – унда лифтнинг ҳаракати кўриниб туради – қаватларнинг рақамлари кетма-кет бир-бирини таъқиб қиласи – 2, 3, 4, 5, 6. Лифт олтинчи қаватга чиқиб тўхтайди. Заур тутмачани босади ва лифт биринчи қаватга қайтади, тобут каби оғир ва вазмин келиб тўхтайди Заурнинг олдига; эшиклар очилади, Заур лифтнинг ичига кириб, олтинчи қаватнинг тутмасини босмоқчи бўлади, аммо шунда маълум бўладики, олтинчи қаватнинг тутмачаси йўқ, чунки олтинчи қаватнинг ўзи йўқ, бино беш қаватли экан, холос. Ташқаридаги электр таблосида ҳам олтинчи қават йўқ эди, Заурнинг кўзларига кўринган экан бу рақам. Лифт аниқ олтинчи қаватга чиққанлиги ҳақида Заур қасам ичишга тайёр эди. Ҳар ҳолда,

Заур бешинчи қаватга күтарилади, навбатчини саволга туради, бироқ навбатчи ҳам ҳеч қанақа қизил кўйлакли аёлга кўзи тушмаганини айтади. Заур бутун қаватни изғиб, уни ахтаради, кейин эса ёнгин нарвонидан томга чиқади. Томда эса гўзал май кечасидан, юлдуз тўла осмондан, ишқибозлик қилаётган мушуклардан бошқа ҳеч нарса, ҳеч ким йўқ эди, томдан эндиғина қўйилган мум ҳиди анқирди, холос...

Бу ғариб, изоҳсиз воқеадан ташқари Заурнинг ҳаётида умр бўйи ҳеч бир ажойиб, ғалати, англашилмас ҳодиса бўлмаган ва бўлмас ҳам эди: иши, оиласи, болалари, дўстлари, таниш ва нотаниш одамлари бор эди Заурнинг ҳаётида, улар тугилар ва ўларди... тағин бир қабристон, бу қабристонда ғариб бир мозор бор эди, мозорнинг устида Таҳминанинг исми шарифи ва 1941 – 1965 рақамлари ёзилган эди. Мадинанинг, Маннопнинг ва Мухторнинг ўлимидан кейин бу қабрнинг устига ҳеч ким келмай қўйган эди...

\* \* \*

*Туташиди ғам ўдина шод кўрдигинг кўнглим,  
Муқайяд ўлди ул озод кўрдигинг кўнглим.  
На кўри бодада билмонки ўлди бодапараст,  
Муриди машрабу заҳҳод кўрдигинг кўнглим.  
Фузулий айлади оҳанги айшхонайи Рум,  
Асири меҳнати Бағдод кўрдигинг кўнглим.*

Эрталаб соат еттида темир йўл вокзалининг қаҳвахонасида ўтириб, ширин шароб ичар, қотган нон ва қуришиб қолган голланд пишлогини газак қиласдилар. Муҳаммад Носир Заурнинг сўзларини диққат билан тинглар экан, сўраб қолди:

– Нечанчи қаватга кўтарилди?

Заур:

– Олтинчига, – деди, – бошимни гаровга қўйиб айтаманки, хато қиласдиганим йўқ, ўз кўзларим билан кўрдим бу рақамини... аммо бино беш қаватли эди, ахир...

Муҳаммад Носирнинг ёши бир жойга бориб қолган бўлсада, ҳали тетик, ҳар кун эрталабданоқ канда қиласдан биринки қадаҳ «Ағдам» виносидан отиб оларди. Тўгри, энди аввалгига нисбатан оз ичар, аммо худди аввалги каби ҳар

куни ичарди... Кейинги пайтларда тез-тез Заур билан бирга ичадиган бўлдилар – йиллар ўтган сари уларнинг ўртасидағи ёш фарқлари йўқолиб кетган, эндиликда ташқаридан кузатган кимса бу икки қария шароб ичганича ўтган кунларини, олис хотираларини эслаб, наш риётда кечган узун умрларидан суҳбатлашиб ўтирибди, деган хаёлга борарди...

Заур яна такрорлади:

– Ахир, бино беш қаватли эди.

Муҳаммад Носир узоқ муддат қайларгадир тикилди, кўзлари йўл кетди, гўё у нигоҳлари билан деворни тешиб, олис-олисларга боқарди, сўнг қўққисдан бундай деди:

– Агар одамлар беш қаватли бинонинг олтинчи қавати ҳам бўлиши мумкинлигини тушунишса, унда нима кераги бор эдик...

1974–1978

АНОР

**БЕШ ҚАВАТЛИ УЙНИНГ ОЛТИНЧИ ҚАВАТИ**

*Роман*

*Тошкент «Маънавият» 2004*

Муҳаррир *Ш. Илҳомбекова*  
Рассом *Г. Шоабдураҳимова*  
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*  
Компьютерда тайёрловчи *А. Турсунов*

Теришга 18.03.2004 й.да берилди. Босишга 14.09.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 11,76. Шартли кр.-отт. 12,20. Нашр т.10,11. 3000 нусха. Буюртма № А-5855. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 09-04.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриётматбаа ижодий уйида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-уй. 2004.